

Құчқор НОРҚОБИЛ

**УРУШ ТУГАСА,  
АЙТИНГ, ҚАЙТИБ КЕЛАМАН**



Құчқор НОРҚОБИЛ

# ҮРУШ ТҰГАСА, АЙТИНГ, ҚАЙТИБ КЕЛАМАН



  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
Тошкент  
2021

Nizomiy nomli  
TDRU  
жылбасының

**УУК: 821.512.133-3**

**КБК: 84 (5У)7**

**Н-79**

Норқобил, Құчқор

Уруш тугаса, айтинг, қайтиб келаман: қиссалар, ҳикоялар.  
/ Құчқор Норқобил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021 йил.  
– 320 бет.

ISBN 978-9943-20-796-7

Құчқор Норқобил асарлари халқчиллиги, самимиilikи билан ақамиятли. Ижодкорнинг яна бир ютуғи унинг уруш ҳикояларida яққол намоён бұлади. Урушни күрмаган ижодкорнинг бу мавзуда тасвирлари қанчалик бүёқдор бұлмасин, уруш күрган ёзувчининг ёзгани оқ-қора рангларда тасвиrlанса-да, анчайин салмоқлы, жонли чиқади. Уруш күрганларга у ҳақда ёзиш осон эмас, тасвиrlаш, хотирлаш азоб. Ва айни шу азоб таъсири үқувчига-да үтади. Китобхонни изтиробга солади. Мазкур китоб мутолаасида шу каби кечинмаларни бошдан үтказамиз. Ёзувчи ижодидаги қисса ва ҳикоялардан таркиб топған тұплам мутолааси, сиз азиз китобхонларга манзур бұлишидан умидвормиз.

**УУК: 821.512.133-3**

**КБК: 84 (5У)7**

ISBN 978-9943-20-796-7

© Құчқор Норқобил, «Уруш тугаса, айтинг, қайтиб келаман».  
«Янги аср авлоди», 2021 йил.

## ҚИССАЛАР

### «АЗИЗАМ, ТАБАССУМ ҚИЛ!»

Ҳаётни борича тасвирлаш нечөглиқ қийин.  
Күриб турғанларингни қоғозга тушира  
билсанг ва шунга ўзинг ҳам ишонсанг, яхши.  
Агар буни эплай олмасанг, ёзғанларинг сени  
бадном қиласы.

*Муаллиф*

#### I

Ташқари тиник әди. (У айни шундай дейишиңи яхши күради.) Дераза рахига сұяниб, боғ адогигача чүзилган йүлакка разм солди. Йүлак оққа бүялған ҳашаматли темир әшикка бориб тақалади. Тұрт кундирки, ҳар куни әрталаб ўрнидан туриши ҳамоно ана шу әшикка қарайди. Тұғри, ҳали қоровул үйғонмаган бүлади. Эшик ҳам ёпік. Аз онлаб касалхонаға бирор үйқылаб келмаслигини ҳам яхши билади. Негадир, шу ёққа, дарвоза томон тез-тез қараб құяверади. Чой ичаётганды, бирор китобни мутолаа қилиб чарчаганда ёки бекорчиликдан нима қиларини билмай диққати ошган паллада.

Касалхона ҳовлисидаги боғ баҳор нафасини сезиб, үйғонай-үйғонай деб турибди. Ҳаво илиқ, ёқимли. Үрик куртаклари бүртиб қолған. Эрта-индин гулга киради. Ана шунда бир ажыб манзара намоён бүлади. Ҳар ҳолда гул яхши, күнглинг күтарилади. Яшагинг келади. «Сурхонга аллақачон баҳор кепқүйди, бодом гуллаганига ўн беш күн бүлди», деган ўй үтди хаёлидан. Шоир нега гулни яхши күришини, умуман, гулни яхши күрадими ўзи, тушунолмай қолди. «Йүқ, гулни яхши күрмасам керак. Шунчаки, баҳорда қийғос гулга кирған дов-дараҳт яшаш яхши деган ўйни күнглимға жо этгани учун гулни

севсам керак», деб үйлади. Қизик, баъзи бирорлар түйлар, туғилған кунлар, байрамлар қолиб, шу касалхонага, беморни күргани ҳам гул күтариб келишади. Ажойиб кунларда-ку тушунарли. Бетоб одамга нега гул беришади? «Шу ерга тушганинг яхши бўлибди, табриклаймиз», дейишганими бу? «Деразангга шу гулни қўйиб қўй, кайфиятинг кўтарилади», дейишгани бўлса керак. Умуман олганда, ҳамма нарсанни яхши-ёмон томонга бурса бўлади. Шоир дераза қанотини очиб қўйди. Эрта баҳор ҳиди, енгил насимлар уфуриб кирди хонага. Очик деразадан узоқлашаётуб боғ адогидаги темир эшикка янабир разм солди. Қоровул деганиям шунча ухлайдими... Очиб қўйса ўлармикин? Ўрнига чўзилди. Тўрт кундирки, хотинини шу эшиқдан кириб келишини кутиб ўша ёққа қарайди. Қаерда, хотини эса ухлаётганда, китоб ўқиётганда ёки чалқанча ётиб хаёл суроётганда палатага бостириб келади. Ёнида ўғли ёки қизини эргаштириб олган бўлади.

– Адажон! – деб бўйнига осилади ўғли (ё қизи)...

– Э-э... – эсанкираб қолади. Бағрига босади. Вой, бунча ширин бўлмаса. Кўнгли ийиб кетади. Барно эса: «Тузукмисиз, яхшимисиз, камчилик йўқми»дан нарига ўтмай, каравот бошидаги тумбага ул-бул нарса қўйган бўлади. Чорак соат ўтар-ўтмас она-бала уйга қайтишга тараддуудланади. Кичкина қизчасига қўшнининг боласи қараб қолган. Кеч қолишса бўлмайди. Дили оғрийдимиш. Бу атама Барноники. Унингча, ҳеч кимнинг дили оғри маслиги керак... Кўп гапиради шу сўзни... «Вой дилини оғритманг, дили оғрибди-да... сиз ҳам қайсарсиз-да, дили оғрийди, деб үйламадингизми?..» Қачонки хотини шу сўзни оғзига олса тамом – муросаю мадорага чек қўйилади. Шоир жим бўлади – хотинининг гапи гап. Шоир емак столи устидан ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг қайта нашрдан чиққан «Ўн саккизга кирмаган ким бор...» китобини олиб, тағин чалқанча тушган кўйи ўқий бошлади. У бу китобни аввалги нашрда уч марта ўқиб чиққан. Ҳар гал мутолаа ниҳоясида ҳайратга тушган. Қандай

қилиб шундай ёзиш мумкин? Бунчалар кучли бўлмаса, Шукур ака. Биронта ортиқча сўз йўқ китобида. Ҳаммасининг ўрни бор. Кўнглидаги туйғу ва ҳаяжонни қоғозга тўкиш жараёни ҳам одам боласи учун осон кечмайди-ку, ахир. Дилингдагини ёзиб бериш, ҳаммани ўз ҳолатингга солиши... Илҳомдан бошқа яна нимадир керакдир. Ана шу нимани эса ҳеч ким билмайди... Шоир шундай кайфиятда китобдаги манзаралар ичра, юқоридаги ўй-хаёлларга берилар, ўқигани сари ўша нимадирни ахтарар, иккинчи бир томондан эса китобдан жазиллаб сачраган ўт унинг борлиғини чулғаб, куйдирап эди. У китобнинг анчагина саҳифасини ўқиб қўйди. Бироз толиққандай бўлди, лекин кўлдан қўйгиси келмади. Очик саҳифани юзига босди. «Эҳ, Холмирзаев, Холмирзаев! Агар шу одам уруш кўрганда борми, менга ўхшаб майда-чуйда нарсаларни ёзиб ўтирмасди. Ҳар лаҳзани, урушнинг ҳар кунини битта китоб қиласди...» Унинг ичидаги оғриқ қўзғалди. Ўрнидан даст туриб, тумба устидаги сигаретга ёпишди. Нонушта қилмай эрталабдан тутатганиданми, кечаси билан ухлай олмаганиданми – кўнгли бехузур бўлди. Икки-уч бор тортиб, чала хумор ҳолда сигаретни кулдонда эзғилади. Деразага тирсаклаб ташқарига қаради. Дарвоза очилибди. Яхши. «Бугун битта-ярим дўстларим келади, бир амаллаб кунни ўтказаман. Эртага уйга боришга жавоб оларман. Нима қипти, бир кунга. Врач кечаги гапига тармашиб қолмас, рухсат берар...», деган юпанч билан ўзини овутди. Шоирнинг касалхонага тушганига тўрт кун бўлди. Олдин қайсарлиги тутиб юраверди. Ўтказиб юбораман, хасталикни енгаман, деди. Йўқ, бўлмади. Юраги сиқилиб, нафас олиши оғирлашди. Боши ғувиллаб оғриди. Ишда охирги куни бужмайиб ўтирганча, боши билан столга йиқилди. Ўзига келтиришиб, ҳамкаслари уйига олиб келишди. Бош муҳаррир орага тушиб, касалхонага ётқизишиди. Ҳа, дарвоҷе, бош муҳаррир ҳам зўр шоир. Олов.

Шоир халқи содда ва меҳрибон бўлади-да, бош муҳаррир бўлишига қарамай ўша шоир касалхона бош ҳакими

билин гаплашиб, Ўзбекистондаги күчли ёш шоир шу, менинг үринбосарим бўлади, дебди. Шоирнинг ўша куни бир саҳифа мақоласи босилган «Ўзбекистон овози»ни касалхона маъмуриятига бериб юборибди. Хуллас, шоирга бу ерда назорат кучайди. Алоҳида хона. Телевизор. Врачнинг хонасига кириб, bemalol телефон килиши мумкин. Овқатни ҳам палатага олиб келиб беришади. Дори-дармон, укол ўз вақтида. Бир дақиқа ҳам кечикмайди.

Ҳамшира эрталабки нонушта келтирди. Ярим соатдан кейин уколга, деб чиқиб кетди. Шоир қандай қилиб бўлса ҳам бош врачнинг кўнглини юмшатиш чораларини излади. Тузукроқ баҳонами, сабаб тополмади. Кеча кечқурун бош ҳаким бу масалага чек қўйди:

«Мана жой. Нима камчилигингиз бор? Ҳаммасини «есть», қиласиз. Лекин, уйга ярим кунга ҳам жавоб бермайман. Нима қипти? Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Кўнглингизга қараб сизга ёмонлик қилишим мумкинлигини сезаяпсизми, ахир? Ҳўп, туғилган кунингиз бўлса, шу ерда иккаламиз бирга нишонлаймиз».

– Ахир, уйда жўралар, aka-укалар...

– Тўғри... Қиттай-қиттай, ўйин-кулги. Кейин яна, аҳволингиз, аввалгидай-а, шундайми?

– Сўз бераман... Ичмайман.

– Тушунган йигитсиз... Нима қиласиз, ортиқча гапни. Шахсан мен сизга асло рухсат бермайман. Бу ерда мен тартиб-интизомга, керак бўлса, сизнинг соғлифингиз, айтаверайми, ҳаётингиз учун жавоб бераман. Мақолани эса зўр ёзган экансиз, яна ана шундай мақолалар ёзаман, деган ниятингиз бўлса, укам, гапимга қулоқ солинг. Ҳозирча хайр! – Бош ҳаким жиддий ва самимий қараш билан бош силкиб, чиқиб кетди.

Шоир бўлиб-ўтган шу гап-сўзларни эслади: бу бир сўзли одам, барибир жавоб бермайди. Онангни эмгур, армиядаги офицер бўп кет-ей», – деб ғудради. Столдаги сутли овқатдан бир-икки татиб кўрди. Бўлмади. У умуман сутли овқатни, ширинликни еяолмайди. Ҳозир хотиним

кеп қолса ажабмас, тузукроқ нарса келтирап, деган үй билан столдаги идиш-товоқни йиғиштиришга уринди.

Ташқариде одамлар ғимирлаб қолган. Катта әшик ланг очиқ. «Тез ёрдам»лар, касалхонага келган енгил машиналар кириб-чиқиб турибди. Қоровул эса үтган-кетган машиналарга, ҳайдовчиларга бош әгиб салом беради. Уларнинг дуосини олади. Пулиниям олади. Ҳа, йўқса, кириб кўрсинг-чи... Ана, машинасини әшик ортида қолдирсан. Эҳ, тавба, ҳамма жойда пул ўлгур. Ҳаммаси оламан, дейди... Савоб ҳам, салом ҳам пул бўлиб бораяпти. Балки чолга ҳам қийиндир... Болалари йўқдир. Ёлғиздир. Ҳўп, болалари бор, дейлик. Уларнинг ҳам рўзғори, бола-чақаси, иссиқ-совуғи бор. Бугун ҳеч ким ўзидан ортмайди. Чоли тушмагур, камзулининг устидан ўнг кўксига қиррали нишон тақиб олган. Демак, урушда бўлган. Жанг кўрган. Одам отган. Ҳаёт-да энди бу. Лекин шу кўксидагини бекор кўз-кўз қиляпти-да. Урушда бўлган одамнинг үтган-кетган ҳайдовчилардан кўл чўзиб, пул сўраши яхшимас.

Шоир ўз фикрини ўзи тасдиқлаб, деразани қарсиллатиб ёпди. Телевизор қўйди. «Ассалом, Ўзбекистон» бўляпти. Кўрсатувни Собир Содиқ деган шоир олиб боряпти. Агар телевизор тортиб кетмаса, у яхши шоир, ҳозирги ёшларнинг ичидаги дадили шу. Лирик кайфият билан эркаланиб ёзади у. Собир билан шоир университетда бирга ўқишиди. Оралари анчагина яқин. Ўрталарида борди-келди ҳам бор. Собирнинг шеъриятида водийга хос бир ёқимтой, чиройли тавозе, ички бир оғриқ, жуда гўзал образлилик мавжуд. Кейин у осмондан шеър қидирмайдиган шоир... Буниси (ўзи) бошқачароқ – чапани, исён, дард, ҳаяжон. Хуллас, икки кутб. Одамнинг табиати юриш-туришида, қарашларида тўлиқ намоён бўлади. Ижодкор ҳам худди шундай. Ўзидан келиб чиқиб ёзади, ижодига униб-усган жойининг нуқси уриб қолади. Воҳанинг таъсири бор. Ҳа, таъсирланса тош ҳам тарс ёрилади.

Телевизорда айтилаётган жуда жүн, алмойи-жалмойи кўшиқ шоирнинг энсасини қотирди. Кўзини юмди. Бо-

шини ёстиқ остига беркитди. Шундай палағда нарсани бутун мамлакатга құшиқ деб айтаётган дикиллаксифатни сүқди. Қараса, ҳали-бери тугамайдигандай. Бошида оғриқ турди. Ҳе, пандавоқи. Уялмайсанми, шуни құшиқ дегани. Сенга буни қайси ҳалигиfurush ёзіб берди. У үрнидан даст туриб, телевизорни үчирди. Кейинги пайтлар жizzаки бўлиб кетаётганини, арзимас нарсаларга эътибор бериб жизғанаги чиқиб қолаётганини сезди. Аммо бугун телевизорга чиқиб халққа алжираф куйлаб, ювиқ-сизлик қилишни арзимас нарса ҳам деб бўлмайди-да...

У каравотга узала тушди. Хаёлга толди. Доимо ана шундай маҳали – туғилган куніда бир гап чиқиб туриши тайин. У иримга ишонмайди. Лекин бугун оғриниб қўйди. Ўтган йили туғилган куніда ҳам хаста эди. Олдинги йили хотинининг акаси ўлди. Қайси бир йили сафарда эди – самолёт учмади. Афғондалигида туғилган кунининг икки йилида ҳам госпиталда бўлди. Яна бир йили қизи сариқ касал бўлди. Бу йил бундай. Асаби қўзийди, орқа мия шамоллабди. Хуллас, ётиш керак. Шоир бошида қўзғалган оғриқни ўтказиб юбориш учун қўзларини юмди. Қанийди, ухлай олса... Бошини иккита темир орасига олиб аллақандай куч қисаётгандай. Бош томирлари тортилиб, қақшаб оғрияпти...

У базўр ётган жойида тумба тортмасини очиб дори ичди. Қўзлари ич-ичига тортиб кетяпти... Үрнидан турай деса, ҳалиги темир қўллар бошини мажақлаб, эзғилаб ташлайди. Йўқ, оғриққа чидаб бўлмайди. У каравот чети тегиб турган деворга суюниб, үрнидан турмоқчи бўлди... Эплай олмади. Жойига қайтиб йиқилди. Ҳозир бошида нимадир овоз чиқариб, даҳшатли ғувиллайди.

Шунгача нимадир қилиш керак. У бор овози билан бақирди...

- Дұхтири... Вой...

Хонада нимадир тарақлади. Эшик очилди, шекилли... Бир зумда шоирнинг тепасида бўлимдаги шифокорлар, ҳамширалар йиғилди. Икки-уч хил укол қилишди. Қон

босими күтарилиб кетибди. Туш маҳали үзига келди. Боши анча енгиллашиб қолган. Ёнида Барнони құрди. Қизи оёқ учиды үтирибди. Оёғини уқалаяпти. Қовоғида оғирлик сезди. Жилмайгиси келди, уддалай олмади. Баш силкиб қўйди. Кейин ҳамшира кириб қизини ҳам, хотинини ҳам олиб чиқиб кетди.

## II

- Контузия асорати. Яхши даволанмаган. Бугун сиқилганга үхшайди.

- Яна укол берайми?

- Албатта. Седуксин беринг. Томирга магний жұнатинг. Йигирма фоизли мониза қўйинг. Лазекс борми, яхши. Үнликдан укол килинг. Хонадан ортиқча кишиларни чиқаринг. Сиз доимо ёнида бўлинг.

- Бу сафаргиси үтиши қийин кечса керак.

- Телевизорга нима бор, олиш керак. Олиб чиқинг, телевизорни!

- Үзингиз айтувдингиз...

- Олиб чиқинг...

Шоир тепасидагилар билан гаплашгиси келиб, уларни күришни истади. Уколлар таъсирида яна уйқуга кетди. Бошини лойқа сув қоплагандай, умуман, үзини бұтана ичидә ғарқ бұлаётгандек сезди. Нима бұлаётганини англай олмади. Қаердадир, кимлардир узуқ-юлуқ гапиряпти. Ҳар замонда бошининг орқа томиридан ушлаб кимдир қаттиқ тортыпти. Шу азоб беряпти. Бошининг орқасидан ўтган ингичка ип – томирни бояги қўл тортиши билан ихрайди, шунда кимларнинг овози яна кучаяди. Аёл кишининг овози... Йўқ, эркак ҳам гапиряпти. Кейин жони бир оз ором топди. Баш оғриғидан қутулғандек бўлди. Овозлар ҳам учди. Ҳамшира пешонасига кафтини босди. Иссиғи пасайибди. Қон босими ҳануз баланд. Тағин битта укол қилди. У бош ҳакимнинг айтганига мувофиқ, тумба ичидағи ортиқча нарсаларни йиғишириб қўйди. Қиз Хемингуэй, Ремарк, Эдгор По, Бальзак, Лер-

монтов, Пикуль каби таниш-нотаниш улуғларнинг китобини елим халтага жойлади. Беморнинг ортидан келувчиларга бериб юбораман, деб үйлади. Унга китоб үқиш ҳам мумкин эмас. Үзи эса шоир ётган каравот ёнидаги ўриндиқда мунғайиб ўтирган кўйи «Ўн саккизга кирмаган ким бор...»ни үқий бошлади. Айтиш мумкинки, қиз дастлаб китобни вақт ўтказиш учун үқиётган бўлса, бориб-бориб ҳаяжонга тушди, саҳифалардан бош кўтаролмай қолди. Бунча таниш воқеалар? (Ҳамшира қиз адабиётчилар тилида манзаралар демоқчи.) Бунчалар ҳаётий. Худди кўриб тургандек бўласан-а? Қиз қўнгли китобга ошно бўлди. Ҳамшира ўн саккизда эди.

Шоир кўзини очди. Ёнида унинг ҳол-аҳволига жавоб гар қиз китоб үқияпти. «Мен эса тузукроқ нарса ёзолмадим... Демак, шунча қунларим бехуда кетибди». Шоирнинг ичини оловли бир ўқинч куйдириб ўтди.

Ҳа, у уруш ҳақида ёзмоқ юкини елкасига олган эди. Лекин, ўзининг тахминича, бу ишни эплай олмади. Мана, умр дегани ҳам шамолдай учаркан... Йўқ, умр шам, шу шамни умринг шамоли истаган пайтида ўчириши мумкин. Сендан сўраб ўтирмайди. Сен эса бошқалар кўрмаган урушни ўз кўзинг билан кўргансан, сен зўр ёзасан, деб ихранди. Шоирнинг юраги санчди. Кўзига ёш келди. Гапирмоқчи бўлиб тисланди. Ҳамшира уни тинчлантирди. Кўкрагидан оҳиста ушлаб, «жиминг» ишорасини қилди.

– Китоб..., – у шундай деди, – китоб яхши китоб экан, – қиз негадир миннатдорона бокди.

– Мен... яхши ёзаман ҳали... – у қийналди.

– Ухланг. Илтимос. Сизга гапириш мумкинмас. Озгина ухланг, ўтиб кетади.

Қиз bemорга дори ичирди.

«Мен кўп нарсалар қилишим керак эди...»

Шоир «Кулиб тур, азизим» деган романига уч йил олдин кўл урди. Негадир кейин ёзолмади. Юраги бетламади. Чала қолди...

Иккала томонида одам бўйи баробар пахса девор тикланган йўл қишлоққа олиб боради. Икки чақирим

юрилгач, құрғонлар бошланади. У кузатувчилик қилаёт-  
ган жанговар машина (БМП-2) қишлоққа кираверишда  
тұхтади. Машина устидаги пиёдалар деворни паналаб  
қишлоққа киришди. Орқада взводнинг түрттә ҳарбий  
машинаси келиб тұхтади ва уларда ўрнашган пиёда  
аскарлар ҳам худди шу тарзда қишлоқ оралаб кетишиди.

Кузнинг сокин тонги. Яланғоч дарахтлар қылт эт-  
майди. Совуқ этни жунжиктиради. Бу сирли сокинлик  
ичра ўлим ваҳми кезади. Кичик уйлар, хароба ҳовлилар  
рассом тасвирлаган аллақандай сувратни эсга соларди.  
Кобулдан Саланг тоғларига озиқ-овқат олиб ўтаётган  
машиналарни құриқлаб туриши лозим. Бу ер ўлим мас-  
кани, деб номланган Чорикорнинг бошланиш қисми.  
Пиёдалар қишлоққа кириб бұлди. Машиналарда ҳайдов-  
чи ва кузатувчи-отувчилар қолди. У БМП-2 ичкарисига  
кириб, бошидаги шлемафон учини алоқага ўрнатди. Ма-  
шинанинг отув милини рұпарадаги ҳовлига тұғрилаб,  
снаряд лентасини юқорига сурди. Отишга мослаб қўйди.  
Пулемёт лентасини отишга тайёрлади. Ўқ-дори етарли.  
Ҳайдовчи билан ички алоқани текширди. Жойида.

– Ринат, нега бунча жимлик? – деди ички алоқада ҳайдовчига.

Овози қалтираб чиқди.

– Билмадим. Отишга тайёрланиб тур. Ташқи алоқада  
комбат ҳеч нарса демадими?..

– Йўқ, демади.

– Агар қочиб чиқиш керак бўлса, орқадаги учта маши-  
на бизга халақит беради.

– Агар орқадан хужум қилишса-чи?

– Унда машинани олдинга қаратиб ҳайдайман. Сен  
тұхтовсиз отаверасан. Алоқани узма.

– Хўп.

Беш дақиқа ўтди. Жимлик. Бундай пайтда имонинг  
олти, гумонинг етти бўлади. Қўрқув ичингни кемириб,  
тўкиб адойи тамом қиласади. Тезроқ бошлансайди, деб  
сабрсизлик билан ўзингни даҳшат комига ургинг кела-  
веради. Ҳатто тезроқ ўлгинг ҳам келади. (Буни олдида

вахимадан нафаси қайтган жангчилар яхши ҳис қилишади.) Ичкаридан, қишлоқ тарафдан үқ овози эшитилмасди. Қишлоқ гүёки бир аждаҳо, бу юҳо бутун бошли взводни ютиб юборгандек эди. Бу осудалик ичидә мудхиш күргилик борлигини ҳис қила бошлади. Отув мили белгисини күрсатувчи ойнақдан боқиб, башняни ток билан айлантириб, үнгу сұлға қараб чиқди.

– Эшиятсанми? – деди Ринат ички алоқада безовталык билан.

– Нимани? – деб сұради у.

– Комбат алоқада ҳеч нарса демадими?

– Уф... Йүқ... Комбатингни ҳам, взводни ҳам ер ютганга үхшайди. Энди мени чалғитмагин...

У оёқларини асабий қимирлатиб, қалтираган күйи машина ичкарисида чека бошлади. Сигарет тутунини босиб-босиб тортар, ботини музлаб борарди. Урушда энг даҳшати шу: қачон, қай маҳал жанг бошланиб, сени үққа тутишларини кутиб үтириш. Бир маҳал ташқи алоқада комбатнинг хириллоқ овози эшитилди.

– «Размах!» «Размах?» Мен «Сена»... Мен «Сена», қабулга үтаман.

– Мен «Размах», – деб жавоб берди қишлоқ ичкариси – үн дақиқа олдин кириб жойлашган взвод командири.

– «Размах! Мен «Сена»! Ип ортидан серсоқоллар<sup>1</sup> таёқ<sup>2</sup> ва бодринг<sup>3</sup> ушлаб үтишяпти... Фақат олдинга қараб олтмиш бир<sup>4</sup>.

– Мен «Размах! Сизни тушундим. Ҳамма қутичалар, мен «Размах», соат 12.00 бүйича 61.

– Ринат! Тайёрлан... Машинани ёқ. Олдинга юр. Қопқонга тушибмиз. Биз қуршовдамиз, – деди у ҳайдовчига.

Алоқада қий-чув бошланди. Қопқада жойлашган ойнак орқали у орқага қаради. Шу заҳоти гумбурлаган овоз эшитилди. Ортдаги машина портлаб кетди.

<sup>1</sup> Серсоқоллар – душман.

<sup>2</sup> Таёқ – курол.

<sup>3</sup> Бодринг – миномет.

<sup>4</sup> Олтмиш бир – ҳаракатлан.

– Ринат, бос! Тез. Ҳайды.

Машина олдга силжиди. Шу маҳал құрғонлардан ми-  
номёт ва гранатомётлар ишлаб қолди. Саллали душман-  
лар түп-түп бұлиб чиқишиб машиналарга қаратада үт очди.  
Алоқада қий-чув бошланды. У сүл күли билан пулемёт, үнг  
күли билан снаряд тұгмасини босди. Башняни үнгу сүлга  
автоматик равишда буриб, күзи тушган душманга қаратада  
отаверди. Машина хароба бинолар ичкарисига кириб бор-  
ди. Қишлоқнинг қоқ үртасига бориб қолди. Бу жой душ-  
маннинг уяси эди. Пиёдалар учун қочиб чиқишиб йүллари  
беркилганды. У машинага қараб югурғиб келаётган пиёда  
аскарни құрди. Аскар жон-жаҳди билан чопяпты. Шу маҳал  
девор панасидан уни пойлаб турған душман гранатомёти  
олов пуркади. Оний бир ҳолатда аскар танаси тир түзғиб  
кетди. У шаҳд билан башняни душманга қаратада буриб,  
пушкадан кетма-кет снаряд отди. Девор күлтепага айлан-  
ды. Душман бурда-бурда бұлиб кетди. У құрқувни унуды.  
Умуман караҳт ҳолга тушди. Сүлдаги ҳовлиларнинг бири-  
дан чопиб чиқаётган душманни құрди.

– Ринат, чапга! Чапга ол! Машина душманга түғри бўл-  
ди. Устидан ҳайды онағарнинг! Бос. Тезроқ бос! Қув!

Душман құлидаги қурол билан рўпарадаги яқинла-  
шиб қолган баҳайбат машинани қуриб, ҳеч нарса қилол-  
маслигини сезди ва құрқувнинг зўридан үзини девор па-  
насига олишни ҳам унудиб, урра қочди.

– Бос! Тезроқ бос!

Душман жон ҳолатда югурди. Машина паст-баланд-  
ликдан чайқалиб олдга учади. Ниҳоят, душман машинанынг занжирли фидираклари остида қолади. У қутуриб  
боради. Ринат қутуради. Машина қутуради. Башня ти-  
нимсиз айланади. Отув мили оғзидан олов сочиб, снаряд  
отади. Пулемёт тинимсиз ишлайди. Ичкаридан порох  
ҳиди, ачимсиқ тутун үрлайди.

– Үнг томонга от, үнгга от!

У башняни үнгга олади. Япасқи уй деразасидан авто-  
мат үт очаяпти. Уй бурчагида үз взводдошининг үлигини  
құрди. У отув милини деразага түғрилади. Ва отди.

– Мана сенга! Мана! Мана! – телбанамо қичқира бошлади.

– Тұхтат энди! Тұхтат...

Рўпарадаги кулба чанг түзон ичидә қолди. Машина чуқур ариқдан түмшуғи ерга тегиб силкиниб үтди. Унинг юзи тұғридаги кузатув мосламасига тегди. Оғриқни мутлақо сезмади. Башня тепасидаги қутига гранатомёт снаряди келиб тегди. Кути сочилиб кетди. Душман ортдан отди.

– Тезроқ ҳайда! Қочиб қолайлик. Онасини...

Ринат машинани хавфсиз йўл – бепоён токзор ичига бурди. БМП-2 чуқур ариқли токзорни, пушталар узра гоҳ пасайиб, гоҳ юқорилаб кесиб үтарди. Бу анча ишончли уриниш эди. Алоқадан комбатнинг шанғиллагани эшитилди.

– Ҳамма «Размах» қутиларига буюраман. Барчангиз «Размах» – ўн тўртингчи қутининг орқасидан юринглар... «Размах» ўн тўртингчининг ортидан олтмиш бир...

Токзор тугаб, яланглик бошланди. Машина ўқдай учади. Катта йўлга чиқиб олинса бўлди. Қисм ўша жойда тўпланади. Ўн чақирим йўл босгандан сўнг қўшни қишлоқ бошланди. Қишлоқни тор йўл кесиб үтади. Ринат БМП-2ни тор кўча четидаги деворга қарата бурди. Машина деворни ўпириб үтди. Ивирсиган, тўзғиб кетган, хонавайрон бир ҳовлига кириб борди. Кулба ичидан беш яшарлар чамасидаги болакай югуриб чиқди ва девор томон чопа кетди. Ринат машинани тўхтатиб, кабинадан бошини чиқарди... Кабинадан АКСУ автоматини олиб болага тўғрилади.

– Нима қиласаяпсан? Шошма!

– Отаман. Ҳаммасини отаман. Уруғини куйдираман...

У башнядан чиқиб, ўзини Ринатнинг устига ташлади. Бўғиб олди. Юзига тарсаки туширди. Ринат бор овоз билан бақирап, тентакнамо бўлиб қичқирап, «Отаман, сени ҳам отаман, ўзимни ҳам отаман, ҳаммангни отаман!», деб узвос соларди. Машинадан тушиб қўлида қурол, телбанамо қўйи ҳовлини гир айланиб, дод солиб югурға бошлади.

ди. У кабинадаги сув идишини олиб, Ринатнинг йүлини түсіб чиқди. Силтаб йиқитди. Бошидан идишдаги бор сувни қуйиб юборди. Ринатнинг овози үчди. Атрофига аланглаб қаради. Манглайини чанглалаб, унсиз эзилиб-эзилиб йиғлади. У Ринатни сұяб машинаға олиб келди. Бұғзига нимадир тиқилди. У ҳам йиғлади... Хароба ичиdan чиқиб келган жуғон эса икки құлини фалакка чүзіб ув солар, шафқатсиз шұро аскарини қарғар, афтидан Ринат иккисига Худодан үлім сұрап, ҳозиргина құрқиб қочған боласини улар отиб үлдірдилар, деган үй билан зор қақшар эди.

Лекин болакай қочған томондан бошқа машиналар ҳам келаётгани аник, шұро аскарлари мислсиз ғазабға минган эди.

Зум үтмай орқадан келиб тұхтаган БМП-2 устидаги аскарлар аёлга үқ узды. Аёл бир силтанды, құли ҳаволаниб, ичкарига сұнғғи бора талпинди. Башня мили кулбани нишонга олды. Кетма-кет снаряд үчди. Деворлари тұқилған кулба ичидан қип-қизил қўйлак кийған қизалоқ чириллаб чиқиб, үзини аёл устига отди.

У кўзларини чирт юмиб олди. Машина юргандай бўлди... Алоқадан буйруқ келди...

- Отишмани тұхтатинглар. Тезроқ йўлга чиқинглар. Нима қилаяпсанлар?

Урушда вақт қандай үтганини сезмайсан. Взвод катта йўлда тұхтаган қисмга келиб қўшилғанда, қуёш уфққа оғган эди. Взводдан олти нафар жангчи омон қолди. Битта машина ёниб кетди. Ўн олти нафар жангчи ҳалок бўлди. Ўнта аскар яраланған эди.

Кечга бориб оғир артиллерия қишлоқни ўққа тутди. Самолётлар бомба ташлади. Унинг қулоқлари шанғиллаб, иситмаси құтарилиб, кўз олди қоронғилашиб борарди. Қисм фельдшери узатған ампула таъсир қымади. Ринат «Охотничие» сигаретига наша «юклаб» тутди. Икки бора босиб тортди. Бир оз чалғиди, оғриқ пасайгандай бўлди. Кейин замбилга солишлиди. Тепасида меровланиб

турган Ринатни күрди. Күзини юмди. Қовоқлари шишиб борарди гүё. Боши зил-замбил.

– Тезроқ, вертолётта олиб чиқинглар, – деган гап қулоғига чалинди.

Кейин нима бўлди – билмайди.

\* \* \*

Бошида ғўнғир-ғўнғир қилаётганларни пайқаб-пайқамай ётибди. У госпиталдаман, деган хаёлга борди. Тириклигига амин бўлди.

– Боши қаттиқ лат еган. Контузия. Бу урушнинг асорати. Касали компрессияга айланса чатоқ бўлади. Олдини олиш зарур. Тутқаноғи тутяпти.

Улар беморга тездан оғриқни оладиган укол қилишди.

– Миясидаги шиш оғриқ беряпти.

– Дўхтир, айтган дорингизни хотини топиб келди.

– Ҳозирмас. Етарли.

– Олдига ҳеч кимни қўйманг...

– Икки соатдан кейин сизга қўнғироқ қиласман, дўхтир...

– Яхши, профессор.

У тепасида айтилган гапларни узуқ-юлуқ эшитиб турар, лекин идрок этолмасди.

– Ринат... Ринат, – деди зўрға.

– Тутқаноғи тутяпти, тағин. Глюкоза қуяйлик.

– Ринат. Воҳ бошим... От, Ринат!

Шифохона бош врачи, невролог дўхтир ҳамда аллақаердан чақирилган профессор палатани тарк этишди. Ҳамшира унинг қон босимини ўлчади... Томирига пицетам уколини юборди. Стол устида ҳозиргина Барно келтирган финоборбитал, маннитол, лазекс ва турли хил дорилар турарди.

Ташқарида баҳорий безовталик. Ҳаво тоза. Осмон мусаффо. Тирикликка жон кира бошлаган. Ҳовлидаги ўриндиқда кенжә қизчасини бағрига босиб, Барно у ётган палата деразасига боқиб, юм-юм йиғлаяпти. Лаблари пирпираб учади. Эндиғина йигирма беш ёшга кирган жу-

вон урушни қарғаб, қирғин-баротларни лаънатлаб-лаънатлаб йиғляпти.

Ким билсин, уруш туфайли хонавайрон бўлган, бошига мусибат тушган кишиларнинг қарғиши-ю бегуноҳ болакайларнинг оҳ-зорлари боис ҳам эри шу жазога мустаҳиқдир. Бироқ, жувон бу ҳақда сира ўйламас эди. У эрига Яратгандан шифо сўрарди...

### III

– Ринат, от. А-а-а-а! От!

Одам ўлим чангалида қолганда ҳамма нарса кинотас-вирдайн кўз олдидан лип-лип этиб ўтаверади. Оний бир пайтда, масалан, қаршингда турган душман сени отиб ўлдириши мумкинлигини англаган маҳалинг, яқинларинг, ўзинг учун қадрдон нарсалар хаёлингда бирма-бир жонланади.

Шоирнинг аҳволи оғир эди. Бу дард уни олиб кетиши ҳам мумкин. Ҳозирги ҳолатида унинг умри биргина Аллоҳнинг изнида эди. Буни шифокорлар ҳам дил-дилдан ҳис қилас, ўзи билан ўзи бўлиб ётган беморга фақат Парвардигор даво бериши мумкинлигини англашарди. Дўхтирларки шу кўйга тушибдими, демак, унинг тирик қолишига мўъжиза деб қарамоқ керак. Кун бўйи берилган дори-уқоллар унчалик таъсир қилмасди.

Унинг бошидаги оғриқ мия чайқалиши ё ээилиш эмас, балки касали компрессияга айланиб бўлган эди. Бошдаги зўриқиши, юқори ҳарорат беморни ҳушидан кеткизарди. Тутканоқ ичида жон таслим қилиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Бундай пайтда ўз-ӯзидан кўз томирлари ҳам тортилиб, таранглашиб боради.

Кўзини очди. Шифт. Бошини қимирлатишга мажоли йўқ. Юқорига базўр қараб кўрди. Қовоғидан аллақандай куч босаётгандай бўлди. Боши орқага тортиб кетяпти. Ихраб юборди. Пешонасини кимдир пайпаслади. Киприкларини очолмади. Тағин ҳушини йўқотди. Бошининг ичига кириб олиб нимадир тариллар, борган сайин

мияси ташқарига отилиб чиққудай бұлар, күз олдида оқ ҳарир булатлар сузар, гоҳида бу оқлык зимишонлик ичра ғарқ бұлар, шунда орқа миясини аллақандай темир құл жон-жаҳди билан суғуриб олишга уринарди. Жони бүгзига тиқилиб, оғриқ зўридан талvasага тушарди.

Бир зумда палатада дұхтиrlар түпленди. Эрталабки профессор, бош врач, невролог, ҳамшира, яна иккита дұхтиrl шоирнинг тепасида ҳозир бўлишди.

- Глюкоза қуйинглар. Пироцетам уколини томирига юбориш керак. Бошқа дориларни таъсири сезилмади, - деди профессор.

Осма укол қўйдилар. Профессор айтган ампулани беморнинг томирига жўнатишиди. Бир оз ўтиб, шайтонлаб ётган бемор тинчлангандай бўлди. Жонига шу дорилар бир озгина ором берди. У уйқуга кетди. Мияси тиниқлаша бошлади.

#### IV

Шоир телевидениеда туппа-тузук ишлаб юрганди. Кўрсатувлари ҳам эл оғзига тушиб қолган эди. Кўпинча долзарб мавзуларда жонли эфирда чиқар, шундай бўлса-да, у олиб бораётган кўрсатувлар томошабинии бефарқ қолдирмас эди. Бюрократлар, эскича фикрдаги раҳбарлар, порахўрларнинг ҳиқилдоғига ёпишадиган мавзуларга қўл уради. Қайсар эди. «Ҳаётни борича ҳикоя қиласман, шундайлигича кўрсатаман, экраннинг вазифаси шу, унга тикилиб турган миллионлаб нигоҳларга чўп сўқолмайман, экранда алдаш шу халққа нисбатан хиёнатдир», деб ӯйларди. Ва шу тушунча билан иш юритарди. Унинг бу феъл-атвори айримларга ёқмади. Улар унинг устидан ишхонасига шикоят ёзишди. Қули баландроқлари эса тўғридан-тўғри телевидение раҳбариятига ультиматум қўйди: «Шу болангизни тартибга солинг, ё ишдан кеткизинг!» У парво қиласмади. Бадий кенгаш тузилиб, телебошловчилар синовидан ўтказилди. Шоирга эфирга чиқишига рухсат беришмади. Нега? Экранда

ғамгин күринар әмиш. «Майли», деди. Күрсатувларга сценарий ёзиб, мұхаррирлик қилиб юраверди. Кунлардан бир куни күрсатуви жонли эфирға қўйилган тележурналист бетоб бўлиб қолган экан, ишга келмади. Дирекция бошлиғи шоирни чақириб, «Оғайни, қутқаринг, бир амаллаб йигирма дақиқалик күрсатувни олиб боринг», деди. «Ким келади, кимни чақирасизлар, қайси мавзуда?» Ҳеч ким билмайди. «Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, биродар, ҳозир қайси йўналиш долзарб – бирорта олимними, сиёсатшуносними, чақириб сұхбатлашинг».

Сұхбат бўлиб ўтди. Матбуот зиммасидаги масъулият хусусида. Шоир топган сұхбатдош ҳам дангал ва дадил сўзлади. «Хозирги газеталар деярли бир хил йўналишда чоп этиляпти. ЎЗА ахборотлари ва мақолаларини кўчириб босиш билан чекланиб қоляпти, газеталар шижаот кўрсатишмаяпти». Бу кўрсатув ҳам катта газеталардан бирининг бош мұхарририга ёқмабди. У телевидение раҳбариятига қўнғироқ қилди. Дирекция бошлиғидан тортиб, оддий маъмургача тушунтириш хати ёзди. Шоир оқ қарғадай ажралиб, «ёмонотлиқ» бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси унинг энсасини қотирарди.

\*\*\*

Жазирама ёз куни. Қуёш нури ерга тиғдай санчилади. Беадоқ далада хотин-халаж чопиқ қиляпти. Йўл четида дала шийпони. Шундоқ катта йўлдан кўриниб турибди. Нафас олсанг олов ютадиган даражадаги иссиқда ишлатётган аёлларга, офтобда қуриб-қорайиб бораётган оналарга қараб ич-ичингдан тутайсан. Уларни ҳеч ким далаға уриб-сўкиб ҳайдамагандир, ахир. Бирор бир манфаати бордир. Майли, шундай экан, чопиқчи аёллар овқатланиб, ҳордиқ оладиган дала шийпонида ахвол қандай экан? Шоир телепрограммистириб шийпонга кирди. Бу шармандалик эди. Шийпон молхонадан ҳам хароб, ичи ўйилиб ётарди. Тўшамчи солинмаган. Пешоб ҳиди анқийди. Боғча опа алюмин товоқда қатиқ эзяпти. Ший-

поннинг ярмиға офтоб келиб қолган. Үн қадам наридаги чүкүрликда ҳар хил кимёвий дорилар уюми. Уюм ёнидан үтган ариқ шийпон ҳовлисидаги ёғоч сүри тагидан оқади. Бөғча опа ариқдан сұлоқмондек чүмичда сув олиб, товоққа қуйиб, қатиқни суюлтиришга киришарди.

Бундан ҳам даҳшатли манзара, шийпоннинг күнчиқар томони, үнгай бетида баҳайбат учта ҳайкал қад ростлаб турибди. Ярашмаган ямоққа үхашш бу манзаранинг даҳшатли томони шундаки, истиқлолнинг учинчи йили кетаётган бир пайтда миллатни, халқни таназзулга учрашига сабаб бўлган, салтанат даҳоларининг ҳайкаллари атрофига райҳонлар, алвон гуллар экилган эди. Бу ёқда болалар афтода аҳволда. Учта «доҳий»нинг ҳайкали эса «Бу кунингдан ўл, қирилиб кет ҳамманг, эҳ нодонлар», дейишаётгандай.

Шоирни титроқ босди.

- Қани бригадир?.. Қаерга кетди у? – деб сұради у күй-маланаётган опадан.

– Билмасам, журиб эди. Чопиқ бошига кетгандирда...

– Шу сувни ичаяпсизми?.. Нега шийпон хароб. Манави гўрсўхталарнинг ҳайкали атрофига ким гул экди?.. Эҳ... – тишлари ғижирлади шоирнинг.

Юрагида санчиқ турди. Аёлга гапириш бефойда эди. Одам боласи шунчалар ўз қадрини ерга урадими?! Бу ернинг раисини кўзи борми, ҳокими қаёққа қарайди? Уйинг куйгур мана шу катта йўлдан ҳар куни ўн маротаба ўтади. Раиснинг ҳам, ҳокимнинг ҳам уйига шу катта асфальт кўча олиб боради. Энг катта кўча шу. Тошкентга олиб боради. Истиқлолни қўлга киритганимизга уч йил бўлса-ю, бу энағарлар ҳалиям ўша, доҳийларга сифиниб юрса! Атрофини гулу райҳонга кўмганини кўр!

– Ол, тасвирга тушир, – деди операторга, – аввал шийпоннинг шармандали аҳволини ол, кейин болаларга қарат камерани, бугун бизда шундай жойлар борлигини ҳамма билсин. Кейин манави «доҳий»ларни ол. Бу ердаги раҳбарлар уларни ҳалиям ўз отасидай иззат қилишни билсинлар.

Шоир жаҳл устида аччиқ-аччиқ, кесиб-кесиб гапирди, операторгами, анқовсираб турган, офтобда қорайиб кетген муштипаргами, үзигами, англай олмади. Ҳар ҳолда ичидагини түкиб солди.

Ердан чиқдими, осмондан тушдими, бригадир пайдо бўлди.

- Нима гап, мухбир укалар, - деди қалтираб-салтираб...  
- Шийпонни, манави ахволни суратга олаяпмиз...  
- Эртан тузатамиз... Қани, жулинг, бир пиёла чай ичайлик. Жулинг оға, ҳей анави жой салқин... Жўл журиб кегансизар...

Бригадир нима бўлаётганини англамай, хаёлоти бўлиб қараб турди. Шўрлик дехқон-да, барибир. Газет ўқишгаям, телевизор кўришгаям вақти бўлмайди. Бунинг қўлидан нима келарди. Ҳов анави белидан пасти офтобда қолиб ухлаётган болакайга гапирдинг нима, бунга гапирдинг нима?

- Манави ҳайкаллар нима қип турибди?  
- Нима қилайик, олайикма?  
Унга гапириш фойдасиз эди...  
- Кеча Термиздан катталар келиб эди. Даламизди моқтаб кетди. Ғўзамиз авж, укалар. Майли, ҳайкаллар ҳам нон-ош сўрамаса, турибди-да.

Юраги эзилди шоирнинг. Жони сим-сим оғриди. Бoshини ерга эгиб, индамай изига қайтди.

...Кўрсатув пайванддан чиқди. Кечқурун эфирга узатилиши керак. Раҳбар уни хузурига чакирди.

- Кўрсатувинг бўлмайди!  
- Нега?  
- Шуни эфирга бериб бўладими?  
- Нега, бу ахир... ҳаёт-ку?.. Қачонгача?..  
- Шундай нарсаларнинг борлиги кулгили, - деди бошлиқ тебраниб.  
- Ахир камеранинг кўзи алдамайди-ку. Ўзингиз тасвирда кўриб турибсиз. Кечки теледастурда ҳам бор... «Йигирма биру ўттизда «Миллат» кўрсатуви», деб ёзиб қўйилган.

– Мени тушунасанми?! Нима сени деб, бошқалар гап әшитиши керакми? Қачон қараса, шунаңа нарсаларни топиб юрасан.

– Бу нарса әмас. Шу бугуннинг гапи. Бугун айтмасак, эртага кеч бўлади. Матбуот айрим кишилар олдида таъзим қиласиган бўлса, бундай тарбиявий воситанинг боридан йўғи.

– Менга нима деяпсан?.. Сен борган жойнинг ҳокими юқорига қўнғироқ қилиби...

– Шунинг учун кўрсатувни... эфирга узатишга рухсат бермаяпсизми? Ўша ҳоким учун миллат қисмати ҳам, эртаси ҳам бир пул. Агар шу кўрсатувни бермасак, ўшандай калтабинлар яна кучаяди. Устимиздан кулади. Телевидениени мазах қиласи. Биласизми, ўша куни, туман ҳокими менга нима деди? «Яхши, гапга қўнмадинг. Барибир кўрсатувинг чиқмайди, тирикчилигинг бўлса айт, қилиб берай, сен ҳам давра кўрган одамдирсан, ахир», деб мени муттаҳам қилмоқчи бўлди. Охири нима деди, дейми? «Сенсиз ҳам таклифимга юрадиганлар топилади», деди.

Бошлиқ ўйга чўмган бўлиб, бир нуқтага тикилиб турди.

– Яхши, сен боравер. Керак бўлсанг, чақираман.

Шоирни бошқа чақирмади. Кўрсатув эфирга берилмади. Кассетани кимдир билмасдан ўчириб юборибди.

Орадан бир ой ўтиб, қайсиadir вилоятда бир порахурлик фош этилди. Гапнинг уни вилоят ҳокимининг оёғидан тортадигандек эди. Кўрсатув бу гал силлиққина эфирга кетди-ю, эртасига сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Вилоят ҳокими тўполон кўтарибди. Кеча кўрсатувни экранда намойиш қилиш зарурлигини маъқуллаб шоирни табриклаган кичик раҳбарларнинг ҳам бугун қовоғи ўюлиб турибди. Эрталаб раҳбарнинг хонасида йигилиш бўлди. Ҳамма ўринбосарлар, раҳбарлар ва шоир. Бири қўйиб-бири оляпти. Шоирни сиёсий жиҳатдан саводсизликда, умуман, журналистикани тушунмасликда айблашди. Хўп, шундай экан, шу ердагиларнинг кўпчилиги кеча кўрсатувни қабул қилиб олиш жараённанда роса мақташган

эди-ку. Булар ким? Одамми шулар? Буларнинг юзи нечта? Ичларида шайтон яшириниб олганми? Уларнинг ботинида хоинлик үрнашиб олганми? Буларнинг ичи борми? Суврати-ю сийрати борми буларнинг? Нега шунчалар үриндиғига ёпишиб, чумчуқ пир этса, юраклари шир эта-ди? Шулар билан телевидениенинг савиясини күтариб бўладими? Яхши журналистлар кўп. Лекин, телевидение раҳбарларн ичидаги уларни қўллайдиган шижоатли, дов-юраги борми ўзи? Шоир ҳақиқатни энди англади. Буларга суюниб бўлмайди. Буларнинг беқарор кайфияти баҳор ҳавосига ўхшаб кетарди. Булар учун миллат ҳам, мафкура ҳам, истиқдол ҳам... (тилига гап келмади).

Йиғин вилоятдаги вазиятни үрганиб, холис кўрсатув тайёрлаш учун телевидениедан бошқа тележурналистларни юборадиган бўлишиди. Юқори идоралардан шу масала бўйича комиссия тузилибди. Вилоят ҳокими жанжал кўта-раётган эмиш. Шоирга алам қилгани шу бўлдики – соқолтой раҳбар билан, жип-жиплаган аёл раҳбар рус тилида гапирди. Шоирнинг устидан мағзава ағдардилар. Шу жойга келганда унинг тоқати-тоқ бўлиб, сабр косаси синди.

– Нега бунча ваҳима соласиз? Ана, судга берсин. Агар мен ноҳақ бўлсан жавоб беришга тайёрман. Мен ўз қадримни биламан. Биронга оёқости бўлиб қараб туравер-майман. Шу миллат, шу халқнинг фарзандимиз ҳамма-миз. Унинг дардини айтмасак, келажагимиз йўлидаги тўсиқларни ошкора кўрсатмасак, телевидениенинг нима кераги бор? Ҳатто ўз она тилида гапиришни эплолмай-диган айрим раҳбарларнинг ҳозирги бетутуруқ гапла-рини сира тушунмаяпман. Улар кимнинг ёнини олаяпти? Халқними ё бир тўда муттаҳамларними? Лоақал, тили-мизни ҳурмат қилмайдиган, ўзбек бўла туриб ўзбекчани билмайдиган, бундай кимсаларнинг ижод аҳли ишлай-диган ишхонада раҳбарлик қилиши ўзи мантиқсизлик.

Шоир титраб-қақшади. Ҳалиги аёл үрнидан туриб кетди.

– Просто кошмар, – деди.

Ҳамманинг рангидан қон қочди.

Аёл эшикка етганда чарм халтачасида уяли телефоннинг жиринглаши әшитилди.

– Алло! Слушаю. Сейчас еду. Да, просто так... ничего...

Эшикни тарақлатиб ёпиб кетди. Аёлнинг амали телевидениеда баланд эди. Шунинг учун бўлса керак, мажлис тугади-кўйди.

Ташқарида кичик раҳбар шоирни қўлтиқлаб, таскин берган бўлди.

– Хафа бўлманг. Ўйлашгаям арзимайди.

– Ўйлашга арзимаса нимага арзийди? Ўлганларгина фикрламайди.

Суйкалганинг капалаги учди.

Кечки кузак ҳавоси совий бошлаган. Борлиқдан намлик уфурарди.

Ёмғир томчилай бошлади. Осмон билан ер бир-бираға яқинлашиб бораётгандай, кишида эзгин кайфият уйғотарди. Шоирнинг юраги санчди. Босиб-босиб чекиб эди, бошига оғриқ кирди. У ишхонадан тезроқ узоқлашиш мақсадида шахдам қадам ташлади. Санъат саройидан ўтиб, йўл четидаги емакхонага қараб юрди. Икки юз грамм отиб олишни ва ҳаммасига қўл силкишни истади.

Миясида бир фикр айланарди: «Ўлган одамларгина фикрламайди Ўлган одамларгина фикрламайди...»

– Ўлган одамларгина фикрламайди. Ўлмаслик керак...

У нега бундай деётганини ўзи сезмади. Бош оғриғи пасая бошлади.

Атрофга аланглади. Эшик қия очиқ турибди. Ҳамшира йўлакда столга кўксини бериб алланималарни ёзарди. Шоирнинг уйғонганини сезиб ичкарига кирди. Чехраси самимий, боқишлиари беозор.

– Яхши бўлди турганингиз. Ҳозир сизга лимонли чой опкеламан. Анчагина ухладингиз, – деди у ҳеч нарса билмагандек.

– Шу... бошим оғриб тортишди, кейин ухладим, шекилли.

- Йўқ, сиз чарчаган экансиз. Укол қилдим. Кўпроқ ухладингиз, холос. Ҳозир... Аҳволингиз анча тузук. Қани энди, рухсатингиз билан манави лимонли чойни ичиб олинг. Қани, қўлингизни беринг.

Қиз унинг қон босимини ўлчади.

- Яхши. Бошингизнинг оғриғи ҳам пасайибди, чоғи. Энди ором оласиз. Дарвоқе, Барно опам билан ҳам танишиб олдик. Келиб кетдилар. Ухлаётгандингиз, безовта қилмайин, дедилар. Сизга товуқ шўрва олиб кептилар. Ҳозир, ҳеч бўлмаса, ярим косагина ичиб олинг.

- Барно кетдими?

- Кечроқ келадилар... Аҳволингиз яхши эди, хотиржам бўлиб жўнадилар. Ялиниб-ёлвордилар, мана шу шўрвани ичаркансиз. Қани, озгина бошингизни кўтариңг. Йўқ, косани ўзим ушлаб тураман.

Шоир қошиқقا чўзган ўнг қўлида оғриқ сезди. Игна излари қизариб турарди. Сўл қўлида ҳам худди шундай. Шоир ҳамширага саволомуз қаради.

- Энди хавотир олманг, ўзингизни аянг. Ўтиб кетади.

Шоир шўрвадан уч-тўрт қошиқ ҳўплаган бўлди. Босидаги «тутқи» яна тортилди.

- Мен ётай...

Мехрибонлик қилаётган қиз қархисида хижолат тортди.

- Майли. Сиз кўпроқ ухлаб, камроқ фикрлашингиз керак. Ҳозир сизга финобарбитал қиласман. Олдин манавини ичиб олинг.

«Камроқ фикрлашингиз керак». Шоирнинг лаблари беихтиёр пицирлади: «Ўлган одамларгина фикрламайдилар». Қачон, қаерда айтувди бу гапни? Эслай олмади. Унинг мияси чарчаган, ўйлаш учун ҳеч бир куч тополмасди ўзида. Идрокини кетма-кет берилган дори-уkolлар босиб, жиловлаб турарди. У шу ҳолида қархисида эмранибгина турган, уни деб ўзини койитаётган, соғайиб кетишини жон-дилидан истаётган қизга нимадир дегиси, яхши гап айтгиси келди. Ўзини қарздор, деб билиб, уялгандай бўлди. Бирор гап айтиб ўргадаги хижолат туманини тарқатгиси келарди.

Шоир ҳамширанинг бурчи шундай, мен беморман, у менга қараши керак, деб тушунолмасди. Унинг учун бурч совуққонликка ўхшаган бир нарса эди, инсон меҳри олдида бош эгиш ва бу түйғуни эъзозлаш керак, деб тушунарди у.

Бу кайфият унда болалигидәң пайдо бўлган эди. Ким яхши гапирса, ўша одамни қалбига яқин оларди. Айёрликни билмасди. Ҳамқишлоқлар ток юмшатиш, лойсувоқ ёки ўт ўришга ҳашарга чақирса бас, ҳаммадан олдин борарди. Шу одамнинг иши тушибди, деб бошқа ўртоқларига нисбатан кўпроқ ишлар, тиним билмасди. Ҳашар охирига етмагунча кетмасди. Гўёки, у бу ердан кетса, иш тўхтаб қоладигандай тасаввур қиласди.

Ёшлигига эшакнинг устида ўт таширди, негаки уйдаги барча мол-ҳолнинг ташвиши унинг бўйнида эди. Саратоннинг жизғанагида ҳам далама-дала ўт ахтариб юрарди. Чап қўлининг бармоқларини неча бора ўроқقا олдириб бўлганди. Каналнинг ости, каналнинг усти, Обшир қишлоқ даласи, говтўда, жона, чорбоғ, беш гектар, оқ тепа, бақироқ кўл сингари ёввойи ўт кўп далалар ҳалак, шоирнинг болалиги ҳалак, чўлоқ эшаги ҳалак эди у паллалар. Лагерь, оромгоҳ нималигини билмасди. Билгани шудала, хуржун тўла ўт, еб тўймас мол-ҳол эди. Юқори синфга ўтганда отасининг жонига ора кирди. Ота-бода пахса ура бошлашди. Дастрлаб уялгандай бўлди. Бирорларнинг ишини қилиш, деворини уриб беришга юзи чидамади. Лекин отасига раҳми келди. Бир ўзи оилани боқишига қийналиб қоляпти. Кейин ота-боланинг бирга пахса уришига одамлар ҳам кўниқди. Домлалар, мактабдошлари ҳам ўрганиб қолишиди. Синфдош қизларидан ҳам уялмайдиган бўлди. Отасининг бир гапини юрагига муҳрлаб олди: «Фақат ўз меҳнатинг билан унасан. Ҳалол топганинг татииди».

Кунлари қийинчилик билан кечганиданми, эзилганин кўрса, кўнгли ачийди, бағри куяди. Ўзига нисбатан яхшилик қилганларни бошига кўтаргиси келади.

Шоир ўзини яхши ҳис қила бошлади. Ҳарорати тушиб, жиққа терлабди. Ҳамшира дори-дармон терилган стол

устидан аллақандай шишага шприц тиқиб, суюқликни тортиб оляпти.

– Синглим, энди буниси қандай укол бұлды? – деди у зада бұлган оқанғда.

– Құрқманг, ачитмайди. Лазекс. Мускул орасига юборамиз. Асабингизни тинчлантиради.

– Раҳмат. Бу яхшиликтарнаның қаңыраулығынан... Мендан қайтмаса, Худодан қайтсан.

– Мен сизга нима яхшилик қилибман... уялтирманг. Орқандың үгіринг, шуни ҳам олсанғыз тузалиб кетасиз. Вой-бұй, жуда терлабсиз-ку. Бу яхшилик аломати.

– Синглим, сизнинг олдингизда барыншылар қарздорман...

– Унда бундай қыламиз... Худди Шукур Холмирзаевниң көзінде қаётий китоблар топиб берасиз. Соғайиб кетсанғыз, кейин шеърларнан үқиб берасиз.

– Келишдик. Шукур аканинг китоби ёқдими?

– Зұр экан, энди үқиб тутатяпман.

– Янғанғыз келса айтаман, уйда у кишининг бошқа китоблариям бор, олиб келади. Сизга совға қыламан.

– Вой, бунча зұр...

– Адабиётни яхши күрасизми?

– Ҳа. Майли, гаплашиб ҳам олдик... Энди уколдан кейин бироз мизғиб олиб... Режимга риоя қылсак, тузалиб кетасиз.

Күн бұйи оғриқ хуружидан чарчаган шоирни яна үйқу элитди. Толғинлик үйқу орасыда үтиб кетаётганидан қувонған ҳамшира беморнинг бошига оқиста құл юбормоқчи эди, үз хатти-харакатидан уялиб, құлинин қайтиб тортди. Атрофға алантылаб қаради-ю, дув қызырынан шашынғанда.

Сархадсиз текислик. Атроф оппоқ туман қўйнида. Шоир қүшдай енгил бұлиб югуриб бораяпти. Ҳаёли осмон қадар кенг. Негадир тинимсиз кулади. Ялангоёқ чопиб бораяпти. Ям-яшил майсалар оёғига хуш ёқади. Бундай гүзәл кечә ҳеч қаңыраулығынан үзгүлік рангга ғарқ бұлган.

Фалакда юлдузлар зүрға күринади. Нур ёғмайды, дейишганди, бекор гап экан, мана, оқ нур ҳам ёғаркан, дейди ўз-ўзига: ...Шу маҳал қаршисида уфқранг шойи лиbosга бурканиб олган катта энаси (раҳматли момосини эна дерди) турганини күрди. Энам тирик экан-да, деб из-из йиғлаяпти. Катта энаси эса құлинн силкиб, қайт ишора-сими қилди. Келган томонига құлинни нұқиб, аллания-лардир демоқчи бұларди. Шоир тұхтаб, орқага қаради. Ортида учта фарзанди, Барнони күрди. Улар құл силтаб чорлашаяпти. Раҳматли энаси ҳамон орқанғга қайт, деб ишора қилаяпти. Бир фарзандларига, бир катта энасига қарайди. Шу пайт катта энаси құздан ғойиб бўлди. Энам мени фарзандларимга ташлаб кетди, деган ўй келиб урилди хаёлига. Болалари ёнига қайтди. Уларни бир-бир қучиб, дув-дув қўз ёши тўқаверди. «Энам мени олиб кетмади, қайтиб келдим. Сизлар билан қоламан, – деб уларни бағрига боса бошлади. – Энам мени олиб кетмади... Қайтиб келдим. Сизлар билан қоламан...» Барно унинг кўз ёшларини артаётганмиш.

У туйқус кўзини очди. Тепасида учта фарзанди билан Барно турибди. Барно унинг чаккаларига тушган кўз ёшларини рўмолчаси билан артарди.

– Дадаси, ҳар нарса деб қўрқитманг бизни. Мана келдик. Анчагина тузуксиз. Ҳаммаси ўтиб кетди энди. Қани, адажонларинг билан кўришинглар...

У фарзандларининг қўлларини кўзига босди. Ўзини ўнглаб олди. Айни дамда чиройи очилди.

– Дадаси, кеч бўлиб қолди. Мана, қайнатма шўрва олиб келдик... Овқатланиб олинг, зўрға кирдик, икки дақиқага. Катта дўхтир кўриб қолмасин ишқилиб. Барака топтур Гўзалга ёлвордик, рухсат берди. Ўзи эшик олдида қоровуллик қилиб турибди. Дўхтиrlар сезиб қолиша унга ҳам гап тегади.

Шоир фарзандларини кўриб кўнгли кўтарилиди. Улар билан хушлашаётган чоғда эса фикри ёришгандай бўлди.

## V

Шоирнинг үй-хаёли үша кундан бери зими斯顿 эди. Ұлым түшагига олиб келган үша кунги воқеа фарзандлари күзидаги хавотириу ҳадик олдида бир чақага ҳам арзимаслигини у ҳозир, мана шу дамда, фарзандларини бағрига босаётганида чукур ҳис қилди. Бу ҳол унга қанот бағишилади. Уруш асабини емира бошлаган инсон учун бу дунёда эңг ишончли суюнчиқнинг борлиги нақадар ёқимли эди. Унинг учун бирдан бир суюнч фарзандлари – оиласи эди.

## VI

Хуллас, шоир телевидение биносидан худди бирор ортидан қувиб келаётганидек, гүёки қайрилиб қараса уни чақириб қолиши мумкіндек, тез-тез юриб, муюлишдағы емакхонага бурилди. Ҳозиргина содир бұлған ҳодиса ҳақида үйламасликка ҳаракат қыларди. Лекин, үз-үзидан ғазаби тошаётганини ҳис этди. «Одам боласи шунчалар ҳам тутуруқсиз, турланувчан бұладими-а? «Кап-катта одамлар. Нима дейишияпти?!» дерди үзига үзи.

Совуқ этни жунжиктиарди. Ёмғир кучайди. Муздай шамол урила бошлади юзига. Об-ҳавонинг тундлиги шоирнинг кайфиятига яраша эди. У ёмғирпүши ёқасини құтариб олди.

Емакхона рұпарасидаги бекатда шоир Камол Шукурни күрди. Улар бирга ишлашади. Үйига кетяпти өфи. Шоир ҳамкасбини имлаб чақирди: емакхонага ишора қилиб, ҳалигидан уришга чорлади. Бекатдаги шоир ҳам шуни кутиб турганидан шу томонга юрди.

Столни шоирона қилишди – битта ароқ, салат, қовурилған картошка, икки шиша минерал сув.

– Ҳавоям на у ёқлиқ ва бу ёқлиқ, тавба, – деди шоир құлларини бир-бирига ишқаб. – Олдикми?

– Энди ёғади. Совуқлашаипти. Осмонга булут чиқаверса күнглим сиқилади, – деди шериги.

– Яхшилик учун.

Улар бир күтаришда идишни қуритиб, столдаги бор нарсалардан татиб күрган бўлишиди.

– Қаёққа кетяпсиз, ҳали иш тугамади-ку?..

– Уйга. Эртанги кўрсатувга сценарий ёзмоқчийдим. Ишхонани биласиз, ғалванинг уяси – униси киради, буниси чиқади, чалғийсиз. Ўзингизга йўл бўлсин?

– Мен шу ерга. Жиндай отиб олиб, дунёни унутиб уйга жўнашни мўлжаллаб турибман. Мана, сиз шерик бўлдингиз, бу жуда яхши.

– Бугун «отиш»ни шунчаки кўнглингиз тусаганми?..

– Ҳа. Аникроғи, шундай бўлиб қолди. Ярим соат аввал мени роса «дўйпослашди». Очифи, миямни эговлашди. Ка-зо-казоларнинг дашномларидан кейин, бу ёққа югурдим.

– Нима бўлди?..

– Э, арзимайди. Ўзингизга таниш ҳол. Кеча мақталган кўрсатув... «кимларгадир ёқмаган шекилли, буларнинг бошига гурзи билан туширган. Энди гурзи еб гандиракланлар менга осилишяпти. Э, одамнинг биқиқ ўйлаб, майда қаричлашга мажбур бўлиб қолганидан қўрқиш керак экан. Хуллас, бугун телевидениеда ким ёмон – мен ёмон. Қани, биттадан урайлик. Ўйламайлик, булар ўткинчи...

– Қани, оламиз, гапингиз рост. Шу майда-чуйдаларга уралашиб қолмаслик лозим. Ҳозир ижодингиз чаккимас. «Ёшлик»да босилган «Қоронғи уй» қиссангизни ўқиб чиқдим. Зўр. «Дарё ортидаги йиғи» китобингизда ҳам, бу асарингизда ҳам уруш фожиасини шафқатсиз чизгансиз. Яхши. Шу йўлни маҳкам тутиш керак. Қолганлари капейка... Адабиётда ўчмайдиган қилиб олов ёқиш керак. Абдулло акадай, Шукур aka, Усмон акалардай гуриллаб ёниш керак... Гугуртингизни беринг...

Камол Шукур сигарет тутатди.

Шоирнинг кайфияти анча тетиклашди. Ўз дардига ўраги либ аза очишдан кўра, ўлмайдиган, энг юксак мавзу, тоза тушунча – ижод ҳакида суҳбатлашаётганидан, қаршисидаги ўзбекнинг навқирон шоири билан фикрлашиб ўтирганидан анча ҳаяжонда эди. Бу ҳол жудаям ёқимли эди.

Улар тағин биттадан сипқаришди. Гаплари тобора қоvuшиб борарди.

– Менға фарқи йүқ. Минғир-синғир қылаверишса, бу ишхонада ишламаслигим ҳам мүмкін. Лекин шу майда-чуйда, ипирисқи гап-сұзлар ҳам қалбингни кемириб турғани чатоқ. Үлай агар, телеюлдуз бўлиш орзуси кўнглим кўчасидан ўтмаган. Мен буни сира-сира истамайман. Фақат ёёсам дейман. Эҳ, ёзиш учун эса яна ўша ланаъти уруш, азоблар ҳақида ўйлашга мажбуригим мени қийнайди.

– Одам ўзига яқин ва таниш манзарани яхши тасвирлайди. Уруш ҳақида ёзишнинг ўзи бўлмайди. Бу дунё адабиётини қаритган мавзу. Лекин мен ишонаман, сиз ўзбек прозасига уруш мавзусини дадил олиб кираоласиз. Сиз учун бошқа йўл йўқ. Худо насиб қилса, кўрамиз, китобларингиз тала-тала бўлиб кетади. Уруш ҳақидаги кичик бир ҳикоя ёки ёстиқдай романни, бу фалон жойда содир этилган уруш тұғрисидаги асар деб эмас, инсониятнинг фожиаси, ёвуэлиги ҳақидаги асар, деб қаралмоғи керак. Ана шундай даражадаги асарни яратиш ҳар қандай ёзувчининг кўлидан келавермайди. Уруш асари Инсон ва унинг таҳқирланган орзулари, ўқقا учган муҳаббати, издан чиқкан ҳаётини ҳикоя қилмоғи лозим. Уруш адабиёти тириклик ва ўлим, ээгулик ва ёвуэлик оралиғидаги мунгли бир қўшиқдир. Ҳамма миллат ва әлатларга тушунарли кўшиқ. Мисол учун, афғон уруши. Вьетнам уруши, Иккинчи жаҳон уруши, ёйинки ер юзидағи барча урушларни битта ном билан – уруш деб аташ керак. Демак, инсонни жиддий ўйга толдирадиган, башарият кўнглига оғриқ солувчи дард бу. Қолган нарсаларга чалғиманг. Урушни кўргансиз... Ёзинг. Ҳозир куч-қувватингиз бор. Кўп гапирдим... Манови хаёлимни айлантирди, шекилли? Оламизми?

– Қани, олдик. Хурсандман. Очифи, Камол ака, Хемингуэй, Ремарк, Толстойлар тасвирлаб кетген урушлар замин қадар, ҳаёт қадар китобхон юрагини ларзага солаверади. Ҳарорат ҳам бор, совуққонлик ҳам бор, севги ҳам бор, ўлим ҳам бор – қисқаси ҳаёт бор. Уруш. Уруш... Уруш... Менинг

күнглимда нима ғам бор?.. Үзимга аён, ака... Афсус, айрим хумкаллалар шунчалар бир паст ишларни қилиб, асабимни құзитганига тутаб кетаман... Нега унақасан, унга ён бос, бунга ён бос, ҳалигини хурматини қил, у катта, бу катта – мансаби бор... Э, шуларни бир зиёли деб, шулар билан бирга нафас олиб бұладими? Майли, шундай палағда бўлиб дунёга келган экансан, нима қиласан бошқаларни ҳам үзингнинг сафингга тортиб. Бугун... шундай шармандали ҳолатни кўрдим, айтгулик-дегулиги йўқ...

– Э, қўйинг, шуларни. Бир тийинга қиммат нарсалар булар...

– Уэр. Яна чалғидим. Бир роман қоралаяпман. Қўлёзмасини бераман. Ўқиб кўрасиз. Ўзи урушдан қайтган, лекин мен урушдан қайтиб келмадим, деб китоб ёзаётган бир ёзувчининг ҳаёти ҳақида ... Ҳа, шундай... Уруш кўрган одамнинг урушда қолиб, уруш ичида яшаши тўғрисида бир асар...

– Ғалати фикрлар...

– Ака, бир гап айтаман... Яқинда Шукур акага, Холмирзаевга... Э, охири қолибди, келинг, кўтарайлик шуниям... Яхши бўлаяпти...

– Энг гўзал туйғу, адабиёт учун...

– Адабиёт учун.

Охиргисини ҳам олдилар. Аччиқ салат ҳам тугади.

– Ҳуш... Нима деятувдим. Уф, шуни ўзи яхши. Лекин, курғур эсни олади...

– Ҳозир... ҳозир...

– Ҳа, Шукур акага деятувдингиз.

– Во! Яқинда Шукур акага билан бирга чой ичдик. Шукур акага, дедим, бир гап айтайнми, дедим. Айт, деди. Ўртада манавиндан бор эди. Кайфиятимиз чаккимас эди. Ҳуш, ҳа, кейин Шукур акага ҳалиги гапни айтдим. У кишининг чеҳраси ғалати бўлди, қошлари уюлди... Менга ўқрайиб қарагандай бўлди. Разм солдим. Мени кўрмаяпти. Кейин, ерга қараб сукутга чўмди-да, яна менга анграйиб қара-

ди. «Даҳшат-а?», деди Сұнг күзларига лиқ-лиқ ёш келди. Йиғлаяпти.

- Нима дедингиз?

- Шукур акага: «Мен яқында қишлоққа бордим. Афғонда бүлган дүстім үзини осиб қўйибди. Кейинги пайтлар одамови бўлиб қолган экан», дедим. «Нега шундай бўлибди, биласизми?», деди у мунгли оҳангда. Ҳеч нарса деёлмай қотиб туравердим. «Ҳа, билмайсиз. Агар урушдан қайтган одамнинг нима сабабдан үзини осиб қўйишини тушунтиришга қурбингиз етса эди... У бекорга үзини осмаган. Мана сизга урушнинг аянчли тасвири. Шуни ёзиш керак...», деди Шукур ака. Уф, ҳа, майли.

- Кейин нима бўлди?

- Кейин Шукур ака туз тотмай ўтираверди. Ароқ ҳам ичмади. «Ука, кетайлик», деди секингина. Эҳ...

- Ака, яна битта олайлик. Ҳозир... барвақт. Уйдаям нима қиласиз?

- Етар, балки.

- Йўқ. Бир кўнгил очилди-да.

- Майли...

Улар яна биттани стол устига дўққайтириб қўйдилар. Бу гал газакка шўр бодринг, сузма, тўрт бўлак қовурилган балиқ буюришди. Қадаҳлар тўлғазилди. Ҳамсуҳбатлар бир-бирига энгashiброк ўтиредилар.

- Баъзи бировлар, ҳамма нарсаси етарли бўлгандагина, тўқ яшасагина ёзувчи-шоирлар яхши ижод қиласидар, деб ўйладилар. Бир қараганда шу гап...

- Оч бўлсангиз ҳам кўнглингиз хотиржам бўлиши керак, ака... менимча.

- Менимча ҳам шу гап тўғри... Бошимни олди... манави...

- Камол ака, мана менинг ижод ташвишимни ҳётдаги ташвишларим босиб кетганга ўхшайди. Мана, таниш-билишлардан қарз-ҳавола қилиб, қарздор... бўлиб уй олдим... Билмайман, қандай қутуламан. Лекин... лекин. Уйинг, оиласа бўлмаса ҳам... пойтахтда яшаб бўлмайди-да.

– Майли, омон бўлайлик... Энг асосийси, ижодни маҳкам ушлаш керак.

– Эй, бари бир тийин... Қани... биргаликда... Уф... гугуртингизни узатинг. Хўш, мен ҳали урушни гапирдим... Онасини... урушни. Яраландим... Кейин... қисмимизда бир йўқ санчастьда бир ҳамшира қиз бор эди. У менинг яраларимни боғларди. Кейин Баграмдаги жангга у ҳам чиқсан экан. Исли Аня эди... Машинаси минани босибди, портлаб кетди. Қизнинг чап юзидан ва сўл қўлига асколка тегди. Кобулга, госпиталга олиб бордик... Аёл кишининг ярадор бўлиб қонига бўялиб ётиши аянчли кўринаркан Шунда ўзимни тутолмай, йиғлаганман. Уч ойдан кейин контузия бўлиб, госпиталга тушдим. Анини кўриб қолдим. Қўли тирсагидан кесиб ташланган. Оқсаб ҳам юрибди. Оёғи ҳам жароҳатланган экан. Юзини айтгилиги йўқ Қарасангиз, қўрқиб кетасиз. Мени таниди. Қараб турди Айтдим-ку, санчастьда ярамни боғлар эди, деб. Ёнимга келолмади. Бурилиб кетди. Шунда бунақсанги кунларни лаънатлаганман. Тириклигим учун ўзимдан ҳам нафратланганман. Гулдай очилиб юрган жувон майиб-мажруҳ боқсанг этинг жимиirlайдиган хунук бир маҳлуқقا айланиб қолган эди. Ким билсин, балки урушга пул топиш учун келгандир, балки ҳаётнинг тақозоси билан келишга мажбур бўлгандир... Ҳар ҳолда, ҳанузгача шу қиёфа, шу ҳолат ёдимга тушса, юрагим музлаб кетади.

– Даҳшат.

– Даҳшат ҳам гапми, ака... Энди ўша аёл бир умр урушни қарғаб, ич-ичидан эзилиб ўтади. Нари борса у ҳозир ўттизга киргандир. Ҳа, ўттиз ёшида ўтинга айланган гўзаллик.. Уруш оловига улоқтирилган гул... Кайфим ошди... Узр.

– Турамизми?

– Турдик.

Ташқарида ғира-шира қоронғилик чўкиб бораиди Эзиб ёмғир ёғар, кенг кўчадан машиналар сув сачратиб ўтарди. Йўлакда кўлмакчалар пайдо бўлган. Дараҳтлардан узилиб тушган сўнгги япроқларни ёмғир савалаб бетон йўлка билан битга қилиб ташламоқчилик эди.

Шоир сигарет тутатди. Нам ҳавода сигарет тутуни буралиб юқори ўрлади. Бу ҳолат шоир учун мароқли эди. Ёмғир. Гира-ширалик. Салқин ҳаво... У кейинги бекатгача яёв юргиси келди. Борликда алланечук маҳзунлик бор эди. Кузнинг ўзига хос бу манзараси айни чоғда шоирга хуш ёқар эди. Унинг кайфияти анча баланд эди.

Ҳозирги улфатчилик жуда мароқли ўтди. «Агар юрагинг оғирлик қилса, ўзинг күтаришга дош беролмасанг, яқин, садоқатли биродарларинг кўмак берадилар», деган ўй ўтди хаёлидан. Шоир ўз фалсафасидан мағрурланиб, жилмайиб қўйди.

## VII

- Аҳволи қандай?
  - Ухляяпти, дўхтири.
  - Қон босими, ҳароратини ўлчадингизми?
  - Анча тузук, тушиб қолди. Алаҳсираши йўқолди.
- Икки соатдан бери ухляяпти.

Ўтиб кетгани чин бўлсин. Асаблари чарчаган. Урушда боши лат етган. Яхши даволанмаган. Бугунга келиб эски дард, хуруж қиляпти. Беморга фақат тинчлик, хотиржамлик керак. Ҳаётдаги турли хил ташвишлар ҳам зарба бўлган. Бундай касаллик билан оғриган bemor учун аччиклашиб сира-сира мумкин эмас. Ўқигансиз, тушунасиз. Иложи борича bemorга хотиржамлик зарурлигини унутманг. Ҳеч кимни олдига қўйманг. Соат тўққиз бўлди. Анча кеч. Бунақа пайтда ҳеч ким келмаса керак. Ҳа, эсимдан чиқай дебди, хотинига айтинг, ҳеч қандай дори-дармонга овора бўлмасин. Афғонда бўлганлар учун алоҳида захира бор. Бепул ажратилади дорилар. Эрталаб профессорнинг олдида одамни хижолат қилдингиз. Ким айтган эди, хотинига дори олиб кел, деб? – бosh враҷ ҳамширага саволомуз қаради.

- Врач Исмоилов айтувди.
- Эси жойидами унинг! Айтинг, эрталаб менинг олдимга кирсин! Бўпти, эҳтиёт бўлинг. Мен кетдим. Бирор

кор-хол юз берса, уйга құнғироқ қилинглар... Айтмоқчи, Исмоилов қани?

- Тепадаги беморнинг ҳузурида...
- Бундан ҳам оғир бемормикан? Ахир, күриб туриб-сизлар-ку бунинг аҳволини... Айтиб чиқинг бу ёққа... Тепадаги қанақа касал у...
- Прокурор бор-ку. Эртага жавоб бериладиган... Кетади, - деди ҳамшира.

- Оббо! Нега шунақа булар?! Нега одамига қараб иргишлиди булар... Нима бошқалар одам эмасми? Нима, касалхонада ҳамма бир хил бемор эканлигини, беморнинг фақат оғир ёки енгили бўлиши мумкинлиги булар тушунишмайдими-а? Тушунишади... Лекин, эҳ... Чақиринг Исмоиловни!

Ҳамшира хонадан югургилаб чиқиб кетди. Бош врач асабий ҳолда ортига қайтиб, шоирнинг ёнига келди. Хайрият, ухляяпти. Уйқуси тоза. Боши енгил тортган.

- Чақирдингизми, Акром Тоҳирович?!
- Остонада Исмоилов кўринди.
- Ука, биз учун ҳозирча жиддий ва ҳушёрлик билан назорат қилишимиз, бутун диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган, аҳволи оғир касал мана бу киши. Тушундингизми?

- Туш... тушундим... Акром Тоҳирович. Мен беморни қон босимини ўлчаётган эдим...

- Сиз мени яхши тушундингизми?
- Тушундим.
- Гўзалга тайинладим, ҳушёр туринглар. Шу қаватдан жилманг. Ҳар чорак соатда бемордан хабар олиб туринг. Ҳа, айтмоқчи, нега беморнинг хотинига дори олиб келишини буюрдингиз? Сизга ким айтди, шундай қилиш керак деб?

- Мен... мен. Ўзингиз белгилаган дориларни айтувдим.
- Мен сизга шу дориларни беморнинг ёнидан сотиб оламиз, деб айтдимми?
- Йўқ... йўқ.

- Исмоилов, одамда фаросат бўлиши керак. Одамда виждан бўлиши керак. Касаллик варагасини ўқинг. Кўзингиз борми? Мен сизни огоҳлантираман. Бундай ўйинни охирги марта қилинг. Кулогингизга қуйиб олинг. Тепа палатадаги прокурор, раис ва ҳоказоларнинг, Худога шукр, аҳволи анча тузук. Уларга бир нарса керак бўлса, ана, Гўзал боради. Тушунарлими? Сиздакаларнинг тили билан айтганда, ётган бемор ҳам «кичкина» одам эмас.

- Туш... тушундим.

Бош врач Исмоиловга бир ўқрайиб қаради-да, палатадан чиқиб кетди. Исмоловнинг жони товонига тушди. Ҳамшира қиз йўлакда ҳангуманг бўлиб туради. У бўлиб ўтган воқеани пайқамаганликка олиб, ўриндиққа чўкди ва столга энкайиб нималарни дир ёза бошлади.

- Кайфиятни расво қилди. Бемор бирор каттанинг одамими? – деб сўради у Гўзалдан.

- Нега энди... Йўқ. Жудаям яхши одам, холос. Тузалиб кетсин ишқилиб.

Гўзал бу гапларни ўзига айтдими, Исмоиловга айтдими, тушуниб бўлмас эди. Унинг кўзлари бир нуқтада қадалганча қотган эди. У палатага кириб, тумба устида-ги идишларни йиғиштириди. Нон бўлагини елим халтага солиб, тумба ичига қўяётиб китобга ўхшаш ёндафттарни тушириб юборди. Қора муқовали, ўртасида сариқ телефон аппарати тасвирланган ёндафттар саҳифалари очи-либ қолди. Гўзал беихтиёр ўқиди:

«Агар юрагинг оғирлик қилиб, қўтаролмасанг, са-доқатли дўстларинг бор, қўмак беради...»

Ғалати эди. Гўзал кейинги қаторни ўқиди:

«У бўлмаганида мен аллақачон бошқа ерда ётар эдим...»

Қиз ҳаяжонга тушди. Юзидан чўғ сачради. Ичиди алла-нечук оғриқ сезгандай бўлди. Шу лаҳзанинг ўзида ўша, «У ким экан», деган фикр хаёлини чақмоқдай ёриб ўтди. Кейин бу гапдан ўзи уялиб кетди. Ён дафтарни ёпди-да, тумбанинг иккинчи тахтачасига солиб қўйди. «Ўн саккизга кирмаган ким бор...»нинг сўнгги саҳифаларини ўқий бошлади.

Шоир тинчгина мизғирди. Юзини бир оз оқаринқирағанини ҳисобға олмаганды, дунёнинг ташвишу ғамларидан холи, баҳтиёр бир одамдек ухлар эди.

– Аҳволи қалай? – Исмоилов эшикдан бошини сүқди.

– Ухлаяпти, дорининг ҳожати йўқ.

– Мен хонадаман. Телевизорда «Қора камар»ни берапти. Бир гап бўлса чиқарсиз, – Исмоиловнинг боши қандай пайдо бўлган бўлса, ана шундай эшик ортида ғойиб бўлди.

Қиз «Ўн саккизга кирмаган ким бор...»ни тугатиб, анчагача хаёлга толди. Қанақадир ўзига таниш воқеалар эсига тушди. Доим шунаقا. Қандай китоб ўқимасин, ўз ҳаётига таалкуқли ҳодисалар эсига тушаверади. Гўёки, дунёнинг барча китобларидан Гўзал деган бир қизнинг ҳаёти, қарашлари акс этиши керакдай.

У негадир ўша, тумба ичидаги қалин муқовали ён дафтарни варақлагиси келаётганини ҳис этди. Қайси-дир бир куч дилидаги бу истакни аланга олдирап, очиғи, қизиқиши ортиб борар, буни шунчаки бир ҳавас деб изоҳлаб бўлмасди.

Гўзал тумба қопқасини авайлаб очди-да, ёндафтарни варақлаб кўра бошлади. Бармоқларига ўт юргургандай бўлди. У нега бу йигит билан шунчалар қизиқиб, ўзига яқин олаётганини ўзи англамаган ҳолда ғайриихтиёрий ҳаракат қиласат эди. Ёндафттар саҳифасида катта ҳарфлар билан «янги романимга қўшимчалар», деб ёзилган жойга кўзи тушган эди. Чумоли изидек майда ҳарфда ёзилган дастхатни ўқиши қийин бўлса-да, у ботиний бир титроқ билан ўқий кетди.

## VIII

«...Мен ўлимдан қўрқмайман. Азизим, фақат сен табасум қил, қайғуга чўкма, узр, мен бошқача бўлишини истаган эдим. Ҳозир ўз дарду ташвишларинг етмаганидек, менинг ҳам ҳасратимга шерик бўлишинг керак. Лекин, мен нима қиласат? Кимгадир айтишим керак-ку. Мени биргина сен тушунасан. Сен билан яшаётганимдан баҳ-

тиёрман. Сени севаман. Сен мени ҳаётга қайтариб қолдинг. Суяңч бұлдинг. Фарзандлар күрдик. Агар сизлар бұлмасанғиз, бу ҳаёт маънисиз эди, оғриқлар гирдобида ғарқ бұлаёттан кема янглиғ, менинг ишончу умидларимни аллақачон сұндирарди. Ҳаёт нима? Тириклик. Тирикликнинг моҳияти нимада? Үз қадрингни топмоғингда! Кимгадир кераклигингни ҳис қилиб яшаётганингда! Худога шукр, сенга азоб берсам-да, сенга кераклигимни англаб қоламан. Шунда үзимдан хурсанд бўлиб кетаман. Барножон, бугун жиддийроқ гаплашамиз. Романим, үзим ҳақимда. Биласан буни. Лекин тугатолмаяпман. Үлим ҳақида гапириш оғир. Үлим ҳақида ёзиш, ундан оғир. У ҳар қандай қаламни музлатиб қўяркан. Сен деярли ҳар куни бир манзарага хаёлингга келтириб, ундан нафратланиб, ғам-андуҳга тушиб яшай оласанми?

Менимча, энг оғир гуноҳ иш қылган кимсаларнинг ёвузликлари ана шундай кўз олдида қотиб қолса керак. Мен ҳам ана шундай дардга дучор бўлганман. Ҳеч кўз олдимдан кетмайди баъзи воқеалар. Эслаганим сари, үйлаганим сари, миям зир-зир қақшайди. Ҳамма-ҳаммасидан қутулгим келади, чорасини тополмайман. Шунда хаёлимга бир фикр ярқ уриладию, дилим чароғон тортиб кетади. Үлим! Үлибина қутилиш мумкинмиカン? Бироқ, шу онда сен, фарзандларим кўз олдимга келасизлар. Үзимдан жирканиб кетаман. Майли, ижодим чала қолади. Мен романнимни тугаллай олмадим, деб үзига ортиқча бино қўядиганлардан эмасман. Сенинг олдингда бу ҳаёт шунчаки мазмунсиз ва аҳамиятсиз экан, билгинки, ижодимни сенга tengлаштириб, сен каби азиз билиш мен учун умуман аҳамиятсиздир, бу кулгили. Сенинг шу нарсани тушуниб этишингни жудаям хоҳлаётганимни сезсанг эди Барно, сен қуйида ёзганларимни ўқиб, хаёлимни ҳар куни банд қиладиган манзарага бир назар сол. Майли, бугун шундай қарорга келдим. Буни ҳаёт билан үлим оралиғида жанг қилавериб, ҳориган одамнинг ёзганлари, деб қабул қил.

...Мени күпинча тушларимда оппоқ салла ўраган ёки товоқ телпакли, устида узун қўйлак ва иштонли, соқол қўйган кишилар қўлида қурол билан қувлашади. Игна ютган ит каби ўзимни қўярга жой тополмай, қочаман. Гоҳида тутиб олишади, уларнинг кўзларида ўт чақнайди. Озғин ва чайир бу одамлар – бизга қарши жанг қилишган, улар мени дараҳтга боғлашади. Рӯпарамда қуролини ҳасса каби ерга тираб мени томоша қилишади. Шунда улардан бири қуролни манглайимга тўғрилайди. Бошқалари тиржайиб қаҳр билан қараб турадилар. Ҳалиги ғазабкор менга яқинлашаверади. Автомат милини пешонамга теккизади. Кўлини тепкига олиб боради. Мен жон ваҳмидага бақираман-да... Уйғониб кетаман. Сен ўрнингдан сапчиб туриб ошхонага югурасан. Нималарнидир пичирлаб, косада муздай сув олиб келасан. Ўзимга келолмай қалтирайман. Сенинг олдингда уялиб, ожизларча, нотавонларча ерга қарайман. Бошимдан тер оқади. Анчага довур ухлолмайман. Гоҳида сенинг ўксисб-ўксисб йиғлаётганинг, Худога нола қилаётганинг эшитилади.

Менга бу воқеаларни ҳикоя қилиш, қоғозга тушириш нечоғлик азоб. Лекин қалбим шаррос қуяётган баҳор осмони сингари тунд, адоксиз ҳасратларга лиммо-лим. Мени ё қайғу адо қиласди, ёки мен қайғунинг даҳшатини тўлалигича намоён қиласман. Мен урушни фош этаман ёки уруш мени ғам ўтида ёқиб кул қиласди. Уруш устидан ғалаба қозониш учун эса унинг юзига тик қарай олсан бас.

...Қисмда икки кундирки, осудалик. Ўтган куни жангдан қайтдик. Аскарлар уст-бошини тартибга келтирди. Ҳаммомга тушдик. Саф майдони яна файзга тўлди. Аскарлар на офицерлар хоналарида ишлаётган жувонлар казармалар олдидан калта белқўйлак, кўкраги очиқ бурма кофта кийиб ўтишадиган бўлишди. Полкнинг ўртаси кумга тўлғазилиб, икки ёқлама картондан тикланган казармалар олди, чекиш жойлари кепкасини бошга дол қилиб, эгнига оппоқ ёқали аскарий кийим илган йи-

гитлар билан гавжумлашди. Оёқларида гармонисифат фасонга келтирилған кирза этиклар чунонам мойланганки, қүёш нури тегса ялтиллайди. Лабининг бир бурчига сигарет қистириб олған, айрим олифта йигитлар (демак, улар яқында уйға қайтишади) унчалик пүрим кийинмаган ёш аскарларга ҳар замонда иш буюриб құядилар.

- Оёқ тозалагични олиб ке.
- Дүконга бориб ке.
- Ма, сигарет олиб ке.
- Тасмамни тозалаб тур.
- Иванни чақыр казармадан...

Хуллас, иши йүқ итини суғорар. Ташқаридан кузатсанғиз, хәёлингизга келмайди кечагина шу йигитлар лойға беланиб, афт-ангоро қорамтири тусга кириб, жон олиб, жон беришади. Ұлимга чап бериб қолишиади. Топшириқни аъло даражада бажаришади. Уларнинг күпчилиги орден ва медаллар олишган. Ҳаттоқи, улар ичидә «Қаҳрамон» нишонига эга бўлганлари ҳам бор. Шу олифта, шу босар-тусарини билмайдигандай туюлган, «безори» йигитлар ұлимга дуч келавериб, жанг қиласвериб, пишиб кетишган. Улар бугунчалик хурсандчилик қилишаётир. Эртага эса яна ұлим сари юз буришади, иркит-сирқит ҳолда қонга беланиб, жанг майдонида ажал билан олишадилар. Улар бугунчалик тирикман, эртага нима бўларкин, деб үзларини қийнаб, юрагини нимтабол тонгни қарши олишиади. Шунинг учун жангсиз кунлар полк майдони файзга тұлади. Қисм жангга чиқиб кетган кезлар полк ичи жим-жит бўлиб қолади. Бу ерда қолган баъзи ярадорлар, ҳар хил юмушларда ишлагани келган жувонлар каби үйчан сукутга чўмиб, жим юришади. Қисм урушга кетган пайтда полкда үйин-кулги бўлмайди. Атрофи тоғлар билан үралган жойда үрнашган қисмимиз худудида эса қўриқловчи батальон, артиллеријалар, жангчилар, миномётчилар хушёр туришади.

Бугун эса бошқача. Жангсиз, талафотсиз кун қисмдаги картон девор казармалар ёнидан турли-туман атирлар

бўйини таратиб ўтиб қоладиган аёллар аскарларнинг кўзини куидиради. Ҳаммаси гап отади. Оғзи ёмонлар тап-тортмай уларни ҳалигинга... таклиф қиласди. Руснинг меҳрибон, такаббур, самимий аёллари бунга парво килмайдилар. Айримлари жойида шаҳд тўхтаб:

– Кечқурун. Кел модулга, кел. Ўзим сенинг ақлингни киритаман, – дейди.

Баҳорнинг чароғон кунлари, тиниқ осмон заминга яқинлашиб қолгандай бўлади. Полкнинг жанубида қўриниб турган катта қишлоқдаги дов-дараҳтлар, боғлар қийғос гулга кирган. Олам ёруғ. Беғубор. Баҳорий муаттарлик ҳукмрон. Шундай ёрқинлик дилдаги ғуборларни кўтариб кетади. Уруш бўлаётганига ҳам ишонгинг келмайди.

Кеч кириши билан эса казарма бурчагида тўда-тўда бўлиб наша чеккан, ароқ ичган, хуллас, тараллабедод аскарларнинг учарвойлари аёллар модулига (казарма), офицерлар ошхонасига, сув тортиш мосламаси биносига, клубга, қисм тиббиёт пунктига, полк дўконига, хуллас, тўғри келган жойга, бу ерга ишлашга келган рус аёллари билан майшат қилгани кетади. Улар жангдан қайтаётиб, катта-кичик қишлоқлар, шаҳарлар дўконларидан ўмарган ёки афғон дўкондорларидан қўрқитиб олган япони рўмолию, магнитофонларини, фаранг атирини, тақин-чоқларини, қисқаси, нимаики топган бўлсалар, Россиянинг тантиқ жувонларига илинадилар. Бу ёғини полкдаги жувонларнинг ўзлари эплайдилар. Одам боласи урушда ҳам, даҳшат ичида ҳам доимо аёлга, гўзалликка интилиб яшаркан. Бугун тирикман, эрта ўлиб кетишим мумкин, деган аскар аёл меҳри, унинг ҳароратли эркалаши боис, урушга ўз тириклигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Аскарлар офицерларнинг кўзини шамғалат қилиб жувонларга яқинлашсалар, жувонлар эса эрта-индин жувонмарг бўлиб, ўлиб кетувчи бу гўдакларга раҳми келганликлари учун ҳам борлиғини ҳадя этадилар. Шундай қилиб, урушдаги ҳаётнинг ҳам ўзига яраша фароғатли онлари бўлади. Шу жувонлар бу ерда – ҳар куни

ўлим домига бориб жанг қилувчи аскарлар масканида осмондан тушган фаришталарга қиёсланадилар. Хуллас, шуро ўз фарзандларини беҳудага ўлимга юборар эди ва ора-орада уларни ўз аёллари билан «сийлаб» ҳам қўярди. Мабодо, уларни биз шунчаки фоҳишалар деб атасак, янглишардик. Улар бизни қутуриб кетмаслигимиз учун ҳам бу ерларга келгандир, десак тўғри бўлар, балки.

Ана шундай кунларнинг бирида бутун рота кутилмаганда казарма олдида саф тортди. Тушлик овқат маҳалига анча эрта эди. Биз жангга чиқиш учун топшириқ келган, деб ўйласак, жанг ваҳимаси икки-уч кун олдин етиб келарди. Рота командири шахдам қадамлар билан казармадан чиқиб келди. Ўзига хос сиполик ва дўстона кайфиятда бошини ғоз тутиб:

- Салом, бургутлар, – деди.
- Соғ-саломатлик тилаймиз, ўртоқ катта лейтенант, – қичқирди аскарлар бор овози билан полкни бошларига кўтариб.
- Кайфиятлар аъломи, бургутлар?!
- Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант, – бирваракайига қичқирди рота.
- Эшитмадим, – деди рота командири керилинқираб кўз қири билан сафга боқиб, – кайфиятлар аъломи, бургутлар?!
- Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант!!! – саф гумбурлаб жавоб қайтарди.
- Бу бошқа гап! Яшанглар! Хўш, гап бундай. Икки соатдан кейин бизнинг ротадан битта БМП-2 йўлга чиқади. Қаергалигини штабдаги офицерлар тушуниради. Махфий топшириқ. Шунинг учун 614-машина – механик Ринат Исанбаев ҳамда отувчи-оператор Норқобилов, пиёда аскар Михайлов ҳозирлик кўринглар. Сапёрлар взводидан битта БМП-2 ажратилиди. Штабдан иккита офицер ҳам боради. Бизнинг машинадагиларга санчастдан битта доктор қўшилади. Сен машинага раҳбарлик қиласан, – деди у менга. – Хуллас, соат ўн иккода полкдан иккита БМП-2 чиқиб кетиши шарт. Саволлар борми?

– Йүқ, ўртоқ катта лейтенант, – яна жүровоз бўлди рота.

– Тарқалинглар. Сен бу ёқقا кел, – деб чақирди командир. – Вазият жиддий, – деди у, тирсагимдан тутиб чекиш жойига бошларкан. – Эҳтиёт бўл. Штаб офицерларининг буйруғига биноан иш юрит. Ҳушёр бўл. Сенга ишонаман. Агар топшириқни омон-эсон бажарсанг, «Қизил Юлдуз»га ёзаман. Уйингга ҳаммадан олдин кетасан. Уч ой қолди-я. Утиб кетади. Ҳозир механик билан техника паркига бориб машинани текшириб кўринглар. Үқдори етарли бўлсин. Уч кунлик озиқ-овқат ол! Балки эртароқ қайтарсизлар, лекин ортиқчаси зиён қилмайди. Ҳўш, бўпти. Икки соат вақтларинг қолди. Тушлик йўлда бўлади.

Қисм штаби ёнида тўхтадик. Сапёrlарнинг машинаси ҳам етиб келди. Штабдан иккита офицер чиқди. Уларнинг бири, яъни кўзойнак таққан, йигирма бешга ҳам кирмаган ёш офицер бизнинг машинага чиқди. Пиёда аскар Михайлов олдиндаги сапёrlар машинасига жойлашди.

– Сен қариямисан? (Кўп хизмат қилганмисан, демоқчи) – деб сўради.

– Қарияман. Яқинда уйга...

– Яхши. Ҳамма нарсанг жойидами?

– Тушунмадим.

– Манави пушка, башня, яхши ишлайдими?

– Албатта.

– Яхши отоласанми?

– Ҳа.

– Механик ҳам қариями?

– Ҳа.

Офицер ҳамма нарсани сўрайвериб сил қилиб юборди. Энсам қотди. Шўрлик Афғонистонга кечагина келгани сезилиб турарди. Бу биринчи жанги бўлса керак...

– Кеча келдингизми? – деб сўрадим пайтини топиб.

– Нега энди? Ӯн кун бўлди.

– Тушунарли, – дедим эснаб, – демак, мўрт экансиз, ҳали хомсиз. Пишмагансиз. Ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетасиз. Битта-яримта дайди ўқ яралаб ўтгач, ўқдан тез учадиган бўлиб урушга кўнишиб қоласиз.

Мен атайлаб шундай дедим. Офицернинг ранги оқарди. У ёқ-бу ёққа қимирлаб қўйди. Асабига бехато уриб овозини ўчирганимдан хурсанд бўлиб, бошимни иргаб ҳуштак чала бошладим. Ёш офицер сигарет тутатди. Чекасанми, ишорасини қилди.

– Ҳозирча йўқ. Жангдан кейин керак бўлади, дедим.

– Шундай де?

– Албатта. Бугун рота командири: «Топшириқни бажарсанг «Қизил Юлдуз»га тавсия қилинасан», деди. Демак, ўлимга кетаяпмиз. Тирик қайтсак, орденни кўрамиз. Йўқса, тобутимиз билан бирга уйга жўнатишмоқчи...

– Ахир, бутун полк юриш қилганда талафот кўриш мумкин, – дейишади-ку?

– Талафот, қанақа талафот? Ким айтди сизга бутун бошли полкка қирғин келтирувчи душман иккита машинани жимгина қўйвориб, оқ йўл тилайди, деб?

– Бу гал урушга чиқмаяпмиз-ку?

– Нима бало, курортга кетяпмизми? Э, ана нозанин, дўхтир хоним тўрвачасини кўтариб келяпти. Айтганингиз чиқиб қолди-ку, оҳ-оҳ, курортга кетаётганга ўхшаймиз. Хоним, бекорга чиқмаётгандир, ҳарҳолда!

Лейтенант машинага яқинлашиб қолган врач аёлга ғалати қарап қилди.

Жувон лейтенантга салом берди. Лейтенант ўлганинг кунидан базур алик олди. Врач орқа эшик орқали машина устига кўтарилди. Тилла соч, кўк куз, чехраси тип-тиник, адл қоматли жувонга ҳарбий кийим жуда ярашган, унинг ҳаракатлари чаққон эди. У тўрвасини башня ёнига ташлаб, лейтенантнинг ёнидан жой олди. Аёлга афтидан тўлиқ тушунтириш берилган, олдиндаги вазифадан манави қўрқоқ лейтенантнинг ҳам хабари бор, лекин у бу ишнинг моҳиятини тўлиқ англаб етолмаган эди. Мен эса қаёққа кетаяпмиз, нима учун, қачон қайтишимиз кераклигини билмасдим. Фақат ёнимдаги қизиқувчан лейтенантга суюниб бўлмаслигини сезиб қолгандим.

– Ўртоқ прaporшчик, қайси манзилларга саёҳат қила-миз? – деб сўрадим аёлдан.

- Гардезга.
- Вазифа аниқми?
- Ҳа.
- Демак, биз яралансак, сиз... шунинг учун?..
- Худо асрасин.

Олдиндаги машинадагилар жойлашиб бўлишди. Юриш тараддудига тушишди. Мен сапёрлар взводи машинасида ўрнашган офицердан сўрадим:

- Ўртоқ майор. Бизнинг атамамиз канақа?
- «Бубен». Бизнинг машина «Бубен-1», сизлар «Бубен 2».
- Тушундим. Алоқани қайси частотага қўяй?
- Тўққиз юз саксон олтига. Тезроқ ула. Мен билан алоқада бўл!
- Ҳўп бўлади!

Шу пайт полк штабидан биттадан қоп орқалаган тўртта аскар чиқди-да, тўғри биз томонга юра бошлади.

- Ўртоқ лейтенант, булар ҳам биз билан боришадими?
- Йўқ. Юкларни бизга беришади. Машинанинг десант бўлмасини оч. Уларни ўша жойга соламиз.

Мен машинадан тушиб, орқа эшикларни очдим. Десант бўлмаларига иккитадан қилиб қопларни жойлаштирилди. Қоплар зил-замбил оғир эди.

- Бу нима? - сўрадим аскарлардан.
- Пул.
- Шунча пулни қаерга... нима учун?
- Мен қаёқдан билай. Ҳарҳолда буларни ёқиб овқат пиширмасанглар керак, – деди аскар.

Машиналар жойидан жилди. Гардезгача уч соатлик йўл. Кобулдан чиққач, катта қишлоқ бошланади. Сўнгра икки томони тоғлар билан ўралган йўлга тушамиз. Тоғли довондан ҳар томонни қузатиб боряпмиз. Аёлнинг парвойи фалак. Қўриниб турибди, жангларга чиқавериб, сипо тортиб қолган.

- Ўртоқ прaporshchik, исми-шарифингизни нима деб айттай?
- Нина Григорьевна.

- Хұрсандман, Нина хоним!

Мен машина ичкарисига тушиб үз жойимни эгалладым. Нина Григорьевна ва лейтенант башня тепасида қолиши. Кузатгич ойнак орқали атрофга разм солдим. Яланглик. Заминга яшиллик юргурған. Йүл четидан ярим чақирим нарида қишлоқ бошланади. Кичик уйчалар атрофи одам бели баравар құтариған паст деворлар билан үралған ҳовлиларда ғимирлаётған ақолини күриш мүмкін. Болалар, хотин-халаж, қыз-жувонлар кундалик юмуш гирдобида. Улар қишлоқнинг шундай ёнгинасидаги йүлдан үтиб бораётған шұро армияси машиналарига эътибор беришмасди. Бу йүлдан ҳар куни неча маротаба техника үтади. Ақоли эса үрганиб қолған. Кобулға яқын жойлашгани, атрофи шұро полклари билан үраб олингани боис, қишлоқда душман бўлиши, бу қишлоқнинг шўравига қарши қурол ўқталиши мумкин эмас эди. Қишлоқ ахли ноиложликдан нафасини ичига ютиб яшарди. Бош құтарса, шу ердан бирорта ўқ учса қишлоқнинг ёниб кул бўлиши, ер баробар текисланиши аниқ. Агар шу қишлоққа қаратса жанг қилиш зарурати туғилса, теваракда жойлашган қисмлардаги артиллериядан ўқ отилса кифоя. Бу ҳам етмагандай қисмларнинг биқинида шұро армияси үрнашиб олган. Совет полклари, ҳарбий техникалари, турли хил қурол-яроғларга эга инқилоб қалқонлари бўлмиш афғон армияси қишлоқда бирорта нохуш ҳол юз бермаслиги учун жон-жаҳди билан курашар, хўжасига содиқ ит каби қишлоқ осойишталиги учун жонини беришга шай эди. Буларда асосан инқилоб душманларига қарши курашиш иштиёқидан кўра, шұро армиясининг ғазаби қайнаб, қовоқ-тумшуғи осилишидан чўчиш ҳисси минг чандон баланд эди. Агар шұро қўшини Афғонистонни тарқ этса, буларнинг ҳоли хароб бўларди. Шунда сарондойлар учун иккита йўл қолади – ўлиш ёки душман томонга үтиб инқилобни бўғизлаш. Бироқ афғон армияси учун иккинчи йўлни танлаши ҳақиқатга яқинроқ эди.

Муюлишга келганда афғон армиясининг постига дуч келдик. Майор машинадан тушиб, афғон офицери билан

ниманидир гаплашди. Афғон тиржайди. Мен башнядан бошимни чиқарып, автоматимни олдым-да, үзимни бепарво тутиб, қуролни ҳалиги офицерга тұғрилаган бұлдым. Пушкани тушириб, алоқа мосламаси сими чиқиб турған бинога мұлжалладым. БМП-2 отув милини алоқа биносига тұғрилаб қўйилиши барибир афғон офицерига таъсир қылди. У бошини силкиб-силкиб, сунъий табассум қилиб четга суралди. Йўлни очиши. Үтаётиб автоматни мұлжаллаб, офицерга кўзимни қисиб қўйдим. У довдираб қолди. Лейтенант атрофга қизиқиб қараб турарди.

- Қизик, - деб қўйди у, орқага – афғон пости томонга қараб.

- Қизиги, кейинроқ, жанг майдонида бўлади, – дедим.

- Ҳа-я, албатта, – деди лейтенант.

Нина Григорьевна менга қараб турди-да, кулимсиради. Кейин лейтенантга назар ташлади. Унинг бу қарашибидан: «Ҳали шу билан урушга боряпманми?», деган фикрни англаш мумкин эди. У ҳар ҳолда лейтенантга раҳми келиб қарагани аниқ эди. Мен пайтдан фойдаландим.

- Нина Григорьевна, ўртоқ лейтенантнинг бугун урушга биринчи бор чиқиши. Айтишади-ку, биринчи жанг биринчи бўса каби ҳаяжонли кечади, деб.

Лейтенант, елкасини қисиб, бизга ҳазил қилмоқчи бўлди. Лекин эплолмади. Аёл шарақлаб кулиб юборди. Аскар кийими чўнтағидан сигарет олиб тутатди. Мен машина ичкарисидан нави паст бўлса-да, үзимнинг «Охотничие» сигаретимни олдим. Машина қишлоққа туташ сўқмоққа яқинлашганда йўл четида қўлини силкиб турған болакайга «ниманг бор?», ишорасини қилиб бош ирғадим. Бола исқиrt кийимда, яшил читдан тикилган кўйлак-иштонда, оёқ яланг эди. У озғин қўлини ёнидаги тўрвачасига тиқиб, кулчага ўхшаш, дум-думалоқ нарса олиб кўрсатди. Бош ва жимжилоқ бармоғини тик қилиб, ўрталик уч бармоғини буклаб, бош бармоғини оғизга олиб келди. Мен тушундим. Наша экан. Бу ёққа от, маъносида қўлимни силкитдим-да, жанг тўрвадан гўшт, кар-

тошқа, қуюқ сут солинган темир идишларни отдим. Улар боланинг оёғи остига тушди. Бола консерва идишларни чаққонлик билан олди-да, олдинга қараб юргилади ва күлидаги кулча шаклига келтирилиб тайёрланган чарс, яъни нашани биз томонга ирғитди.

- Нима бу? – лейтенант қўлига олиб қизиқсинди.
- Кулча, – дедим.
- Мен жиддий сўраяпман.
- Чарс. Биласизми? Керак бўлади...

Лейтенант менга маъноли қараб, қўлида чўғ ушлагандай типирчилади. «Отиб юбормасин», деган ўй билан чарсни қўлидан юлиб олдим-да, машина ичига, ўриндиққа ташладим. Нина Григорьевна бизга шунчаки, бемаъно қараб тураг, айни дамда ҳеч нарсани ўйламас, қуруқ, аммо жозибали суврат бўлиб, машина устидаги қўққайиб ўтиради. Кепкаси гирдидан чиқиб турган малларанг соchlари енгил шамолда титранар, тиниқ ва беғубор кўк қўзларини олисларга тикканди. Қабоҳату разолат бижғиб ётган бу кир дунё – уруш қучоғига хоҳиш-иродаси билан ўзини ташлаган хушрўй рус аёлининг хаёлидан айни дамда нима кечётгани биргина ўзига аён эди. Шундай бўлса-да, унинг орамизда бўлиши ёқимли бир ҳол эди. Манави лейтенантнинг ҳозир бу аёл ҳақида қандай ўй-хаёlda эканини билмадим-у, лекин аёл билан ёнма-ён турганим боис кайфиятим аъло эди. Очифи, лейтенант мени умуман қизиқтирмай қўйган эди. Унда қўнгил, фаросат борлигига ҳам шубҳа қила бошлигандим. Кўрқоқлиги шундоғам билиниб турибди.

Текис йўл тугаб, тошлоқ кўча бошланди, зум ўтмай ўйдим-чукурда машина силтанишга тушди. Гарdez ҳудудига етиб келдик. Яна ўн чақиримдан сўнг қишлоққа етамиз. Олдинги машинадаги майор алоқага чиқиб, жанговар ҳолатга киришимизни буюрди. Лейтенант шоша-пиша каска ва эгнига зирҳли кийимии илиб олди. Пррапоршчик аёл эса бемалол, ўша-ўша ҳолатда ўтираг, зирҳ кийимни башня ёнида, жувоннинг оёғи остида ётарди.

– Нимаси даҳшат? Ёш офицер аскарга ёқмаган, отиб қўйган, – дедим кесатиб, – ёки шўрлик лейтенантга ўлгани учун орден берилгани даҳшатми?

Лейтенантнинг уни учди. Мен у билан ўчакишиб қолгандим. Буни аёл сезди. У тўрвасидан узум соки солинган темир идишчани олиб, очқич билан икки томонини тешиб очди-да, симира бошлади. Мен қорним очиққанини сездим. Ичкари тушиб жанг тўрвамдан гўшт солинган темир идишни олиб, очқич билан очдим. Идишдан гўшт олиб, қуритилган нон билан едим. Узум соки ичдим. Энди юқорига чиқаман, деб турганимда ички алоқада Ринатнинг овози эшитилди:

– Қара, тўғримизда афғонлар юрибди. Эҳтиёт бўлиш керак.

Мен рўпарамдаги одамларни кўрдим. Улар қуролсиз эди. Қишлоқ аҳли. Биз томонга келяпти.

– Булар душман эмас, – дедим.

– Биламан, душман эмас. Шундай бўлса ҳам айтдим-қўйдим-да. Қўрқаяпти, деб ўйлама тағин.

– Сен менинг энг довюрак дўстимсан, – дедим уни мақтаб.

Башнядан бошимни ташқари чиқариб атрофга қарадим. Биз қишлоқقا кириб боргандик. Машина устида лейтенант теваракка аланг-жаланг боқарди. Куролини кўксига тираб олган. Кўрққани шундоқ сезилиб турибди. Аёл эса бепарво. Олдга қараб ўтирибди. Шундай бўлса-да, анча ҳушёр.

Қишлоқни оралаб ўтдик. Ўқ отилмади. Ўн еттинчи кузатув нуқтасига етиб бордик. Атрофи баланд девор билан ўралган қалъа. Унинг уч тарафида маҳсус истеҳкомлар қурилиб, танклар қўйилган эди. Кузатувчи аскарлар ҳар кунги ишимиз шу, атрофни кузатиб турибмиз, дегандек, қўлини иягига тираб хаёл суриб туришарди.

Ичкарида эса ўчоқ, тандир, қудук, супа. Қисқаси, қўргон бой кишининг ҳовлиси экани билиниб турибди. Ҳовлининг кунботарида сарҳадсиз токзор. Узум навда-

– Үртоқ прaporшчик Нина Григорьевна, бошланиб қолса керак, ҳозир. Бир гап бўлса, ўзингизни машина ичкарисига уринг, лейтенант ташқарида қолаверсин, – деган маънода гап қилдим.

– Раҳмат, – деди у кулимсираб.

Кулги жувонга ярашар, у кулса янам очилиб кетар эди.

– Нина Григорьевна, ҳозир аниқ нима қилишимиз керак. Бизга кўпинча кўзда тутилган манзилга боргач, топшириқ берилади. Балки сиз биларсиз? – мен атайлаб лейтенантдан сўрамадим.

Лейтенант менга гўёки: «Сен билмасанг, мен биламан аскар», деган мазмунда қараб қўйди. Бироқ Нина Григорьевнанинг шаддодлиги ҳам бор экан. У энди бизга эл бўла бошлади чоғи, нима сабабдан бораётганимизни икки оғиз сўз билан айтди-кўйди:

– Разведвзвод кеча шу қишлоққа кирган. Жанг бўлган. Иккита жангчининг ўлиги қолган. Шуларни олиб қайтамиз. Душман тараф билан келишилган.

Кутилмаган гапдан анқайиб қолдим. Мен қишлоқ ичкарисига, ўзимизнилар ҳимояда турган кузатув нуқталарига боряпмиз, улар орасида душман билан келишмовчилик содир бўлгандир, пул шунинг учун керакдир, деб ўйлаб келардим. Чунки қишлоқлар атрофидаги кузатув нуқталаридағи аскарларимиз доимо душманга у-бу нарса бериб туришар, баъзида шу йўл билан жон сақлашлари сир эмас эди.

– Демак, душман билан юзма-юз келамиз. Ўтган йили, энди аффонга келган пайтим, ёш аскарлардан бири билмасдан офицерни отиб қўйди. Офицер ёш эди. Аскарни эса Жалолободга, учинчи батальонга жўнатишиди. Ҳалиги офицерга ўлимидан сўнг «Қизил Юлдуз» ордени беришди. Ҳа, шармисорлик бу, – дедим, мавзуни буриб, ўзимни чалғитиш учун.

– Бу қандай бемаънилик. Даҳшат, – деб гапга қўшилди лейтенант.

лари пиндик отиб, барг чиқарып қолган. Сүл томонда эса улкан боғ ястанган. Үриклар оппоқ гулга кирган. Құрғон ичкарисидаги кенг хоналарнинг бирида йигирма чоғли аскарга ётоқ жой ҳозирланган. Кейингиси ошхона. У ёғида офицерлар ётоғи. Кичик хонага алоқа қурилмалари, турли хил ускуналар үрнатылған. Ҳовли сатҳида ҳар хил үқ гилзалари, БМП-2, танк снарядлари сочилиб ётарди. Супа ёнида снарядлар жойлашған кутилар тахланиб турад, берироқдаги чуқурда ток тарқатувчи двигатель қуринарди.

Биз машиналарни токзор бошланишига, кунботарга қаратыб қўйдик. Майор құрғон ичкарисига кириб, офицерлар билан нималарни дидир гаплашяпти.

– Нина Григорьевна, бутун бошли полкни юз чоғли душман зир титратади. Тупканинг тубидаги бу нұқтани душман йўқ қилиб юбормагани ғалати.

– Буларга ишонма. Булар душман билан дўст. Буларга тегмайди, – деди у кулимсираб.

Шу пайт ичкаридан майор чиқиб келди. Шу ердаги аскарлардан бири үқ-дори солинган машинанинг десант бўлмасини очди. Каттакон кутиларни тушириб тахлади. Бизнинг машиналадаги тўрт қоп афғони пулни олдилар. Құрғонда жанговар ҳолат эълон қилинди. Врач аёл командир ўриндиғига жойлашиб, люкни ёпиб қўйди. Лейтенант пастда, машина тагида ётиб тўғрини кузата бошлади. Кўп ўтмай кунботардаги токзорга туташ йўлда, биз «бурбухайка» деб аталувчи юк машинаси қуринди. Биз билан келган майор, құрғондан бир офицер ва тўртта аскар, тўртта қопни кўтариб, токзорни оралаб «бурбухайка» томонга юришди. Улар узумзор ўртасига бориб тўхтаб туришди. Офицер қўлидаги оқ байроқни ҳавода силкиди. «Бурбухайка» тўхтади. Ичидан олти нафар афғон тушди. Иккитаси олдинда қолган, тўрттаси иккита замбилни кўтариб, бизникилар томон юрди. Биз вужудимиз кўзга айланиб, уларни кузатиб турибмиз. Мен отув милини тушириб афғонларга тўғрилаб қўйдим. Иккала томон бир-бири билан учрашди. Аскарлар қопни топшириб замбилни олишди.

Шунда токзор четидаги йўлдан отув мили орқага қаратиб бурилган БТР елдай учиб борди ва «бурбухайка» олдида тўхтади. БТР устидаги аскарлар ҳозиргина биз келтирган ўқ-дориларни ерга ағдарди. Шу заҳоти БТР орқага қайтди.

Биз иккита полкдошимизнинг мурдасини олиб изимизга бурилдик, йўлга тушдик. Ҳамманинг кайфияти ёмон. Десант бўлмаларида энди ўлик олиб қайтаётгандик. Ўйдим-чуқурлик тугаб, қишлоққа киришимиз билан олдиндаги машина ёнида портлаш содир бўлди. Ён томондан чийиллаб келаётган снаряд товуши эшитилди. Узокдан қалъалардан кузатиб турган душман бизни олис масофага учувчи ракета билан ўққа тутаётганди.

– Нима бу, нега ахир? Биз келишганмиз-ку?! – лейтенант эсанкираб қичқириб юборди.

– Ҳа, ифлослар, отишяпти. Ринат, тезроқ ҳайда!

Ён-атрофга кетма-кет снаряд туша бошлади. Бир чақирим юрмасимиздан автомат ўқлари тепамиздан чийиллаб учди. Ёнимиздаги қалъаларда душман бекиниб олганини сездик. Лейтенант кўрқанидан тектакнамо қичқириб, бақириб юборди. Праторшчик башня орқали ичкарига тушди-да, десант бўлмага – ўликнинг ёнига ўтди. Лейтенант командир ўриндигига ўтириб олди. Мен тепадаги қопқани ёпдим. Ўнг томонга ўт очдим. Қалъа деворларидан чанг-тўзон кўтарилди. Бир маҳал девор ортидан олов сачрагандай бўлди. Гранатомёт ишлаб қолди. Снаряд машинанинг ёнгинасида портлади. Башня устига темир парчалари келиб тушди. Мен гранатомёт отилган жойга снаряд ёғдирдм. Пулемётдан ҳам ўт очдим. Узлуксиз отилган овоз эшитилди. Машина таққа тўхтади. Бошим зарб билан алоқа кутисига урилди. Шундай бўлса-да, душман ўрнашган томонга ўт очаведим.

– Олдимиздаги машинани гранатомёт билан уришиди, – Ринат алоқада қичқириб юборди.

– Нима қилиш керак?

– Занжир узилибди. Пастки қисмидан тегибди.

– Тўхтат!

Машина тұхтади. Мен башняни қалъа томонға бурдим. Ринат механик хонасидан олдиндаги машина томон югурди. Ёнимда лейтенант бошини кузатув ойнасига тираб, кунишиб олган. Ҳеч қаерга қарамайды. Дағ-дағ титрайди.

– Үртоқ лейтенант, чиқиб, десант бұлмасини очинг. Олдинги машинани уришибди... Улар бизга киришади, – дедим бақириб.

Вақт жуда тиғиз эди. Мени бир күч бошқарар, құрқув деган түйғу шу пайт менга бегона эди. Миям зұриққанидан вахимани унуги құйғандым. Лейтенант баттар қунишяпти. Мен уни туртдым. Қалтираб-қақшаб қараб, яна писиб олди. Жаҳлим чиқиб силтадим... Шу орада қалъа томон қарадим-да, отув милини үнгга-чапға буриб, автоматик равишда снаряд отдим.

– Чиқ, сенга айтяпман, әчки. Ҳе онангни... тур, десант бұлмасини оч, – аччиқ устида лейтенантнинг бошига туширдим.

У талмовсираб, анграйиб менға қаради.

– Онангни фалон қылай... Десантни оч!.. Десантни.

Бефойда. Үзим қопқаны очиб ташқарига чиқдим. Шу маҳал вариллаб үқлар учеб үтди. Машина тепасидан юриб, орқага үтдім-да, десант бұлмани очдим. Ринат олдинги БМП-2 томондан югуриб келиб, үзини механикка урди. Машинанинг пушкаси тинимсиз үт очяпти. Демак, юқори қисми талафот күрмаган. Чап десант бұлмасидаги түйнүқдан автоматини чиқариб, Нина Григорьевна үт-очар, гилзалар тарақлар, бұлманинг темир сатқига уриларди. Ринат машинани юргизди. Мен яна пушка ва пулемёттнинг үқ отувчи тұгмачаларини бараварига босиб, душман томонни мұлжалға олдим. Шу пайт занжири узилған КМП-2нинг экипажи – оператор-отувчи, механик, Михайлов десантнинг очиқ бұлмасига кириб олишди. Майор эшикка яқынлашиб, құлидаги гранатани талафотға учраган машинага қарата ирғитиб, үзини ичкарига урди. Мен энди душман йўлимизни тұсади, деб йўладим. Айтганим тұғри чиқди. Ички алоқада Ринат қичқириб юборди:

– Олдимизда духлар! От!

Зудлик билан башняни тұғрига айлантирдим. Машинанинг чап занжири олдида портлаган снаряд парчала-ри башня тепасига келиб тушди. Кузатув ойнасими чанг қоллади.

- Тұғрига от. От. Отавер... Қаршимиздан чиқишаңты.

Мен ҳеч нарса күрмасам ҳам тұғрига қаратада ота-вердим. Худонинг құдрати билан қишлоқдан соғомон чиқиб олдик. Текис йүлда кетаётибмиз. Десант бўлмаси-дагиларга энгашиб қарадим. Ҳамма ўз ўйи билан банд.

- Бу ёғида энди қишлоқ йўқ. Хавфсиз. Машинани тўх-татайми? Десантдагилар тепага чиқишин. Ўликларни босиб ташлашди, - деди Ринат.

- Майли.

Иккала бўлмадагилар юқорига чиқишиди. Мен ҳам башня тепасига чиқиб ўтирдим. Баҳорнинг тоза ҳаво-сидан тўйиб нафас олдим. Томоғимга порох ҳиди ўр-нашиб қолган эди. Майор отув милига суюниб сигарет тутатяпти. Михайловнинг оёғини осколка ялаб ўтибди. Нина Григорьевна унинг ярасини боғлаяпти. Лейтенант бошини ерга эгиб олган. Чурқ этмайди. Машина Кобул сари яқинлашиб бормоқда.

Мен эрталаб йўлда афғон бола берган кулчасифат чарсни олиб ушатдим-да, «Охотничье» сигарет тамаки-си билан аралаштириб эзғиладим. Тарап қилиб сигарет қоғозини тўлдириб «юкладим». Бошим ғувиллар, ҳозир-ги жанг шууримни музлатиб қўйган эди гўё. Чарсдан бо-сиб-босиб иккита тортдим. Ўзимни енгил ҳис қилдим. Майор ҳеч нима демади. Чарсни Михайловга узатдим. У ҳам икки-уч тортган бўлди-да, ярасини боғлаб қўйган врачга мулозамат қилди. Аёл бош чайқади. Юзим бироз совигандай бўлди. Уйкум келди. Бемаъно, тентакнамо юришимизнинг азобларини унтуиш, уларни эсламаслиқ учун ҳам, манови қўрқоқмурда лейтенантваччани қўр-маслик учун ҳам ҳозир чарс чекдим. Ўзимни ичкарига олдим. Қовоғим оғирлашди. Қўзим олдида булувлар су-зиб юргандай бўлди.

Бир нарса қаттиқ тарақлаб, машина силкиниб кетди. Мен бошимни башнядан чиқардим. Машина устида майор думалаб ётар, чаккасидан оқсан қон жанг тұрvasи атрофига ёйилиб борарди. Михайллов ғужанак бұлиб олған, бор овоз билан бақырап, силкиниб-силкиниб құярди. Душман машинанинг қоқ белидан гранатомёт билан урганди. Галасидан ажралған турна каби адашиб қолган, яъни колоннадан холи келаётган машинани бу ерларда ёш бола ҳам үққа тутиши ҳеч гап әмас эди. Бу ердаги үйларда гранатомёт, үқ-дори, қурол борлигига шубҳа қилмасак ҳам бўларди. Нина Григорьевна майорнинг юзини үнглаб, чалқанча ётқизди. У типирчилар, хириллаб нафас олар, бўйнидан қон сизар, елкаси орасига темир парчаси кириб кетган эди. Аёл унга оғриқни тұхтатувчи укол юборди. Ярасига бинт босди. Қон тұхтамас, майорнинг юзи оқариб борарди. Шу заҳоти снаряд отилган томонни машинадан үққа тутдым. Тұғри келған ҳовлига үқ ёғдиравердим. Ҳовлиларда қий-чув бошланиб, хотин-халаж, болалар юргиллар, баъзилари силтаниб қулар, мен эса хушим күтарилиб, қутуриб борардим. Ичкарида лейтенант елка қисиб қалтираб үтирап, менга нурсиз күзларини тикар, юзида қон йўқ, худди майорнинг юзидай оқариб кетган, дағ-дағ титрарди. У кўзимга жудаям жирканч кўриниб кетди. Шу маҳал қопқани очиб, бошимга уриб, алланималар деб бақираётган Нина Григорьевна-га қарадим. У башня устида әнгашиб, тепадан ичкарига, менга отишни тұхтат, деб қичқирап эди. Мен башнядан ярим белим билан кўтарилдим. Тутқаноқ тутгандай үзимни бошқаролмасдим.

- Кобулга яқынлашдик. Отишни бас қил, – бақирди аёл.
- Бу ифлослар барибир бизни отиш пайида бўладилар. Нима бўпти... Кобулда ҳам отишимиш керак буларни.
- Үзингни бос!.. Мумкин әмас. Ринатга айт, машинани тұхтатсын.

Машина тұхтади. Майор ҳеч нарса билмай афтодаҳол ётарди. Базур инқиллаб қўярди... Овози шунчалар беҳол

ва ожиз эдики, шу мунгли инграши билан унинг жони чиқиб бораётганга үхшарди. Мен уни опичлаб, десант бўлмасига олиб кирдим. Михайлопнинг яраси енгил. Уни ўнг бўлмага жойлаштирдим. Бўлмадаги мурдалар сафига иккита ярадор кўшилди.

Мен башнядан ичкарига кириб, лейтенантни силкидим.

– Ташқарига чиқ-да, десант бўлмасига кир. Тепада ҳеч ким қолмади. Битта аёлнинг ўзи тепада кетаверсинми? Чиқ, ташқарига, – дедим.

Лейтенант ялинганинамо оҳангда деди:

– Ахир бўлмада ярадорлар, мурдалар бор-ку.

– Ҳой, ит, сенинг мурдадан нима фарқинг бор. Бир аёлчалик юрагинг йўқ, ифлос. Чиқ тепага, онангни... Ҳозир отиб ташлайман, – автоматни олиб, унинг кўкрагига тирадим.

Лейтенант телбанома қиёфада ташқарига кўтарилиди.

– Тез-тез, чаққонроқ бўл.

Уни турткилаб ташқарига чиқардим. Нина Григорьевна ичкарига, командир ўриндиғига жойлашди. Унинг кийимлари, ваҳм оралаган юзига қон сачраган эди.

Ринат машинани елдай учириб ҳайдаяпти. Кобул шаҳрига кириб келдик. Нина Григорьевна кузатув ойнасига юзини босиб юм-юм йиғлар, унинг кўз ёшлари юзида қотган қонни ювиб борарди.

Мен «Охотниче» сигаретига наша ўраб чека бошладим. Нина Григорьевна эзгин қиёфада қараб, қулини чўзди. Мен яримлаган сигаретни унга тутдим. Аёл босиб-босиб икки бора тортди-да, кўзларини чирт юмди. Мен туман ичида қолгандай бўлдим. Суягим енгиллашди. Нина Григорьевна ҳам узоқда, анча олисларда кўрингандай бўлди.

Қисмга етиб келганмиз чамамда, Ринат машина қопқасини очиб, бошимга муштлаб уряпти.

– Нима дейсан?

– Уйғондингми? Туш. Комбат келди. Ўликларни олиб кетишди. Сени сўрайпти.

Ёнимга қарадим. Нина Григорьевна жойида йўқ. Қалтираган ҳолда машинадан чиқдим. Пастда батальон ко-

мандири турибди. У машинага яқын келиб, қўлини чўзди. Сакраб пастга тушдим. Батальон командири мени бағрига босди.

– Яш! Сен чин эркаксан. Чарчадингми? – деди елкамга қоқиб.

– Йўқ. Ҳаммаси жойида, ўртоқ майор!

– Кўзларинг қип-қизариб кетибди. Чайқалиб турибсан. Чарчабсан. Ҳозир казармага бориб ухла. Сенга икки кун дам. Йўқламага чиқиб юрма. Қисм командири сизларга ташаккур айтди. Сени бугуннинг ўзидаёқ «Қизил Юлдуз»га тавсия қиласман. Ҳаммаларинг жасорат кўрсатдинглар. Топшириқ бажарилди.

Кўнглим айнияпти. Комбатнинг тезроқ даф булиши ни истаяпман. У чайқалиб турганимни фаҳмласа-да, билмасликка оларди.

Казармада икки кун донг қотиб ухладим. Тушлик ва кечки пайтлар ёш аскарларни дўконга ароққа юбордим. Шкафимда жангга чиққан кезлар бериладиган «Куруқ овқат» – темир кутида сақланувчи гўшт, сули бутқаси, қуюқ сут бор эди. Овқатланаман, ухлайман. Айқаш-уйқаш манзаралар намоён бўлади. Нина Григорьевнанинг қон сизган чеҳраси, ўша ўлиқ аскарлар қиёфаси, яранган майор, йиғлаётган лейтенант, сон-саноқсиз техникалар, қурол ўқталган саллали, маҳаллий кийимдаги афонлар хаёлимдан бир-бир ўтар, уйқу аралаш кимлар биландир гаплашардим. Бу – жудаям оғир ҳол эди...»

\* \* \*

...Гўзал шу мисраларни ўқиб, ёшли кўзларини беморга тикди. У қизга қараб турибди. Қиз саросимага тушди.

– Мен, мени кечиринг. Уйғондингизми?

– Бироз ухладим. Бу – жудаям оғир ҳол эди. Энди яхшиман.

«Бу жудаям оғир ҳол эди...» Қиз ҳозиргина ўқиганларини такрорлаган шоирга қараб анграйиб қолди.

– Ўқийверинг. Барibir китоб ёзмоқчи эмасман...

- Нега? Яхши, таъсирли-ку?

- Гап фақат таъсирли нарсаларда эмас.

Шоир оғрингандай бұлди.

Шу маҳал эшик очилиб, дүхтир Исмоилов кириб келди.

- О, bemor уйғонибди. Кайфият қалай? - Сұнгра Гүзалга қараб сүз қотди: - «Қора камар» яхши видеофильм экан. Қойил. Зүр экан. Құрмадингиз-да...

Гүзал шоирга маңноли қаради.

- Ана, күрдингизми, Шукур ака зүр, «Қора камар»ни Шукур ака ёзган, - деди шоир жилмайиб, - бир куни сизни таништириб құяман. Китобига дастхат ёзиб беради.

Шоирнинг кайфияти яхши эди, қызы ҳам жилмайиб турарди. Исмоилов уларга ғалати қарап қылды.

## IX

Куз ёмғири эзиб ёғаётган үша кеч шоирнинг хонадонида бундай гап-сүз бўлиб үтар эди:

- Дадаси, бугун кўп ичибсиз. Соғлиғингизни үйланг. Сизга мумкин эмас-ку.

Барно чайқалиб үтирган эрига ёстиқ узатди. Шоир узала тушди. Аянчли кулди.

- Камол Шукур билан бирга эдим. Кайфиятим бир кутарилди... Үзим ҳам майда-чуйда ишларга аралашиб қолибман. Хиқ...

- Қўйинг, эътибор берманг.

- Мен, мен... энди телевидениеда ишламоқчи эмасман.

- Шунинг учун шунча... куйиняпсизми?

- Йўқ... йўқ... Менга қаранг... Одам, барибир йиқилмаслиги керак, кайфим ошди, тўғри. Лекин ақлим жойида. Эшигинг... Бугун мажлис чақиришиб, мени муҳокама қилишди. Куённинг юрагини кўтариб юрмаганим учун. Эҳ, одамлар, одамлар... Гап шу - эртага ариза ёзаман... Иш топилар.

- Овқатланмасангиз, ухланг энди...

- Эҳ, Хиқ. Ухлаб бўладими!.. Бугун яна телефон қилдими?

- Ким?

– Кимни назарда тутаётганимни яхши биласиз. Уф-ф, жонга тегди... Шу Бурхоновдан бекор қарз олдим. Бундан күра ётоқхонада яшаганимиз минг авло эди. Уй-уй, деб хит қилдингиз... бу нима гап? Ҳар куни... телефон. Пулни топ, деб үшқиради.

– Пул топгунимизча индамайди, қачон қайтарсак ҳам рози дедингиз-ку...

– Ҳа. Бурхонов шу пулга қараб қолгани йүқ. Мансабдор.

– Нега унда бунча құнғироқ қиласади?

– Ишни үзим хом қилғанман. Үшанды унинг вилоятдаги ташкилоти танқид қилиниши керак экан. Бошлиғи бизнинг қишлоқдан. Олдимга келди. Анча-мунча ялинди. Орага туш, деди. Отанг салом айтди, энанг сұраб қолди, деди. Тұхтатайлик, деди. Хұжайини, шу Бурхонов ҳам илтимос қилғанини гапирди. Мен бу ишга аралашмайман, дедим. Хафа бұлди. Кетди, шалвираб... Эртасига Бурхоновнинг үзи құнғироқ қиласы. Ука, бир учрашайлик гап бор, деди. Учрашдик, у яхши шоир экансиз, биз ёрдам берайлык. Уйсиз юрсанғыз уят бұлади, деди. Мен, уни адабиётни, шоирни яхши күраркан, деб үйладим. Майли, дедим. Хи-иқ. Кейин мен сиз қарз беринг, мен уй олай, фақат кейин қайтараман, дедим. Эсингиздами, кечқурун шоғёри пул ташлаб кетди. Лекин, танқидга аралашмайман, девдим. Барибир телевизор танқид қиласы. Ҳалиги раҳбар, қишлоқдошим ишдан кетди. Кейин Бурхонов мендан пулимни қайтар, деди. У номардлик қиласы. Қарзни қайтариш муддати менга боғлиқ эди... Қачон пул топсам бераман, дегандим. Энди бир гапни такрорлагани-такрорлаган. Бирордан олиб берувдим, құймаяпты, қистаяпты, дейди. Раҳбар одамнинг гапини қаранг. Ишхонага ҳам ҳар куни құнғироқ қилиб безор қиласы. Эртага үзи борса керак. Бошим қотиб қолди. Бу дунёда яхшилик учун, самимий құмак берадиган одам йүқ экан. Бурхоновнинг тулаги тиллодан... миллионлаб пули бор. У менга қарз учун берган пулині бир кунлик маишатига сарфлайди. Агар худди үша кунгидай бирор-

та танқидий кўрсатувнинг исини сезса, яна пул кўтариб юргилайди. У шундай одам. Отанг, ака-уканг ёрдам бермаса қийин экан. Тошкентга келиб, ёзувчи бўлишинг учун бу ёғинг бақувват бўлиши керак экан. Йўқса, ётоқхонама-ётоқхона, ижарама-ижара сарсонинг чиқиб, ароқ ичиб, пивога чўмилиб, жигаринг эзилиб, хор бўласан экан. Эй ҳаёт, яшаш бунча қийин. Ўзим тенги ижодкор ошналаримнинг ҳам аҳволи меникидан яхшимас. Ётоқ, ижара, қарзга олинган уй... Ҳаммасининг дарди бир хил. Лекин улар ёзаяпти. Мен-чи? Каллам қарз тўлаш билан банд. Ишхонадаги опа процентга қарз берди. Судхўрлик бу. Лекин, уйсиз қолишдан қўрқиб шартига кўндин. Қишлоқдан майиз, сигир-қўйларни сотиб олиб келган пулни опага бердим. Индамай олди. Энди отамдан пул сўрай олмайман. Мени деб бечора шип-шийдам бўлди. Бор-е, деб қишлоққа кетсак, томорқа йўқ. Уй қуриш керак.

- Қўйинг, бир гап бўлар. Яна мазангиз қочади... Мана, чой, бир пиёла иссиқ ичинг. Қўйинг, сиқилманг, бир гап бўлар. Бошингиз омон бўлсин. Хўп, десангиз, эртага дадамга қўнфироқ қиласан. Ёрдам берадилар.

- Э, йўқ. Куёвим тамом бўпти, дейди. Сўраманг.

- Унда нима қиласиз?..

- Қишлоққа бораман. Тоғамдан сўрайман. Охирги умидим ундан... Ҳа... Эртага ишхонага аризани топшириб, қишлоққа жўнайман. Бурҳонов яна телефон қилса... пул қидириб кетди, денг. У энди мени тинч қўймайди, уф... Ичим куйиб кетяпти. Сув опкенг. Йўқ, чоймас, сув.

Барно косада сув келтирди. У муштдай бўлиб, ожиз ва мунғайиб қолган эрига ачиниб қаради. Ич-ичидан ўзини койиди. Ётоқхонада яшамаймиз, уй олинг, деб хархаша қилганини эслаб, эзилди.

Шоир хизматдан келиб, университетнинг журналистика факультетида ўқиши давом эттириди. У иккинчи курсда эканида Барно биринчи курсда таҳсил оларди. Нимаси биландир қиз йигитни қалбига яқин олди. Йигитнинг қарашлари, хатти-ҳаракати бошқалардан ажра-

либ турарди. Деярли ҳар куни газеталарда мақолалари босилиб чиқарди. Факультетдаги талабалар ичидә ҳам обрүси баланд эди. Учинчи курсда «Шарқ юлдози» журналида қиссаси эълон қилинди-ю, талабалар орасыда шоирнинг обрүси ошиб кетди. Сўнг шеърий китобчаси чоп этилди, катта шоир оқ йўл тилади.

Танаффусда йўлак бурчагидаги ўриндиқда ёлғиз ўзи чекиб ўтирап, деярли ҳеч кимга қўшилмасди. У бор-йўғи даврага қўшилиб кетолмасди. У ўзини анчагина кексайиб қолгандек ҳис этар, ёшлик завқи, шодланиш шоир учун бегона эди.

Шоир танаффусга чиқиб ўриндиқда, ўтирган кезлари бурчакдаги дарс жадвали илинган тахта ёнига биринчи курсда ўқийдиган бир қиз келарди-да, жадвални кўриб бўлиб шоирга салом берарди-да, сўнгра хурсанд алфозда дугоналари, тўдасига юргургиларди. Гўёки жажжигина қизалоқнинг бошидан силаб қўлига ширинлик тутсанг, қувониб чопқиллашига ўхшаб кетарди бу. Кейинчалик шоир ўриндиқда ҳаяжон билан, сабрсизлик билан кутадиган бўлди уни. Қиз ҳам дарс жадвал тахтасига келиб, тикилишни ва шоирга салом беришни канда қилмасди. Кунлар шундай ўтарди.

Бир куни ёшлар газетасида шоирнинг туркум шеърлари эълон қилинди. Дарсда ўта билимдон, қаттиқўл домла, раҳматли Очил Тоғаев шоирга илиқ гап айтди. Шеърлар унга маъқул келиби. «Эрталаб биринчи курсдаги талабаларга ҳам шеърларингни мақтадим. Эҳтиёт бўл, талтайма», деди устоз. Шоирнинг юраги ғалати бўлди. «Биринчи курсларга ҳам шеърларимни айтган бўлса, у бормикин, у ҳам эшитдимикин, мен ёзганимни билармикин», деган хаёлларга борди. Тезроқ сабоқ тугашини сабрсизлик билан кутар, юраги ҳаприқиб ураг, ботинида ҳаяжон, ширин бир оғриқ қўзғалганди.

Ниҳоят, қиз келди. Тахтачага кўз тикди. Ўқиди. Шоирга қаради. Қизнинг чехраси гулгун порлаб, кўзлари чақнарди. Ним табассум инган лаблари пичирлаб, салом берди.

Шоир ҳам ҳаяжон оловида қақшаб, эсанкираган күйи алик олди. Улар бир зум тикилиб қолиши. Нигоҳлар қақын қақди. Юралар чинқириб юбораёзди. Вужудларни чақмоқ урди. Унинг бу оламда борлиги, шу ерда, мана шу йүлакда туриши ғайриодатий эди. Негадир, шоир бүгүн, үзини бошқаролмас, гангиб қолган эди. Қиз хижолат ичра баш әгіб, ортга қайтди. Йигитнинг юраги орқасига тортди. Ичидан бир нарса узилгандай бўлди.

Энди у узун кечалар муҳаббат оташида қовриларди. Ишқнинг бедаво ўрташларига дош беролмай оҳ урар, ишқ ханжарини қалбга санчиб, шеърлар битарди. Муҳаббат унга куч берар, илоҳий қудрат намоён бўлар, эҳтиросли жумлалар шуурига қуилар, ўтли-ўтли шеърлар пайдо бўларди. Шоир қизни кўрмасам ўлиб қолсам керак, деб ўйлар, энди йўлакларда учрашиб туришига қаноатланмас эди. На сабоқ, на бошқа ташвишлар уни чалғитолмас, фикри-хаёли қиз билан банд эди.

Муҳаббат ҳар қандай метин иродали инсонни ҳам ўз ўюриғига солади. Шоир ҳамма нарсага рози эди. Фақат қиздан айрилиб қолишини, уни йўқотиб қўйишни тасаввурига сиғдиролмасди. Эҳтиросли одамнинг севгиси аланга олса, куйдириб кул қиласди. Апрелнинг чароғон ва озорли кунларида шоир бир курсдоши билан ётоқхонага яқин, ўша пайтда талабалар тилида «жар» деб аталадиган пивохонага борди. Кечгача пивохўрлик қилдилар. Шоирнинг ғира-шира тасаввурида қизнинг чақнаган кўзлари қотиб қолган, гўёки уни кузатиб турарди.

– Шароф, ошна, мен... мен... уфф... яқинда жинни бўлиб қоламан. Мен уни яхши кўраман... жуда яхши қиз.

– Ким у?.. Кўксингга ўқ бўлиб қадалган? Бунча йиғлайсан? Қиз тиқилиб ётиби. Йўқ, деяптими?

– Тўхта... эшит. Йўқ, аввал яна бир бокалдан пиво буюр... яхши. Энди айтаман. Биринчи курсда ўқийди... Кулма, нега куласан, мен сени одам деб... Хуллас, шу қизни севаман. Ҳозир, ётоққа борганда, сен унга менинг севишимни айтасан. Сендан бошқага ишонмайман. Айт, агар кўнглида,

агар күнглида бошқа бирори бўлса, униям айтсин. Бу ёғи пешона, ошна... Қани, симирайлик... Олдик!

– Менга қара. Сен... менинг дўстимсан. Айтганинг бўлади. Исли нима унинг?

– Барно!

– Яхши. Нима, осмондаги оймиди, сендан шоирга курснинг ҳамма қизлари ошиқ. Майли, қовоғингни осма, кетдик. Ҳозироқ хонасига борамиз...

– Мен боролмайман... Ўзинг айт. Ўзинг ҳал қил.

– Яхши. Пивони пулини тўлайсанми?

– Тўлайман... Мана. Хоҳласанг эртага ҳам келамиз.

– Бўпти, турдик. Сен хонангда бўл... Шест секундда ҳал қиласман...

Улар ётоқхонага келишди. Шоир Шарофнинг амрига бўйсунди. Диванда чўзилиб олди. Юраги қинидан чиқиб кетай, дерди. Кайфи ҳам тарқаб бўлди. Бир маҳал эшик очилди. Шоир ўгирилиб қаради: Шароф. Ўрнидан сакраб турди. Шароф унга ёт ишорасини қилиб, яна қайтиб чиқиб кетди. Йўлакда унинг овози эшитилди... Зум ўтмай эшик очилиб, ичкарига ўқдай учиб кирди-да, шоирнинг устига чойшаб ташлади.

– Кўзингни юм. Ухла. Ўрнингдан кўзғалма.

Шоир нима бўлаётганини англай билмас, Шарофга ботиниб бирор сўз деёлмас, унинг измига бўйсунарди...

Эшик тақиллади.

– Келинг-келинг, – Шароф кимгадир мулизамат қиляпти, – мана, шоирнинг аҳволи чатоқ. Иссиғи баланд. Алаҳсираяпти. Қизлардан бирортасини чақириб ке, деб илтимос қилди. Менимча, дори-пори сўраса керак. Мен топиб келаман, десам номи ғалати, унақа дорини умримда эшитмаганман... Балки сиз биларсиз, деб чақирдим... Ўзимам қўрқиб кетяпман. Ўлиб-нетиб қолмасин... Ҳар ҳолда сиз менга қараганда, биларсиз...

Шоир кўзини очиб, хонада Барно турганини кўрди. Ток ургандай бўлди. Юраги увишди. Юзидан тер оқа бошлади.

– Дўхтир чақириш керак... – Барнонинг овози шунчалар ёқимли эдики... Хонага баҳор насимлари, апрель

борлигининг муаттар бўйларини олиб келгандек эди. Бу ёқимли ва хуш бўйдан шоир сархуш эди...

- Ҳозир, ҳозир... мен унда тез ёрдамга қўнғироқ қиласман... Сиз ёнида бўлинг... Айтмоқчи, менинг иссиғим ошса, уйимдагилар аччиққина угра ичиришарди. Балки, буни ҳам қиласмиз... - Шароф яна шоирнинг тепасига қайтиб, қўлини пешонасига теккизди: - Ие, иссиғи бироз тушгандай... Шу, угра ош бўлганда эди...

- Майли, майли... Мен тайёрлаб бераман. Агар хоҳласанглар, - деди Барно қўнғироқдай овоз билан.

Шоир ўқинчдан йигълаб юборай, деди. У ҳали ўзига нисбатан бундай меҳр ва ардоқни шу пайтгача туймаган эди.

- Нега хоҳламас экан. Туз тотмади-ку ҳалигача. Ўзим мажбурлаб ичираман. Сизни ташвишга қўядиган бўлдик-да.

- Нега... ўзим тайёрлаб келаман.

Барно хонадан шошиб чиқиб кетди.

Шоир ишониб-ишонмай Шарофга қаради. У тиржайиб турарди:

- Энди угра ичадиган бўлдинг. Бугун нима гапинг бўлса айтиб ол. Бўш келма.

- Қандай қилиб?

- Угра ошни ичиб бўласан... Кейин, қўлёзмаларингни мен унга бераман... «Ҳозир толиқиб турибди. Илтимос, шуларни машинкалаб беринг», дейман. Унга бераман. Сен бир қоғозга «Барно, сизни севаман. Сиздан бошқа бу оламда ҳеч кимим йўқ», деб ёзасан. Изҳори-дилингни шеърларинг орасига солиб қўямиз. Агар сени севса, шеърларингни қўчириб беради. Йўқса, қўлингга паттангни тутқазади. Бошқа ёр излайсан... Ҳа, ўқрайма. Энди чўзилиб, қачон угра ош келади, деб Худога илтижо қилиб ётавер.

Ўша куни Шароф айтганидай бўлди. Эртасига дўстининг илтимоси билан у дарсга бормади. Ўзини касалликка олди. Барно яна угра ош, қўкат, эндигина бозорга чиққан помидор-бодринг қилиб, касалдан ҳол сўради. Тўғри, бу нарсаларни шоирнинг хонасига ўзи олиб кел-

мади. Шарофдан бериб юборди. Шароф ҳам юзини қат-тиқ қилиб, Барнога миннатдорчилик билдириди.

Шоирнинг шеърларини машинкадан чиқаргач, Барнс кечқурун эшик чертди. Остонада Барнони күриб, жони бўғзига тиқилди. Довдиради.

- Кел... келинг... ҳа. Ҳозир... Киринг.
- Йўқ. Яхши шеърлар экан. Мана, олинг.
- ...Чой... ичинг.
- Раҳмат, тузалиб қолдингизми?..
- Худога шукр. Сиз... майли, – шоир гапини йўқотди.
- Агар бир юмушингиз бўлса, айтарсиз. Тағин шеърла-рингиз бўлса, беринг, мен кўчириб бераман. Майли. Мен борай.

Қизнинг ҳам қаршисидаги йигитдан кўра қўпроқ қий-налаётгани, изтиробли алфозда турганини пайқаш қи-йин эмас эди.

Кунлар ўтди. Улар кўришиш, гаплашиш учун баҳона-лар излашадиган бўлишди. Кейинчалик ҳамманинг кўз ўнгидаги бирга юришадиган бўлишди. Муҳаббат илоҳи яна бир Лайли ва Мажнунни яратди.

Ёшликнинг гулгуни чоғлари, беғубор орзуладар ҳаёт синовлари олдида кўп бор ёдга тушди Ҳаёт, тур-муш ташвишлари гоҳида севилган юракларда ўқинч, ар-мон ҳисларини уйғотди. Бироқ ўртадаги меҳр-муҳаббат уларни омон сақлади...

\* \* \*

Барно ўз дардини дастурхон қилиб уйқуга кетган эрига ачиниб қаради. «Қийналиб кетди, ишқилиб ўзи-ни олдириб қўймасин», деган ўй кечди хаёлидан. Барно шоирнинг кейинги пайтда ичкиликка ружу қўйганидан хавотирда эди. Шундай чоғда эрининг ёнида туриб, унга кўмаклашиши, қўнглини кўтариши, ортида суюнчиғи йўқлигини билдирмаслиги зарурлигини англашиб етганди. Агар ҳозир эри ўрнидан туриб, кетдик, қишлоққа бора-

миз, дөхқончилик қиласыз, мен энди ҳеч нарса ёзмайман, шаҳарда яшамаймыз, деса ҳам рози бўларди. У эри билан дунёниг нарги четига бориш учун ҳам тайёр эди.

Эртасига ишхонага борди. Ариза ёзиб ишдан бўшади. Нима қиласини билмай, бурчакдаги пивохонага кирди. Ичди. Ҳовури босилди... Яна ичди. Дунёни бир оз унугандай бўлди. Кечкурун уйига тентираб қайтди. Барнони тағин ғам босди. Бу ҳол ҳар куни давом этарди. Бурҳонов кунора қўнғироқ қилиб, ўшқиради. Шоир эса бошини чангллаган кўйи чора излар, ҳеч қандай йўл тополмасди. Орада таниш-билиш ёзувчи, шоирлардан қарз сўради. Айримлари ачинди, ёрдам беролмаслигини айтишди. Баъзи бировлари унинг ортидан кулишди. Кўз ўнгидан бир шоир турмуш икир-чикирларига ўралашиб, йўқолиб кетаётганидан севингланлар бўлди. Шундай зими斯顿 ва аянчли кунларниг бирида тоғаси Тошкентга келди. Қайсиdir, каттаконлар жойлашадиган меҳмонхонадан қўнғироқ қилди. «Етиб кел», деди. Барнонинг кўнглида ҳам умид учқунлари уйғонди. Эрига тоза кийимлар кийгизди, галстугини тақди. Туфлисини мойлади. Ёлвориб, йиғлаб-сиқтади. «Бегона эмас, тоғамиз. Ҳоким кишида пул бўлади. Қарз сўранг. Қайтарарсиз. Бошқа чорангиз йўқлигини билиб турибсиз-ку. Кеча Бурҳонов уйингни тортиб олиш қўлимдан келади, деб дағдаға қилди. Сизга айтмадим», деди. Шоир эзилди.

Тоғаси ҳашаматли хонада диванда чайқалиб ўтиради. Ўртадаги айлана стол шоҳона тузатилган. Ичимликлар, ноз-неъматлар тур-тури билан товланиб турибди. Шоирни дастурхонга чорлади.

- Шоир жаноблари, ишлар қандай? Бормай қўйдинг?..
- тоғанинг овози гулдираб чиқди.
  - Шу... юрибман... Иш.
  - Ишдан кетибсан-ку... Нима бўлди?
  - Ёқмади.
  - Нима? Телевидениега ким қанча одам етишолмай юрибди-ку, сенга ёқмай қолдими? Ёки айб иш қилдингми?..

– Йүқ.

– Кеча бизнинг районга ҳам телевизорчиларинг борувди. Суриштирсам, бұшатиб юбориши, дейишди. Ҳар хил гаплар қилиши. Мен уларингдан билдирмай сұраб олдим. Энди биттә-яримтага танилдим, деганда, бу нимаси?.

– Ким билсін, шундай бұлиб қолди.

– Ким айтади, сени ҳаётни, қийинчиликни, урушни күрган деб. Ёш бола эмассан-ку... Катталаринг гапирса хүп десанг, камайиб қоласанми? Шутиб бекорчиман де..

– Энди...

– Эндингни қўй. Манавилардан ол. Қани... ичадиларми?

– Йўқ.

– Ҳо, шоирлар ичмаса илҳом қаердан келади? Қани ол. Ҳаёт шундай. Яхши-ёмон кунлар бўлиб туради. Соғлик бўлсин.

Тоға-жиян баравар кўтардилар. Шу пайт оstonада пакана, тўладан келган, пўрим кийинган киши пайдо бўлди.

– Файбулла Шерматович, бориб келдим, – деди у тоғага хушомадқарап билан мулозамат қилиб.

– Яхши. Ке, ўтири.

Пакана, қуллук, дегандай қўлини кўксига қўйиб, столга яқинлашди. Шоирга букилиб қўл узатди. Стулни четроқ суреб ўтирди-да, тоғага жавдираб қаради.

– Танишиб қўй. Шоир жияним. Телевизорга чиқиб турдиғони шу, – деди тоға қўлидаги олмани пичоқ билан арчаркан, ликопчадан кўз узмай.

Пакана дарров шоир томонга бурилиб, таъзим қилди. Илжайди.

– Бу кишини танийман. Телевизорда кўп чиқиб туради, – деди-да, тоғанинг ликопчаси ёнига тушган олма пўчоғини йиғишириб олди, буш ликопчага солди.

– Қани, сенам битта урасанми?

Тоғанинг бу гапи ўзига қаратса айтилганини сезган пакана дик этиб ўрнидан туриб, шишани қўлига олди. Тоға-жиянга тавозе билан ароқ қуйиб тутди.

– Мен, Файбулла Шерматович, ишлар күпроқ-ку. Ичмасам девдим, – деди жавдираб.

Шу маҳал тоға шапалоқ тортаман деса бетини, тепаман деса кетини тутиб беришга тайёр паканага шоирнинг раҳми келди. Ачинди. Бундай қилиб, хушомад билан қандай яшаётганига ҳайрон қолди.

– Ич, күп гапирма. Қани, ол анави пиёлани. Нима, кайфинг борми, довдрайсан. Ҳа, шуни ўзингга қуй. Куй. Тұлатиб қуй. Энди күтар. Қани шоир, бир нарса де.

Шоир ҳаммага соғлик тилади. Бир күтаришда ичди. Тоға ҳам шундай қылди. Катта пиёладаги лиқ тұла ароққа қараб мұлтираб турған пакана шошиб қолди.

– Ич. Нега шумшаясан, – деди тоға бир паррак олматашларкан.

Пакана пиёлани бир күтариб бүшатди. Бүйнини эгиб, ўриндиққа чўкди. Шу захоти ўрнидан дик этиб турди-да, қўксига қўлини қўйиб, тоғага боқди:

– Мен бораверайми, Файбулла Шерматович? Нима қилай?

– Шоир билан бизга қуй. Ҳозир сенга иш борга ўхшайди.

Меҳмондорчилик яхши бўлди. Ароқ таъсириданми ҳоким тоғасига шоирнинг меҳри ийди. Иккинчи шишининг охири кўрингач, ҳоким гапнинг индаллосига кўчди:

– Энди жиян, бир гап. Кеча уканг бор гапни энангга айтибди. Энанг уйга йиғлаб келди. Уй масаласида... – шу жойда гапни узиб паканага ўқрайди. Пакана ғойиб бўлди, – уй олиб қарздор бўлибсан... Хабарим бор. Тошкентда ишим бор эди... Ҳам шу масалангни ҳал қилиб кетишм керак. Тоға шоирга тикилиб қаради:

– Содиқ! Ҳо, Содиқ.

– Лаббай, Файбулла Шерматович?! – пакана югуриб кирди.

– Завод нима бўлди?

– Ҳал бўлди. Жойида. Эртага пул туширамиз.

– Ҳозир шоирни уйига олиб борасан.

– Ҳўп бўлади.

– Шоир, уйдан қанча қарз қолди?

– Шу...

- Айт. Тез бүл, чайналма... Ланжфеъл бүлма, бола. Гапир...
- Икки юз...
- Нима икки юз?
- Икки юз минг...

Тоға мийиғида қулди. Жиян ерга кириб кетай, деб турибди. Содиқ пакана тоға-жиян орасидаги гапга қизиқсинашып, бешиктерватардай тебранди.

- Содиқ, тушундингми? – деди тоға паканага қараб.
- Тушундим-тушундим.
- Бүпти, – тоға қўл чўзди.

Бу хайр, дегани эди. Шоир тоға ёнидан қандай чиққанини билмайди. Пакананинг юзига қарай олмади. Ҳовлида салқин ва тоза ҳаводан энтикиб нафас олди.

– Ака, кетдик, ана машина, – деди пакана қип-қизил «Нексия»га ишора қилиб.

Шоирникига жўнадилар. Шоир миқ этмади. Пакана бепарво, хуштак чалади.

- Каттанинг жияни бўларкансиз-да?
- Шундай.
- Катта зўр ҳоким. Яхши одам.

Шоир жим эди. Эшитмасликка олди. Уйга келишди. Пакана «Нексия»нинг юхонасини очиб, ярмигача нимадир солинган ялтироқ елим халтани олиб шоирга тутди.

- Нима бу?

Пакана шоирга ҳайратомуз, бақрайиб қаради:

- Катта айтди-ку. Олинг.
- Ҳа-я .. Уйга кирмайсизми?
- Йўқ, бошқа сафар...

Машина ўрнидан жилди. Ўралган елим халтани кўтарганча шоир анграйиб қолди. Кўз ўнгида ҳоким тоғасининг саволомуз тикилиб турган сиймоси гавдаланди. Оёқ-қўли бўшашиб, кўзига ёш келди. Беихтиёр, «Бир куни қайтараман», – деб пичирлади. Ўзини ўнглаб ичкарига юрди ва зинапоялардан ишонч билан кўтарила бошлади.

Ичкарида жон ҳовучлаб кутиб турган Барнонинг оёғи остига пул солинган елим халтани тапиллатиб ташлади. Барно тисланди...

- Ма. Онасини... шу ҳаётни. Ол. Бурхонов телефон қилдими?
- Йўқ... Бу нима, дадаси?
- Пул...
- Тоғангиз... бердиларми?
- Ҳа, ўлдириб олдим.
- Вой, бу нима деганингиз?
- Ўлдирдим...
- Нега ундаи дейсиз? – Барно анграйиб турарди.
- Ўлдирдим. Ўзимни ўлдирдим.

## X

Эртаси куни шоир Бурхоновнинг ҳашаматли қабулхонасида ярим соат сарғайди. Ҳаммадан сўнг котиба унга каттанинг ҳузурига киришга изн берди.

– Ҳа, мулла, келибдилар-да, – деди Бурхонов димоғ билан.

У кенг, узун стол ўрнатилган хонанинг тўрида, одам бўйи келадиган қора чармли ўриндиқда юм-юмалоқ бўлиб ўтиради. Кўзлари ғазабдан йилтиллаб кетди.

Шоир довдиради. Бу ўша кунги курсатувни тўхтатайлик, деб ялинган, мулойим Бурхоновга сира ўхшамасди. Шоир ўзини қўлга олди. У ҳам беписандлик билан елим халтани тарс этказиб столга қўйди.

– Мана, опкелдим. Олинг.

Бурхонов истеҳзоли илжайди.

– Шундайми? Ўтиинг-чи. Салом-алик, муомала, деган нарса бор. Ҳар ҳолда биз ака-укалармиз. Лекин, сиз гапимизга кирмасангиз ҳам сизга ёмонлик қилган жойимиз йўқ. Бу, ишдан ҳам кетибсиз. Йигит киши бир жойда ўсади, ука. Энди шеър ёзиб, шоир бўлганлар кўп. Лекин, ўша мен зўр деган шоирларингизнинг ҳам чўнтагида ҳемириси йўқ. Ёшсиз, бунча қайсарлик яхши эмас... ахир сиз одамгарчилик қилганингизда эди, мен...

– Сиз пулни сўрамасдингиз. Мен эгри йўлга киролмайман. Қолаверса, ҳақиқатдан бўйин товлай олмайман, камбағалман, лекин ҳаром луқма еб катта бўлмаганман...

- Бұлди қил, шоирвачча!
- Нега энди тутаяпсиз?
- Бас, қанча опкелдинг... Шуни түртта шеър ёзиб топдим ёки ойлигимни йиғиб олиб келдим деяпсанми? Шу пуллинг ҳалолми?
- Мен учун ҳалол. Тоғамдан олдим. Санамадим ҳам. Икки юзта, деди. Ичини очиб ҳам қарамадим.
- Нима? Тоғажонингни мен яхши биламан. Унинг пуллари қаердан келишини ҳам яхши биламан... Сендеқ ҳақиқатгүйдан ўргилдим.
- Тоғамнинг қандай одамлиги билан сизнинг ишин-гиз бұлмасин. Лекин кимларгадир үхшаб номардлик қилмайди. Айтган гапини қайтариб олмайди. Қолаверса, вақти-соати етгач, бу пулни унга қайтараман.

Бурхонов меш қорнини ушлаб чайқалиб олди. Сұл құли билан лабини артган күйи шоирга үқрайиб қаради.

- Чиқ, йүқол. Ҳозир, тоға-поғанг билан уруғингни қуритаман!.. Марш отсюда!!

Бурхоновнинг тутқаноги тутиб қолди. У титраб-қақшаб, лаблари пирпирап, юзи гезарип кетганди. Шоирнинг миясида чақмоқ чаққандек бұлди. Кутылмаган ҳамладан довдираң эшикка қараб юрди. Остонага бориб үзини үнглади-да, ортига тезлик билан бурилиб, оғзига келган гапни тұхтатиб қололмади.

- Онангни... ҳароми! Мен сени үлдираман!!!
- Эшикни тепиб очди-да, шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Қабулхонада бундай ҳолни күрмаган, эсхонасидан айрилган котиба шоирнинг ортидан үрисчалаб жеркиди:

– Деревьняк!  
Шоир буни эшитди. Тишларини ғижирлатиб қызға үқрайди:

- Иди ты... знаешь куда?.. – ва ғазаб билан йұлакка отилди.
- Ташқари намчил ва совуқ... шоирга ҳаво етишмасди. Катта идорадан равон йұлға чиққунга қадар нафаси қисди. Бұғылди. Оёғидан мадори кетди. У бекатдаги үриндиққа зұрға етиб келди. Охир чўкди. Асаби зўриққанидан

құллари қалтирай бошлади. Афтода бир ҳолда чүнтакларини титкилаб, сигарет қутисини топди. Битта сигарет олиб тутатди. Унинг бармоқлари титрарди. Күз олди қуюқ туман босиб, қоронғи тортды. Унинг бундай аянчли ақволи ташқаридан қараган одамнинг энсасини қотирап, танаси бошқа дард билмас, деганларидек, юраксиз, калта үй кимсалар шоирнинг устидан кулиб үтишлари ҳам мүмкін зди. Беҳис каслар табиийки, унинг чидай олмай үз ёғида қоврилаётганини сезишмасди. Шоирнинг ич-этидан тошаёттан ғазаб ва нафрат оловини айни дам ҳеч нарса сұндаролмасди. Чунки бу үз қадрини билган одамнинг имонини ютиб, шаъни ва номусини тупроққа қоришиштерган кимсаларга нисбатан исёни зди.

Автобус келиб тұхтади. Шоир уйга қайтишни мұлжаллади. Бошқа каерга ҳам борарди. Кенг дунёда үзини ёлғиз, нотавон ҳис этди. Яна уй. Хотиннинг мунгли нигоҳига қараб, мунғайиб үтириши керак. Овунадиган, chalғийдиган нарсанинг үзи йүқ. Бирор нарса ёзиш учун ҳам кайфият зарур. Күнглинг тинч, рухинг хотиржам бұлмаса, нима битасан?! Эркак киши күчага яратилған, күчанинг одами. Кап-каптта одамнинг ишсиз, уйда қамалиб үтириши тұғрими? Шоир хаёлига келған ҳар хил үйлар гирдобида автобус деразасидан бокиб, атрофға шунчаки назар ташлаб борарди.

Нашриёт биноси ёнидан үтәётгандың ҳарбий кийим кийган дум-думалоқ, ҳұппа семиз кишини күрди. У баргрезон йұлакда пилдираб келяпти. Йұловчилар орасыда алохыда ажралиб бораётганды семиз-пакана шоирнинг таажжубини тоширди. Қаерда күргандым?.. Ким зди, у?.. Ана, чехрасиям таниш. Шоир шунча эслашға уримасин, хотирасини тиклай олмади. Автобус пакананинг ёнидан үтгач, шоир ток ургандай сесканиб кетди. Эх, бу Бурхоновнинг худди үзи-ку! Шахд билан деразадан ортта қаради. Пакана дүмбиллаб кетиб борарди. Тавба, одам дегани шунчалар ҳам үхшаш бұладими? Шоир автобус муюлишга етгунга қадар паканадан күз узмади... Хаёли-

да лип этиб, капитан Купиннинг батальон командири-  
нинг ўринбосари, мижғов ва аҳмоқ офицернинг қиёфа-  
си жонланды. Йұловчи күзларининг чақчайиб боқиши,  
турқи совуқлиги, бақалоқлиги билан Купинни ёдга со-  
ларди. Бундан ўн йил аввал жанг майдонида бўлиб ўтган  
воқеа шоирнинг ёдига тушди.

\* \* \*

Батальон командири галдаги урушда қатнашмади.  
Унинг ўрнига ўринбосари – капитан Купин борадиган  
бўлди. Бу ҳамманинг ғашини келтирди. Ўлгудай калта-  
бин, мақтанчоқ, довдир Купинни оғир жангда батальон-  
ни бошқара олмаслигига оддий аскарларнинг ҳам фаҳми  
етарди. Купин фақат полкда ўралашиб, батальон жангчи-  
ларининг кийим-бошини текшириш, казарманинг тоза-  
лигини назорат қилиш, дуч келганга бақириб-чақириб,  
асабини бузишдан бошқа нарсага ярамасди. Негадир у  
сира жангга чиқмас, бу билан ҳеч ким қизиқмас, бу ҳам  
етмагандек жон олиб-жон бериб урушда юрадиган, ўқ  
ёмғири ичидә тасодиф боис тирик қайтган аскарларни  
ҳақоратладиган сўконғич бу бақалоқни ҳеч ким тар-  
тибга чақирмас эди. Фақат қисмда тухум кўйиб, курк  
босиб, семирган бадфеъл Купинни аскарлар жуда ёмон  
кўрар, буни сезган аламзада хомсемиз ҳам уларга заҳри-  
ни сочишдан тийилмас эди. Шундай қилиб, курктувук  
лақабини олган Купин жангга чиқадиган бўлди...

Ҳар доимгидай батальон саф майдонида тизилди.  
Купин аскарларнинг жангга тайёргарлигини текшириб  
кўрди. Ўқ-дорини кам олган аскарларни ўртага чиқариб,  
бoloхонадор қилиб сўклиди. Айниқса, қуролингни тоза-  
ламагансан, деб ўзбек йигитининг онасини ўртага кўш-  
гани сафдаги ўзбекларни анча ғазаблантириди. Бу ҳам  
етмагандек, сен ўзбеклар босмачисанлар, сенлар афғон-  
лардан фарқинг йўқ, кўйиб берса, ўшалар томонга ўтиб  
кетасанлар, кўйлар, аҳмоқлар, деб сасигани ўзбек бола-

ларининг жон-жонидан үтиб кетди. Сафда турған қахрамонимиз – шоирнинг эса тоқати-тоқ бўлган эди:

– Ўртоқ капитан, мурожаат қилишга рухсат этинг, – деди ниҳоят.

– Рухсат! Нима дейсан?

– Нега сизлар миллатимизни, биз – ўзбекларни бунча ёмон кўрасизлар? Биз ўзимиздан қолган халқ эмасмиз. Ўзимизни эплаб юрамиз. Оримиз мустаҳкам. Ўзбекларни ҳақоратламанг.

– Нима?.. Нима деяпсан?.. Сен... аҳмоқлар, қўйлар... аввал гапингни эплаб гапир... Кўрсаводлигингча ўлиб кетардинглар...

– Биз кўрсавод эмасмиз... Ювуқсиз юрмаймиз. Тоза миллатмиз... Яхши жанг қиляпмиз. Кўрқоқ эмасмиз...

– Ота-бобонг босмачи, қонхўр ўтгач, жанг қиласан-да! Сенларни яшил байроқ остида тўплаш керак. Тушундингми, солдат.

Купин заҳрини сочди. Кўзидан ўт чақнади.

Шоир нафасини ичига ютиб жим қолди. Ўзини базур кўлга олди. Купин хезланиб, сафга яқинрок, шоирнинг қаршисига келди. Шоир лабини тишлаб, юзини сўлга буриб, кўзи билан ер чизди. У Купиннинг совуқ нигоҳи ўқдай қадалиб, авзойида оғриқ бераётганини ҳис қилди.

– Солдат, тўғри тур! Сен мени тушундингми? – деди ғазабнок оҳангда.

Шоир индамади. Сафга сув сепгандай жимлик чўкканди. Қатордаги руслар ва рус офицерлари, бошқа миллат ўғиллари ҳам Купиннинг аҳмоқлигидан нафратланар, ўз қуролдошларини ноҳақ ҳақоратланаётганини ҳис қилиб туришарди.

– Тушундингми! Солдат... Ёки сен менга, совет офицерига ҳалигинингни қўйиб қўйдингми?

Шоир жим... Сафдошлар жим. Жанг кўрган нигоҳларда мунг. Нафрат... Шоирнинг бўғзига бир сўз тиқилди, лаблари пичирлади: «Ўлдираман! Отиб ўлдираман!»

– Солдат! Тушундингми? – Купин кутура бошлади.

- Йүқ, тушунмадим!
- Нима! Ҳе, онангни...
- Йүқ, тушунмадим.
- Чик, ўртага, солдат...

Шоир икки қадам ташлаб ўртага чиқди-да, бурилиб сафга юзма-юз турди...

- Офицер сұзига амал қылмагани, интизомсизлиги, ҳарбий низомга бүйсунмаганлиги учун, оддий аскар Норқобиловга уч кунлик қамоқ эълон қиласман! – деди Купин баланд овозда ва құшиб қўйди, – албатта, жангдан тирик қайтсанг сени уч кунлик, қамоқ кутади... Бор жойингга!

Шоир Купиннинг буйруғига итоат этди. Ботинида зардоб оқди. Ўқинди. Нега бу бунчалик бизни камситади, буларга нимамиз ёқмайди, нима учун ўлимнинг оғзидан тирик қайтиб келсак-да, довюраклик қылсак-да, жангда чекинмасак-да, бизнинг хизматимиз кўзига кўринмайди, мукофотларни ўзлари олишади, ўзбекни эсдан чиқаришади? Биз буларнинг малайими? Биз буларнинг арпасини хом ўрдикми?.. Ахир афонлар ҳам бизни сенлар шўрависан, шўравига ўзингни топширгансан, деб ёмон кўради. Шўравидан нафратланиб, бизга ачиниб қарашади. Мусулмонмиз, десак ҳам, йўқ, шўрависан, деб айтишади. Нега энди биз осиёликлар буларнинг кўлида ўйин-choқ бўлишимиз керак? Нега энди булар бизни ўз кўйига солиб ўйнатиши керак? Ўлдираман, онағарни, шу жангда отиб ўлдираман... Шоирнинг ўйлари қаҳрга айланди. У сафда ўз хаёллари билан бўлиб, ўз дарди дунёсига кўмилib, тарқалинглар, деган буйруқни ҳам эшитмади. Ёнидаги аскарнинг турткиласканидан сўнг ўзига келди.

Батальон Панжшер тоғининг этагида жойлашди. Кеч кириб қолган, аскарлар емак тайёрлашга уринишар, ҳар жой-ҳар жойда гулханлар ёнарди. Қоронғилик қуюқлашгани сари тоғ чўққилари баҳайбат кўрина бошлади. Кўп ўтмай пастлик сари энгашиб бораётгандай ваҳимали тус олди. Диққат билан разм солинса, чўққилар батальон устига ағанаб, босиб қоладигандай туюларди.

Кечки овқатга ҳар ким үзіча уринди. Жанг тұрвалардаги кунлик озуқалардан ҳар ким истаганича тановул қылди. Шоир темир идишдаги гүштни қиздирди. Ринат картошка солинган идишни очди. Гулханни узоқ ёқиш мүмкін эмас. Тоғда разведкачилар ва пиёда аскарлар жойлашганига қарамай, жанг удуми бүйича сергак туриш лозим. Душман снарядчилари гулхан атрофидагиларни бехато нишонга олади. Иккінчи взвод жойлашган ерда гитара чертиб құшиқ айтәётган аскарнинг мунгли овози юракни сел қиласы. Құшиқ ағонда үққа учган аскарлар ҳақида зди. У тугаши билан Купиннинг бүйруги янгради.

- Тамом! Гулханлар үчирилсін... Жангда эканлиklärинг ёддан чиқмасын. Кузатувчилар, хүшёр туринглар. Ҳар үн беш минутда үзім кузатаман. Ким мудраётган бўлса, үзидан кўрсин. Иягини синдираман. Қани бўл, бу сенларга ҳам тааллуқли. Үчир гулханни! Овқатни қиздирмай есанг ҳам ўлмайсан. Солдат, нима бало, тушунмаяпсанми? Икки минутдан кейин ким гулхан ёқиб ўтирган бўлса, мендан яхшилик кутмасын. Вақт кетди.

Жангчилар Купиннинг қаҳрли амрига норози оҳангла тұнғиллаб, командирнинг гүрига ғишт қалар, шундан тезроқ қтулишни исташар зди. Офицернинг овози шунчалар совуқ эдикі, одамнинг эти учиб, сесканар зди.

- Уф, бунча бемаъни бўлмаса! Одам боласига үхшамайди, – деди Ринат гулханга сув сепаркан...

- Эрталаб кўрдинг-ку. Мен уни отиб ўлдираман... – деди шоир жиддий оҳангла жазиллаб ўчаётган оловга боқиб...

- Жиддий гапиряпсанми?

- Қасам ичайинми?

- Қўй, керагамас.

- Ундай бўлса, жанг бошлансан, кўрасан... Ўйлайманки, сен ҳеч кимга сотмайсан.

- Бунчалик қаҳрга тўлмагин!

- Миллатни ерга уриб, камситишнинг жазоси шу. Шу армиясидан ҳам, Купинга үхшаган ёвуз офицерларидан ҳам тўйиб кетдим.

- Яхши офицерлар ҳам күп-ку! Бизни үз үғлидай, укасидай күрадиган.

- Мен улар ҳақида айтмаяпман. Зүр, ҳақиқий инсон, мәрд офицерлар күп. Купиннинг эрталабки гапи күксими ни тешиб үтди. Бундан күра юзимга тарсаки тортиб-теп-киласынан, яхши эди, - шоирнинг муштлари тугилди, күзіда ғазаб аланга олди.

- Сен уни қандай отмоқчисан? - деди Ринат атрофға олазарак боқиб.

Теваракда аскарлар түп-түп бўлишиб үз ҳолича сухбат қуришар, унда-бунда қийқириқлар эши биларди.

- Унга битта ўқ кифоя... Нима мен уни замбаракнинг оғзига солиб отармидим?..

- Жиннисан, ўлай агар. Бу гапларингни қўй, қани, кетдик озроқ мизғиб олайлик, - Ринат тўшамчини йиғишириб ухлагани машина томон юрди.

Шоир ҳам башняга уйқу кўрпани ирғитаётib ғудранди:

- Майли, ухлаймиз...

Шу маҳал ҳавода ваҳимали овоз пайдо бўлди. Снаряд учиб келарди. Шоир дарҳол үзини машинанинг тагига урди. Гумбурлаган портлашдан, атроф ёришиб кетди. Ҳавони яна шундай кетма-кет ванғиллаган овоз йиртиб, батальон ўрнашган жой тўс-тўполон ичида қолди. Борлиқни аскарларнинг чинқириши, дод-фарёди тутди. Снаряд тушиши ҳамон зимистонлик ёришиб, ер лопиллаб кетарди. Ана шунда кимдир яраланади, кимдир ҳалок бўлади, тирикларнинг ичини қўрқув емиради, тириклар ерга қапишиб олади. Тирикларнинг юзига ўлим шарпаси урилиб үтади. Душман батальонни бехато мўлжалга оляпти. Снарядлар тоғ тарафдан эмас, чап томондан, қишлоқ ичкарисидан учайтган эди.

Қоронғининг кўзи кўр, деганларидек, туйкус ҳужум бошланганидан гандираклаган аскарлар нима қилари ни билмай қолдилар. Взвод командирлари «жангга», деб қичқирап, лекин қаерга, кимга, қайси тарафга қаратса ўқ узиш кераклигини билишмас эди. БМП-2лар гуриллаб

ҳаракатға келди. Отув миллари қишлоққа қаратилди... Батальон үрнашған жойдан анча пастликдаги қишлоққа замбараклар, танклар үт оча бошлади. Қишлоққа кириб бұлмасди. Йүл четида каттакон дарё оқар, дарёning сұл қирғоғидан анча нарида, пастлика жойлашған қишлоқни әгаллаш осон эмасди. Бунинг учун тор күпrikдан үтишга тұғри келади. Техникаларни қишлоққа қараты йұналтириш сира бефойда. Йүл йүк. Разведкачи ва пиёдалар эса тоққа чиқиб кетишган. Душманнинг ҳаммаси фақат тоғ томондан бұлади, деб қишлоққа эътибор бермаган. Купин бутун бошли батальонни ҳалокат жари ёқасига келтириб қўйган эди. Аскарлар кўкка қизил мушак отиб, тоғ чўққиларида үрнашиб олган пиёда аскарларни ёрдамга чақира бошлашди. Аҳвол ниҳоятда оғир эди. Агар душман дарёдан үтиб келса, бу ердаги техникаларни портлатиб йўқ қилиши, отувчи ва ҳайдовчиларни қириб ташлаши мумкин эди. Уларни ҳимоя қиласидиган куч етарли эмас эди. Бу ерда фақат отувчилар ва ҳайдовчилар қолган эди. Бундан ташқари зими斯顿 кечада БМП-2 билан жанг қилиб бўлмайди.

Батальон дарёning нариги соҳилидаги қишлоқни ўққа тутди. Қишлоқ ҳам ғазабга минганди. Энди у томондан миномётлар, гранатомётлар, АКМ қуроллари ишга тушди. Машиналарнинг чироғи үчирилгани билан батальон мислсиз талафот кўрарди. Душман отган снарядлар нишонга тұғри келиб тегарди.

Тоғдаги пиёдалар билан алоқа боғланди. Улар пастга тушишлари керак эди. Унгача бу жаҳаннамдан қутулишнинг бирдан-бир йўли – қочиб қолиш эди.

Пиёдалар ҳадеганда тушавермасди. Чорак соат ичидә батальоннинг учта машинаси ёниб кетди. Учала техниканинг ҳам механик-ҳайдовчиси ҳалок бўлди. Ердан ловуллаб олов кўтарилиб портлаш содир бўлар, ана уша жойга снаряд тушганини фаҳмламоқ мумкин эди, бундан ташқари шу атрофдагилар чинқирад, дод солар, снаряд парчалари кимларнингдир ҳаётига нуқта қўяр эди.

Шоир БМП-2 ичкаригидаги кузатгич ойнасидан ахён-ахёнда ялт-юлт этиб ёруғлик чиқаётган нұқтани топди. Бир чақирим наридаги худди шу жойдан РС снарядлари учаётгани аниқ эди. У отув милини үша нұқтага тұғрилаб нишонга олди, снаряд етиб борадиган даражадаги масофага махсус белгини сурди, яъни кузатув ойнасидаги чизиқни шкала орқали бир рақамига қўйди. Энди бир чақиримлик нишонни бехато уриш мумкин эди. У узлуксиз равишда ота бошлади. Снарядлар тұғри бориб мұлжалга олинган ерга тушди. Шоир ойнак орқали кузатди. Жимлик. Ялт-юлт йўқолди. Ҳавони ёриб учувчи РС снарядларининг ҳам овози үчди. Аждархонинг бир боши кесилди. Душман ортда ишлаб турған РСГа ишонған бұлса керак – дарё яқинига келиб соҳил атрофика автоматлардан үқ узар, гранатомётларнинг баданглаши эшитилиб қоларди. Душман дарёning сұл қирғоридан үт очар, батальонга жудаям яқинлашиб қолғанди. Пиёдалар тушгунга қадар чекинишининг сира иложи йўқ эди. Яна иккита машина портлади. Энди душманинг дарё томондан бақир-чақири эшитилиб турар, бу эса аскарларни баттар довдиратиб қўйган эди. Қисм командири алоқага чиқди.

- Барча «Рапира»ларга! Мен «Сатурн»! Қабулга ўтаман.
- «Сатурн!» «Сатурн!» Мен «Рапира-1»! Сизни эшитяпман.
- Яхши, «Рапира-1»!
- «Сатурн!» Мен «Рапира-2»!
- «Сатурн!» Мен «Рапира-3»!

– Барча «Рапира»лар! Юқоридан пиёдалар тушиши билан ортга қараб олтмиш бир «Рапира-1!» Сен биринчи бўлиб йўлга тушасан... «Рапира – юлдуз» қани! Нега мен «Рапира – юлдуз»ни эшитмаяпман...

Пиёдалар тушиши билан ҳамишагидай орқага қочиб чиқишимиз керак эди. Техника чекинишига шайлана бошлади. Қисм командири алоқада «Рапира-юлдуз» қаердасан, деб кўп бора, капитан Купинни сўраяпти. Жавоб йўқ. Купиндан садо йўқ.

- «Рапира-1», мен «Сатурн», қабулга ўтаман...

– «Сатурн», мен «Рапира-1», сизни эшитаман...  
– Сен «Рапира-юлдүз» жойлашган тұртінчи қутичанинг ёнига бор... Нега алоқага чиқмаяпты. «Рапира-юлдүз» сенинг қутичанға чиқсан! Вақт тиғиз... Таёқлар ҳам тоғдан тушиб бўлишди. Беш минутдан сўнг ип тортинглар-да, олтмиш бир...

– Сизни тушундим, – деди шоир алоқада. Ринат БМП-2ни Купин турған тұртінчи взвод томон ҳайдади... Дарё қирғоғига яқинроқда тұхтаган тұртінчи взводға қарашли БМП-2 тутаб ёнар, машина атрофида ҳеч ким күринмас, талафот күрган шериклари томон яқынлаша-ётган БМП-2га қаратса душман автоматдан узлуксиз ўқ отарди. Шоир зудлик билан башняни қишлоққа қаратиб ўт очди... У душманга ўқ отишга имконият бермай турди. Ринат эса ҳайдовчи хонасидан чиқиб ишдан чиққан БМП-2 томон югурди. Башняни очиб ичкарига бош суқди. У ерда кимнидир судрай бошлади... Шоир кузатув ойнаси орқали қараб аҳволни тушунди. Алоқага чиқди.

– «Сатурн!» «Сатурн!» Мен «Рапира-1!» «Рапира-юлдүз» жойлашган нұқтани серсоқоллар ишғол қилибди... Таёқлар икки юз ёки уч юз... ҳолатида... Биз уларни қутичага олайпмиз...

– Бардам бўл. «Рапира-1», ишга кириш!

Ринат ўққа учған ёки снаряд парчасидан ўлган ҳайдовчини судраб келди. Десант бўлмасини очиб мурдан ичкарига жойлади. Сўнгра энкайған күйи яна чопиб кетди. Шоир қишлоқни узлуксиз ўққа тутиб, душман шаштини сусайтириб турди. Бу орада пиёдалар техникага ўрнашиб бўлган, батальон орқага чекинаётган эди... Ринат портлаган БМП-2 орқасида узала ётган машина отувчисини топди. Уни ҳам судрамоқчи бўлиб қўлидан тортган эди, сўл қўли узилиб кетди. Снаряд жангчининг чап елкасидан теккан, чап қўли этига зўрға илашиб турган эди. Ринат энгashiб, уни елкасига олди. Боши жангчининг снаряд олиб кетган сўл елкасига тегди. Елкадан сизган қон Ринатнинг бўйнидан сизиб, танасига оқиб

кирди. Қон ҳали совимаган, жангчига снаряд текканига бир-икки дақиқа бүлган эди. Ринат үз машинаси ёнига келиб, десант бүлмани очаётіб мункиб кетди. Ёнбошига ағнади. Елкасидаги мурда қони унинг юзига оқиб тушди. Илимлиқ қон ҳидидан күнгли ўқчи迪. У десант бүлмаси эшигини тепиб очди-да, ҳалок бүлган жангчини ичкарига ташлади... Бу пайтда шоир дарё томонга зүр бериб пушка ва пулемётда ўқ ёғдирар, нима қилиб бүлса-да, душманни яқын йўлатмаслик чораларини кўрарди. Ринат тағин снаряд теккан БМП-2 томон югуриб кетди. У машина атрофини айланиб чиқди... Шу заҳоти ундан уч-турт қадам нарига миномёт ўқи тушиб портлади. Визиллаб учган темир парча юзини ялаб ўтди. Ўзини ерга ташлаб, бошини беркитиб олди. Кўпни кўрган жангчи сифатида ҳозир иккинчи снаряд келиб тушишини сезди. Галдаги портлашни кутди. Ҳавода ваҳимали овоз чиқариб, кейинги снаряд портлади. Атроф ёришиб кетди. Буниси Ринатдан узокроққа келиб тушди. Ринат БМП-2нинг эшиги тутқицидан осилиб башняга чиқди-да, машина устини кўздан кечирди. У башнянинг олд қисмида кимдир ихраётганини сезди. Аянчли овоз чиқариб инграётган ярадор олдига борди капитан Купин. Дум-думалоқ бўлиб, дўмпайиб ётибди. У ярадорни силқилади. Купин тағин ихради. Уни машинадан судраб туширишнинг ўзи бүлмасди. Бу хўппа семиз офицерни кўтариш учун Ринатнинг мажоли йўқ эди... У Купиннинг танасини сийпалаб кўрди. Қўл-оёғи бут. Шунда оёғи олдида ётган алоқа курилмасига қўли тегди... Мосламани олиб бошига кийди... Ишлайяпти... Ҳатто алоқадан қий-чув, ўқ овозлари эшитилиб турибди. У алоқада қисм командирига вазиятни тушунтирди. Батальон йўлга тушган эди.

– «Рапира-1». Яша, ўғлим. Ўзингни тут! Ҳозир сенга битта кутича ёрдамга боради...

Разведкачиларга қарашли БМП-2 келиб тўхтаганда Ринат капитанни судраб, тушириш осон бўлиш учун машина четига олиб келган эди. Иккита разведкачи Купинни

оёқ-кўлидан кўтариб Ринатнинг машинасига олиб боришиди. Уни ҳам десант бўлмасига жойладилар. Шоир ҳамон қишлоқни ўқقا тутарди... Разведкачилардан сўнг Ринат ҳам машинани ўт олдирди. Улар батальонга жойлашган худудга етиб олишди... Ринат машинани қисм тўпланиши кўзда тутилган ялангликдаги тиббиёт пункти томон ҳайдади... БМП-2 фараси ёритиб турган палатка ичидан ҳарбий кийимли аёл югуриб чиқди... Бу олдин ҳам бир гал шоир ва Ринат билан битта экипаж бўлиб жангга чиқсан Нина Григорьевна эди. Улар аввал Купинни олишди. Замбилга жойлашди У ўхчиб-ўхчиб хириллар, инграр эди...

– Копқоғидан енгил яраланибди, – деди Нина Григорьевна.

Шоир Купиннинг тепасига келди. БМП-2 фарасининг хира ёруғида унинг оқарган юзини кўрди. Купин тепасида юзини яқин қилиб тикилиб турган шоирга қараб:

– Раҳмат сизларга, – деди.

– Бутун бошли батальоннинг бошига етдинг, – деди шоир сенсираб, у Купиннинг эрталаб полкдаги ҳақоратли сўзларини эслаб, янада ғазаби кўпирди, – лекин, бир нарсани билиб қўй, ўзбеклар ҳеч қачон жангда шерикларини ташлаб кетмайди. Эрталабки ҳақоратинг учун мен сени отиб ўлдирмоқчи эдим. Лекин, Худонинг ўзи сени жазолади... Худо раҳмимни еса, мен уйга қайтаман. Сенинг турқингни кўриш менга бошқа насиб қилмайди...

– Бас қил, солдат... бас қил, – Купин титрай бошлади.

– Тўғриси, мен сени отиб ўлдиришим мумкин эди. Бироқ, сен менинг қўлимда ўлишга ҳам арзимайсан. Туфсенга!

Шу пайт Нина Григорьевна шоирнинг елкасидан ушлаб, четга тортди...

– Ўзингни бос... Кераги йўқ... Илтимос, ўзингни қўлга ол, аскар. Мен сени хурмат қиласман... ярадор-ку, бу...

Икки жангчи Купин ётган замбилни кўтариб, палата томонга юришди. Десант бўлмасидаги ўликларни тушираётганда шоирнинг кўзига жиққа ёш келди... Сен шу

жангчиларнинг тирноғига ҳам арзимасдинг. Купин... Сенниң ҳали күзинг очилмаган эди, Купин. Агар сен кабилар бўлмаса, ёвузлик ҳам бўлмасди.

Шоирнинг лаблари пичирларкан, кўз ўнгидаги Купин ва Бурҳонов қотиб туради.

- Кечирасиз, мазангиз қочдими?.. Автобусни тўхтатайми?

Шоир ёнида кетаётган аёлга анграйиб қаради. Йигирма беш ёшлардаги жувон тикилиб турибди. Бироқ боқишилари беозор, муnis. Шоир бу куйинчак жувонга миннатдорчилик билдириб, ўз савдоилигидан уялди.

Автобусдан тушиши лозим бўлган жойдан икки бекат ўтиб кетганини пайқаб, тушиб қолди. Тунд қиёфада, ўз ўйлари билан андармон ортига пиёда қайтди. Эти жунжикиди. Ҳаво совук, қор ёғадиганга ўхшарди. Бунчалар файзсиз кун, деб ўйлади шоир. Бунинг бари Бурҳонов туфайли. Эҳ, бу одамнинг зуваласи қон ёки заҳарли сув билан қорилган бўлса керак... Агар шу зуғумини менга урушда қилганда аниқ отиб ўлдирадим. Шоир хаёлига келган гапдан бир оз таскин топиб, ҳовури пасайди. Мен чиндан ҳам жангда уни отармидим? Ахир, Купинни отмадим-ку... Йўқ, отолмасдим, барибир Худога солардим.

- Бурҳонов, сени Худога солдим...

## XI

- Мен сени Худога солдим, шўрави! Худога солдим...

Шоир уйғониб кетди. Ҳансиради. Уйқуси озор топиб, нохуш туш кўрди. Буни туш эканлигига ишонч ҳосил қилиб, бироз ҳаяжони босилди. Деразадан кўринган бир парча осмон оқариб келарди. Тонг яқин. У ичи ловуллаб ёнаётган, лаблари куруқшаб бораётганини ҳис қилди. Атрофга аланглади. Столга бош кўйиб, Гузал ухляяпти. Чарчаган, шўрлик. «Жиккаккина бўлсаям, ўз ишига ҳалол бу», деган ўй ўрмалади шоир кўнглида.

- Уф... Сув, - деди у секин ўзига ўзи алланечук илинж билан. Гўёки шундай деса истаги вожиб бўладигандай, кимдир

унға сув тутадигандай эди. Аммо, шундай бұлса-да, Гүзалнинг уйғонишини, уйқусини бузишни сира-сира хоҳламади. Айни дам, бундай ночор ахволда қиздан уяларди.

Йүқ. Гүзал хүшёр эди. Тиқ этган товушдан уйғонарди. Бошқалар каби донг қотиб ухлай олмасди. У кечами, кундузми ҳамшира учун битта иш – беморга ёрдам бериш, унинг ҳаётини асраш зарурати елкасидан босиб туриши ни яхши англарди.

Гүзал ўрнидан туриб, термосдаги чойни пиёлага күйди. Енгил қадам билан шоирнинг ёнига келди.

– Мана, ичволинг.

– Раҳмат сизга. Соат неча бўлдийкин?

– Тўрт ярим. Ҳадемай тонг отади, – деди қиз халати чўнтағидан соат олиб қааркан.

– Сизни қийнаб қўйдим. Энди бемалол ухлайверинг. Мен тонггача уйғоқ бўламан... Барибир уйқум келмайди.

– Айниқса, бугун. Сиз учун энг яхши кун, – деди Гүзал жилмайишга ҳаракат қилиб...

– Нега? – деди шоир Гүзалнинг нимага шаъма қилаётганини англаб-англамай.

– Бугун сизнинг туғилган кунингиз. Бизни билмайди, деб ўйлайсизми?

– Сизга ким айтди?

– Ўзим биламан. Бош врачдан жавоб сўрагансиз... Барно опам кеча айтганлар...

– Раҳмат. Шундай пайтда ёнимда бўлиб турибсиз. Гүзал, бу яхшиликларингизни, Худо хоҳласа, қайтараман.

– Доим шундай дейсиз... Шу гапингиздан ўзга мақтов йўқ, шоир ака.

– Гүзал, мана сиз, тушунасиз. Инсоннинг боши, мияси ўзи хоҳласа-да, хотирасига ўрнашган айрим воқеа-ҳодисаларни ўчириб ташлай олмайдими? Ахир бош меники-ку? Нега энди хоҳлаган пайтим яхши кунларим ҳақида ўй-хаёлга берилишим мумкин эмас. Нега энди кутилмаганда ўз хоҳиш-истагимга зид ҳолда фавқулодда ўта аянчли ҳодисалар хотирамда жонланиб келаверади?

– Хотирані үчириб ташлаш мүмкінмас. Сиз фақат яхши нарсаларни эсга олишга ҳаракат қилинг. Бошиңгизни даволаш ўз қўлингизда. Унчалик қайғу-кулфат комида кўмилманг энди, бироз мизғиб олинг...

Шоир кўзини юмишдан зада эди. Кейинги пайтлар унинг туши айниди. Айқаш-уйқаш, турли-туман воқеалар гирдобида қолади, таниш-нотаниш кишилар тушига кираверади. Очиги, бу чалакам-чатти, тарқоқ манзараларни туш деб бўлмас, алаҳсираш ёки босинқираш деса тўғри бўларди.

Бу кеч ҳам шундай бўлди. Тушида олти ёшли қизини кўрди. У афғон қизалоқлари киядиган кийимда эмиш. Ҳовли. Лой томли пастқам кулбанинг бир бурчи ўпирилган. Берироқдаги бостирма вайрон бўлиб ётибди. Бостирма тўсини, каттакон болор кулаб тушиб, семиз, наслдор сигирни босиб қолган. Сигир ганграйиб ўлиб ётибди. Шишиб кетган. Қизи ҳовлининг ўртасида дод солиб йиғлаяпти. У чўк тушиб олган. Қўлларини ҳавога чўзиб нола қиласяпти. Шоирнинг қулоқларига қўрғошиндек қуилаётган қарғишни қизи кимга айтяпти, шоир атрофга аланглади, ҳеч ким йўқ...

«Мен сени Худога солдим, шўрави! Худоё-худованда бир умр азоб тортгин, шўрави!»

Қизалоқ худди жойида ўтироволиб, садр тушаётгандай боши, елкаси, гавдаси билан ўнгдан чапга тебранар, қўллари ҳавода муаллақ қотиб титрарди...

«Мен сени Худога солдим, шўрави! Мени ҳам ўлдир, шўрави!»

Шоирнинг оёқ-қўли бўшашиб ўтириб қолди. Тушунди. Бу ер – Афғонистон. Унинг кўзидан қайноқ ёшлар сиза бошлади. Қизи сари яқинлашиб борди. Қизалоқ дод солиб ўрнидан турди-да, кулба томон югурди. Шунда автомат тариллагани эшитилди. Қизалоқ жойида тўхтаб чайқалиб кетди. Орқага тисланди. Гупиллаб йиқилди. | Шоир дод солиб бақирди.

үйкеси учди. Уйғониб кетди. Унинг додлаганини Гүзәл ҳам әшитди. Бу оғриқ зўрайиши эмас, балки шоирнинг алаҳсираганини тушунди. Ҳозиргина кўз очган шоирнинг хижолат тортмаслиги учун ўзини ухлаганга солди. Столга кўксини бериб, кўзларини чирт юмиб олди.

Шоир вос-вос касалига йўлиқиб қолишдан, ақлдан озишдан қўрқарди. Чунки дарди шу томонга бурилиб кетиши мумкинлигини англаб етарди. У улуғ ёзувчи Хемингуэйнинг «Уруш даҳшатини англаганлар ақлдан озишлари мумкин», деган гапини тез-тез эсларди. Ҳар қандай оғриққа чидаши мумкин, лекин инсон ҳеч қачон хотира азобига дош беролмайди, деб ўйлади. Шу тобда ёнида нималарнидир ёзиб турган ҳамширага қараб, шу қиз ундан кўра нечоғлик баҳтиёр эканлигини ҳис этди. Шунинг учун кўзлари тиниқ ва беғубор бўлса керак.

– Гўзал, яна бир пиёла чой узатасизми, – деди у ҳамон нималарнидир ёзаётган қизга.

– Хўп бўлади. Шоир ака, манави дорини ҳам ичволинг. Янаям енгил тортасиз.

– Бу қандай дори?

– Асабни юмшатади. Бош оғриғини қувлади.

– Майли. Фақат ухлатиб қўймасангиз бўлди.

– Э, йўқ. Ҳозир сизга уйқунинг кераги йўқ. Кўз тегмасин. Анча яххисиз. Қийин ҳолатдан ўтиб олдингиз. Укол-дориларнинг фойдаси тегди.

– Раҳмат, Гўзал.

Шоир яна сукутга чўкди. Кўзини шифтга тикиб жим қолди... Бугун кайфиятимни баланд қилиб, хушчақчақ ўтказишга ҳаракат қилишим керак, деган фикр ўтди. Бироздан сўнг тонг ёришади. Күёш чиқади. Уйдагиларим келади. Уларни хушҳол қаршилашим керак, деб ўйлади. Хотини, ўғли ва икки қизини кўз олдига келтириб, юзига илиқ табассум олди. Оиласида энг яхши кўрадиган Юлдуз қизини бағрига босаётгандай ҳис қилди. Ана, ийманиб, кулимсирабгина дадасининг бағрига бош қўйяпти... Куралай кўзлари кулади. Дадасининг бору жаҳонини

нурга түлдирувчи эркатой, бұлакча, феъл-атвори ҳам ҳеч кимга үшшамайдыган Юлдуз гүдаклигига күп касал бўлди. Худойим уни кўп бора қайтариб берди. Шунданми, шоирнинг Юлдузга меҳри ўзгача. У йиғласа, шоирнинг юрак-бағри ўпирилиб кетади. Бирор жойи лат еса, ота ўзини қўярга жой тополмай қолади.

Шоир хаёлларидан чалғиб, яна тушини эслади. Ҳовли. Бостирма. Хароба уй. Ҳовли ўртасида афғон қизалоқла-ри кийимидағи Юлдуз. Қўлини ҳавога чўзиб қарғаяпти. Кимни? Дадасини. Дадасининг қўлида қуроли бор эмиш. У яна Афғонистонда эмиш. Юлдуз дод солиб йиғляяпти.

– Сени Худога солдим, шўрави! Худога солдим.

Қизи уни танимасмиш. Шоир караҳт ҳолда қизи томон юрганди, у ўрнидан туриб кулба томон чопди. Шунда автомат тариллади. Қизи ҳавода чайқалиб турди-да, орқаси билан йиқилди. Шоир ким отганини, нима бўла-ётганини англамай, ён-верига қаради, ҳеч ким йўқ...

Шоир кўзларини чирт юмиб олди. Бадани жимиirlаб кетди. Ўзини бўғилаётгандек ҳис қилди. Лабларини қаттиқ тишлади. Оғриқнинг зўридан ихраб юборди. Гўзал қоғоз-қаламдан бош кутариб беморга қаради.

– Тинчликми? Безовталаняпсиз... яна оғрияпсизми?

Қиз хавотирли алфозда шоирнинг қон босимини ўлчади, дераза қанотларини очди. Ичкарига баҳорий бўй ва тонгги мусаффолик оқиб кирди.

– Гўзал сизга бир нарса айтиб берайми? Эшитасизми? Шундай қилсан яхши, вақт ўтади.

– Бемалол. Фақат, аввал айтинг, бошингиз оғрима-яптими?

– Йўқ. Бошим яхши. Анча енгил. Тонггача зерикмайин деяпман. Ахир сиз чарчаган бўлсангиз...

– Нега энди, айтинг. Эшитаман.

– Гўзал, одам ҳар қандай гуноҳи учун жазосини оларкан. Бирорни хонавайрон қилиш, ўлдиришнинг гуноҳи, бир куни ҳар кимнинг ёқасидан тутади. Мен урушда одам отишим мумкин, бу урушнинг даҳшати, мен шундай қилишга маҳкумман, урушда бошқача бўлиши мумкинмас,

деб үйлардим. Афғон урушидаги воқеаларни айтапман. Үшандың саккызы – йигирма ёш орасыда әдім. Құрқмасдым. Баджаңл, шафқатсыз жангчига айланғандым. Раҳм-шафқат түйғусы ҳақыда тұхталишга ҳожат йүқ әди. Уруш мени қоролға айлантириб қўйғанди... Бу гапларни үз үтмишимнинг фожиали кечгани хусусида сұзлаб, сизнинг раҳмингизни келтириш ниятида әмасман. Фақат хотира азобининг хуни, яъни барча гуноҳларингнинг хуни вақти келиб гирибонидан бўғиб, барча қилмишларингни ёдга солгач, дунёда сендан кўра бебаҳт одам йўқлигини англаб қоларкансан. Хотира хун сўраса ёмон бўларкан.

Бир оз олдин уйқумда қизимни кўрдим. У ҳам урушда юрган эмиш. Мени уни... Ҳа, майли, ҳозир, ётган жойимда бир нарсага амин бўлдим. Бу даҳшат... Буни сизга айтиб беролмайман... Сиз мени эшитяпсизми? Хўш, эшитинг...

Үшандың байрам эди... Янги йил. Қисмимиздаги иккита БМП-2ни экіпажи билан Кобулдаги совет элчихонасини кўриқлашга олиб боришиди. Ҳар байрамда шундай қилишарди. Кобулдаги шўро маслаҳатчилари уйи олдига машиналарни кўйдик... Айём чоғи хушёрликни ошириш, пойтахтдаги ўзимизникларни кўриқлаш мақсадида қилинган бу иш ҳар ҳолда жангга боришдан кўра афзалроқ әди. Шаҳарда отишма бўлмайди. Бундан ташқари шўро маслаҳатчилари, уларнинг оиласи байрамда бизни совға-саломлар билан сийлайдилар. Ҳатто ичкарига, атрофи баланд девор билан ўралган кўп қаватли уйга таклиф қилишади. Бу ерда ҳамма нарса бор. Ўзингизни Европанинг бирорта ҳашаматли саройларидан бирида юргандай ҳис қиласиз. Бассейн, стадион, ресторон, бар, боғча, мактаб... Ҳамма нарса... Бу ерда маслаҳатчи сиёсий арбобларнинг хотинлари, келишган хушбичим рус жувонлари, балоғат ёшидаги қизлар айш-ишрат, фароғатда яшайдилар. Ярим яланғоч бу эркатой ойимчалар уруш нафасини туйиб, кир-чир, афтода ҳолдаги, ғам-ғуссадан бошқа нарсани қўрмаган аскарларнинг кўзига чўғ бўлиб қўринар, ичида олов тошириб, кўнгилларини беҳол қиласарди. Бизни ичкарига таклиф қилишди.

Пастда рус қизлари билан чўмилдик. Ресторанда умримиз-да кўрмаган спиртли ичимликларни татиб кўрдик... Хуллас, Русиянинг тантиқ ва эрка жувон-қизлари биз – урушнинг мунгли болаларини кўнглини хушлаши.

Кечқурун, қуёш уфқа оға бошлаган кезда постда турдик. Кеча яхши ўтди. Эртаси эрталаб, пиёда аскар шеригим, рус йигити шаҳарга кирайлик, бу ерда яхши нарсалар кўп, харид қиласиз, деб туриб олди.

Одамлар гавжум. Оғзи лангочиқ дўконларда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Лекин бесаранжомлик. Бешарм журналлар, апельсин, атирупа, кийим-кечак, турли хил ичимликлар, пойабзаллар, сигареталар тур-тури билан, ҳамма-ҳаммаси бор. Аラлаш-қуралаш. Биз ана шундай дўконлардан бирига яқинлашдик. Дўкон эшиги ёнидаги оломон четга сурилиб бизга йўл берди. Сотувчи билан нималар, деб тортишаётган харидор ҳам жим бўлди. Дўкондор бизга олазарак қаради. Куролланган босқинчилар келишди, буларнинг қулидан ҳар нарса келади, деб ёвқараш қилган оломон секин тарқала бошлади. Шеригим кўзи ўйнаб дўконни кўздан кечиряпти. Дўкондор ёнидаги жажжигина қизалоқ мунчоқ кўзларини тикиб анграйиб, ҳайратомуз қарайди. Унинг беғубор чехрасидаги таажжуб ва қизиқиши пайқаш мумкин. Ўрис қулидаги куролни ўйнатиб, апельсин жойланган кутилар ёнида терилган сигаретага ишора қилди.

– Ну-ка, покажи...

Дўкондор тушунмади.

– Ай, босмач! Я твоя мат... дай сигарет!

Дўкондор орқага тисланди. Аскар куролини ўқталди. Шунда ҳалиги қизалоқ қулоқларини беркитиб, чинқириб йиғлай бошлади...

Аскарнинг ғазаби қўзиди.

– Молчи! Рот закрой... Дикарка?!

Қизалоқ Кобулни бошига кўтариб чинқирап, азбаройи кўркувдан ранги пахта каби оқариб кетганди. Мен шеригимни бир силтаб ўзимга тортдим-да, ияги тагидан ўнг қўлим билан қаттиқ сикдим.

- Ҳой, ҳозир ичак-чавоғингни чиқариб ташлашади. Бор, әшикда кутиб тур. Үзим олиб бораман, үша исқоти сигаретингни...

Хамроҳим кутилмаган қилиғимдан тайсалланиб қолди. Мен уни әшик томон итардым. Шунда осмондан түшдими ё ердан чиқдими, билмайман, қоп-қора лиbos кийган, узун саллали, афт-ангори важоҳатли, соқолли бир дароз кимса пайдо бўлди-да, қўйидан ярақлаган тиф чиқариб, шеригимнинг бўйнига қўл силтади. Аскар пиҳиллаб, чир айланиб қулади... Оёғини икки уч бор ётган жойида жон аччиғида силтаб, типирчилай бошлади. Мен нима бўлаётганини англамай, қўлимдаги қуролдан атрофга гир айланниб ўқ уздим. Уч-тўрт кишининг силтаниб йиқилганини кўрдим. Атроф қий-чувга тўлди. Бу жуда қисқа, оний лаҳзаларда содир бўлди. Дўкон ичкарисидаги қизча қонига бўялиб, ғужанак бўлиб ётган дадаси устига чинқириб ўзини отди. Мен дўкондан югуриб чиқдим. Рўпарада ўқдай учиб келаётган БТПга қўл силкидим. Бу ҳарбий йўл назоратчилари машинаси эди. БТП дўкон ёнига келиб тўхтади. Вазиятни тушунган ҳарбийлар машинадан сакраб тушдилар-да, ўзларини дўкон ичкарисига уришди. Бу пайтда оломон тир-тўзиган, ичкарида қонига бўялиб, ўрис аскар ва ўқقا учган бир нечта афғонлар чўзилиб ётарди. Фақат ҳалиги қизалоқ титраб-қақшаб қалтирап, унсиз йиғларди. У дам ўлиб ётган дадасига қарап, дам аскарларга мўлтираб термилар, тиззаларини бир-бирига қовуштириб, иккала қўли билан энкайган қўйи киндигидан пастини ушлаб турар – у ҳаддан зиёд қўрқиб кетган эди.

Ҳарбийлар аскарни олиб чиқиши. У жон берганди. Мени сўроқ қилиш учун армия штабига олиб чиқиши. Тушдан кейин юбориши.

Эртаси куни қисмга қайтдик. Штаб бошлиғи бўлган воқеани суриштирди. Мен үша ҳолатни оқизмай-томизмай айтиб бердим...

- Демак, душман сизларга ҳамла қилибди, – деди ўйга толиб.

– Билмадим...

– Хой, нега билмайсан? Худди шундай бұлды, де. Ахир қанақа боласан?! Бу ерда армиямиз шаъни ҳақида гап кет-япти. Душман қылмишига яраша жазо олган... Сизларға йүлда хұжум қылған. Аскар Ивановни эса бүғизлаган. Шунда сен уларға қараты үқ узғансан. Зұрға жон сақлагансан. Йүл назоратчилари етиб келгач, душман чекинган. Армия штабида ҳам шундай холосага келишди. Тушундингми?

– Ҳа. Тушундим.

– Бор, энди.

Офицер мени ортимдан нафрат билан қараб қолди. Үзимни хұрланғандай ҳис қылдим... Бу жудаям оғир ҳол эди.

\* \* \*

...Шоир жим қолди. Гүзәл унга ачиниш ва хавотир билан қараб туради.

– Оғир... Сизга оғир. Даҳшат-а? – деди Гүзәл.

– Даҳшат. Ұша чинқириб йиғлаган қизалоқ кече қизим Юлдуз сиймосида тушимга кирди. Бу нарса мени ҳеч қа-чон тинч қўймаса керак...

– Кўп ўйламанг, – Гүзәлнинг овози қалтираб чиқди.

– Мен ўйламайман. Лекин гуноҳларим мени тинч қўй-майди. Ұша қизалоқнинг қарғиши мени уради... Мана бу жудаям оғир.

Тонг оқарди... Гүзәл шоирнинг ёнида туришга негадир үзини ноқулай сезди. У идиш-товорқларни ювишни баҳона қилиб, ташқарига йўналди...

Гүзәл йўлакка чиқиб юм-юм йиғларди.

## XII

– Салом, дадажон!

Эшиқдан югуриб кирған олти ёшли қизалоқ бемор дадасининг бошидан қучиб, пешонасидан үпди. Шоирнинг кўнгли алланечук бұлды. Кўнгли бузилди. Ичидан йиғига ўхшаш бир туйғу үралади. Ночорлиги, үзини кат-

талардай тутиб, дадасининг күнглини овлашга уринган қизчанинг ҳозирги қилиқларидан музтар бўлди. «Бошига кун тушса болалар ҳам кексайиб қоладилар, катталарга ўхшайдилар», деган хаёл билан Юлдузга термилди. Ўзини ўнглаб яримбел бўлиб ўтиromoқчи бўлди. Унинг ҳаракатини кўрган Юлдуз кичик қўллари билан оҳиста кўксидан босди:

- Ётинг... ётинг... Дадажон, ётинг!
- Майли, қизим. Ўтира қолай. Қандайсизлар! Қани аяжонинг?
- Кайдойда... Келаяптилай... Зинадан энди чиққан бўлсалай кейак... Мен чопдим...
- Яша, ўзимнинг онам... Ҳеч ким сени уришмаяптими?..
- Йўқ... Кеча ойим даданг тузалиб чиқсинлай, ҳаммангни айтиб уйдияман, дедилай... Сиз биззи уясизми?..
- Йўқ. Сира... Шундай асал қизни ҳам уриб бўладими?..
- Дадажон... Айтмоқчи... Туғилган кунингиз билан табийклайман... – қизалоқ шоирнинг юзидан яна ўпиди, – биласизми, ойижоним сизга гул сотиб олдилай... Ана, ўзлайи ҳам келдилай...

Шу маҳал остонада бир қўлида елимхалта, бир қўлида бир даста қип-қизил чиннигул кўтарган Барно пайдо бўлди. Деразадан баҳорий бир тиниқлик иниб, хонани, бутун дунёни ёруғ этган лаҳзада, остонада нуру гулга тўлиб, гулдай чароғон очилиб, нурдай сочилиб турган жувоннинг қўлидаги гуллар чиройли эди, йўқ, унинг ўзи гул эди, у гулдан чиройли эди... Порлаётган нигоҳларидан кулги сачрар ва бу сочқи шоирнинг авзойи баданини куйдирар, гўё тўшак билан биргаликда мовий юксаклиқда учеб бораарди.

Шоир Барнога сархуш ҳолда термилди. Бош силкиди. Барно ҳам жилмайди. Оҳиста қадамлар билан шоирнинг ёнига келди...

- Тузалиб қолдингизми... Туғилган кунингиз муборак бўлсин, дадаси.
- Раҳмат, Барножон... Яхши ўтирибсизларми?.. – шоир бошқа гапиролмади. Кўнгли ийиб кетди. Шу тобда қар-

шисидаги жувонга, манави, бижилдоқ қызчасига раҳми келди. Мен барибир баҳтли эркакман, мени севишади, деган үй күнглини ёритди. Ҳеч бўлмаса шуларнинг севгиси, жавдир-жавдир нигоҳи учун яшшим керак. Э Худойим, бари тезроқ ўтиб кетсайди.

Гўзал гул учун гулдан олиб келди. Сув қуиб, гулларни солиб қўйди. Уларни холи қолдириб, ташқарига чиқиб кетди.

– Менга бугун уйга боришимга рухсат беришмаскан. Кеча бироз мазам қочди.

– Хабарим бор. Тузалиб чиққанингизда туғилган куннингизни бирга нишонлаймиз. Ҳозирча уйдан хавотир олманг. Эртага ойим келадилар. Кичкинангизга қараб турадилар. Шундан ўзим кун бўйича ёнингизда бўламан. Зерикмайсиз.

Барно қандай қилиб бўлса-да, эрининг күнглини олиш илинжида эди. Юлдуз дадасининг оёқларини уқалаяпти.

– Бу ерда зерикарли эмас. Лекин сизлар анча ташвишда қолдингиз. Уйда пул ҳам тугагандир. Кеча ишхонамизда ойлик бергандир, Юсуфга, Юсуф Худойқулга телефон қилинг, ойлигимни, гонораримни олиб берсин. Бухгалтерга Юсуф вазиятни тушунтиrsa, бераверади. Барибир уйда пул турмаса, ёмон.

– Майли, сиз бу нарсаларни ўйламанг. Мана, манти олиб келдим. Иссиққина. Еб олинг. Гўзалнинг айтишича, кам овқат еяпсизкан. Озгина бошингизни кўтариңг. Ҳечқиси йўқ, сочиқни тўшайман. Олинг, – Барно елим-халтадан косада манти олиб шоирнинг қўлига тутди. Косанинг бир четидан ушлаб турди.

Палатани зира қўшиб пиширилган мантининг бўйи тутди. Она ва қиз дадасининг овқатланишига завқланаб қараб туришди. Иштаҳаси очилган шоир она-болани шод қилиш учун ҳам таомни охиригача еди. Куруқ косани айлантириб, «яна бир коса манти топиб беринглар», – деб ҳазиллашган бўлди. Қиз кулди. Она кулди. Ота кулди. Хона ичи нурга тўлди. Ана шундай хуш кайфият билан

улар хайрлашдилар. Кетаётиб Барно, «Нима овқат олиб келай», деди. Шоир, «Үзингиз биласиз», деди. «Айтинг, құнглингиз нимани тусаяпти», деди. Шоир, айтсам айтдим-да, «Кесган ош олиб келинг», деди. Аёл кулимсиради. Шоир жилмайиб қўйди. Юлдуз қиз ойисига эргашиб, бармоғини лабига босиб, дадасига ҳавода ўпич йўллади. Дада ҳам худди шундай қилди.

Улар чиқиб кетиши билан ашқол-дашқолларини кутариб ҳамшира қиз Гўзал кириб келди. Яна осма укол. Шоир зада бўлган қўйи қизга қаради.

- Янами?..

- Албатта. Аввал ёнбошингизга манави уколни қиласман. Сўнгра гемодез оласиз. Қарабсизки, бугун оёққа туриб кетасиз. Худога шукр, анча тузуксиз. Барно опам ҳам хурсанд бўлиб чиқиб кетдилар... Бош врачимиз бир оздан кейин келиб сизни қўрадилар. Қани, ёнбошингизни очинг. Үзингизни бўш қўйинг. Мунча чўчийсиз. Ким айтади сизни энг қийин пайтда касалликни енгиб ўтган киши деб. Ҳа, мана. Ҳатто билинмадиям. Кеча оғир жараёндан ўтиб олдингиз. Бугун реанимацияга оғир беморни олиб келишган. Ўзини билмай ётибди. Қон босими жуда юқори. Бу хавфли. Эрталаб ишхонасида хуруж қилибди. Инфаркт экан. Хужайинлардан эмиш. ТошМИдан профессор чақиришди, – Гўзал осма укол қўйгунча шу гапларни айтиб бўлди.

- Инфаркт ҳам ёмон дард-а?

- Ҳа, хавфли. Анави каттаконнинг ҳам аҳволи чатоқ дейишяпти.

- Қайси каттакон экан?

- Билмадим. Фамилияси Бурҳонов! Касаллик варақасига кўзим тушди. Ёш экан, бечора.

- Фамилияси Бурҳонов?

- Ҳа, Бурҳонов. Миакард-инфаркт. Иккинчи босқич. Реанимацияда...

- Эҳ-ҳе! Бурҳонов! Ҳеч ким дунёга устун эмас. Давлат, мансаб ўлимнинг олдида бир пул, Бурҳонов...

Шоир бехосдан үзига үзи гапира бошлаганидан анграйиб қолган Гүзәл:

– Вой, үлмасам, яна сизга нима бүлди? – деди.

Бугун бошқа күнларға қараганда бошқача зди. Ёруғми-ей, чиройлими-ей, файзлими-ей. Эң қызығи, эрталабдан ғалати хабарларни эшилди. Бурхоновга ачингандай бүлди. Бола-чақаси бор одам. Ҳеч ким үлмасин. Майли, үзи ёмон бүлсаям, фарзандлари бор. Уларни үқитиб, одам қилиш керак. Ҳеч кимнинг оиласи зор қақшамасин, деган хаёлга борди.

Тушга яқын газетада бирга ишлайдиган жүралари келди. Анча яхши бүлди. У ёқ-бу ёқдан гаплашишди. Шоирнинг ойлигини шу ерга олиб келишибди. Ёрдам пули ҳам ёзишган экан. Улардан миннатдор бүлди.

Бугун ҳамма нарса бошқача күрінди. Одамлар ҳам. У бугун Бурхоновга ҳам раҳми келди. Кечирди. «Ишқилиб үлмасин», деди. Айниқса, ҳамкасбининг «Кеча ишхона бошлиғи ва үринбосари, телевидениедаги унга бир пайттар зуғум үтказған раҳбарлар ишдан бүшади», деган хабари ҳам унчалик таъсир қилмади. Буни табиий ҳол, деб қаради. Негадир улар менга зулм үтказувди, энди жазосини олибди, деган хаёлга ҳам бормади. Аксинча, уларга ҳам раҳми келди. Бугун шоир анча үзгарған зди.

Кечаги қийинчилик, үлім билан олишув, үлім нафасини туйиш, үлім олдидә инсоннинг ожизлиги, тинч ҳаётининг нақадар азизлиги, барчаси шоирнинг үй-хаёлларипи үзгартырди. У энди ҳаётдаги арзимас нарсаларни эслаб, бирор манфаат учун талашиб-тортишиш ноүрин, тирикликті қадрламоқ энг олий хислат эканлигини хіс қилгандай зди.

Нима бүлганды ҳам, яшамоқ гүзәл. Тириклик афзал. Қолганлари майда гап. Чархнинг шунчаки үйини қолганлари. Күйиб-пишиб ётганинг билан үз оиланг, яқынларинг тушуниши мумкин. Шулар раҳмингни ейиши мумкин. Тұғри, ноқақлықка қарши курашмок бор гап. Лекин үзингни майиб-мажрух қилиб ташлаш әвазига эмас.

Бу шаҳар катта. Жудаям катта. Одамлари кўп. Бирор-бировни танимайди. Ҳаёт қайнайди. Ҳамманинг ўз ташвиши бор. Касалхоналари кўп бу шаҳарнинг. Беморлари ҳам. Шу сония кимдир ўлим билан юзлашиб турибди. Ҳозир жон беради. Агар у тасодиф туфайли тирик қолса, ўлимни енгиб ўтса, бу ҳаёт, бу дераза, осмон, одамлар кўзига бошқача қўринади. Ҳамма-ҳаммаси жондай азиз бўлиб туюлади. Чунки инсон жонининг ришталари борлик билан боғланиб туради. Шу ришталар узилмасин.

Ҳозир ҳам ер юзининг қайси бир бурчагида уруш кетяпти. Одамлар бир-бирини ўлдиряпти. Қирайпти... Одамзод ўзи учун фожиа пайдо қиласпти. Ўша лаънати уруш қанчалар кишиларни мажруҳ қилиб ташлади. Қанчалаб оиласлар изтироб уммонига ғарқ бўлмоқда. Шу нарсани тушунмаган одамлар тинч кунларда ҳам бир-бирини тинч қўйишмайди. Эговлашади. Руҳиятини азоблайди. Инфаркт қиласдилар. Бир-бирининг устидан мағзава ағдаришади. Қаердадир ҳали ўқ учяпти. Қаердадир эса осойиш ҳаётнинг айниган одамлари бир-бири билан зимдан курашади. Бир-бирини янчиб ташламоқчи бўладилар... Баъзизда сўздан ўқ ясаб заҳарга ботириб отадилар. Бир-бирини қулатадилар. Аямайдилар бир-бирини. Ахир, ҳаётда ҳамманинг ўз ўрни, насибаси бор-ку. Ахир, ҳар кимнинг қорни бир бурда нонга тўяди-ку. Ҳеч кимнинг қабрига мол-дунё, мансаб сиғмайди-ку. Бу қуёш ҳамманини. Бу ер ҳамманини.

Шоир ўйлади: ҳаёт, барча қийинчиликлар, ўткинчи экан, фақат ўлмаслик керак!

Уруш-чи?.. Уруш? Уруш даҳшатига иродаси тош кимсалар бардош беради. Иродаси метин кишилар яшашга ҳақлидирлар.

У ўрнидан қўзғалди. Каравотда қўлларига суюниб ўтириди. Ташқарига қарагиси келди. Оёққа туриб, бир-икки қадам юрди, чайқалди, ўзини тутди. Дераза рахига борди. Ўша йўлакка туташ темир дарвозага боқди. Барнонинг кириб келишини жудаям хоҳлади... Тасодифми

бу? Эшик очилиб Барно, Шукур ака, қизалоғи Юлдуз күрінди. Шукур аками шу? Ҳа, Шукур ака! Ана қоровул чол уларға салом бериб, таъзим қилди. Қизиқ, Шукур ақа құлиға гул оливобди. Шукур аканинг гул күтаришини шоир тасаввурига ҳам сиғдирмаганди. Эгнида үша жигарранг ёмғирпүш, бошида үша маллатоб шляпа... Салмоқланиб келяпти. Барно унга құли билан шоир қараб турған деразани құрсатди. У қулди. Шоир қулди. Ҳатто құлини құтариб қўйди. У ҳам шундай қилди...

Остонада таажжуб билан қараб турған Гўзалга деди:

- Қўрқманг, мен тузукман...
- Бугун жуда яххисиз... Хурсандман...
- Гўзал!
- Лаббай.
- Бери келинг. Бери келинг.

Қиз унинг ёнига келди. Шоир боши билан йўлакка имо қилди. Улар яқинлашиб қолган эди. Қиз деразадан уларға қаради.

- Анави, шляпали киши ким?
- Шукур ака, Шукур Холмирзаев!

Шоирнинг чехраси чарақлади. Қиз шодланганидан чапак чалиб юборди.

- Ана, сизга сўз берувдим. Катта ёзувчимиз ҳам келдилар.

Гўзал шоирнинг тушагини текислаган бўлди. Тумба устидаги у-бу нарсаларни йиғиштирди. Каравот олдига бўш стул олиб келди. Деразанинг иккала қанотини ҳам очиб юборди. Деразадан шу тобда ўлимнинг шарпаси чиқиб кетгандай бўлди. Хона ичи нурга, муаттарликка тўлди.

- Гўзал сизга бир нарса айтайнми? – деди шоир каравотга яқинлашиб.

- Майли.
- Мен шу бир кун ичиди азобли жангларда қатнашдим. Ўлим қаршисида хотиралар жонланиб қоларкан.
- Балким...
- Чин. Яна бир гап, бу урушда, бу азобларда сиз ҳам мен билан бирга бўлдингиз.

- Шоир ақа, сиз ўша романингизни тугатинг.

- Майли.

- Номи ҳам чиройли экан: «Азизам, табассум қил!»

Шу пайт йүлакда қадам товушлари эшитилди. Иккаласи ҳам эшикка термилиб қолдилар.

\* \* \*

Орадан ўттиз йил ўтди. Шаҳардаги баобрў касалхоналардан бирига Халқ ёзувчисини олиб келдилар. Беморнинг бошида асорати бор эди...

Унинг тепасидан дўхтирлар кун бўйи жилмадилар...

Ёзувчи уйкуга кетди.

Ховли. Пастқам кулба. Кулбанинг бир бурчи ўпирилиб кетган. Деразалари тўкилиб ётибди. Ховли ўртасида бир қизалоқ озғин ва кичик қўлларини ҳавога чўзиб йиғлаяпти. Бор овоз билан бақиряпти:

- Сени Худога солдим, шўрави! Мени ҳам ўлдир, шўрави!

Қизалоқ бир чайқалиб йиқилди.

Ёзувчи ихраб юборди. Кўзини сўнгги бор очди. Шифтни кўрди. Бу ўша, «Азизам, табассум қил!» романини ёзган, уруш ҳақида ўнлаб қиссалар яратган ёзувчи эди.

**1995 йил**

## ҚҮЁШНИ КИМ ҮЙГОТАДИ?

Ёзувчи кундаликларидан

Эҳтимол, ёзувчи учун бошидан үтган воқеаларни гапириб бериш осондир. Лекин бошқаларнинг тасаввурида ўзи кўрган ҳодисаларни худди ўшандай, айнан ҳаётий тасвирлай билиш жудаям мاشаққатли иш.

Мен кўпинча оқ қоғоз билан ёлғиз қолганимда юрагимда чўкиб ётган хотира юкини ҳаёлим дарёсига олиб чиқмоқчи бўламан. Кейин бирдан: «Нима кераги бор? Шуларни ёзиш шартмикин?», деган ўй ишдан совитади – қоғозга бетлай олмай юраман. Баъзида: «Хўш, унда мен нимани ёзишим керак? Мен ўзим ҳақимда ёзишга юрагим дош беролмай, бардошим етмай тургач, нимани қойиллатиб ёзишим мумкин?» деб ўзимни азоблайман. Тунлар мижжа қоқмайман.

Изтиробга тўлиқ аччиқ ҳақиқатнинг кўзига тик қараганингдагина сен ўзингнинг кимлигингни билиб оласан.

Инсониятга инсоннинг кимлиги ҳақида рўй-рост ҳикоя қилолмаган асарларнинг ҳаммаси ёлғон.

Кўкрагидан ўқ еб ерга қулаган қуш билан бирга унинг парвози ҳам ҳалок бўлади. Кушнинг қушлигига нисбат берувчи улуғ тушунча унинг парвози эмасмиди? Адабиётнинг ҳам адабиёт эканлигини эслатувчи куч унинг гупиллаб уриб турган юраги ҳақиқатдир...

*Муаллиф*

\* \* \*

Сиз мени тушунишга уриниб кўрганингиздан хурсанд бўламан. Тушуна олмаганингиздан эса хафа эмасман. Баъзида ўзимга оғирлик қилаётган ҳаёт йўлим хотира-лар гирдобидаи омон чиқишнинг ягона йўли бепарволовик деб ўйлайман-да, одамлар дарёсининг ҳаёт оқимида ҳамма қатори яшашга чоғлана бошлайман.

Мунтазам спорт билан шуғулланаман. Яхши дам оламан. Дала ҳовли. Шанба-яқшанба сайри саёҳат табиатнинг энг гүзәл чизгилари ёмғирлар, қорлар, шамоллар, булут ва ҳоказолар ҳақидаги шеърлар...

Ҳаётда ўз ҳолингча ҳам яшаб бўлмас экан. Баъзида сен учун ўта майда туюлган икир-чикирлардан одамлар улкан муаммо ясайдилар, дард, оғриқ пайдо қиласидилар... Сенга ўзларининг боғлиқликларини кўрсатиб қўймоқчи бўлишиб, сени ҳам кўринмас, алланечук ришта билан ўз давралари сари торта бошлайдилар. Ҳа, майли, бу ҳақда тўхталиб ўтиришнинг нафи йўқ. Фақат, гоҳида бундай кимсаларга қарат: «Нега бунчалар майда ва пасткаш бўлиб туғилгансиз? Нега кум заррасини тоғ деб ўйлайсиз? Нега бошқа биронвнинг юрагида дард борлигини ҳис қилмайсиз?.. Ахир одамзод одам бўлиб яшаши учун наҳотки бирор бир фожиани кўриши, бирор бир мусибатни бошдан кечириши керак?» – дегим келади.

Ёшим ўттиз бешга етди. Дўстларимнинг айримлари ақлдан озяпти. Касалхонада асаб, бош зўриқиши касалига чалиниб даволанишяпти. Мен уларнинг абгор бўлиб бораётган ҳаётини кўриб чидай олмайман. Кечаси ухломайдилар. Бақириб-чақиришади. Алаҳсирашади. Босинқираб уйғониб кетадилар. Улар хотира жароҳати хасталигига йўлиқишиган.

Ўттиз беш ёшга кириб ҳаёти вайрон бўлган дўстларим. Йўқ, аслида, анча йиллар илгари ўн саккиз ёшда уруш билан илк бор юзма-юз келиб, юракда кўркув ўрмалаб, ботинда нимадир чирт узилиб кетган палладаёқ ҳаётимиз издан чиқиб кетган эди.

Орадан шунча йиллар ўтаяпти. Вақт ўтган сайин хотиралар қайтадан уйғонишини, уруш кўрган одамлар умр бўйи урушда яшаши, урушдан орттирилган дарднинг тузалмас оғриқ эканини ҳамма ҳам билавермайди.

Баъзида бу ҳаётнинг шунчаки қийинчиликларига дуч келсан, мен урушда шу бугун, шу нарсани кўришим учун ҳам ўлиб кетмаган бўлсан ажабмас... шунга шунча сиқи-

лишим керакмикин, деб құл силкиб қүя қоламан. Бу бир томондан яхши. Бир томондан эса кишида ҳаётга нисбатан ҳафсаласизлик уйғотади.

Гоҳида бу кунларни күрмаслигим ҳам мумкин эди. Үлиб кетишим ҳам мумкин эди-ку, деган үй билан үзимга таскин бераман. Қатъият билан ҳаракат қыламан. Үзимга ишончим ортади.

Баъзида Худога шукр, дейман. Мен айрим дүстларимга үшшаб ақлдан озаётганим йүқ. Хотира хуружининг оғриғига дош беряпман. Тилим бормаяпти, лекин айтаман, ҳаётда кераксиз кимсага айланиб қолмаганман.

Кечалари ортимдан қувлашади, отишади, рұпарамда қурол үқталиб туришади, портлатишади, танклар билан устимга бостириб келишади, хуллас, алаҳсийман. Бехосият тушлар... Уруш тугаганинга, яъни урушдан қайтганинга 15 йил бұлды, лекин менинг умримда уруш тугагани йүқ. Ҳар куни урушни эслайман. Мажбур бұламан эслашга. Нега шундай, билмайман.

Бугун икки минг учинчи йилнинг үн иккинчи майи. Бундан үн олти йил мұқаддам, айнан шу бугун Чорикордаги бутазорда қуршовда қолган эдим – душман үраб олди. Мен оператор-отувчилик қилаёттан БМП-2ни грантамёт билан уриб, дабдаласини чиқариб ташлашди. Ташқарига базұр кутилиб чиқдим. Атрофда үқ ёғиляпти. Машина ёняпти. Ариқ ичида бош күтаролмайман. Рұпарамдаги құрғонда беш-олти нафар душман мен томонга югуриб келаяпти. Бир зумда үзимни йүқтедім. Үлим олдида, қисқа сонияда одамнинг шуури чақмоқдай чаралаб, идроки лаҳзада тиник тортаркан. Мени илохий бир куч бошқара бошлади. Дастаның әмбетінде ортада қочдим. Кейин үрнимдан дастан туриб үқ ёмғири, портлашлар шамолида үқдан тезроқ югурдым. Яраландым. Оғриқни ҳам сезмайман, жон жаҳдим билан үзимни тош панасиға олиш учун югуриб борардым. Үша жанғда дүстларимнинг күпини йүқтедім. Үшандың қолынан баҳор эди. Қызғалдоқтар очилған. Үнгирларга қызыллук юргурған. Чорикор

боғларининг тизза бўйи қоплаган ўтлоқларида кўксига лолақизғалдоқ тўкилгани каби ўққа учган аскарлар ўлиб ётар, улар ўз ҳаётининг сўнгги баҳори билан бегона юртда хайрлашган эдилар.

Мен ҳар йили ўн иккинчи май куни аллахаёл бўлиб юраман. Ўзимни кўярга жой тополмайман. Ўша даҳшатли жангни, порох ҳиди, юзимга урилган ачқимтил оловни, кўйлагимни йиртиб ўтган снаряд парчасини, атрофимда ўлиб ётган аскарларни, ернинг лопиллаб кўтарилиб тушишини, ёнаётган машинамни, атрофдаги қий-чув, сўз билан тасвирлаб беришим мушкул қиёмат-қойимни ҳозир ҳам хаёлимдан кечиряпман. Ич-ичимдан бир оғриқ кўзғаляпти.

Мен икки қўләзмаларим ичидан авайлаб-асраб келаётганим кўк муқовали қалин жилдли иккита кундаликлар дафтаримни олиб варақлаяпман. Мен уни урушда тутганман. Деярли ҳар куни бир, бир ярим саҳифа ўзим гувоҳ воқеаларни қофозга туширганман. Хуллас, йўлини топиб, шаклини ўйлаб кўрсам, дуппа-дуруст роман чиқади.

Шу кундаликлардан айрим воқеаларни эълон қилишга журъат этдим. Мен бу орқали инсон тақдири, инсон юрагининг оғриқлари, ҳаётни севиш, қадрлаш, сабр ва матонат ҳақида фикр юритмоқчиман. Қолаверса, урушнинг нечоғлик даҳшат ва фожия эканини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Дарвоқе, кеча ҳам ёмон туш кўрдим. Алаҳсиб уйғондим. Аввал мана шу туш ҳақида қисқагина сўзлаб, кейин кундаликларни варақласам.

\* \* \*

Шаҳар. Кўп қаватли бино бурчида пойдеворга ўнг елкамни берib, узала тушиб ётибман. Ўзимни панага оляпман.

Сўл тарафим, ярим қадам наридаги йўлақдан қум аралаш бетон зарралари ҳавога кўтарилди. Рўпарадаги асфальт йўл четидаги бинолардан биридан бизни мўлжал-

га олиб ўқузишяпти. Шерикларимнинг кимлигини аниқ билмайман. Ҳар ҳолда ён-атрофимда уч-түрт киши бор. Улардан бири ўқقا учди. Мен деворга қапишиб ётибман. Ўқ ёғилиб турган жойга оёғимни узатсам етади. Бундай қалтис пайтда урушда орттирган тажрибам ўз жойимни ўзгартиришим керак, деган ўй билан ўнг томондаги йўлакка ўтдим. Тўғридаги осмонўпар ойнаванд бино томон югурдим. Қарасам, ортимдан сон-саноқсиз одамлар югуриб келишяпти. Улар ҳам шу бино ичкарисида жон сақламоқчи бўлишганини пайқадим. Бино ичкариси кенг. Ойнаванд йўлакнинг охири кўринмайди. Одамлар шу йўлак бўйлаб чопишмоқда. Ҳамма бир томонга қараб югуряпти. Мен ҳам уларнинг сафига кўшилдим.

Бир маҳал бошқалардан орқада қолиб кетдим. Жон талвасасида қочаётган оломон ичидан мен томонга келаётган қизалоғим Севинчни кўрдим. Унга, «қоч» ишорасини қилиб, қўлимни силкидим. Бақирай, десам, овозим чиқмайди. Югурай, десам, оёқларим зил-замбил, оғир. Жойимдан жилолмайман.

Севинч ёнимга келди. Анграйиб турибди. Менга ҳеч нарса демади. Худди танимагандай. У бизни қувиб келаётганлар томонга қараб юрмоқчи. Мен жоним бўғзимга тиқилиб ўзимни унинг устига ташладим... «Қайт, болам, борма, болам!..» Ўқ овози эшитилди... Елкаларимда жимиллаган оғриқ турди. Бақириб уйғондим.

Хона чироғини ёққан хотиним бир пиёла сув олиб келиб узатди. Пешонамга қўлини қўйиб ҳароратимни ўлчагандай бўлди.

– Тушингизда яна кўрқдингизми?

Ташқарида тарновдан сув шалдираб оқаяпти, деразага ёмғир томчилари урилади.

Мен дала ҳовлининг иккинчи қаватига кўтарилиб Севинчнинг хонасига кириб чироқни ёқаман. У ширин уйкуда. Тиниқ чехрасида сокинлик нури. Ўпкам тўлиб, елкаларим силкина бошлайди. Димоғим ачишиб, кўз ёшларим шашқатор бўлиб оқаверади.

Зинада оёқ товуши эшитилди. Хотиним келяпти. Мен унга нимадир деб, ўзимни ҳам, уни ҳам овутмоқчи бўламан.

Хўш нима дейин?

Бироқ, у мени тушунади. Бу тушунишнинг ўзи нақадар азоб эканлиги менга аён.

Менинг шундай беҳаловат тунларимга кўникиб-кўниколмаётган яқинларимга сабр-тоқат тилаган ҳолда, нима сабабдан тунларимнинг ороми бузилиб, уйкуларимнинг ҳам ўқса учганлигини кундаликлардаги айрим воқеаларга кўз ташлаган ўқувчи тушуниб олади.

11 май 2003 йил

Кеч соат 3.30.

\* \* \*

Афғонистонга олиб ўтишганига бир ой бўлди. Урушга чиққанимиз йўқ. Ҳолбуки, қисмдамиз.

Ўкув машғулотларини Туркманистоннинг Тежен шаҳрида ўтадик. Тежен – қоқ чўлнинг ўртасидаги шаҳарча.

Иқлими яхшимас. Иссиқ. Борлиқ ёнаман, дейди. Казармамиз шаҳарчадан анча олис, сахрова жойлашган.

Ичимлик суви йўқ. Тиконни қайнатиб ичиришарди. Ичмасак, мажбурлашади. Кейин кўникиб кетдик. Қисмдаги аскарларнинг teng ярми сариқ касалига йўлиқди. Камина ҳам.

Ашҳабодда бир ой даволашди. Яна бир ой дам олиб, дармонга қайтишимиз керак эди. Буни реаблитация дейишаркан.

Бизни афғонга олишмаса керак, деб ўйловдим. Сариқ касали чакана дард эмас. Тўғриси, сариқقا чалинганимда қувонгандим. СССРнинг соя-салқин, чиройли шаҳарларининг бирига хизматнинг қолганини ўташга жўнатишса керак, деган хаёлга боргандим.

Хаёлим чиппакка чиқди. Мингга яқин аскарни госпиталнинг ўзидан қисмга олиб келишди. Бир кечада сағга тизишди. Вокзалга жўнадик. Тежен вокзалидан Тошкентга қараб йўлга тушдик.

Тошкентта яқынлашгач, офицерлар бизни шунчаки күркитишибди, ахир сариқ қасални ҳам ағонга олишадими, хизматни Тошкентда үтайдиган бўлибмиз, деб ич-ичимга сифмай қувондим.

Тошкент вокзалга тонг саҳарда етиб келдик. Вокзалдан бир қадам ҳам жилмаслик ҳақида буйруқ берилди. Бизни юқ машиналарига чақиришди. Тузел аэропортига олиб бориб, юқ ташувчи самолётга рӯбарӯ қилишди.

Самолёт Кобулга келиб қўнди. Самолётдан тушишим ҳамоно юзимга ўлим шарпаси урилгандаи бўлди.

Бизни подадай қилиб аэропорт ёнидаги казармаларга ҳайдашди. Бу ердаги аскарларнинг рангидаги қон йўқ, қўрқувданми, безариб-гезариб кетишган, умуман, ағондаги «соғлом» жангчиларнинг юзидан «сариқ»قا йўлиққан бизнинг юзимиз авлороқ эди.

Мана, бир ой бўлди, жанговар батальондаман. Эрталабки уч километрлик югуришдан сўнг чарчаб қоляпман. Жигарим оғрияпти. Дармонсизман. Кеча биз билан келганлардан бири югуриш давомида йиқилиб қолди. Қисм сан-частида жони узилиби.

Қисм жангга чиқиб кетган. Айтишларича аҳвол танг экан. Бизни, янги келган қасалвандларни ёрдамга юборишиади. Эрталаб Тоҳир исмли бола сафга чиқмади. Ўрнидан туролмади. Нонуштадан қайтиб келсак, ранги оппоқ, қимирламай ётибди. Пешонасига қўлимни қўйдим. Муздай. Сесканиб кетдим. Тоҳир ўлиб қолибди. Бу менинг биринчи бор ўлик қўришим.

Ана, каравоти бўм-бўш. Менинг ёнимда. Ухлолмаяпман.

**6 декабр 1986 иил**

\* \* \*

Ниҳоят, жангга чиқдик. Саланг деган жойга юраяпмиз. Кобул, Баграм, Чорикор, Жабалсарой деган жойлардан үтдик. Ҳар икки чети юксак тоғлар билан ўралган довон йўли музлаган. Тойринчоқ.

Мен оператор-отувчилик қилаётган БМП-2нинг занжирлари «тиши» йўқ, юқорига юриш амри маҳол. Занжир турган жойда айланади, БМП-2 қимир этмайди. Орқадан судровчи махсус танк зарб билан келиб урилади. БМП-2 эса музда айланган тошдай чархпалак бўлиб кетади. БМП-2нинг тумшуғи, отув мили гоҳи орқага, гоҳ тоғ томонга қарайди, гоҳида машина йўл четига сурилиб таг-туби кўринмайдиган жарлик ёқасига келиб қолади. Кўзларимни чирт юмиб оламан. Худони ҳеч кимга бермай, ичимда дуо ўқийман. Ёнимдаги офицернинг эса парвойи фалак.

Механигим Ринат ҳам афонга мен билан бирга келган. Бизга эски, яроқсиз БМП-2ни беришибди.

Мен БМП-2га биринчи бор чиқишим. Ҳарбий ўқув машқлари даврида уч ой танк командири мутахассислигини ўргатишган эди.

Совуқ. Оёқларимдан совуқ ўтиб кетди. Қаҳратонда тоғ совуғига бардош бериш – азобнинг азоби.

Орқадаги танк яна келиб урилди. БМП-2 муз йўлда беш-олти қадам сирпаниб ўн тарафга, тоғ этагига тиркалиб қолди. Учи қуйруғи йўқ колоннага йўл очилди. Филдирагига занжир боғлаган «Урал», «Камаз» ва мен русумини билмаган турли хил машиналар ўта бошлади. Ҳар бешта ғилдиракли мошин орасида биттадан танк жойлаштирилган.

Командирга алоқа орқали колоннадан қолиб кетаётганимни маълум қилдим. У сўкинди.

Колонна ўтяпти. Ҳеч кимнинг биз билан иши йўқ. Кўрқдим. Бунақада қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

Колонна охирлаб қолди. Танк ёнимизга тўхтади. Бизни шатакка олди. Танк механиги ўзбек экан.

Мен ваҳима аралаш йўлни босиб қолгудай бўлиб турган юксак чўққиларга карайман. Шу чўққиларда туриб ўт очиш у ёқда турсин, тош ташласалар ҳам бизнинг абжағимизни чиқаришади.

Бир маҳал гумбурлаган овоз әшитилди. Бир зумда тоғни кетма-кет гумбурлашлар, автоматларнинг тариллаши, үқларнинг совуқ чийиллаб учиши тутиб кетди. Үзимни БМП-2 ичкарисига урдим.

– От! От!!! – қичқириди ёнимдаги командир.

Қаёққа отишни билмайман. Атроф тоғ.

– От! Галварс! Отсанг-чи! – зобит бошимга мушт туширди.

Мен отув милини юқорига күтариб, тоққа түғриладим. Дуч келган томонга отавердим.

Зобит мени силкилай бошлади.

– Нима қиляпсан?! Жиннимисан?! – уни тутди.

– Ўнгга ол. Хув ана. Чүққи ортига от!

БМП-2 олдида снаряд портлади. Башня устига такуртуқур қилиб тош, темир парчалари келиб тушди. Қулоғим шанғиллаб қолди. Машина силтанди. На орқага, на олдинга йўл бор. Колонна жойида туриб қолди. Бизни ярим соатлар чамаси үққа тутишди. Техникалар тизилган йўл олов ичидаги қолган, ёқилғи ва озиқ-овқат ташибётган машиналар гуриллаб ёняпти.

Ўт кетган машиналарни танклар билан суреб жарга улоқтиришди. Йўл тозаланди. Деярли барча ёқилғи ортилган сифимли мошинлар ёниб кетди. Биз ортга қайтишга мажбур бўлдик. Салангга ўтолмадик.

Биз биринчи жангдаёқ мағлубиятга учрадик. Укувсиз аскарлигимни ҳис қилдим. Бир ҳисобдан орқага қайтаётганимиздан хурсанд эдим.

Қуий эгилган бошини икки қўли билан сиқаётган зобит анчагача чурқ этмади. Сўнг бошини күтариб мен томонга қаради. Қўрқиб кетдим. Ортга силтаниб бошимни машина ичкарисидаги алоқа қурилмасига уриб олдим. Зобитнинг ияги сўл томонга оғиб, оғзи қийшайиб қолибди. У аянчли ахволга тушганди.

Колонна хилватроқ жойда оёқ илди. Зобитни вертолётга чиқаришди. Госпиталга олиб кетишди.

Биринчи жанг шундай тугади. Олдинда нималар кутяпти. Худо билади...

10 декабр 1986 йил

\* \* \*

Қисм штаби биноси томига ўрнатилган карнай ваҳимили увиллади. Хавф-хатардан хабар бермоқда. Буни русчасига «Тревога» дейишади.

Ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Казарма ичи тўс-тўполнон, шовқин-суронга тўлди. Бўлинмалар, взводлар командирлари сержантлар галма-галига қичқиришади:

- Тревога!!

- Тревога!!

Деворлари қалин картондан тикланган казарма даҳлиздаги қуролхонага югурдим. Эшик олди тирбанд. Аскарлар бир-бирига урилиб-сурилиб ўзини ичкарига уришади. Тиқилинчда қўлимга дуч келган зирҳ кийим (бронжилет), зирҳ қалпоқ (каска), ўқдон ва автоматни олиб ташқарига югурдим. Зирҳ кийим чўнтағида тўртта Ф-1 гранатаси ҳам бор эди. Казарма эшигидан чиқаётib, эшик тепасидаги чироқ ёруғида автомат рақамига кўз югуртирудим.

Ўзимникини эмас, бошқа аскарнинг автоматини олиб чиқибман. Шошганда ким қуролнинг рақамига қараб ўтирибди. Отса бўлди-да.

Автомат тортқичи (затвор)ни шарақлатиб тортиб кўрдим.

Яхши. Ҳаммаси жойида.

Хира-ширада саф майдонига тизилдик. «Ростлан» буйруғидан сўнг тошдай қотиб турибмиз. Саф майдонига қисм командири ўринбосари майор Купин чиқиб келди.

У совет армиясига иснод келтирган, Ватан хоини, қўрқоқ ва ярамас аскар ҳақида зардаси қайнаб, жаҳл билан гапира бошлади. Сўзини тутатиб: «Мана унинг ахволи, ўз кўзларинг билан кўринглар», деди. Шу маҳал саф майдонига тўрт аскар замбил кўтариб киришди. Улар тизилиб турган жангчилар олдидан ўтишди.

Замбилга қараб сесканиб кетдим. Замбил ичидаги үлиб ётган аскарни танидим. У сариқ касалига чалиниб, Ашхабоддаги госпиталда мен билан бирга ётган Салатин Зухроб деган татар йигит зди. Афғонга ҳам бирга келган здик.

Зухроб улфат йигит зди. Адабиётни яхши күрарди. Тошкентда университетда таҳсил оларди.

Майор Купин Зухробни қоровулда күрган пайти «пост»ни ташлаб, атрофдаги қишлоққа қурол сотгани борган «душман»ларнинг алдовига учгани учун жазосини олди, деб айтди. Кимки қишлоққа очкүзлик қилиб у-бу нарса сотгани борса, шундай ит үлемини топади, деб құшиб қўйди.

— Ёлғон гапирияпти. «Дух»лар (душманлар) полк атрофифа ҳам изғиб юрибди. У ухлаб қолган. Отиб ташлашган. Қалласини узиб олиб кетишлари ҳам мумкин зди. Янги келганларни қоровулга қўймаслик керак зди, — деди ёнимдаги «қария» аскарлардан бири.

Қоқ манглайнини ўқ ўйиб ўтган Зухробнинг мурдаси кун бўйи кўз ўнгимдан нари кетмади. Аллахиёл бўлиб юрдим.

Уйкум қочяпти. Назаримда кўзим илинса казарма ичкарисига духлар бостириб кириб ҳаммамизни, мени ҳам сўйиб кетадигандай.

Ринат қора қаламнинг ўргасидаги бўёқчўпга ўхшаб кетадиган, гугурт чўпи узунлигидаги бир нарсани қўлимга тутди. «Яхшилаб эзғилаб, сигарет тамакисига аралаштириб чек. Чарчоғинг чиқади. Яхши ухлайсан, «қария»лардан олдим. «Чарс» деганлари шу бўлади...», — деди.

Мен Ринат айтгандай қилиб ҳалиги мойсимон қора «чўп»ни кафтимда эзғилаб, «Ростов на Дону» сигарети тамакиси билан аралаштириб чекдим. Юзим музлаб, кўз олдим туманлашди. Аъзойи баданим енгил тортди. Беихтиёр кула бошладим.

Мен умримда биринчи бор наша чекдим...

\* \* \*

Тонг пайти йұлға түшдик.

Пулихумри, Қундуз, Файзобод вилоятлари ортда қолди.

Үрта аср құринишидаги шаҳарлар, пастқам уйлар ва құримсиз кулбалардан иборат бесаноқ қишлоқлардан үтдик.

Минг чақиримга яқын йұл юриб Али-Хили деган жойға күнбетарда етиб келдик. Ұнг томонда Панжшер тоғлари, Афғонистонни Покистон билан ажратиб турған осмонға туташ чүккілар. Тоғлар қалин қор билан қопланған.

Кечкуунги изғириң өзимизге игна санчғандай бұла-  
ди. Аёз шамоли этни жунжиктириб, сұяқ-сұяғимизгача  
қақшатади.

Мен шундай аёзда қалин қор босған тоғларға нима са-  
бабдан келганимизни түшунолмаяпман.

Техникаларни тоғ этагига жойлаштирудик. Ҳар бир взвод ва бұлинмаларда қодир тикланди. Қодир ичи ва машиналар панасида гулханлар ёнди. Кечки овқаттаға ҳо-  
зирлик күрдик.

Разведкачилар тизза бүйі қор оралаб тоққа чиқиб кетишиди. Пиёда аскарлар құтарилиши мүмкін бұлған жойларға оғир артиллерия билан үт очишиди. Бир оздан сұнг бизни үраб турған тоғларға самолётлар бомба таштай бошлади. Ҳар гал портлаш содир бұлғанда атроф яшин ургандай ёришиб кетарди. Чүккілардан құкка олов сарайди. Тоғлар аланға ичидә қолди.

Назаримда, бомбалар остида қолған баланд тоғлар күта-  
рилиб тушаётганга, ёниб кулға айланыётганга үшшайды.

Гумбурлашлар остида қулоқ қоматтаға келади. Қиёмат қойим.

– Тоғни ёриб Покистонға йұл очамиз, шекилли... Бунча дағдаға қилишмаса. Ҳар ҳолда шундай совуқда душман моягини музлатиб бизга үшшаб тоғма-тоғ тентираб юрмаса керак. Ахмоқларгина қаҳратонда тоққа чиқади, – деди гулханға этигини тоблаб турған пиёда аскар Юхумик.

– Пешонанғда борини құрасан. Қулоғинга пахта тиқиб ухла. Ҳозирча соғ-омонсан. Эртага Худо билади, –

гапни чүрт кесди гулхан атрофидаги Бочкарёв, – яххиси, ма, чарсдан бир тортиб күр, зүр экан...

– Бу кетишда банги бұлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Қани, ол-чи... О, зүр... Нима бало, қуруқ үзини чекяпсанми?

– Бу ҳам пешонада бори-да...

– Нега бунча, пешона-пешона, деб асабга тегаверасан, галварс. Бу билан пешонанғга мана шу тоғда музлаб үлиш ёзилган, демоқчимисан? – Юхумик үрнидан иргиб туриб чодирга қараб юрди.

– Бұлиши мүмкін. Нима фарқи бор, ўқ тегиб үлдинг нима-ю, музлаб үлдинг нима?..

– Үчир овозингни!

Миномёт снарядининг ваҳимали увиллаши эшиналди. Мен үзимни БМП-2 тағига урмоқчи бұлиб югурдым. Улгуролмадим. Атроф ёришиб, портлаш содир бұлды, ён-теваракка бошимдаги зирх қалпоққа темир бұлакча, тош-шағаллар келиб урилди. Жон талvasасида құлларимни, оёқларимни қимирлатиб күрдім. Худога шукр, тирик қолдим.

Кимдир даҳшатли тарзда чинқирапти. Фарёдига чи-даб бұлмайды. Шу пайт ёнимда нимадир қимирлаёт-гандай бұлды. Чап биқиним ёнида кимнингdir узилиб тушган құли сувсизликда жон таслим қилаётган балиқ сингари билтанглаб сакраб-сакраб тушяпти.

Құл бармоқлари аянчли тарзда қалтирайди. Құл әгнидан узилган қип-қизил қонга бүялған, гүшти чиқиб ётибди. Құл бир силтаниб юзимга урилди. Чинқириб юбордым. Үрнимдан туриб, телбанамо қичқириб, БМП-2ни айланиб югурға бошладим.

Тонггача миңжа қоқмадим. Ҳароратим күтарилди. Механик Ринат яп-янги қоп күрпасини берди. Ичига кириб олдим. Үзимники билан устимни ёпдим. Сапёр бушлатини ҳам берди. Қисм дүхтири келиб укол қилди. Құзим юмилиши билан узилған құл юзимга чанг солади.

Тонгда вертолёт келди. Мен ва яна икки аскарни қисмга қайтарадиган бұлишди. Юхумикнинг мурдасини оқ матога үраб, замбилга солишиди. Құлни ҳам үлкін ёнига қўйишиди.

Кечаси гулхан ўн чақирим нарида ҳам күрениб туралди. Душман тепаликдан гулханни мүлжалга олган. Снаряд түғри Юхумикнинг елкасига келиб тушган эди. Ким билсин, балки у Бачкарёв билан ўчакишиб ўрнидан турмаганида, тирик қолармиди?

Мени госпиталга олиб келишиди. Бошим ғувилляпти. Уйқум қочган. Шифтда Юхумикнинг бир қўли осилиб турибди. Кўзимни юмсан юзимга қон томчилагандай бўлаяпти. Ҳамширани чақирдим. У ҳозиргина тинчлантирувчи укол ва дори берганини айтди. Мен, яна укол беринг, дори беринг, деб илтимос қилдим.

26 декабр 1986 йил  
Госпитал. Кечки соат 24.00.

\* \* \*

Полкда бир кун турдим. Зерикарли. Аскарлар ошхонасида ишлаш, ён-атрофни тозалаш, нари борса қоровулда туриш жонга тегди.

Қисм табобат пунктидаги аскарларимизга дори-дармон олиб кираётган дўхтирларга кўшилдим. Кўнгилли бўлиб жанг майдонига ошиқаётганимдан уларнинг тажжуби ортди.

– Бу бемаъни урушда қаҳрамонлик кўрсатишга иштиёқ-мандликка бало борми? Ёш экан, ҳали хом. Бир куни тушуниб етади, – тўнғиллади жанг тўрvasини елкалаётган майор.

Мен нимани тушуниб олишга ақлим етмаганини англай олмай, кайфиятим тушди.

Ахир биз интернационал бурчимишни бажаряпмиз, афтон халқи, яъниким афтон инқилобчилари сафидамиз-ку...

Ўзимни қанча овутмай, майорнинг истеҳзоли гапи тагида ҳанузгача менга маълум бўлмаган сир бор...

Гўёки, майор совет солдатларини таҳқирлагандай бўлди.

Ўзимни ҳақоратлангандай ҳис қилдим. Майорга ўқрайиб қарадим, шекилли, у киноя аралаш жилмайди.

– Ҳа, нега қовоғингни осасан? Гапни сарасини айт-япман. Үша жойдан госпиталга қайтаришган экан, Худонинг раҳми келгани шу, деб, даволанавермайсанми? Нима қиласдинг қисмга қайтиб? Мана, энди, урушга бораман, деб турибсан... Разведкачилар взводининг деярли тенг ярми қирилиб кетибди...

Майор «ўзинг биласан» дегандай қилиб қўл силтади-да, табобат пункти ёнидаги БМП-2 томон юрди.

– Петя, нима кераги бор шу гапларни... Жин урсин, бола шўрликнинг юрагига ғулув солиб нима қиласан?..

– Гапни сирасини айтяпман, – деди майор таққа тўхтаб, – жанг тўрвасига керакли анжомларни жойлаётган катта лейтенантга.

Шу тобда катта лейтенант менга далда берәётган, меҳрибонлик қилаётган энг яқин дўстимдай туюлди. Оқкувадан келган, чехрасида самимият балқиган, кўк кўзлари беозор боқиб турган бу йигитни ўзимга яқин олдим. Унга бир қути «Ростов на Дону» сигаретини узатдим. Госпиталдан қайтаётганимда Кобул шахридан сотиб олгандим.

– О, зўр-ку. Катта раҳмат, аскар, – катта лейтенант сигарет қутисини ҳидлаб кўриб, чўнтағига солди.

БМП-2 ҳамда қисм табобат пунктига тегишли ёнбoshiшига тиббиёт тамғаси урилган усти ёпиқ «Урал» ўрнидан жилди.

Менга йўл-йўлакай «бемаъни уруш, bemânni қаҳрамонлик...» деган кинояли ибора тинчлик бермаяпти.

Бу урушнинг нимаси bemânniлик?

Менинг нимага ақлим етмаяпти?

Майор нега менга қараб ачиниш ҳисси билан бош чайқаб қўйди?

*30 декабр 1986 ишл*

\*\*\*

Али-Хили тоғларида қаҳратоннинг қаҳри қўзиган. Бизнинг взвод тоғнинг энг баланд чўққисига ўрнашибди. Мени озиқ-овқат юкланган вертолётда ўзимизни-

килар сафига олиб бориши. Взводда олти нафар аскар яраланиби. Кобулга жұнаташиби. Уч киши ҳалок бүлиби. Кечкүрунлар взвод үрнашган нұқтага душман «РС» ва миномётлар билан ҳамла қиляпти, дейишиди.

Совуқ Жангчиларнинг юzlари зархал тус. Құллари ёрилиб кетган. Покистон томондан ҳатто душман вертолётлари ҳам күзға чалиниб қолади. Агар тоғ ортидаги йүлни узіб ташлашса тамом бўламиз – куршовда қоламиз.

Тушга яқин тўртта «РС» снаряди тушди. Битта жангчи яраланди. Вертолёт чақиришнинг иложи бўлмади. Сапёрлар кўмагидә уни пастга – техникалар үрнашган жойга олиб тушишиди.

Биз тоғ этагидаги озиқ-овқат олиб ўтиладиган йўлни кўриқлаяпмиз. Тоғнинг энг баланд чўққисидамиз. Агар душман ўт очса, энг аввало бизни мўлжалга олади. Биз биринчи ҳимоя чизигидамиз. Биз жонли девормиз, аслида. Жанг тақдири бизга боғлиқ.

Қўрқинчли. Биз юксакдамиз. Рўпарамиздаги янада юксак чўққида душман бизни кузатиб туриби. Жангчиларнинг кайфияти мутлақо тушиб кетган.

Тоғдаги ертўламиз бошпана вазифасини ўтаяпти. Душман хужуми кутилган кунчиқар тарафга қаратса хандаклар қазилган. Жангчилар ўт очишга шай бўлиб жанговар ҳолатда туришиби.

Мен ертўладаман. Кузатув навбатим келгунга қадар мизғиб олмоқчи эдим. Қаёқда... Кўнгил хотиржам бўлмагач кўзға уйқу келарми? Шу маҳал ер-кўкни зириллатиб ҳавода снаряд учди. Атроф гумбурлаб кетди. Бизни нишонга олишяпти. Үзимни овутиш учун жанг турвамни титкилаб егулик ахтардим. Томоғимдан овқат ўтмади. Яна битта снаряд учди. Буниси узокроққа тушди. Тепангда снаряд учиб турганда қанчалик ваҳимага тушмагин, у сендан олисроққа тушганда таскин топасан, шукр қиласан, бу снаряд сенга аталмаган, гўёки аллақаёқдан тасодиф туфайли учиб келаётгандай туйилади. Шундай хаёллар билан аллақаёқдан тасодиф туфайли учиб келаётгандай

түйилади. Шундай хаёллар билан овunasан. Учинчи снаряд түппа-түғри тепамизга келиб тушди. Ертүла ер билан күшилиб силтаниб кетгандай бўлди.

Қалин арчалар ташланиб, шоҳ-шабба тўшалган томига одам бўйи баландликда тупроқ ташланган ертўла анчагина мустаҳкам эди. Шундай бўлса-да, ичкари чанг-түзонга тўлди. Тепамиздан тупроқ тўкилди.

Ичимда азобли оғриқ уйғонди. Алам қилади. Бошимга қачон ажал ёпирилади, деб ўлимимни кутиб ётиш азоб.

Душманга қарши биринчи артиллериямиз ҳам зарба беряпти. Кўкда дўлдай снарядлар учяпти. Тўпларнинг гумбур-гумбури бошланиб кетди.

Мен ертўладан хандақقا чиқдим. Кузатувда турган жангчига дурбин ва алоқани қолдириб, ертўла томон юрдим.

Чўққи ортида олов пайдо бўлди. Снаряд учди. Душман ўрнашган қоя ортини аниқ кўриб турибман. Артиллериямиз эса нишондан анча нарини ишғол қиляпти. Душман ҳужумга ўтаётган нуқтани алоқада полк командирига маълум қилдим.

Дурбин орқали ҳалиги чўққидан кўз узмайман. Яна олов пайдо бўлди. Яна снаряд учди, ертўла ёнида портлаш юз берди. Мен хандақ ичида ғужанак бўлиб, бошимни беркитиб олдим.

Тағин душман ўт очаётган жойга назар солдим. Дурбинда тоғ ён бағирларига қарадим. Қияликдан анча пастда арчалар қалин ўсган нишабликдан тушиб келаётган ўн чоғли душманни кўриб қолдим. Мен уларни аниқ-тиник кўриб турибман. Гоҳ арчалар панасига ўзларини уришади. Гоҳ эмаклаб биз томонга ҳаракат қилишади. Мен взводни душман яқинлашиб келаётганидан огоҳ этдим.

Жангга шай турибмиз. Душман тўдаси рўпарадаги тоғдан ошиб тушди. Синчковлик билан кузатилса биз жойлашган тоғ этагидан энди юқорига, биз томонга келишаётганини дурбинсиз ҳам кўриш мумкин. Улар эҳти-

ёткорлик билан ҳаракат қилишмоқда. Кузатиб турғани-  
миздан бехабар.

Баландликнинг ўнғай ерига «утёс», «АГС», пулемёт  
ва оғномётларни ўрнатдик. Мен снайпер билан душман-  
ларнинг бирини мұлжалға олдим. Снайпер ишончли ку-  
рол. Кузатув ойнаси орқали нишонга олсанг ўқинг беха-  
то кетади.

Юқоридан снарядлар изиллаб учяпти. Бизни чалғи-  
тишяпти. Талотұп ичида пастдан ўрмалаб чиқаётган-  
ларни күрмай қолишимиз учун душман олисдан, тоғ  
ортидан туриб бизга артиллерия ҳужуми уюштиряпти.  
Бироқ биз ўзимиз жойлашиб олган тоғ адогидан күтари-  
либ келаётган душманни аниқ күряпмиз.

Улар яқынлашяпти. Пастликда, икки юз қадамлар ча-  
маси оралиқда арчалар ва бутазорлар панасида юқорига  
чиқаётган душманни чүққидан туриб бемалол ер тишила-  
тиш мүмкін.

Мен снайпер күзгусида нишонга олинган душманни  
күздан қочирмайман. У жудаям чаққон ҳаракат қиляпти.  
Мушукдай эпчил.

Душман галаси тобора яқын келди. Бу орада уларнинг  
ортида ҳимояда туриб бизга снаряд ёғдираётганлар  
икки жангчининг бошига етди. Хандақларнинг бирига  
снаряд тушиб, молдован Сасин ва украин Демчук ҳалок  
бүлди. Доғистонлик Разахонов ярадор. Оғзига темир  
парчаси тегди. Думбалоқ ошиб худди кучук боласидай  
аянчли ахволда ванғиллаяпти. Взводдаги дүхтири унинг  
бир томони ўйилиб кетган юзига оғриқсизлантирувчи  
ампула урди. Разахонов телбаларча бош чайқаб ҳушидан  
кетди. Яна битта снаряд мен турған хандақ ёнида порт-  
лади. Юзимга оловли шамол урилди. Миямда зирқираб  
оғриқ күзғалди.

Эмаклаб, гоҳ қисқа сакраш қилиб юқорилаётган душ-  
ман гуруҳи бизга анча яқынлашиб қолди. Мен алоқа  
орқали тоғнинг орқа томонида, пастда сайхонликда  
жойлашган қисм штабига душман билан юзма-юз тур-

ғанлигимизни маҳсус атамалар орқали, сирли тарзда тушунтирудим. Штаб бошлиги вазиятдан келиб чиқиб, ўз ҳолимча ҳаракат қилишим лозимлигини уқтириди.

Тоғда саккиз аскар қолдик. Лейтенант, взвод командири яраланди. Ташаббусни ўз қўлимизга олишимиз зарур. Душман билан орамиз юз қадамдан нари-бери.

Мен снайпер ойнасидан душманинг юз тузилишини ҳам аниқ қўриб турибман. Кетмон соқолли, афт-ангорини жун қоплаган, салласимон бош кийими остидан тушган соchlари елкасида, дўнг пешона бу одам менинг таъқибимдан қочиб қутулиши даргумон. У ҳозир ҳаёти менинг қўлимдалигини, мен уни отиб ўлдиришимни билмайди, лекин ички бир хавотир билан биз томонга, баланд чўққиларга қараб қўйди. Мен ҳатто унинг кўзларини ҳам ойнак орқали кўрдим. Этим жимирлади. Душманинг кўзига қарап жуда оғир бўларкан. Танамга ваҳима ўрлади.

Иложим йўқ. Отишим керак. Ана, у юқориляяпти. Қор қопланган харсанг панасиға ўтиб беркиниб олди. Ёнидаги шериклари ҳам жанг пайтидаги «қисқа сакраш» усулини қўллаб, кўтарилиб келишмоқда. У тош ортидан ўтиб бир сакраб арча танаси ортига яширинди. Энди чиқиши билан отаман. Ана чиқди, чаққонлик билан қорда эмакляяпти. Қоқ манглайнини нишонга олдим. Бармоғимни отув илмоғига олиб бордим. Қўлим қалтираб снайпер мўлжалдан адашяпти. Бир лаҳза нафас олмай турдим. Мен снайперни унинг юзига тўғриладим. У чўққига қаради. Шу тобда унинг кўзларини аниқ кўрдим. Юрагим қинидан чиқиб кетгудай алфозда гупиллаб уряпти. Ёнимдаги хандақда автомат тариллади. Менинг жонли нишоним ночор аҳволда атрофга бир аланглаб олазарак бўлиб, ўмганини кўтариб ортга қайрилмоқка шайланди. Шу заҳоти мен унинг бошини мўлжаллаб, тепкини босдим. Қўлимдаги снайпер силтаниб кетди. Мен снайпер ойнагидан душман бир чайқалиб қимирламай қолгани-

ни күрдим. Ҳа, бошининг сўл чаккасидан сачраган қон томчилари, оппоқ қор устига қип-қизил атиргулнинг ситилиб тўкилганига ўхшарди. Мен кўзимни чирт юмиб ўзимни хандақ ичига ташладим.

Душман йўлини тўсиб қолдик. Лекин кечки пайт яна шундай бўлса, биз ўзимизни ҳимоя қилолмаймиз. Шунинг учун кечкурун баландликни тарк этдик.

Пастга, техникалар жойлашган қисм штаби ёнидаги ялангликка тушиб келдик.

Кеч кирди. Ваҳима ва қўркув билан мижжа қоқмаймиз, тиқ этган товушни эшитамиз.

Гулхан ёқмадик. Қоп-қоронғи тун ичидаги аёз шаклида ги ажал шарпаси кезиб юрганга ўхшайди.

Ҳеч кимнинг кўнглига қил сиғмайди. Мен БМП-2 ичига кириб, маҳсус чироқни ёқиб, бугун бошимдан ўтказганиларимни қофозга туширяпман. Соат кечки ўнга яқинлашяпти.

Шу тундан омон-эсон ўтиб олсайдик.

Икки соатдан кейин эса янги йил киради. Янги йил!

Биз янги йилни байрам қилолмаймиз. Биз янги йилни ажал қўйнида, ўлим билан юзма-юз келиб кутиб оляпмиз. Биз, умуман, Янги йилни кутиб олганимиз йўқ.

Бугун кўп дўстларим Янги йил остонасида ҳалок бўлишди. Мени, ҳаммамизни ўлим ваҳимаси адойи тамом қиляпти.

*31 декабр 1986 йил  
Кечки соат 22.00.*

\*\*\*

Тонг отди. Ортга қайтилмиз. Ҳамишагидай нега келиб, нега кетаётганимизни тушунолмаяпмиз.

Янги йилнинг биринчи тонгидаги даҳшатли манзарага рўбарў келдик.

Кеча иккинчи взводдаги Андрей ҳамда Иван деган ротадошларимиз арча шохини олиб келгани чиқишибди. Ертўлада Янги йил кутишмоқчи бўлишган.

Хуллас, улар тонггача қайтмади. Иккала жангчининг йўқолиб қолгани маълум бўлди.

Тўполон бошланиб кетди. Ён-атрофни кўздан кечирдик. Разведкачилар уларнинг ўлигини топиб келишиди. Иккала жангчининг ҳам танаси бошсиз. Душман уларнинг бошини кесиб, арчага оёғидан осиб кетган экан. Тонггача дараҳтда осилиб ётган тана совуқда тараша бўлиб музлаб қолган эди.

Дўстларимизнинг бошсиз танасини қалин матога ўраб, БМП-2 га ортдик.

Менинг юрагим музлаб боряпти. Назаримда, бошқа бир одамга айланяпман.

**1 январ 1987 йил**

\* \* \*

Икки ойдан кўпроқ полкда бўлдик. Зерикарли. Куннинг ўтиши қийин кечяпти, асаб толиқади. Ҳеч нарса ёқмаяпти. Очиги, жангни қўмсаяпмиз. Тўғри, тўрт марта рейдга чиқдик. Деярли отишма юз бермади. Қишлоқларда қари-қартанг, ёш бола ва хотин-халаж қолганди. Эркаклар тоғларга қочиб кетишганди.

Пагманда жанг бўлиб ўтди. Узоқ давом этмади. Қишлоқнинг кулини кўкка совурдик. Битта БТРни гранатамётда уришгани туфайли аҳолини ёппасига қириб ташладик. Дуч келганни отиб кетавердик. Токзорларни танк ва оғир техникалар занжири остида эзғилаб ўтдик.

Қишлоқ харобага айланди. Аҳолининг мол-ҳолини ҳам жазавага тушиб ўлдиравердик. Уруш бизни қутуртириб юборди.

**20 феврал 1987 йил**

\* \* \*

Кеча менинг туғилган куним эди. Мени эрталабки югуришга уйғотишмади. Саф майдонига ҳам чиқмадим.

Казармада кун бүйи ётдим. Қуролдошлар техника паркига машиналарни таъмирлаш учун кетиши. Пиёда аскарларнинг бир қисми ташқарида қуролларини тозалаб, мойлашяпти.

Механик Ринат, яқин дўстим қисм дўконидан бир қути, яъни ўн дона «Сиси» ичимлиги, иккита «Столичный» деган ўрис ароғи ҳамда битта Югославия мураббосини олиб келиб каравотим бошидаги тумбага солиб қўйди. Қозоқ йигити Нурмахон бир блок «Стардюсса» сигарети совға қилди. Мўмин деган тошкентлик ўртоғим етти мусиқали япон соатини қўлимга тақиб қўйди. АГСилар бўлинма командири Шевцов кроссовка ҳадя этди: «Буни кийсанг ўқдан ҳам тез учасан. Ўқ сенга етолмайди...», деди у. Хуллас, каравотим таги совға-саломга тўлиб кетди. Иккинчи взводдагилар пул йиғишибди. Беш юз чек. Бу катта пул. Доғистонлик Сulton (у Расул Ҳамзатов деган машҳур шоирнинг овулдоши) яп-янги ҳарбий кийим-бош олиб келиб кийгизди. «Сарпо ўрнида қабул қил, дўст! Худо хоҳласа, Доғистонга борсанг, кавказча чакмон ва қалпоқ кийгизиб, белингга ханжарли камар тақаман», деди, елкамга қўл ташлаб.

Тўртинчи взводдагилар қисмдаги баобў командирлардан бирининг жазмани, офицерлар ошхонасида ишлайдиган полкимиз маликаси Лилияга торт буюртма беришибди.

Полк штаби томидаги карнай ванғиллаб аскарларни тушликка чорлади.

Казарма сув сепгандай. Сокинлик. Мен тумбадаги ароқни очиб, стаканга тўлдириб куйдим. Бир кўтаришда ичиб юбордим. Кайфиятим яхши эди. «Галита» печени ва «Сиси» ичимлигини газак қилдим. Аъзойи-баданим ҳузурланди. Бошим енгил тортди. Анчагача чалқанча ётдим. Стаканни яна лиммо-лим қилиб зарб билан кўтардим. Тумбада жанг пайти бериладиган, маҳсус темир идишчаларда сақланадиган гўшт, картошка, гречка ва куюқ сутдан тортиб, узум шарбатигача бор. Ҳеч нарса тановул қилмадим. Сигарет чекдим.

Ароқ таъсирини үтказа бошлади.

Казарма эшигіда турған қоровулни чақирдим. Тұмбадан пул олиб узатдим. Қисм дўконидан кечкуунги зиёфат учун нима керак бўлса ҳаммасини харид қилишни илтимос қилдим. Ароқдан кўпроқ ол, деб тайинладим.

Кечкуун Ленин хонасида зиёфат бўлди. Батальон командиридан тортиб, ротадаги ҳамма офицерлар қатнашди. Улар хона ўртасига ўрнатилган узун столнинг тўридан жой олишди. Дастурхон кўнгилдагидай тузатилди.

Зиёфатга Лилия торт олиб келганда ҳамма ўрнидан туриб қарсак чалишди. У батальон командирининг ёнида ўтиритирди. Бир оздан сўнг бошқа офицерларнинг ҳам яқинлари – бир-биридан гўзал хонимлар келишди. Ўтириш кўнгилхушлик билан бошланди. Стол устидаги бир литерлик «Столичный» ароғи, турли-туман хорижий конъяклар дам-бадам қадаҳларга қуиляпти. Магнитофонда «Каскад» гуруҳи Афғонистон мавзусидаги оғир ва ғамгин қўшиқни куйлаяпти. Йиғилганлар менинг шаънимга илиқ гаплар айтишди. Уйга омон-эсон қайтишимни ният қилишди.

Даврада хушчақчақ кайфият хукмрон. Спиртли ичимликлар офицер ва аскарларнинг, давранинг гули бўлган хонимларнинг қулфи-дилини очиб юборди.

Биз ҳаммамиз бир-биrimizga қадрдон, дўсти биродарлик риштаси билан боғланган эдик. Бошқа ротадаги ларни билмадим-у, лекин бизнинг ротада аскарларнинг туғилган куни, байрамлар ана шундай хушҳол алпозда, тантана билан нишонланади.

Ленин хонасида сиёсий сабоқ пайтида миямизнинг қатиғини чиқариб юборадиган замполит (рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари) Шерстокнинг ҳам кайфи тарақ эди. У қисм табобат пунктидаги ҳамшира Аняни қучоқлаб олган. Қулоғига нималардир деб шивирлайди. Қах-қаҳ уриб кулади. Доғистонлик анчагина киришимли йигит Султон ароқ қуиши баҳонасида аёлларнинг ёнидан бери келмайди. Замполит давра бошлиқни давом этказиб, Аняга сўз берди. Аня қўлида

қадақ билан менинг ёнимга келди. Үрнимдан турдим. У менга, барча даврадагиларга омонлик тилади. Урушдан уйға омон қайтиш насиб қилишини ният қилиб, узоқ гапирди. У сұзлаётіб күз ёш түкди. Аня үн саккиз - йигирма ёшли болакайларнинг юртидан олис сарсону саргардон бўлиб, ўлим билан олишаётганига аёллик туйғуси билан ачинар, тақдир бизни қоронғи кўчалардан бошлаганини тилда айтмаса-да, дили, нигоҳи орқали сўзлаётганини пайқашимиз қийин эмасди.

Батальон командири майор Монохин бизни ҳақиқий эркаклар эканлигимизни, ҳар қандай вазиятда ҳам эркак бўлиб қолишимизни муқаррарлигини айтиб, Анянинг сўзларига кўтаринкилик баҳш этмоқчи бўлди.

Бироқ даврадаги аёллар биз аскарларга ачиниб қарашади. Тақдиримиз эрта-индин нима бўлишини, урушнинг яна қандай даҳшатлари бизни қарши олишини аввалдан сезган каби алланечук раҳмдиллик ва меҳрибонлик билан кўнглигимизни хушнуд қилмоқчи бўлишади.

Ўйин-кулги ярим тунгача давом этди. Менга ароқдан сўнг кимdir чекиш учун «чарс» берганга ўхшайди. Кейин нима бўлганини эслай олмаяпман. Үрнимдан туриб чайқалиб кетганим ёдимда, кейин... кейин, Султон Лилияни қучоқлаб олди. Кейин клубда ишлайдиган Нина қўшиқ айтди. Мўмин унинг бўйнига тилла занжир тақди. Фира-шира эслайман: Ринат манглайини столга тираб ухлаб қолди. Лилияни қўлтиқлаб олган батальон командири...

Демак, эслаяпман. Нима бўлса-да, охирида бўлган. Қайсиdir нодон кайф устида наша тутатган. Камина ҳам четда турмаган.

Хозир тушликка чорлашади. Кўнглим айнияпти. Юрагим ҳолсизланяпти. Кўп ичибман. Бошим хум. Тушликка боролмасам керак. Ичим ёниб кетяпти. Бир дона «Сиси» ичимлиги бўлсайди. Афғонга яқинда келган ёш аскарлардан биридан илтимос қиласман. Битта ароқ ҳам қўшиб олса яхши бўларди.

\* \* \*

Хозир қисмдаги аёллар модули (ётоқхонаси)дан келдик. Казармадагилар донг қотиб ухлаяпти.

Қисм навбатчиси аёллар модули ёнида бизни ушлаб олди. Модул деразасидан чиқмаслигимиз керак эди. Бошқа йүл ҳам йүқ эди-да. Эшикда құриқчи турибди. Қызық, туппа-тузук солдат үзига ор билмай кечаси билан аёлларнинг ҳалигисини құриқласа. Хизматдан қайтгач, мен Афғонистонда ундай құлдим, бундай құлдим, деб кариллаб мақтанса керак. Аслида эса хизматни манавинаقا ахволда, аёллар модули эшигіда кучуклик қилиб үтказяпти.

Шунга үхашаш икки-уч исноди аскар модулнинг доимий құриқчиси. Ахир урушга чиқаман, деса, бу ерда офицерлар аскарнинг раъйини қайтаришмайды. Ҳеч қандай солдатга мана шундай уят юмушни мажбуrlаб топширишмайды.

Қисқаси, мен күш карнайли «Панасоник» магнитофонини харид құлдим. Ринат эса Финляндияда тикилган жуда зүр спортчилар уст-бошини сотиб олди. Бизга уларни кеча Кобул шаҳрига чиққан разведкачилар взводидаги прaporщик олиб келди. Байрам муносабати билан Лилия ҳамда қисм штабида ишлайдиган Иринани табрикламоқчи бўлдик.

Вақт алламаҳал бўлганлиги учун құриқчи эшикдан киритмади. Кўзини шамғалат қилиб деразадан ошдик. Лилия эшикни очди, кўрсаткич бармоғини лабига тек-кизиб «жим» ишорасини қилди. Ичкаридан ғала-ғовур эшитилди. Батальон командири ва яна икки офицер ичкарида аёллар билан базми-жамшид қилаётган экан. Лилия шивирлаб узр сўради, уйига қўймаслигини айтди. Лекин йўқлаганимиздан анча хурсанд эди, жилмайди. Тим қора кўзлари чақнаб кетгандай бўлди. Бизнинг ҳам кайфијатимиз тиниқ тортди. Совғани унга топшириб деразадан пастга тушишимиз ҳамоно қаршимизда қисмнинг навбатчи офицери ва автоматини бизга тўғрилаган иккита тунги қоровулга дуч келдик. Улар бизни гаупваҳтага олиб кетмоқчи бўлишди. Минг ёлворсак ҳам, ҳатто дўқ-пўписа қил-

сак ҳам фойдаси йўқ. Қочишга уринсак, отиб ўлдиришдан ҳам тап тортишмайди. Афғонистонда одамни отиб ташлаш унчалик ҳам муаммо эмас... Кечки пайт, қоронғида душман деб ўйлабмиз, дейишади, вассалом.

Қарасак, ҳеч иложи йўқ. Бизни қўйиб юборишмайди. Мажбур бўлдик. Мен қисм навбатчисининг чўнтағига юз чек солдим, қоровул аскарларни эса Ринат рози қилди. Ҳар бирига эллик чекдан узатиби.

Ринат ўзини каравотга ташлаётиб норизо оҳангда тўнғиллади. Ифлослар, юз чекнинг бошига етишди. Беш юз чек берсанг, бутун аёллар модулига қўшиб ўзларини ҳам сотиб юборишади...

Мен ўзимни тўхтатолмай қулиб юбордим. Қўшни каравотда ётган Мўмин уйқуси безовта бўлгани учун ғурданди:

- Ётсанг ўласанларми? Кечаси ҳам итдай санғийсанлар... Охири бир балони орттириб тинчийсанлар...

Ринат чидаб туролмади. Мўминга заҳрини сочди:

- Овозингни ўчир, қари чол! Энди сен етмай турувдинг.

Мўмин бошига тўшакни тортиб, ўгирилиб олди:

- Менга деса ўлиб кетмайсанларми... Менга нима? Фақат унларинг ўчса бўлди. Уйкуни белига тепдинглар...

Ринат яна нималарнидир деб сўкинди. Мўмин эшит-масликка олиб хуррак ота бошлади.

Қизиқ, урушда ҳам кимгадир нимадир, масалан, пора берсанг – ишинг юришади.

Полкда айрим аскарларнинг орден ва медалларни таниш-билиш, пул орқали олишади, деган гаплар юради. Балки, ростдир.

Уйқум келмаяпти.

8 марта 1987 йил  
Тунги соат 1.30.

\* \* \*

Кун кўнгилхиралик билан ўтди. Ёмон бўлди. Взводимиздаги Валерий Прокуряков ўзини ўзи портлатиб юборди. Воқеа бутун бошли ротанинг кўз ўнгига юз берди.

Дала машқида эдик. Тепаликка чиқдик. Оғир машғу-  
лотдан кейин ҳеч нарса ёқмайды. Овқатдан сұнг бироз  
мизғиб олсанг.

Машғулотнинг асосий қисми тугаган. Пиёдалар ба-  
ландликка югуриб чиқиши керак. Броня (БМП-2лар) эса  
пастилкда нишонларни йүқ қилиб пиёда аскарларга йүл  
очиб бериши керак. Булар тушликтан кейин бажарили-  
ши лозим бўлган топшириқлар.

Ҳамма овқатга боши билан «шўнғиган». Валерий бир  
чеккада осмонга қараб ётибди. Ранги синиқ. Авзойи ях-  
шимас. Мен ундан тобинг йўқми, деб сўрадим. Қўл сил-  
таб қўйди. Сўнгра ён чўнтағидан битта сурат олиб менга  
узатди. Жудаям хушрўй, қадди-қомати келишган санам  
кўзлари чарақлаб турибди. Чехрасига ним табассум ин-  
ган, калта сочини тарам қилиб икки ёнидан ўриб олган  
ёш ва гўзал жувонни мактабни битираётган шаддод қиз-  
га қиёс қилиш ҳам мумкин эди. Унинг ёнгинасида қўғир-  
чоқдай, дўмбоққина қизалоқ. Она-бала рангли сувратда  
худди бир бутоқдан ўстган қизил атиргул ва унинг ғунча-  
си янглиғ бир-бирига ярашиқли бўлиб турибди. Менинг  
Валерийга ҳавасим келди. Ҳаётни кўришга ҳам улгуриб-  
ди. Биз жувонмаргларга қараганда тинч ҳаётнинг кўрки  
– оила завқини татиб қўрган. Унга оталик насиб қилган.  
Худо кўрсатмасин, афғонда унга бир гап бўлса, изидан  
ёниқ қоладиган чироғи бор, қизалоғи бор... Биз-чи, биз,  
эҳ, жонга тегиб кетди.

Валерий ҳали ҳам осмонга термилиб ётибди. Кўзлари-  
нинг туб-тубигача ўй. Қайғу, андуҳга чўмган. Мен Вале-  
рийга бир гап бўлганлигини англадим.

– Бирор нарса есанг-чи, нега аза тутиб олдинг?

Жанг пайти бериладиган қуруқ таом (сухой паёк) қу-  
тисидан темир идишдаги биқтирилган гўшт ва қуюқ сут  
олиб узатдим. У қўлимни нари сурди.

– Дўст, сендан бир илтимосим бор. Бугун кечқурун  
қўлингдаги сувратни ва манави хатни менинг уйимга  
жўнатвор...

Унинг юзига разм солдим. Ранги оқариб кетган. Бирок, зўрма-зўраки илжайиб турибди. Юзидан ҳеч бир маъно уқмадим. Телбанамо қарашидан кўнглим бир нарсани сезгандай бўлди, ҳар ҳолда унинг бу ҳолати яхшилик аломати эмас. Нима қиласимни билмай, биздан нарироқда овқатланаётган взводдошларимга қарадим. Ҳаммасининг парвойи фалак. Шу пайт Валерий ўкириб йиғлаб юборди. Борлик ларзага келди. Чўчиб кетдим. Жойимда тошдай қотиб қолдим. У ерга юзтубан ётиб олиб тўлғаняпти, ерни муштлаяпти. Оғзига келган гапни қайтармай сўкиняпти. Бақирганига чидай олмайсан. Юрагимга зириллаган оғриқ чўқди. Гангиган кўйи ўзимни Валерийнинг устига ташладим. У мени бир силтаб анча нарига улоқтириб юборди. Бошқалар ҳам ҳангуманг бўлиб қолишиди. Ҳеч ким Валерийга яқинлашолмаяпти. У ўрнидан дик этиб турди. Қўлида Ф-1 гранатаси. Ҳалқасини тортиб олди. Титраб-қақшаб йиғлаяпти. Зор қақшаяпти. Бундай оғриқли ҳолатни умрим бино бўлиб кўрмагандим.

– Минг лаънат! Минг лаънат! Ҳамма-ҳаммасига минг лаънат! Шуям ҳаётми?! Шуям ҳаётми?! Менинг ҳаётим йўқ. Ҳаётим тугади. Ҳеч кимим қолмади!.. Уруш менинг бошимни еди...

Валерий ғазабдан дағ-дағ титраяпти.

Взвод командири ўзингни қўлга ол деб, унга яқинлашган эди ҳамки, баттар жазавага минди. Граната тутган қўлини ҳаволатди.

– Яқинлашма! Биттанг ҳам яқинлашма! Яшашни истасанг, яқинлашма менга! Мана, ҳозир менинг ҳаётим тугайди. Сенлар эса яшайсанлар!.. Яшайверинглар!!! Оҳ, мен чидай олмайман! Жонимга тегди! Уруш, хиёнат! Ҳа, яқинларинг хиёнат қилса ёмон... Ифлослик... Мен қандай эркак бўлдим, мен қандай одамман ўзи?!

Валерий шундай деб граната ушлаган қўлини қорнига олиб келди. Биз, ҳаммамиз – бутун взвод эсанкираб турибмиз.

– Алвидо, Римма! Алвидо, қизалоғим Зора! А-а-а-а!!!

Лаҳза ичида портлаш содир бўлди. Йўқ, аввал Валерий чақмоқ чаққандай ёлқинга айланди, кейин портлади. Унинг танаси тилка-пора бўлиб кетган. Боши билан ярим бели анча нарида ётибди. Куйиндига айланган ерда қон сачраган. Атрофда гўшт, қип-қизил гўшт парчалари. Димоқни порохнинг ачқимтил ҳиди ўртайди. Тананинг ярмида қолиб кетган аскарча кўйлак тутаяпти. Кўнгилни беҳузур қиласиган аянчли аҳвол деярли барчамизнинг ақлимизни шошириб қўйди. Мен лоҳас бўлиб жойимдан қимиirlамай, карахт ҳолга тушиб қолдим. Кўлимда ҳозиргина ярим дақиқа олдин оёғида тик турган инсон Валерий узатган сурат. Бунинг ҳаммаси жудаем қисқа вақт ичида содир бўлди.

Украиналик Юра Станогин ўкириб йиғлаб юборди. У қўлидаги автоматини ҳавода силкиб ақлдан озган каби айланиб ютурди, бақириб йиғляяпти. Сўкинади. Важоҳати аянчли.

– Ўлдираман! Ўлдирама-а-ан-н! Уни... қанжиқни ўлдираман! Омон қайтсам, ўлдираман!!! Оҳ, жодугар, лаънати! Ж...б! Эҳ...

Юра йиғлаган кўйи айланиб чопар, нима қилаётганини англай олмасди. Взвод командири уни ушлаб бўйнидан бўғиб олди.

– Ўзингни бос! Нима қиляпсан, аҳмоқмисан... Ўзингни қўлга ол...

У Юрани силтаб юборди. Юра чўккалаб ўтириб олди. Ҳиқиллаб йиғляяпти. Манглайнини сўл қўли билан ушлаб олган ўнг қўли эса ерни муштлайди.

– Лаънати хотин. Ифлос! Валерийга хиёнат қилди. Онангни фалон қилай, ж...б! Бошқасига илакишибди. Валерийга очиқ-ойдин ёзибди. Сенда кўнглим йўқ эди, деб ёзибди. Бошқа шаҳарга кўчиб кетяпман, излама, деб ёзибди. Кеча менга Валерийнинг ўзи айтиб берди...

Юра изиллаб йиғляяпти. У жаҳл билан ўрнидан туриб менга ўшқирди:

– Суратни бер!..

Мен суратни Юрага бердим. У суратни ерга ташлаб автоматининг милини теккизди. Суратни отмоқчи... Юра ўзини йўқотиб кўйган эди.

Сапёрлар Валерийнинг тилкаланиб тўзғиган танасини териб замбилга жойлашяпти. Қарашга юрагим бетламади. Юра суратни отолмади. Назаримда суратда онаси ёнида жилмайиб турган қизалоқ унинг шаштини қайтарди.

Юра қанчалар баджаҳл бўлмасин, шунчалар кўнгилчан. Ҳар қандай пайтда бошқаларга яхшилик қила оладиган, бу билан кўнгли чоғ бўладиган йигит. Сен ўзбек, сен украин, сен ўрис деб айримчалик қилиб ўтирумайди. Одамга эл бўлиб кетаверади. Юра ҳозир Валерийнинг, ўз жонига қасд қилган Валерийнинг завол топган умри учун ҳаммамиздан кўра кўпроқ қайғуриб, ич-ичидан куйиб-ёниб кетаётган эди.

Дала машқини тўхтатдик. Урушнинг яна бир курбони билан казармага қайтдик.

**26 марта 1987 года**

\*\*\*

Кечқурун Ленин хонасига кириб уйга хат ёзишга чоғланган эдим, ҳовлиқиб Ринат кириб келди.

– Йўлдалиев ўлиб қолди, энди нима қиласми?

– Қайси Йўлдалиев, нима деяпсан ўзи?

– Анави борку, тунов куни Жалолободдаги постдан бизга сургун қилинган. Учинчи батальондаги Йўлдалиев.

– Нега ўлади? Урдиларингми?

– Шундай шекилли...

– Нима кераги бор эди. Шунчалар ёвузлик қилиш шартми? Худо урганни бандаси ҳам урадими?

Мен ўрнимдан туриб Ринатга эргашдим. Ташқариға чиқдик. Казарма бурчагида қора шарпалар куймалашяпти. Бордим. Йўлдалиевнинг мурдаси тепасида разведкачилар взводидаги сержант ҳамда бизнинг ротадан учта аскар туришибди.

– Биз унга нега постда қоровулликда ухладинг? Нега сени алмаштиришга келаётган аскарни отиб ташладинг... Сен ЧМОсан (ҳақоратли сүз) дедик. Иванов бир туртган эди, казарма бурчагига бориб йиқилди. Бир чеким наша берсаларинг, ҳаммасини айтаман, деди.

Разведкачи сержантнинг изоҳи ғазабимни тоширди. Тилимни тийдим.

– Кейин бурчакка тиқилиб икки-уч бор наша тортди. Юрагини ушлаб ётиб қолди. Юраги чатоқ экан, – деди Иванов.

Хуллас, Йұлдалиев учинчи батальонда қоровуллик пайти үзимизникини отиб құйгани ва у ёқдан бизга юборишганидан бери, ротадагиларнинг уч кундирки таъна-дашномини эшитавериб, силласи қуриган эди.

Наша зўриқсан юракка оғирлик қылган чоғи. Эрталаб унинг ӯлигини қисм табобат пунктидагилар Совет Иттифоқига жўнатишиди.

Юрак хасталиги туфайли ҳалок бўлди, деб ташхис қўйишиди. Аслида ротадаги аскарлари уни уриб үлдиришганди.

Кечалари уни ҳақоратлаб, эшак қилиб минишибди. Афғонистонда аскарлар бир-бирига қанчалар меҳрибон бўлмасин, жангчилик шаънини ерга урадиган ножўя хатти-ҳаракатни эса асло кечиришмайди. Айниқса, бошқа жойни билмадиму, бизнинг жанговар батальоннинг ӯзига хос темир қонуниятлари бор. Бу қонуниятни ҳеч ким бузолмайди.

*2 апрел 1987 йил*

\*\*\*

Қишлоқни кесиб үтдик. Йўлнинг икки четидаги үт-ўланлар белга уради. Уфқقا чирмашиб кетган чаманзор осмон гумбази остидаги баҳмал кенгликларга шафақ шуъласи янаем жозиба баҳш этган. Лолақизғалдоқлар оҳиста чайқалади. Ернинг алвон гилами шамолда ҳил-

пираб тургандай туюлади. Күкнинг ҳар жой-ҳар жойида қуёш тиғлари санчилиб, қирмиз тусда товланган булутлар осмонда очилган улкан, катта-катта қип-қизил атиргулларга ўхшайди. Оқшом чўкиш олдидан еру кўк оралиғи олов тус ёғдуга чўмган. Жуда гўзал. Афсонавий манзарага боқиб, табиатнинг буюк ва бетакрор рассом эканлигига яна бир бор имон келтирдим. Худди мана шу гўзалликнинг айни кўринишини, табиат деган истеъоддли рассом илҳом лаҳзаларида қалби нурга тўлиб чизганга ўхшайди.

Бундай тирик, жозибали манзарадан кўнгилга яшаш завқли, деган титроқли ўй чўкади. Ҳа, яшаш завқли. Одамзод мана шундай тип-тиниқ ҳаётнинг қадрига етмайди. Бир-бири билан урушади, бир-бирини отади, қонини тўкади, ўлдиради.

Табиат бизга шавқقا тўлиб яша, чиройимдан баҳраманд бўл, деб бағрини очиб турган бир паллада уруш оловини ёқамиз, мана шу гулу гўзалликни пайҳон қилалими, ёнамиз, кулинни кўкка совурамиз. Шундай мафтункорликни кунпаякун қилиб эзғилаймиз.

Оғир карвон техникалар гуриллаб, танк ва БМП-2, БТРлар заминни зириллатиб ўтияпти.

Шафаққа чўмилган баҳмал кенгликларда нафис титраган қизғалдоқлар орасидан сенинг қоқ манглайнингни мўлжалга олиб турган автомат мили ажал ўтини очиши ҳам мумкин. Тепангда, қирмизи осмонда қип-қизил атиргуллардай очилиб, порлаб турган шафақда силқиган уюм-уюм булутлардан туйкус ажал ёмғирлари ёғиб қолиши ҳеч гап эмас. Урушда ҳамма нарсани кутса бўлади. Бир-биримизни таъқиб қилаётган, қираётган биз одамлар бундай пайтда айбни урушнинг елкасига юклаб, менинг гуноҳим нима эди, деб қайфуга ботамиз, афсус ва надоматлар чекиб қисматни қарғаймиз. Урушни лаънатлаймиз.

Ер юзини табиат гўзалликка буркаб, апрел оқшомини шафақ рангга чайиб олган пайтда биз ажал уруғини со-

чиб, кимларнингдир ёстиини қуритиш учун (жумладан, үзимизнинг ҳам) қаерларгадир кетиб боряпмиз...

Бизга нима керак? Тушунолмаяпман.

Манави қызғалдоқзорда юрган қорт-құмурсқалар, коса гулчалар теграсида айланаетган капалаклар, боларилар ҳам биздан күра баҳтлироқ бұлса керак. Улар құрқувни билмайди. Улар үлимдан беркиниб, минг бир ҳадик билан азоб тортишмайди. Уларга ҳавасим келади.

Мен одамман, лекин күкдаги парқу булатта, заминдаги гулга, қызғалдоққа, тизза бүйи үсиб чайқалган ўт-ўланга айланиб қолгим келяпти.

**19 апрел 1987 йил  
Кечки соат 17.00. Баграм шұлу**

\*\*\*

Ярим тунда Баграм вилоятининг марказига яқин қишлоққа кириб келдик. Ёмғир майдалаб ёғяпти. Уст-бoshимиз шалаббо бұлғын кетди. Боши-охирі йүқ колоннада тизилған техникаларнинг чироғи үчган. Зулмат қўйнида ҳар бир взвод үзига тегишли техникалар билан алоҳида-алоҳида ҳимояда турибди.

Мен БМП-2 башняси устида үрнатилған олисни ёритувчи чироқни ёқиб атрофни кузата бошлаган ҳам эдими, алоқада батальон командирининг сұкиниб бақирганини эшитдим. Ичимда «Мен ҳам сенинг онангни...» дедим-да, чироқни ўчирдим. Шу қисқа фурсат ичиде ёнимиздаги қалъа, тұғримиздаги пастқам қулбани, биз жойлашған ер атрофи баланд деворлар билан үралған құрғон эканини билиб олдим.

Ёмғир тинай демайди. Күпчиган лой ерда юриш маҳол. Взвод командири янги келган отувчи операторни БМП-2да қолишини айтди. Менга эса пиёда аскарлар билан ёнимиздаги қалъага киришимни таъкидлади. Бу гап менга малол келди. Құрқоқлик қиляпти, деган хаёл-

га бормасин, ноилож машинадан тушдим. Кийим-бошим ёмғирда ивиган. Этим жунжикяпти.

Тимирскиланиб қалъа ичкарисига кирдик. Юқорига күтарилиган лой зина орқали қалъанинг иккинчи қаватига чиқдик. Тұғридаги кулбага рўпарама-рўпара ўрнашдик. Қалъа томи девор билан үралган эди.

Ёмғир тинай демайды. Тагимизга жанг тұrvани қўйиб, деворга суюниб ўтиридик. Ёнимда калугалик Анишин деган ўрис бола. Зайцев билан Аҳмадулин деган татар йигит пастда қолишиди.

Икковимиз ҳам миқ этмай ўтирибмиз. Мен автоматимни кулба томонга тұғрилаб қўндоғидан маҳкам қисиб олганман. Қанчалар тикилмайин, ҳеч нарсани кўрмайман. Ёмғирнинг шитир-шитири юрагимга баттар ваҳима солади. Асабларим кақшаб, кўзим зўриқиб оғрияпти. Шундай бўлса-да, башня чироғи нурида кўрганим – кулба томондан кўз узмаяпман.

Толиқдим. Елкамни яна деворга тирадим. Назаримда, тун қўйнида кимдир биз томонга юриб келаётгандай туйилаверди. Ёмғирда эгнимдаги зирҳ кийимим оғирлашиб қолди.

Ёнимдаги Анишин ҳам тош қотиб ўтирибди. Ичидан нима ўтаётганини ўзи билади. Ўзимни илк бор бенажот ҳис қилдим. Фақат қўлимдаги қурол менга далда бериб турибди. Зирҳ кийим чұнтагидаги гранаталарни ушлаб қўйдим. Агар бирор кор-хол юз берса, кўкка отишيم лозим бўлган хабар – мушакларга ҳам қўл теккизиб қўйдим, жойида!

Анишин елкамдан туртиб шивирлади:

- Совуқ едим. Чидай олмайман. Ҳамма ёғим шалаббо...
- Овози қалтираяпти.
- Сабр қил... Чида. Бошқа иложимиз йўқ. Озгина мизғиб ол. Мен қараб тураман, – дедим.
- Шу ёмғирда лойга беланиб ухлаб бўларканми? Ёмғирдан панароқ жой қуриб кетганмиди... Ҳе, онасини...

Мен эшитмаганга олдим. У менга яқынроқ суриди. Дир-дир қалтираганини сезиб турибман. Үрнимдан құзғалиб, жанг тұрвамни титкиладим. «Атиргул суви» деган одеколонни топиб, Анишинга узатдим.

– Ма, ичиб ол. Исийсан.

У одеколонни олиб ичди. Бироз жим қолди. Сұнг:

– Яна ичсам майлими? – деди ялиниш оҳангида.

– Ич, фақат озроғини қолдир, – дедим мен.

...Анишин бошини елкамга тираб пинакка кетди. Мен атрофни кузатиб турибман. Тезроқ тонг отишини жон-дилим билан истаяпман. Агар тонгга етиб олсак, жонимиз омон қоладигандай, агар тонг отса ҳаммаси ту-гайдигандай. Вақт эса жуда секин, имиллаб үтәпти.

Оёқларим акашак бўлиб кетди. Үзимни чалғитай деб қанчалик уринмай, ваҳм ичидә хаёлимга ҳеч бир ёруғ үй келмаяпти.

Бошим лўқиллаб оғрияпти. Зирҳ қалпоқни ечиб, ёнимга қўйдим. Деворга суюниб оёқларимни узатдим. Ёмғирда ивиган девордан сирғалиб тушган суюқ лой гимнастёркам ёқасидан баданимга оқиб кирди. Қимирлашга мажолим йўқ. Бўғинларим қақшаб оғрияпти.

Тун чекинай демайди. Елкамдан зах ўтиб кетди. Тишларим такиллаб, қалтироқ тутди. Бир томонга оғиб йиқилдим. Кўлим кўлмакка ботиб, юзим лойга беланди. Анишин уйғонди. У нимадир деб асабий ғудранди. Шу маҳал гугурт чақиб сигарет тутатди.

– Ўчир сигаретни, нима қиляпсан?! Аҳмоқ, жонингдан тўйдингми?..

Ўзимни тутолмай қўндоқ билан бошига туширдим. Зирҳ қалпоғи тараққлаб кетди.

Анишин ўрнидан туриб телбанамо қичқириб юборди...

– Ҳа! Ҳа! Жонимдан тўйдим. Яшаш жонимга тегди... Мен сил бўлиб ўлишни хоҳламайман, билдингми... Лаънатилар, жонга тегдиларинг.... Ҳамманг. Ҳаммасидан тўйиб кетдим!!!

- Ҳали замон тонг отади. Қуёш чиқади, Анишин. Чида, ошна, чида!

- Қуёшимиз чиқмади. Бизнинг қуёшимиз сұлғанга үхшайды...

- Үзингни құлға ол. Тонг отади. Оз қолди.

- Тонг отмайды. Менинг қуёшим ҳам чиқмайды. Уни ҳеч ким уйғотолмайды. Билдингми? Ким уйғотади, қуёшни? Сенми, бошқаларми, командирларингми? Жонга тегдиларинг.

Сигарет чүғида қалтираган құли ва юзи лаҳзада элас күзга чалинди.

Тұғримизда, үттис қадамлар чамаси нарида учқун саңрагандай бўлди. Ҳавода кетма-кет отилган ўқ овози чийиллади. Саноқсиз ўқлар деворга келиб урилди. Лой парчалари тапиллаб күчиб тушди. Мен ерга юзтубан бўлиб қапишиб олдим. Оний ҳолатда душман бизни пайқаганини сезиб улгурдим. Жон ҳолатда ерга санчилган бармоқларим зирқираб оғриди. Мен айни дам лой ичига кириб кетгудай бўлиб ерга тирмашардим.

Яна ҳавони йиртиб ваҳимали чийиллаб тепамдан ўқ учеб үта бошлади. Яна деворнинг ўқлар чипиллаб ёпишган жойидан лой бўлаклари устимга оғиб тушди. Шу заҳоти Анишиннинг оғриқ билан ихраб юборганини эшилдим ва у менинг ёнимга гупиллаб қулади. Ётган жойида хириллаб, чилёсин бўлиб типирчилаяпти. Бирдан силтана бошлади. Мен унинг шилтаси чиқиб ивиган кийим бошини пайпаслаб қаеридан ўқ еганини билолмадим. У энди ҳансираб нафас оляпти. Кўкраги кўтарилиб тушяпти. Ўқчияпти. Мен унинг бошидан зирҳ қалпоқни ечиб олдим. Нима қилишимни билмай қолдим. Бошини тиззамга кўйиб юзини силадим. Қўлимга илимлиқ нарса тегди. Оғзидан қон оқяпти. Уни силтай бошладим. Бирлаҳза керишиб, қотиб қолди-да, сұнг танаси шилқиллаб бўшашди. Анишиннинг жони узилди. Бошини қўлимдан ташлаб юбордим.

Күкка қызил мушак отиб, танг ахволда қолганимни пастдагиларга хабар бердим. Душман үқ отган жойни нишонга олиб, кетма-кет үқ уздим. Битта үқдон бұша-ди. Иккінчи үқдонда қоронғида нур чизиб учадиган үқ жойланған эди. Мен ёнувчи үқ ота бошладим. Қоронғида отилған үқлар күкимтири из қолдириб кулба деворлари-га санчилар, баъзилари нишонга теккач, үз йұналишини үзгартыриб күкка сапчирди. Бу билан пастдаги техника-ларга душман худди мана шу ерда беркинганига ишо-ра қилдим. Зум үтмай атроф ёришиб, БМП-2 ва танклар кулба томонға үт очди. Борлық гумбурлашлар ичидә зир титради. Тун пардасини ёриб учған снарядлар зимистон-лик ичра сапчир, дараҳт шохларидан учқун сачраб қар-силлаб синар, снарядлар тушған жойдан олов үрлар эди. Оғир техникаларга артиллерия ҳам қүшилди. Гумбурла-ган замбараклар қасос үтида ёнаётған юрагимнинг ҳову-рини босяпти. Мен вайронага айланиб олов ичидә қолған қишлоққа қаратса узлуксиз үқ отяпман. Автоматим мили ҷүғ бўлиб қизиб, тўрвамда охирги үқдоним қолди. Яна от-моқчи бўлган эдим. Куролим мили қизиб кетибди.

Мен лойга чапланиб Анишиннинг танасини қалъа бурчига судрадим. Пастга тушадиган лой билқиган зи-напоя олдига олиб келиб уни елкаламоқчи бўлдим. Тиз-заларим қалтиради. Мажолим йўқ. Қаердандир адашган дайди үқ чийиллаб бошимни ялаб үтди. Йўқ, у дайди үқ эмас эди. Артиллерия отишмасидан омон қолған душман қалъани тусмоллаб үқ узяпти. Бир маҳал қалъа ичкари-си ёришиб кетди. Гранатомёт портлади. Мен гупиллаб пастга қуладим.

Устимдан Анишиннинг ўлиги босиб қолди. Сұнг құ-лим лат еди. Тепада яна портлаш содир бўлди. Билч-бильч лойда эмаклаб ўликни судраяпман.

Атрофда тағин үқ овозлари янгради. Душман қора тун-да бизни сиқиб келаётганини англашим. Взвод қуршовда қолған эди. Күкка яна қызил мушак отдим. Шу маҳал теграмда чийиллаган үқ ёмғирлари ёғди. Ўнг биқиним чи-

миллаб оғриди. Олов ютгандай бұлдим. Оғриққа чидай олмай дод солиб бақира бошладим. Жонқолатда сұнгги хабармушак ҳалқасини тортдим. Чалқайрамон ётиб тұлға нарканман, күкка учган қип-қизил мушакни күрдим.

Кімдир мени силкилаяпты.

Оғриқ сезилмаяпты. Қовоғым оғирлашган. Күз очолмайман. Фақат тарақ-туруқлар остида чайқалаётганимни базүр ҳис қиласынан. Мени қаергадир олиб кетишаётганини англаб-англамайман.

...Күзимни очдим. Ёруғлик. Үңг биқиним жизиллаб оғрияпты. Мен оқ чойшабға үраниб ётибман. Тушга үхшайди. Яна күзим илинди.

Орадан уч кун ўтиб ўзимга келдим. Баграмдаги госпиталда тонг маҳали операция қилишибди. Үңг биқинимдан яраланибман.

Госпиталда бир ой ётдим. Палатада ярадорлар күпайғач, мени қисм табобат пунктінде қайташды. Казармада ётибман. Ярамни боғлатиш учун кундуз кунлари қатнашыпман. Қисмдагилар Қундуз вилоятінде жаңға кетиши.

**20 май 1987 ишл**

\* \* \*

Ёз келди. Боғлар яшнади. Дов-дарахтлар япроғи күч олди. Меваларга хол урди. Яна Баграмнинг ям-яшил қишлоқларининг бирига кириб келдик. Чанг-тұзон, куюқ тутун ичіда қолди. Шовқин-сурон, қий-чув ичіда дағдаға билан деворларни үпіриб, пахса уйли ҳовлилар шийпонларини синдириб, токлари ер бағирлаб ўсган узумзорларни пайхонлаб үтган оғир техникалар қишлоққа қырғын солиб, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборди. Деворларга сұяниб шох ташлаган гилосларнинг қирмиз меваларига техникалар устидаги аскарлар оч-құзлик билан құл чўзишади, новдаларни синдириб олишади, шиғил-шиғил мунчоқдай-мунчоқдай тизилған гилосларни чангаллаб оғзига тиқиши. Новдаларида пиша бошлаган ўрикларни авваллари сира күрмагани

сингари шохи билан синдириб олишади. Еганини еб, қолганини чұнтакларига уришади. Айримлари зирх қалпоқларини ечиб, ичига гилосми, үрикми, олма ғұрасиними – дуч келган мевани териш билан овора.

Армия жангга әмас, талончиликка чиқсан. Машиналар устидаги командирларнинг ҳам парвойи фалак. Кулбаларнинг кичик дарчаларига парда тортилган. Ҳовлиларда ҳеч ким күзге ташланмайды. Одамлар беркиниб олишган. Құра құтоңларда гарангсиб қолган құй-құзилар безовта бўлиб үзини ҳар ёқقا уради.

Бизнинг үзимиз хон, кўланкамиз майдон. Қишлоқда кўнглишимиз тусаган ишни қилдик. Фақат кулбалар ичига кириб боришга, қўрғонларга яқинлашишга юрагимиз дов бермади.

Қишлоқ аҳли қаршилик қилмади. Анчагача ҳеч кимнинг қораси ҳам кўринмади. Қишлоқда душман йўқлигига, аҳоли биздан қўрқаётганига ишонч ҳосил қилдик. Машиналар ёнига чодир тикиб, тушликка ҳозирлик кўра бошладик. Гулханлар ёқдик. Гўшт, картошка, гуруч, гречка солиб беркитилган темир идишларни очиб, оловга қўйдик. Атрофга иштаҳани очадиган ёқимли бўй таралди. Ҳар жой-ҳар жойдаги қоровуллардан ташқари ҳамма овқатланиш билан банд.

Пиёда аскарлар үзига яқин қуролдошлар билан тудаттуда бўлиб, ўтириб овқатланишмоқда. Аскар учун ҳаётнинг маъноси фақат ухлаш, тўйиб овқатланишда. Бошқаси ғалва. Жонга тегади. Урушда эса ҳар дақиқанинг ўтиши азоб-уқубат. Кун санайсан. Эртага нима бўлиши ни билмайсан.

Кеча-кундуз жонинг хавотир ўтида қовурилади.

Шохлари тарвақайлаган қари тут соясидан жой топган БМП-2 устида ўтириб тушлик қиляпмиз. Шабада эсади. Қип-қизил пишган тут мевалари тўкилади. Уст-бошимиз қизил доғ бўлиб қолди. Машина устига тўкилган тут меваларидан қизғиши шарбат сизади. Тутдай тўкилди, деб бежиз айтишмаган экан. Ҳамма жойим худди қон

томчилагандай – қип-қизил. Худога шукр, қон томчиламаяпти. Қон томишидан Худо арасасин.

Үқ овози эшитилди. Үзимни машина ичига урдим. Гранатомёт отилди. Яна кетма-кет, чийиллаб үқлар учди. Отишма бошланди. Хотиржамликка берилган құшин қаерга бosh уришини билмай қолди. Ҳар томондан зарбага учраяпмиз. Дараҳтларнинг қуюқ шох-бutoқлари, одам бўйи баробар ўт-ўланлар ичидаги боғнинг қай томонидан үқ отилаётганини сезиб бўлмас эди. Гүё ҳар бир девор, дараҳт, тошу кесак, ўт-ўланга жон битиб, бизга ўт очаётгандай. Биз бундай ҳолатга кўп тушганмиз. Неча бор бамайлихотирликка чалиниб, панд еганмиз. Бугун ҳам шундай бўлди.

Тўғримиздаги ҳовлидан ҳам гранатомёт ўт очиб қолди. Девор ёриғидан үқ отилди. Мен ҳамишагидай кўзим илғаган жойни мўлжалга олиб, БМП-2 отув милини тўғрилаб кетма-кетин, бирваракайига ўт очавердим.

Кулба чанг-тўзон ичидан қолиб кетди. Деворининг бир томони ўпирилиб тушди. Томидан тутун ўрлади. Деразаси букилиб бўлди. Уйдан мункайган кўйи югуриб чиққан қора халат кийган соқолли киши эгнига гранатомётни кўйиб, биз томонга ўт очди. Мен шошиб қолганимдан пулемёт билан бирга қўшиб пушкани ҳам ишлатдим. Үқ ва снарядлар кулба томон учди. Ҳалиги, гранатомёт кўтарган одам турган жойда қуюқ тутун ва чангдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. У, шубҳасиз, ер тишлаган эди. Шу пайт кулба томи устида югуряётган беш-олти ёшлар чамасидаги қизалоққа кўзим тушди. У том устига қандай чиқиб олдийкин? Ичкарида олов кўтарилиди. Кулба ичи ёняпти. Ён тарафдан яна отишма бошланди. Душман аёвсиз олишишга шайланганини ортимиздан, кун ботар томондан миномётлар ҳам ўт очаётганидан пайқашимиз қийин эмас эди. Демак, душман бизни кўриб турибди. Қишлоқда аҳоли йўқ ҳисоби. Шу боис ҳам бизга қандай номаъкулчилик қилсан ҳам, деярли қаршилик кўрсатишмаган.

Яна битта снаряд машинанинг ёнига келиб тушди. Димоғимга куйинди ҳиди урилди. Машина устидаги Овченко деган украин аскар ҳаво зарбидан ерга қулади.

Мен тұғридаги ёниб бораётган кулба томидаги қизалоққа қарадим. У том үртасида үтириб олган. Иккала құли билан қулоқларини беркитиб, бошини тиззалари орасига олиб қимирламай үтирибди. Нозиккина қотма елкаларига тушган тим қора соchlари ва курагининг чукурчасини кузатув ойнаси орқали яққол күриб турибман.

Атрофда жаҳаннам олови үрлайди. Қизалоқ қимир этмайди. Караҳт бўлиб қолган. Кулба эса ёниб боряпти.

Шу тобда ёнимдаги танк пушкаси ёнаётган кулбага тұғриланди. Аъзойи баданим қалтираб кетди.

– Кутича, отма... Отма, қутича... Том устида қизалоқ бор! Кутича... Кутича... – дедим ҳансирааб алоқада.

– Оғзингни юм, Бубен-1! Ишингни билиб қил, – танк командиригининг қаҳрли жавоби эшитилди.

Қизалоқ баттар кичрайиб боряпти. БМП-2 кузатув ойнасидан унинг муштдеккина озғин жуссаси, тиззалари орасига бошини яшириб, қулоқларини нозик құлчалари билан беркитиб, дағ-дағ титраётганини яққол кузатиб турибман. Қизалоққа сұнгги бор қарадим. Қаёққа беркинишини билмай, мажолсиз қолган шүрликка жоним ачишди.

Шу пайт ёнимдаги танк гумбурлаб, силтаниб кетди. Томнинг қизалоқ турған жойи тир-тұзғиб, кули күкка совурилди. Қизалоқнинг ҳам танаси титилиб кетганини англаб, бошим зирқираб, кўз олдим қоронғилашди. Мен кўзларимни чирт юмиб олдим...

Ҳамишагидай яна... Қишлоқдан қочиб чиқдик.

**6 май 1987 йил  
Баграм**

\*\*\*

12 май куни бўлган воқеалар ҳақида ҳеч нарса ёзолмайман. Эсласам этим жунжикяпти. Қиёмат қойимнинг

үзгинаси. Бунақанги жангни сира күрмагандим. Душман билан юзма-юз турдим. БМП-2 ёниб кетди. Үт ичидан, душман құл остидан қандай чиқиб кетганимни, қутулиб қолганимни билмайман. Худонинг раҳми келди. Жоним омон қолди.

Машинани түрттә жойидан гранатомёт билан уришди. Мен ичкарида әдим. Ёнимга автоматимни тик қилиб қүйгандым. БМП-2 ичини тешіб кирган снаряд парчасы ёнбошимда тирады турған автоматим милини ёриб юборған әди.

Куршовдан, үқ ёмғирлари ичидан омон-әсон чиққанимга үзим ҳам ишонмадым. Худонинг қудрати бекиёс. Яраттан Эгам, Парвардигорим-а, шу ерларда үлиб кетмайин. Үзинг аспа!

20 май 1987 шил Кобул

\* \* \*

Яна Ваграмга чиқдик. Пушталаб үсган токзорнинг қоқ үртасида машинани тұхтатдик.

- Шу ер бизнинг ҳимояда туражак нұқтамиз. Бир қадам ҳам силжимаймиз.

Хар доимгидай дүк-пўписа, күз құрқди қилиб ён-атрофдаги қишлоқларга техникалар, пулемёт ва автоматлардан үт очдик. Машина тагидан хандақ қазидик. БМП-2ни шох-шаббалар билан күмиб қўйдик.

Токзорда оқ кишмиш пишиб қолган әди. Хоҳлаганимизча узиб олиб еяpmiz. Машина ортидаги иккита эллик литрга чамаланған сув идиш қопқоғини очиб, ичига узум солиб эзғиладик. Озгина ачитқи қўшиб оғзини яна қайтадан маҳкамлаб ташладик.

Ҳарорат жуда баланд. Еру қўк орасидаги ҳаёт ҳансираб нафас олади. Тоққа туташ олис-олислар худди денгиз сатхидан қайтган нур каби қорамтири тусда жимирлайди. Бу жизғанаги чиққан жазираманинг июл қуёшида чай-

қалган елвизак. Борлық жазирамада сув бўлиб эрийман дейди. Қўнглинг лоҳас тортади.

Жимирлаётган кенглиқда биз томонга бошини қуи солиб бир тўда қўй келяпти. Мен дурбин орқали қўйларни қайта-қайта санадим. Еттита.

Улар ёнгинамиздаги қишлоқдан чиқсан ёки хув олис тоғ ёнбағирларида ўз сурувидан адашиб қолган. Нима бўлганда ҳам қўйлар галаси сувсизликка дош беролмай тап-тақир биёбонда биз томонга келарди.

Қўйлар тўхтаб қолди. Бизга яқинлашолмади. Аскарлардан бири уларни ҳайдаб келди. Взвод командири алоқада батальон командирини бу «янгилик»дан бохабар этди. Иккита қўйни қисм штабига жўнатдик. Иккитасини эса оёғини боғлаб батальон командири юборган БМП-2 устига ташладик. Битта қўйни ёнимизда ҳимояда турган разведкачиларга улашдик.

Ҳамюртимиз Сайд семиз қўйни ётқизиб, бўғзига пи-чоқ тортди. Пичноқ жуда ўтмас эди, базўр сувни кесарди. Пичноқ бўлганда ҳам «штыкнож» автомат милига ўрнатиладиган пичноқ.

Қўйни шу пичноқ билан сўйиш азоб бўлди. Қўй типирчилайвериб роса қийналди. Жони узилиши қийин кечди. Пичноқ қўйнинг бўғзини кесолмади. Чалажон қилиб ташлади. Қони гўштига уриб кетди.

Қўйнинг қонига чўмилган Сайд, унинг терисини шилишга киришди. Гўшт қип-қизил, қон аралашиб қолган эди. Кимdir бу гўштни еб бўлмайди, деди. Гўштни шундайлигича боғ этагига олиб бориб ташладик.

Гўшт ейишнинг осон йўли топилди. Яна бир семиз қўйни хандақдан беш - ўн қадам нарига қўйдик. Сайд автоматни олиб қўйни қоқ манглайидан кетма-кет отди. Қўй турган жойидан уч қадам отилиб кетди. Қўйнинг ўлигини оёғидан БМП-2 отув милига осиб терисини чиқдик.

Машина тагига иккита қозон осдик. Бир қўйнинг гўштини еб тугатиш осон кечмади. Кун иссиқ эмасми,

гүшт меъдамизга тегиб қолди. Ҳар ҳолда қүй гүштига түйіб олдик.

Биз Баграмда бир ой қолиб кетдик. Отишма содир бұлмади. Бир ой құрқув ва ҳадиксиз яшадик. Ёнимизда узумзор, ундан нарида ахолиси ташлаб қочиб кетган қишлоқ. Томорқаларда помидор ва бодрингдан тортиб ҳамма нарса пишиб етилған. Ҳар куни қишлоққа тушамиз. Керакли емакни ортмалаб, гоҳо машинаға босиб олиб келамиз. Бир кун товуқ гүшти, бир кун қүй гүшти дегандай, қозонимизнинг жази баланд.

Биз бундай ишга ўрганиб қолғанмиз. Урушда талончилик одатий ҳол. Ахир бошқа нима қилиш керак?

1 август 1987 шыл

Баграм

\* \* \*

Билмайман, нега шундай? Тилло топған тентакдай Баграмга серқатнов бұлиб қолдик. Бугун 15 август куни аэрором яқинидаги қишлоққа йўл олдик. Қишлоққа киргунимизга қадар сокинлик ҳукм сурди. Тарғибот взводдаги БТР башнясига ўрналған карнайнинг жағи ёпилмади. Қишлоқ ичига бош суққунга қадар ялангликда ярим соатлар чамаси оёқ илдик. Радиокарнайнинг «чакаги» ўчмади... Аскарларни рухлантириш учун «Боевик награждаются орденами» деган русча құшиқ кетма-кет янграйверди. Топишған құшиғини қараю, тепанғдан ўқ учеб, жонинг ҳалқумингга тиқилиб, ичинг идраб турғанда күзингә орден, медаль күринадими? Тасодиф содир бұлиб, қишлоқ ичкарисига кирмай изимизга қайтиб кетсак, қанийди... Агар орқага қайтамиз, буйруғи янграса имоним комилки, бутун бошли қисм жангчилари шодлигидан ўзларини құярга жой тополмай қолишилари аниқ эди. Шахсан мен бу хушхабарни ич-ичимга сиғмай қабул қиласадим, жангда чиқищдан құрққан, десалар ҳам майли – «ура» деб бақириб юборишдан ҳам ўзимни тия

олмасам керак. Нега хурсанд бұлмайин: күра-била туриб, беҳудадан-беҳуда ажал чангалиға үзни топшириш ҳам ғирт ақмоқлик әмасми? Баграмда неча бора жангга кирдик. Лекин ҳар гал шарманда бұлиб ортимизга қочиб чиқдик. Умуман, бундай жангларнинг нима кераги бор?

Қишлоқ ҳудудини ҳадлаб, күрғон ёнидаги узун хандаққа бекинган батальонимиз қақшатқыч зарбага учради. Тепамизда қиёмат шамоли гувуллайди. Үқ, снарядлар ҳаводаги қилнинг қирқ жойидан тегиб үтади. Бош күтариш ҳақида үйлаш бемаънилик.

Танклар оғир техникаларнинг «жазавага миниши», оғзидан олов пуркаб гумбурлаши ҳам кор қилмади.

Яхшиям, хандақ бор. Агар урушда хандақлар бұлмaganда, қисмлар, бутун бошли дивизияларнинг қирилиб кетиши ҳеч гап әмас эди.

Юрагимда вахм, ичимдан қиринди үтиб бошимни зирх-қалпоқ билан түсіб, бир тутам бұлиб юзтубан ётибман.

Хандақ бошида гумбурлаган портлаш рүй берди. Қуюқ қора тутун құтарилди. Хандаққа «РС» снаряди түшди. Хандақ четидаги тупроқ уюми устида кимнингdir автомати ва зирх-қалпоғи ётибди. Берироқда эса тиззадан пастидан چұрт узилиб кетген оёқ. Оёқдаги ботинка боғичидан ерга шилқиллаб қон сизяпти. Нақадар аянчли. Лекин жонинг таҳликада тургач, унча-мунча нарса күркінчли бұлиб туғулмайди, без бұлиб қараб тураверсан.

Хандақ бошида әнкайған күйи батальон командири пилдираб югуриб келяпти. У менга яқынлашиб келди. Ранги докадай бұлиб оқариб кетген. Үзини йүқотиб қүйгани сезилиб турарди. Уни менинг олдимга келиб тұхтаса керак, деб үйладим. Юзтубан ётавердим. Командир елкаларини сұли-үнг қилиб, букчайиб чопиб келяпти. У тұхтамади. Менга ҳам эътибор бермай бошимни, зирх-қалпоғимни босиб, устимдан тасир-тусур қилиб үтиб кетди. Ҳеч нимани англамай ётган жойимда ортимга қарадим. Командир бошқаларнинг ҳам устидан тепкилаб орқага чопиб боряпти. Бошқалар ҳам унга әргашиб қоча бошла-

ди. Батальонни ташлаб қочган командир ортидан мен ҳам югурдим. Яхшиямки, оғир техникалар қишлоққа кирмаган эди. Улар бизни чакалакзор четидаги очиқ майдонда кутиб туради. Ҳар ким үзига тегишли БМП-2, БТРга чиқиб олди. Ортга қайтдик. Катта йўлга чиққач, колонна тўхтади. Батальон командири алоқада юқоридагиларга топшириқ бажарилганини маълум қилди. Қанақа топшириқ эканлигини эса Худо билади.

Мен БМП-2дан тушиб, йўл четидаги дараҳт панасига ўтмоқчи бўлдим. Батальон командири менга қараб турган экан, имлаб чақирди. Колонна бошига бордим. Командир БМП-2дан тушиб менга ғалати қараш қилди. Юзида алланечук хижолатли ифодани сезгандай бўлдим. Нимадир демоқчию, айтолмаяпти. Елкамга қўлинини кўйиб, ерга қаради. Қўзимга тикилолмаяпти.

– Норқобилов, дўст! Ўзинг тушунасан... Уф, жонимдан ўтиб кетди... Яқинда уйга қайтаман... Сени «Жасорати учун» медалига тавсия қиласман. Ҳалиги... ҳалиги... Жангда ҳар хил тафсилотлар бўлиши мумкин. Тушундингми? – деди у ҳамон ерга қараб.

– Тушундим, ўртоқ майор!

– Бор энди...

Майор «жангни ташлаб қочганимни гапириб юрма...» деган маънода мени чақирганини тушундим.

15 август 1987 йил  
Баграм

\* \* \*

Батальон командири ўша жангдан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Кўпчилик аскарлар мукофотланди. Улар ичida мен ҳам борман. Тўғрисини айтганда, бугун шу мукофотни олишимдан уяляпман.

29 август 1987 йил  
Кобул

\* \* \*

Кун ёниб боряпти, иссиқ. Ерда үт тафти бор. Атрофимиз тоғлар билан үралганига қарамай, қылт этган шамол йүқ.

Жалолобод Афғонистондаги энг иссиқ ва қуруқ иқлимга эга ҳудуд. Олов селидан жон сақлаш учун үзимизни апельсинзор ичига урамиз. Димиққан апельсинзорда куннинг қайтишини ҳансираң кутиб ётибмиз. Совуқ үлкалардан келган аскарларнинг ақволи жуда танг. Бечоралар сувсизликда жон таслим қилаётган балиқдай беҳузур бўлиб, оғир-оғир нафас олишади.

Техникалар жойлашган тап-тақир ялангликда сув тўлғазилган ясама мешҳовузларга ҳар ўн-ўн беш дақиқада тушиб чиқамиз. Айлана мешҳовузлардаги сувлар ҳам илиб қолган.

Бу ерда шўро армиясининг маҳсус бригадаси жойлашган. Жалолободдаги энг катта қўшин шу. Ҳайронман, бу ернинг иссиғига бригада аскарлари қандай чидаркан. Үриси ҳам, ўзбеги ҳам, бошқа миллат вакиллари ҳам бир хил: ҳаммаси офтобда майизтоб бўлиб қорайиб кетган! Шу ҳолига ярим белигача яланғоч юришибди. Елқалари олапес бўлиб кетган, қават-қават пўст ташлаган.

Мен ҳам ярим яланғоч бўлиб, устимдан зирҳкийим (бронжилет)ни ташлаб олдим. Бронжилет ичидағи чўяннинг иссиғи брезент сиртдан үтиб, баданимни жизиллатиб куйдиряпти. Автоматим мили ҳам чўғдай қизиб кетган.

Зирҳ кийимни ҳам ечмай, бор будим билан үзимни меш ҳовузга ташладим. Ҳар ҳолда жоним ором ола бошлади. Анчагача мешҳовуз ичидан чиқмай ётдим. Сафга тизилинглар, деган буйруқ янгради. Аиельсинзор ичидағи аскарлар ёв қувгандай тирқираб югуришиб чиқишиди. Рота бир қаторга тизилди. Айни тол тушда офтобнинг тагига тизиб қўйган командирни бир мен эмас, бошқалар ҳам ичидан онасини ахтариб сўкинганини ҳис қил-

дим. Кимга ёқади жазирама иссиқда таёқдай қотиб туриш? Нихоят, командир ўсмоқчилаб жанговар ҳолатда, ҳар қандай ҳужумга шай бўлиб туришимиз зарурлигини таъкидлади. Вазият қалтис, деди у. Жалолободдаги каллакесар банда раҳбарларидан бирининг тўқсон ёшли отаси қазо қилибди. Махфий маълумотларга кўра, бугун Афғонистондаги барча жангари тўдаларнинг бошлиқлари жанозада қатнашар экан. Хув, ана, яқингинада кўзга ташланиб турган тоғ ортидаги қишлоқда дағн маросими бўляпти.

Бутун Афғонистон бўйича жангариларнинг тўдабошилари йигилгани, улар айнан шу ерга, бизга яқин жойда тургани аскарларда нафақат нохуш кайфият, кўнглида кўркув ҳам уйғотди. Қисм жангчилари кутилмаган хабардан саросимага тушиб қолишли. Энди шу етмай турувди.

Бу лъянатилар бирлашса қисм тугул, армияни ҳам ёппасига мияси куртлаган сурувдай гандираклатиб ташлаши мумкин.

Кун бўйи диққинафас бўлиб юрдик. Бир донаям ўқ отмадик. Хабар-мушак учирмадик. Тоғ ортидан кўз узмадик. Тонггача мижжа қоқмадик. Зобитлар қоровулларни ҳар ўн дақиқа текшириб туришли. Кўзим илинган экан.

Момақалдироқ ва бўронларнинг шанғиллашидан уйғониб кетдим. Тоғ ортини вайрон қилишяпти. Бироздан сўнг замбаракларнинг гумбур-гумбури ҳам қўшилди.

Тоғ тепасидан бизга қарата қарши ҳужумга ўтган душман мўлжалга бехато ура бошлади – биз ердан бош кўтаролмай қолдик – машиналар тагига бекиндик. Машиналар тагида ҳам жон сақлаш мушкул бўлиб қолди. Миномётлар тўппа-тўғри келиб техникалар устига тушяпти. Жаҳаннамнинг ўзгинаси. Тирик қолишимга кўзим етмади. Апельсинзор томон эмакладим. Қисмнинг teng ярми апельсинзорга қочиб кирибди. Буни пайқаган «дух»лар апельсинзорга ҳам ўт очди. Устимизга новдалар кулай бошлади. Ярадорларнинг дод-войи,

снаряд парчаларининг зирхқалқон ёхуд зирҳнимчаларга тарақлаб урилиши эшитилади, шовқин-сурон ичида қарахт аҳволга тушиб қолдик. Биз шунчалар ожиз әдикки, рӯпарамиздаги тоғ тепасида турган душманга қарши ҳужумга ўтолмаймиз. Қанақасига ҳужумга ўтамиз, бошимизни күтаришга имкон беришмаяпти.

Техникалар талафот күрди. Ҳалок бўлганлар ва ярадорлар учун учиб келган вертолётни душман портлатиб юборди.

Ярим тунгача ҳолдан тойдик. Ишдан чиққан техникаларни жойида қолдириб, ўликлар ва ярадорларни БМП-2ларга юкладик. Тезроқ жуфтакни ростламасак, қуршовда қоламиз. Ҳаммамизни қириб ташлашади.

Зим-зиё тунда, урилиб-сурилиб, чироқларни ҳам ёқмай, йўлга чиқдик. Взводнинг деярли тенг ярми ўққа учди, ярадор бўлди.

Мен тушунмайман, Жалолободга нега келдик? Нега кетяпмиз? Шу азоб-уқубатларнинг нима кераги бор?

Худо ҳаққи, мен бу ерларда нима қилиб юрганимни айта олмаяпман... Инқилоб дейишади, инқилоб бўлса, афғонларнинг ўзлари қиласверишмайдими, инқилобини... биз афғон ҳалқининг тинчини буздик, бир ҳалқдан дўсту душман ясадик. Ҳалқни бир-бирига гиж-гижладик... Йўқ, бундай эмас, бу ҳалқ, менимча, инқилоб нима эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Бизни афғон ҳалқига қандай қилиб ёрдам қўлини узатаётганимизни ҳам тушунмайди.

Биз бу ерга нима мақсадда келганимиз? Билолмаяпман. Ёки биз бу ерга бостириб кирдикмикин? Менимча, шундай, аслида. Тавба, нималар деяпман, ўзи?

*3 сентябр 1987 йил*

\* \* \*

Гардез теварагидаги қишлоқларнинг бири. Зим-зиё тунда сойнинг шарқираб оқиши кечки сукунатни босиб

кетган. Ёмони, атрофдаги бошқа товушларни эшитиб бўлмайди. Ойни булут тўсган. Юлдузларнинг кўзи юмуқ. Борлиқ қоп-қоронғи.

Қўрқа-писа чодирлар атрофини айланиб юрибман, кўриқлаяпман. Қисм тунаётган жой ўзимизнинг батальонга тегишли худудини синчиклаб кузатяпман. Икки соатлик қоровуллик муддатининг ўтиши шунчалар чўзилиб кетдики, борган сайин ваҳм ҳамласи ҳолдан тойдиряпти. Бир амаллаб ўтказсам эди, Худо хоҳласа, маза қилиб ухлардим. Кун бўйи йўл юриб роса ҳориганман. Қовоқларим тортилиб, бошим оғирлашиб боряпти. Тик турган кўйи кўзим илинган экан, турган жойимда бир маҳал силтаниб, мувозанатимни йўқотиб, сапчиб кетдим. Тик турган жойингизда уйку зўрлик қилса шундай бўлади – турган жойингиздан анча нарига отилиб кетасиз.

Имиллаб-симиллаб вақт ўтди. Менинг ўрнимга разведкачилар взводидаги сержант қоровулликка турди. Мен БМП-2нинг десант бўлмасига кириб, ўзимни ўқ кутилар устига ташлаб уйқуга кетдим.

Эрталабки талатўпдан уйғониб кетдим. Кеча сой ичидан чиқиб келган бўлиши керак, душман мени алмаштирган сержантни чавақлаб ташлабди. Сўнг чодирга кириб битта бўлинмадаги етти нафар аскарни сўйиб кетишибди.

Ҳеч ким сезмай қолган эди.

Тонг саҳардан жойимизни ўзгартиридик. Тушдан сўнг Файзобод томонга йўл олдик. Юриш давомида қишлоқлардан онда-сонда отишмалар бўлиб турди. Бу унчалик хавфли эмас эди. Мен отишмаларга кўникиб бораётганимни ҳис қилдим.

**24 сентябр 1987 йил**

\* \* \*

Файзободга киролмадик. Йўлда қаршиликка учрадик. Болалар ҳам қўлига курол олиб, бизга ўқ узяпти. Бу ерда-

ги халқ маҳаллий аҳоли бир варакайига қирилиб кетса ҳамки, бизга қишлоқдан кесиб үтишга йўл бермаслиги аниқ эди. Ортга қайтдик.

Биз афғон тупроғида ортиқчалик қилаётганимизни англаб етаяпман.

Ерлик аҳоли бизга ҳеч қачон эл бўлолмайди.

25 сентябр 1987 йил

\* \* \*

Бугун ғалати воқеа содир бўлди. Гарdez деган жойдан ўтаётганимизда отишма бошланди. Орқада келаётган БМП-2 ни яқингинамизда пойлаб турган душман гранатомёт билан икки марга урди. Машина ишдан чиқди. Унинг устида турган уч нафар аскар ҳалок бўлди. Ҳайдовчи яраланди.

Мен елкасига қурол осган афғон боланинг девор устидан эпчиллик билан сакраб үтиб, қўрғон ичига югуриб кирганини кўриб турибман. Бола ўн тўрт-ўн беш ёшларда. Устида кенг маҳаллий кийим-бош. Бошида қора рангда қалпоқ. Мушукдай чаққонлиги ўпирилган девор уюмлари устидан эпчил сакраб үтишидан ҳам билиниб турибди.

Мен ички алоқада ҳайдовчига БМП-2ни қўрғон томонга бошқаришни буюрдим. Деворларни ўпириб, тўғри қўрғон ичига кириб бордик. Атрофни қисқа лаҳзаларда кўз остидан ўтказиб улгурдим. Машинадан сакраб тушиб қўрғон ичидаги кичкина, тор эшикли хонага югуриб кирдим. Хона ичи қоронғи эди. Остонада туриб ичкарига кетма-кет ўқ уздим. Нимадир тарақлагандай бўлди.

Граната оволишни унутган эканман. Яна тарақ-туроқ қилди. Мен ичкарида кимдир борлигини пайқадим. Остона ортида ётиб олиб, ичкарини кузата бошладим. Коронғига кўзим кўниқди. Бурчакда дўппайиб турган нарсага кўзим тушди. Йўқ, бу одам. Букчайиб турган одам. Қурол милини унга тўғриладим. Энди тепкини бо-саман, деган эдим, бурчакка тиқилиб олган одам (у мени остона орти, ёруғда кўриб турибди) афғончалаб гапириб, зор қақшаб йиғлай бошлади. Баданимни совуқ тер

босиб кетди. Құлым қалтираб, худди кимдир ортимдан менга қурол үқталиб турғандай, үрнимдан сапчиб турдим. Үзимни әшик пана сига олдим. Одам шарпасидан күз узмадим, бу ёққа чиқ, отмайман, дедим афғончалаб.

\* \* \*

Кунни полкда ўтказдик. Ҳамма тафсилотларни айтиб гапни майдалаб үтиrmайин. Шундай бұлды: техника паркіда машиналарни навбатдаги жангга тайёрлашимиз керак. Отувчи операторлар снарядлар юклашиб, БМП-2 отув милини тозалашди. Машиналарга үқдори ортиши. Ҳайдовчилар эса ҳамишагидай двигателни, ток узатувчи курилмаларни текшириши. Тушликка яқын қолди. Шу пайт парк ичіда БМП-2га үрнатылған пулемёт тариллаб қолди. Ҳангу манг бұлиб, үқ овози әшитилған томонға қарадим. Иккінчи взводдаги Галдинов деган туркман бола БМП-2 устида ток ургандай силтаниб чалқайрамон бұлиб қулади-да, машина устидан ерга думбалоқ ошиб тушди. Кетма-кет отилған пулемёт үки Галдиновнинг баданини илма-тешик қилиб ташлаганди.

У пушкага суюниб, машина устида тик турарди. Пушка тагида үрнатылған пулемёт оғзи Галдиновнинг қоқ белигі Гаддиновнинг танасини титиб ташлади.

Шу заҳоти батальондаги иккита туркман йигити югуриб келиб, башняга чиқиб, Голубковнинг ёқасидан ушлаб, ичкаридан тортиб чиқиши. Юзинг-құзинг демай, дұппослай бошлашди. Голубков чайқалиб йиқилди. Бoshига тушган тепкилар зарбидан хушини йүқтоди.

Голубковни туркманларнинг калтагидан зұрға ажратиб одик.

Голубковни медсанбаттаға олиб кетиши.

2 октябр 1987 ыйл  
Кобул

\* \* \*

Күн ёňяпти. Қуёш осмонда тұхтаб қолғандай. Эгнимдаги зирҳийим, бошимдаги зирҳалпоқ қизиб кетди. Нафасим қайтяпти. Кимёвий қурол ишлатилса кийиладиган махсус елим уст-бош билан бирга бериладиган, одамнинг белигача келадиган елим этикнинг бир пойига сув түлдириб, елкамга ташлаб олганман.

Эгнимдаги жанг тұрва зил-замбил. Оёғим қалтирайди. Базур юқорига күтарилеман. Баданимдан тер оқади. Кўзим тиниб, баланд чўққиларга қарайман. Уларга чикқунга қадар бўларимча бўлсан керак.

Тоққа чиқаётганды чидаш лозим. Чанқамоқ тугул, қақшаб-қуриб қолсанг ҳам иложи бўлса сув ичма. Йўқса, нафасинг тиқилиб, йиқилиб қоласан.

Пагман тоғлари ҳам Панжшер қояларидай осмон билан бўйлашиб кетган.

Оғзимдан ўт пуркалиб, силлайи мадорим қурияпти. Ёнимда келаётган аскарларнинг айримлари ярим йўлда йиқилиб қолишиди. Украиналик Шевцов деган аскар ётволиб ҳеч жойга бормайман, отиб ташланглар, деб дод солди. Нима бўлган такдирда ҳам чидаши керак эди. Ўзини шарманда қилди. Иродаси кучсиз экан... Энди бошқаларнинг кўзига қандай қарайди. Бошқалар уни ёмон кўриб қолади.

Мен биз чиқишимиз лозим бўлган чўққини чамалаб кўрдим. Яна шунча йўл босиб кўтарилишимиз керак. Сув тўлғазилган елим этикнинг бўрбойидаги ипни ечиб, бошимни ҳўлладим. Сув ҳам илимлиқ.

Техникалар пастда қолган. Қишлоқда туриб бизни мудофаа қиляпти. Қишлоқдаги эркаклар тоққа қочиб чиққанлиги ҳақида хабар олгандик. Шуларни қувиб кетяпмиз. Агар улар бизга чўққидан туриб ўт очишка, БМП-2, БТР, ТАНК, МТЛБлар билан пастда турган бизникилар қишлоқларни илма-тешик қилиб элакдан ўтказишади. Хотин, бола-чақа, қари-қартанг демай, қириб ташлайди.

Душман буни яхши билади. Шунинг учун ҳам бизга ҳозир ўқ отганича йўқ. Ўқ отолмайди ҳам.

Чўққига қаршиликсиз чиқдик. Ҳеч зот йўқ. Қояда хуруллаб шамол эсади. Бир оз салқин. Жазирама пастликда қолди. Қоядаги улкан тош соясига зирҳийимимни тўшаб, худди ўзимни атрофни кузатаётгандай қилиб, юзтубан ётиб олдим. Елим ҳиди анқиган илиқ сувдан ютоқиб ичдим. Чарчоқ босди. Кўзим илинибди.

Бир маҳал тасур-тусур тўполондан уйғониб кетдим. Ёнимда икки қўли танасига чирмаб боғланган кўкимтирижелак ва кенг иштон кийиб, бошига қора салла ўраган, соқоли кўксига тушадиган ўттиз беш ёшлардаги ағфон кишиси думалаб ётиби. Афт-ангорига қараб бўлмайди. Муматалоқ бўлиб кетган. Қон сизяпти. Чақчайган кўзида изтироб ва даҳшат акс этади. Кўзларини ола-кула қилиб менга қараб туриби.

Ағфонни разведкачилар тутиб келишибди. Пастга олиб тушишмоқчи экан. Уни душман дейишиди.

Мен «душман»га қизиқсиниб қарадим. Нималардир деб менга илтижо қиляпти. «Рафиқ, раҳм», деган сўзларидан, «Мен душман эмасман, шафқат қилинглар», деётганини фаҳмладим.

Разведкачи уни энг баланд чўққидаги харсанг ёнига кўйди. Сўнг қуролини тўғрилади. Мен кўзимни юмиб олдим. Банди дод-вой солиб чўккалаб ўтириб олди. Дағдағ титраб йиғлаяпти. Мен разведкачига отма, пастга олиб туш, командирларга топшир, дедим. У гапимга кулоқ тутмади. Бандига тур ишорасини қилиб, автоматни кўтарди. Ҳалиги тутқун яна қалтанглаб-салтанглаб оёққа турди. Телбанамо бўлиб разведкачига анграйиб қараб туриби.

Разведкачи қурол ўқталиб яқинлашаверди. Банди орқага тисарилди. Охири чўққининг қирғоғига келди. Разведкачи унга тобора яқинлашиб бораверди. Бечора банди олазарак бўлиб нима қилишини билмай, оёқлари қалти-

раб, тиззалаб олди. Яна титраб-қақшаб йиғлади. Тишлари такиллаб, күз ёшлари соқолидан сизиб тушяпти.

Разведкачи бир оз үзини орқага олиб, бандининг күкрагига тепди. Кутылмаган тепкидан банди орқасига, чүққидан тубанга учди. Мен унинг боши мажақланиб, танаси тошларга урилиб, қип-қизил қонига беланишини күриб турдим.

**10 июнь 1987 ийл**

**Пагмон**

\* \* \*

Уч кун бўлди, Кобулдаги совет элчинонасини қўриқлаб турибмиз. Элчинона шаҳарнинг қоқ марказида эмас, кунчиқар томонида. Атрофи баланд бетон девор билан ўралган бу жойнинг ичкарисида ҳаёт қандай давом этаётгани бизга қоронғи, умуман, бу ҳаётни баланд деворлар тўсган, шу деворлар ортида эса бизнинг БМП-2 турибди. Биз деганим – мен, ҳайдовчи Ринат, Забиров деган тожик ҳамда Галиев исмли туркман бола.

Байрам арафасида шундай бўлади. Элчинонани қўриқлаш учун жанговар ҳолатдаги битта БМП-2 ва икки-уч нафар аскар юборишади.

Хуллас, октябр инқилоби (7 ноябр) айёми муносабати билан биз элчинонанинг орқа томонида қоқилган қозикдай ҳозирку нозирмиз.

Кунчиқарда, биздан эллик қадамлар нарида муҳташамгина ҳовли. Томорқаси эллик-олтмиш сотих келади. Ҳар ҳолда Кобул пойтахт-да. Ҳовли ва тикланган иморат чаккимас. Қишлоқларда кўравериб кўзимиз кўнишиб қолган ғарибу ғубаро кулбалардан кескин фарқ қиласди.

Томорқада уй эгалари доимо ғимирлаб юришади. Уй юмушлари, албатта. Униси у, буниси бу иш билан банд.

БМП-2нинг отув мили ҳовли ва унинг ёнидан ўтган йўлга қаратилган. Йўл уйлари бетартиб қурилган маҳаллага туташган. Элчинона учун бирдан-бир хавф ана шу томондан туғилиши мумкин.

Дастлаб рұпарасига келиб қўққайиб туриб олган шўро аскаридан ҳадикланган уй соҳиблари ҳовлида кўзга кўринмай турди. Сўнг кўнига бошлашди чоғи, ҳовлида пайдо бўлиб қолишиди. Кейин-кейин улар томорқага ўтиб ишлашди, бизга яқинроқ кела бошладилар. Ҳовли соҳиби ерга омоч солди, гўнг сепиб чиқди. Ҳайдалган ерда ўқариқ тортиб текислади. Ҳовлида эса доимо бўй етган икки опа-сингил куймалангани-куймалангани. Мен дурбин орқали уларни диққат билан кузатаман. Қизларнинг етилган ёноғи олмадай тарсиллаган даври эди. Баъзи пайтлар юзи шафақдай нурланган бу икки соҳибжамолнинг ҳуснига боқиб, кўнглим ўртаниб кетади. Беғубор туйғуларим сойлар шарқироғи ичра сехр тароватига тўлган боғлар сари бошлайди. Дунё мафтункорлик нурига чўмган, мен ой деса ойдай, кун деса кундай бир сулувнинг тиззаларига бош қўйиб, тим қора юлдуздай ёниқ кўзларига термилиб, чалқанча ётибман.

Нимадир тарақлаб кетади. Сапчиб тушаман. Ринат ўқдори қутисини ташлаб юборади.

– Ҳой, мунча шу ёқقا термилганинг термилган. Пишириб қўйибдими? Дурбинни қўйиб, анави қутини ол. Тушпастга. Нега ҳардамхаёл бўлиб турибсан...

Мен ерга тушиб кетган ўқдори юклangan темир қутини олиб машина устига ташладим. Галиев тушлик тайёрлаяпти.

Тушлик пайтида элчинонадан келган лейтенант мени ва Забировни ўзи билан бирга олиб кетди. Ринат билан Галиев машинада қолишиди.

Элчинона ҳовлисига кириб ҳангуманг бўлиб анграйиб қолдим. Забировга қарасам, у ҳам оғзини очиб ҳайратини яширолмаяпти.

Элчинонанинг кенг ҳовлисига чим ётқизилган. Атроф ноябр бўлишига қарамай, ям-яшил. Йўлакларга бетон тортилиб, ҳар қадамда оппоқ қилиб бўялган қувур түсинларга айлана шаклдаги сутранг қалпоқчироқлар ўрнатилган. Фавворалар отиляпти. Ҳовлидаги чиройли бу-

талган гуллардан тортиб қарағай ва пальма дарахтлари теп-текис ҳолда бир сафда тизилган. Бу ернинг ҳатто ҳавоси ҳам ташқаридан кескин фарқ қиласы. Худди тинч ва гүзәл шаҳарлардаги каби кафе-барлар, рақс майдончаси, ёзги меҳмонхона, ресторан, сайрбоғ, иккى четига ўриндиқлар ўрнатилиб тошлар ётқизилган йўлаклар, куз қуёшида товланган мармар деворлар, улкан иморатлар айвонининг тепа қисми шифтига ўрнатилган ёнар тошлар – бари-бари афсонавий эртакдаги бир шаҳарчанинг ўппа-ўзи. Ҳайратланарлиси, шаҳарчада чиройли-чиройли бўй етган қизлар, пишиб етилган симбати симбиллаган санамлар, озода ва тоза кийинган бола-бақра дунёдаги воқеа-ҳодисалардан айрича ҳолда яшаётгандай юришибди. Шаҳарча ташқарисида мутлақо ўзгача олам. Кирчир одамлар, хароба вайроналар, уруш, ўққа учайдиган аскарлар, хуллас, хавфу хатар, ўлим...

Бизни ўта чиройли услубда қурилган, ҳашаматли бинога олиб киришди. Бунақангি фойени киноларда кўрганман. Еру шифт, деворлари мармартус, ялтирайди. Фойега туташ йўлак орқали бинонинг ичкарисига ўтдик. Кенг залда узун стол дид билан безатилган. Йўқ таомнинг ўзи йўқ.

Бизга ҳамроҳ бўлиб келган ёшгина зобит, дастурхонга таклиф қиласы. Аскарнинг овқат ва уйқудан қайтганини ким кўрибди. Кўрмагандай бўлиб овқатга ёпишдик. Бир пастда ҳиқиллаб қолдик. Кейин ҳовлига чиқиб бошқа бир бинога кирдик. Бино ичкариси ҳаддан зиёд кенг бўлиб, худди спорт майдончасига ўхшаб кетарди. Биз ёпиқ майдончада ярим яланғоч юрган қиз-жувонлар, ёш-ялангларга оғзимизни очиб, анқайиб қараймиз. Улар эса бепарво ўтиб кетаверишади. Ниҳоят, майдонча эшигини очиб, яна ичкариладик ва бошқа бир мўъжизага дуч келдик: сувга лиқ тўлдирилган бош-адоғи йўқ кенг мармар ҳовуз. Ҳовуз чetiдаги силлиқ тошли йўлакларда яп-яланғоч бўлиб, оёқларини сувга тиқиб ўтирган жувонлар, ҳовузда ҳам айримлари турфа нағмалар қилиб чўмилишяпти.

Бунчалар мишиш, иззат-икромга күнікмаган, гандираклаб турған биз нотавон аскарларга бу ердагилар-нинг шунчалар илтифот күрсатаётганини ақтимга сиғдиролмаяпман. Худди түш күраётганга үхшайман. Бизни бошлаб келген ёш зобит ечиниш хонасини күрсатиб, күлимизга чўмилишда кийиш учун ички кийим берди. Тиззагача тушадиган аскар трусигини ечиб, ҳалиги, қулаги ички иштончани кийиб олдик.

Сув анча илиқ эди. Шунча аёлнинг ичида биздан бошқа яна иккита эркак бор. Улар чамамда әлчиҳонада ишлашса керак.

Танамда роҳатбахшилик туйдим. Кўнгилхушлик авжга чиқди. Бу ерда ҳамма нарса гўзал, ҳамма нарса самимий.

Ташқарида эса, ташқарида... Мана шу девор кир-чир дунёни, ӯлим ва қонхўрлик, мусибатларга тўлиқ ҳаётни, ичкаридаги ноз-карашмали ҳаётдан мутлақ тусиб туради.

Ичкаридаги ҳаётнинг ойимтиллалари ӯлим чангалида жон олиб жон беришимизни яхши англағанлиги боис ҳам бизни шу ерга таклиф қилишганди. Улар бизга ўта меҳри-бонлик қилишиб, силаб-сийпалашди. Бу билан балки бугун ёки эртага ӯлиб кетиши мумкин бўлган шўрликларга раҳми келганликлари учун ҳам шундай қилишяпти.

Чўмилиб бўлгач, бизни яна дастурхонга таклиф қилишди. Шаҳарча ҳовлисидағи рақс майдончасида дискотека уюштиришди. Тотли таом ва лаззатли шарбатлар, ўтқир ичимликлар, ўрис ароғига аралаштириб ичилган немис пиволари бизнинг кайфиятимизни чоғ қилиб юборди. Рақс майдонида ўйин-кулги авжга чиқди. Атрофдаги хушрӯй қиз-жувонлар ардоқлаб, меҳр-муруват билан муомалада бўлишади. Бу кўнглимизга шунчалар хуш ёқади. Анча пайтдан бери, ҳаётни шу бугунгидай гўзал кўрмагандик. Айни чоғ инсондай эъзоз топиб турганимни ҳис этдим.

Элчиҳонадан кечқурун қайтдик. Бизга турли-туман ичкилик ва ноз-неъматларга тўла иккита қутини бериб юборишиди.

Элчинадагиларнинг бизга раҳми келиши, жони ачишидан, очиғи, менинг хўрлигим келди.

*4 ноябр 1987 йил*

\*\*\*

Элчинани кўриқлаяпмиз. Эрталаб ёнимиздаги ағон армиясига тегишли постда турган «Сарандой» (ағон аскари) келди. Унинг исми Саттор экан. Москвада ўқиган. Ўрисчани қийналмай гапиради. У хушомадни ҳам жойига қўяркан. Юзи кулиб турибди. Лекин ичидан нима гапи борлиги номаълум. Одам оласи ичидан, дейишади-ку...

Саттор билан анчагача гаплашиб ўтиридик. Тушунчаси унчалик баландмас. Ўзининг фойдасини ўйлайди. Гап асносида бизни унчалик ёқтирмаслигини пайқаб олдим.

– Мусулмонмисан? – деб сўради у.

– Алҳамдуиллаҳ, мусулмонман, – деб жавоб бердим...

– Калима қайтар, – деди.

Калима қайтардим. Чехраси ёришгандай бўлди. Лекин кўп ўтмай яна тундлашди.

– Сен мусулмонсан... Лекин шўрависан (шўро аскари-сан, демоқчи). Сен шўравига бўйсунасан, – деди ғазабини яширишга уриниб. Юзида қаҳр туси жонлангандай бўлди.

– Шўравини ёмон кўрасанми? Агар шўрави бўлмаганда сен аллақачон нариги дунёга равона бўлардинг...

– Ҳеч қачон ундей бўлмасди. Фақат сизлар шундай деб ўйлайсизлар. Аслида эса ундей эмас, – деди Саттор кинояли жилмайиб.

Сўнг унга икки кути консерва, узум шарбати ва қанд бердим. Саттор эвазига бизга наша бериб кетди.

Сатторнинг шўравини ёмон кўриши, жумладан, шўро аскари бўлганлигим учун мени ҳам ёқтирмаслиги маълум бўлди.

*5 ноябр 1987 йил*

\* \* \*

Файзобод. Анорзорларга файз кирган. Полизларда пишиқчилик. Қовун-тарвузлар касмалдакдай-касмалдакдай бұлиб полизда думалаб ётибди. Кузги картошка дейсизми, кечки помидор ва булғор қалампири дейсизми, бесархадлик ичра ястанган ноз-неъматлар, түкін-сочин далалар бизнинг ихтиёrimизда. Яқин-атрофдаги қишлоқларда одам зоти қолмаган. Ҳатто хотин-халаж, қари-қартанг, бола-бақранинг ҳам қораси күринмайды. Ҳуванави, кун ботиш томондаги Денов қишлоғи тепасида қад ростлаган тоғлар этагига қарасангиз, Файзобод ахолисининг күч-күронини ортмалаб кетиб бораётганини күрасиз. Узоқдан худди пастдан юқорига қараб қалин ип тортилғанга үшшаб күринади. Эгри-буғри сұқмоқдан үрмалаб бораётган ахоли иссиқ жойини совитган шунчалар сарсон-сағардан қылған, бизни, шуро аскарини минг бир маломат билан қарғаб бораётганига шубҳа қилмасак ҳам бұлади.

Бу ҳам етмагандай, «одамлар ипи»га оғир артиллери үт очди. Тоғ этагида тутун үрлаб, портлашлар содир бұлды. Ип узилиб одамлар түм-тарақай бұлиб қочди. Мен дурбин орқали снарядларнинг бехато тушаётгани, тоғ ён бағирларидан учқун сачраб, портлаш юз берәётганини күриб турибман. Снарядлар ҳавода ҳам портлаб, тутун из қолдиряпти. Демак, ахоли тепасида шрапнель-игна ёмғир ёғаяпти. Шрапнель снаряд мүлжалга тушмасдан үн-үн беш метр баландликта портлайди. Снаряд ёрилиб, ичидан үн минглаб игначалар ерга ёғилади. Игначаларнинг учи билан тушиши учун кичкинагина парашютчалар үрнатылған. Ҳавода портлаб кетган снаряддан тушаётган игна ёмғирлар одамнинг танасига санчилиб, кириб кетади. Бу курол, асосан, ахолиси зич қишлоқлар, шаҳарларда құлланылади... Нима бұлаётганини ҳеч ким билмайды, атрофда на бир ёнғин, на бир құпорилиш содир бұлмаса-да, одамлар қирилиб кетаверади. Танага санчилған игнача тобора

ичкарилаб боради. Жароҳат олган шүрлик минг бир азоб исканжасида тұлғаниб жон таслим қиласы. Инсон аъзойи баданига қадалган үнлаб игналардан халос булишнинг жанг пайти умуман имкони йўқ.

Ҳозир бизниkilар тоқقا қочиб чиқаётган кишилар тепасидан ана шу қуролни ишлатишиди.

Бўм-бўш қишлоқда хоҳлаган ишимизни қилдик. Қўрғонларга кириб, қўлга илашган нарсани олиб чиқдик. Хонадонларни таладик. Сандиқларни чиқариб ўт қўйдик. Қимматбаҳо матолар, эрони гиламларни машиналарга юкладик.

Файзободда уч қун турдик. Ҳар қуни эрталаб қишлоқдан товуқ олиб келиб сўямиз. Ён теварагимиз эса турли-туман маҳсулотлар етилган полиз. Нонуштага хуштаъм овқат тайёрлаймиз. Туш пайтида қўй (сўймаймиз) отамиз. Гўшт қовурамиз. Қайнатма шўрва қиласиз. Дастурхонда ертўлалардан топилган асал, сариёғ, турли-туман мевалардан тайёрланган мураббо, узум шинниси, хуллас, зиёфатнинг зўри бизники. Қоринни тўқ қилиб тўйдирашиб, узала тушиб ётамиз-да, наша чекамиз. Кейин жазавамиз тутади. Фазабимиз тошади. Кутурамиз. Кимсасиз қишлоққа БМП-2 ва танклардан ўт очамиз.

Кечқурунлари қишлоқ тутаб, ҳар жой-ҳар жойдан ёнғин кўтарилади. Тун бўйи қишлоқ ичкарисида кулбаларнинг, қўрғон томларининг чарсиллаб ёниши қўзга ташланиб туради.

Чўққилар ортига чиқиб беркинган одамлар ўз надонларининг кули қўкка совурилиб, қишлоқлари ўт ичида қолганини кўриб туришганини ҳис қиласиз. Уларнинг бизга қарши хужумга ўтишолмаётганидан хурсанд ҳам бўламиз. Лекин қишлоқда чиндан ҳам душман бўлганда эди, нега биз билан жанг қилмади? Ҳўш, қишлоқда душман йўқ, дейлик, унда нега аҳоли қишлоқни ташлаб тоқقا қочиб кетди?

Биз бу жойларга яқинлашишимиздан олдин, артиллерия қишлоқларни ўққа тутади, самолётлар бомбар-

димон қиласы. Омон қолған ақоли жонини сақлаш учун қишлоқни тарқ этишга мажбур бұлади-да.

Биз кейинги пайтлар, очиғи, босқынчилик урушини олиб боряпмиз.

10 науыбр 1987 йил

\* \* \*

Эртага батальондаги офицерлардан бири жұнаб кетади. Юкларини казармадаги омборхонага олиб келиб қўйди.

Ҳар бири эллик – юз килолик юкка мүлжалланган тўртта улкан боғлама жомадон, иккита япони дипломат ва иккита жанг тўрва. Кечқурун ҳалиги офицерни қисм дўкони ёнида учратдим. Казармага бирга келдик. Омборхонага кирдик.

У билан кўп бора оғир жангларда бирга бўлганмиз. Мард, қўрқув нималигини билмайди. Майдадчуда гап қилиб асабингга ҳам тегавермайди.

У омборхонадаги аскарга жомадонлардан бирини очиб, ичидан бир литрлик «Столичный» ароғини олиб беришни буюрди. Биз ароқни майдалаб, бир қўл кўтардик. Иккинчи қўлни ҳам индамай ичдик. Учинчи гал офицер эртага кетишини айтди, мен билан хайр-хушлашди. Курскка борсам, албатта, уйига киришимни, у ерда ота-онаси, оиласи яшашини айтиб, манзилини ёзиб берди. Тўртинчи қўлда мен ҳам унга оқ йўл тиладим.

Битта «бир литрлик»ни охирлатдик. Кайфимиз авж. Дунёда офицер билан икковимиздан ўзга бир-бирига иноқ ва меҳрибон одам йўқ. Гира-шира эслайман, дипломатларнинг бирини оч, деди. Мен стол устига олиб келиб дипломатни очдим. Дипломат ичи қора дорига лиқ тўла. Биз кулчадай қора дорининг уватиб «Ростов на Дону» сигаретига юкладик.

...Кейин нима бўлганини билмайман. Мана, ётибман. Бошим тарс ёрилай деяпти. Рота тушки овқатланишга

кетибди, чоғи, казармада сув қуйгандай сукунат, ичим ёниб кетяпти. Қорним оч. Ринат келса, бирор егулик топиб келишини илтимос қиласан.

*20 науябр 1987 ыйыл*

\* \* \*

Чорикорда бўлиб ўтган жангнинг тафсилотини ёзишнинг ҳожати йўқ... Шармандалик. Взводнинг teng ярми қирилиб кетди. Тирик қолганларнинг барчасини мукофотга ёзишди.

Қочиб чиқдик. Шип-шийдам боғлар ичидаги ўлика ва ярадорлар тўлиб кетди. Қочиб чиқаётуб ўқеб қулаган ўз аскарларимизни БМП-2 ва танклар билан босиб ўтишга мажбур бўлдик. Разведкачилар взводидаги Сасин деган дўстимнинг мурдасини БМП-2 мажақлаб, эзғилаб ўтганда, телбанамо кўйда бақириб юбордим.

На илож, қочиб чиқишимиз керак эди. Душман сиқувга олди.

Кейин, жангдан сўнг узоқ музокаралар бошланди. Катта пул ва яна алламбалолар эвазига мурдаларни сотиб олдик. Ярадорларни эса душманинг тирик колдирмаслиги аниқ. Минг азобда хўрлаб ўлдиради, бошини кесишади ёки уятли жойи – ички аъзоларини кесиб ташлашади. Хуллас, биз ярадорларни эмас, ўликларни қайтариб ололдик. (Ярадорлар йўқ эди, гўё...) Икки нафар аскар бедарак йўқолди. Қанчалар музокара олиб борилмасин, ҳеч қандай натижада бермади...

*1 декабр 1987 ыйыл*

\* \* \*

Панжшер тоғларидан ҳеч качон талафот кўрмай қайтмаганмиз. Афғонистондаги энг даҳшатли ва қўрқинчли жой – шу ер.

Уч кун олдин Панжшерда бўлдик. Бизни вертолётдан ташлашди. Миномётчилар, разведкачилар ва сайёр-

лардан сүнг бизнинг вертолёт белгиланган жойга учиб келди. Тоғдаги яссироқ жойни мұлжаллаб вертолётдан сакрай бошладик. Тоққа тушишим заҳоти жанг тұрвамга кетма-кет үқ тегди. Душман бизни кузатиб турганини англаб, үзимни харсанг панаңига олиб, бошимни күтартмай ётдим.

Хавотир аралаш вертолётта қарадим. Эшикдан Нурмахон сакради. Сакраш учун навбат кутиб турғанлар Ахмадулин деган туркман, бухоролик отдошим ҳамда взвод командири, лейтенант, тожикистонлик Бахтиёр Акрамовга құзим тушди.

Шу пайт тепамизда қулоқни қоматга келтирап дарајада панқиллаган овоз әшитилиб, кучли портлаш содир бүлди-да, вертолёт оловга айланди. Олов ичиде теварак-ка чирпираб учган темир парчаларига құзим тушди.

Мен ётган жойимда құзимни чирт юміб, қулоқларимни беркитиб олдим.

Вертолёт титилиб, лахча-лахча чүфта айланиб кетди. Бошимиздан темир-терсаклар туша бошлади. Дүстларимизнинг мурдаси парча-парча бүлиб қолғанди.

Панжшерда қақшатқыч жанг бүлди. Мен құрқувни унүтиб, қаҳри ғазаб үтида ёнардим. Ёнгинамдан учәёт-ган үқларга ҳам парво құлмай қўйдим. Каражт аҳволда душмандан үч олиш учун үқни аямасдим. Кейин нима қилиш лозимлигини хаёлимга ҳам келтирмадим.

Пастдан, батальон штабидан ялангликка тушишимиз ҳақида алоҳида буйруқ беришди. Мен тоғдан тушаётиб паналамадим. Бекинмадим. Очифи, үққа учишга ҳам рози эдим. Бошим зирқираб оғрир, қулоқларим ҳеч нарса эшитмасди.

Қисмга келиб, үн кун полк табобат пунктіда даволандым.

Янги йил киришига оз қолди. Тезроқ тугасайди.

\* \* \*

Техника паркида қоровулда турибман. Нарвон орқали кузатув жойига чиқдим. Ярим соатдан кейин постни топшираман.

Қишлоқ томондан кимнингdir қораси күринди. Мен қисмнинг нон заводида ишлайдиган аскарлардан бири бўлса керак, деб ўйладим. Нон завод техника парки билан ёнма-ён.

Ҳалиги шарпа яқинлашиб келяпти. Мен ундан паролни сўраб қичқирдим. У жойида тақатақ тўхтади. Қимир этмай туриб қолди. Сўнг яна нон заводи томон қараб юра бошлади. Мен парол неча эканлигини айтиб, яна қичқирдим. Қора шарпа энди тезлашди. Заводга қараб югуряпти. Паролни айт, тўхта, деб яна уч марта қичқирдим. Тепасидан огоҳлантириб ўқ уздим. У тўхтамасдан физиллаб югуряпти. У завод ҳовлисининг деворига тирмашди. Хаёлимдан қишлоқдан чиқиб келган душман заводни портлатиб юбормоқчи, деган ўй ўтди. Қоронғида қисм аскарлари бу ерларда тимирскиланиб юрмайди, қолаверса, қора шарпа қишлоқ томондан келди. Мен уни мўлжаллаб кетма-кет ўқ уздим. Шарпа девор устидан гу-пиллаб қулади.

Нон заводи ҳовлисидан югуриб чиққан аскар сўкина-сўкина қора шарпа қулаган томонга қараб чопди. Мен ҳам кузатув шийпончасидан нарвон орқали пастга тушиб, новвой аскарнинг ортидан бордим. У ўққа учган ҳалиги нотаниш кимса тепасида турибди. Гугурт чақдим. Юрагим ўйнаб, сесканиб кетдим. Қисқа лаҳзалик гугурт чўп ёруғида жун босган юзидан соқоли аралаш қон оқаётган, жонсиз нигоҳлари бақрайиб қотиб қолган мурданнинг аянчли қиёфасини кўрдим.

– У мендан ҳар кеча нон сотиб оларди, сен ярамасни огоҳлантириб қўйсан бўларкан, – деди новвой тўнғиллаб. – Ярамас экансан, абллаҳ, у ҳеч кимга ёмонлик қиласди. Бизга Кобулдан у-бу нарсаларни ҳам шу одам

олиб келарди. Яқында уйга кетаман, менга Кобулдан кийим-кечак, совға-салом олиб келиб бермоқчиди... Сен унинг бошига етдинг... Эсингдан чиқдими, мендан сув текинга кроссовка ҳамда панасоник сотиб олган эдинг? Уларни мана шу, Исмоил олиб келган эди. Энди нима қиласиз? Нега қоққан қозиқдай бўлиб турибсан?

- Нима ҳам қилардим, қисм навбатчисига айтаман. Барибир у билиши керак, - дедим.

- Йўқ, асло ундей қила кўрма, дўст. Сен сотқин эмассан, офицерларга аскарни сотмайсан. Номард эмассан, шундай эмасми? Агар айтсанг, мени қамашади. Ахир, яқында уйга кетаман. Жон дўст, ундей қилмагин...

У ялина бошлади.

- Кўп чайналма! Мурдани нима қиласан? Ҳозир менинг қоровуллик вақтим тугайди. Бошқа аскар келади. Бу сирингдан яна бошқа бир одам ҳам хабар топади, - дедим совуққонлик билан.

Аскар мурдани техника паркининг бурчагидаги ахлатхона ёнидан чуқур қазиб қўммоқчи бўлди. Мен, нима қилсанг, қилавер, ўзинг биласан, деб қўл силкидим.

28 декабр 1987 йил

\*\*\*

Эрталаб қисм ҳудудига снаряд келиб тушди. Душман ҳаво ҳужумига ўтди. Полқда ваҳима бошланди. Доимо биз бостириб борардик, шу пайтгача аввал душман ҳамла қилганини сира кўрмаганман. Бунинг устига, нақ қисм ҳудудини бехато нишонга олишяпти.

Тушликкача тўс-тўполон, ҳаво жанги тинмади. Вақт пешиндан оққач, тинчиidi. Қисм атрофидаги маҳсус ертўлалардан чиқиб, казармаларга йўл олдик. Кутилмаганда, қўққисдан қилинган ҳужум довдиратиб қўяркан.

Бугун кечқурун кун ботардаги, душман бизга ўт очган Пагман тоғ тизмаларига жангга чиқишимиз ҳақида ха-бар тарқалди. Биз тайёргарлик кўраяпмиз.

Янги йил кечаси жангга чиқиб, саргардон бўлиб юриш ҳеч кимга ёқмаяпти. Байрамнинг ҳам расвоси чиқди.

Аскарлар ошхонасида Янги йилни кутиб олиш учун зўр тайёргарлик кўрилаётганди. Буям қолди, энди. Оши мизга заҳар қўшилди.

Минг лаънат бўлсин, бундай ҳаётга. Урушнинг ҳар бир дақиқасида режаларинг бузилиб, остин-устин бўлиб кетади.

Тақдиринг урушнинг қўлида. Сен урушнинг қўлидаги куролсан.

*31 декабр 1987 йил*

*Кечки соат 21.30*

\*\*\*

Бугун синглимнинг туғилган куни. Ҳозир ётоқдаги талаба дугоналари, teng-tўslari билан туғилган кунини нишонлаётгандир. Мени эслаяптимикин? У менга меҳрибон эди. Ҳар ҳолда кўнглининг бир бурчагида хижиллик тугуни қотиб турган бўлса керак. Ҳа, шундай, дунёning аллақайси жойларида қон оралаб юрган жигарини сингил айнан мана шундай кунларда кўпроқ эслайди.

Синглим, туғилган кунинг билан кутлайман. Ҳеч қаҷон бу ҳаётда ғам кўрма. Бу ҳаётнинг қайғу-аламларининг барчасини мен елкалаб кўрдим. Керак бўлса, бутун авлод-аждодимга етарли ғам юкини кўтардим. Сизлар, ҳаммаларинг учун тақдирнинг заҳар-закқумини татиб кўрдим. Менга бу ҳаётнинг қизифи қолмади. Баъзида жонимдан тўйиб кетаман. Игна еган итдай типирчилаб, жоним оғриб, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Ҳар куни кўркув, ҳар куни жонингни ҳовучлаб, ичингда Худога илтижо қилиб яшаш, асабларингнинг зор қақшали... э, қўй, нимасини айтайин, турган-битгани азоб.

Бугун, мана шу ёниб кул бўлгур Чорикорда бўлдик. Ҳар бир дараҳт бизга ўқ отади, ҳар бир уй бизни курол

билан қарши олади. Ердан ҳам ўқ ўсиб чиққандай бўла-ди. Кўқдан ҳам ўқ ёғади. Даҳшат. Дўзахнинг ўзи шу Чори-кор. Жоним ҳалқумимга келди. Ана ўлдим, мана ўлдим, деб кунни ўтказдим.

Синглим, қўркув – ёмон туйғу. Йигирмага кирмай со-чим оқарди. Қошларим ҳам оқариб қолибди. Ҳар доим жангга киришдан олдин нафасим қайтиб, ичимдан бир нарса узилиб кетаётгандай бўлаверади.

Синглим, сени, уйимизни, ота-онам, қишлоқдошли-рим, дўсти-ёрларимни эслаб кўнглимни соғинч ўти ўр-тайди. Худога шукр, Сизлар соғ-омон, тинч, эмин-эркин ҳаётда яшаяпсизлар. Шунинг ўзи катта баҳт.

Сингилжон, мен сенга ана шу боқий баҳт, тинчлик, хотиржамлик ва омонлик тилайман.

27 феврал 1988 йил

Кечки соат 21.00.

\* \* \*

Чорикор жангидаги кўп талафот кўрдик. Бугун кун бўйи БМП-2 билан Баграм госпиталига ярадорларни ташидик. Уларнинг айримлари госпиталга етмай, ярми йўлда жон берди. Шўрликларнинг оғриқнинг зўридан буруқсиб, кўкариб гезарган юзига, нури сўниб бораётган олаза-рак кўзларига қарашиб нақадар даҳшат. Худди мен уларни ҳаётда олиб қоладигандай, айримлари мажолсиз қўлла-рини чўзиб нимадир дейишади. Баъзилари алаҳсийди, чинқиради, сўкиниб бақиради. Хаёли киарали-чиқарли бўлиб, жон талвасасида ўлим билан олишишади. Сўнгги бор ҳаётга разм солмоққа чоғланган кўзларининг қора-чиқлари кенгайиб бораверади ва туйқус бир нуқтада қо-тиб қолади.

Биз ярадорларни ташияпмиз. Кеч кирди. Жанг туга-ганга ўхшайди. Қисм Баграм йўлига чиқди. Шу ерда ту-найдиган бўлдик.

Уйқум келмаяпти. Қовоқларим оғирлашиб, асабим та-ранглашыпти. Ринат қисм врачи ва менга бир тортимдан ҳалиги исқотидан узатди. Чекдик. Енгил тортдик.

**28 февраль 1988 йыл**

**Тунги соат 2.00.**

\*\*\*

Бугун байрам. Рота командири, мен, разведкачилар взводидаги Сергей Кобулга келдик. Дивизия штабига аллақандай ҳужжатни топшириш керак. Командир қисмимиз остонасидаги каби құриқчилар сергак ва шай турган дарвозадан атрофи баланд деворлар билан ўраган дивизия штабига кириб кетди.

Офицер ҳадеганда чиқавермади. Бир қисмдаги аёлларга совға олиш учун йўл четидаги дўконга кирдик. Полк табобат пунктидаги Аняга чиройли рўмол совға қилмоқчи бўлдим. У менга неча бор яхшилик қилди. Неча бор даволади. Опамдай меҳр қўрсатди. Аня билан оғир жангларда ҳам бир неча бор бирга бўлдик... Шундай кунда уни эсламаслик нодонликдан бошқа нарса эмас. Бошқаларни билмадиму, мен шундай ўй билан дўконга кирдим.

Дўконда қимматбаҳо моллар пала-партиш ҳолда айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Юзига қора чодир тортиб олган дўкончи аёл биз киришимиз билан бурчакка бориб турди. Сергей раста устидаги мато ўлчагич чўпни олиб дўкондаги у-бу нарсаларга теккизиб, нархини сўрагандай бўлди. Аёл терс қараб нимадир илди-да, яна биз томонга бурилиб миқ этмади. Мен билганимча афгончалаб, ундан бизга чиройли зар рўмол танлаб беришини сўрадим. Аёл индамади. Юзига тортилган паранжи тўридан қиёфасини қўришнинг иложи йўқ.

– Гунгмисан, нега гапирмайсан? – деб ўшқирди Ринат.

Сергей ўрисчалаб чап-чапаничасига сўкинди. Мен аёлга яна нимадир демоқчи эдим, унинг «Сенларга ҳеч

нарса бермайман, дүконимни ҳаром қилмандар», деган маънодаги гапини англадим.

– Кетдик бу ердан. Бошқа дүконга кирамиз, – дедим Сергейга.

– Нега?

– Юрсанг-чи, гапни кўпайтирмасдан...

Сергей билан Ринат раста устидаги қимматбаҳо молларни атайлаб аёлнинг жигига тегиниш учун титкилай бошлишди. Сергей қўлидаги ўлчов чўпни аёлнинг юзига теккизиб паранжисини сидирмоқчи бўлди. Аёл жаҳл билан бошидаги паранжисини олиб ерга улоқтириди-да, ўнг қўлини ҳаволатди. Учаламиз ҳам бир зум қотиб қолдик. Юзи ойдай тип-тиник, кўзлари юлдуздай ёниқ ва чиройли, қошлари гулгун юзига муносиб, қайрилма киприк бу санам қўлида ҳалқаси суғурилган Ф-1 гранатасини ушлаб олган эди.

Мен турган жойимда қалтираб кетдим. Оний ҳолатда агар биз буни отиб қўйсак, қўлидаги ҳалқасиз граната тушиб кетади, биз ҳам ҳалок бўламиз, деган хаёл ўтди...

Сергей ўзини эшикка урди, ортидан Ринат қочиб чиқди. Мен жойимда қотиб турибман. Қиз қаҳрли жилмайиб, қўлидаги граната ҳалқасини жойига қўйди. Чаққонлик билан раста устидаги паранжисини бошига илиб, гранатани ушлади. Мен ўнгайсиз ҳолда орқага тисарилиб эшиккача бордим. Эшикка етишим билан шарт бурилиб, машина томон югурдим. Сергей ва Ринат БМП-2да мени кузатиб туришган экан. Хатти-ҳаракатимдан қотиб кулишяпти.

Мен сўкиниб машинага чиқдим. Қўра-била туриб ажал билан ўйнашганимиз – аҳмоқликдан бошқа ҳеч нарса эмас.

– Энди полкка қўлимизни бурунга тиқиб бораверамизми, – деди Ринат.

– Нима, бурнингга граната тиқилишини хоҳляяпсанми? – дедим ғазабим қайнаб.

– Намунча юрагинг ёрилмаса, ана, бошқа дўконлар бор-ку, – деди Сергей.

– Мен ҳеч қанақа дүкон-пүконга кирмайман. Дүкони бошини есин.

Командир дивизия штабидан чиққач, йўлга тушдиқ. Сергей командирни нимадир деб авради шекилли, машина одам гавжум бозор ёнидаги чорраҳада тұхтади. Афғонлар бизга ёвқарашиб қилиб, айримлари қизиқсинашынб қараб ўтиб кетяпти. Қаршимиздаги дүконларни соғувчилар бизни күриши билан тақа-тақ ёпиб, эшик ва дераза устидан том ёғочларига боғланган қамиш түсиқ бүйрани ташлаб қўйишади. Кўнглим бир нохушликни сезди. Сергей билан Ринат норизо оҳангда нималардир деб тұнғиллашади. Офицер бепарво. Атрофни шунчаки, эринчоқлик билан кузатиб сигарет тутатяпти. Афтидан кеча кўп ичворганга ўхшайди, юзи шишинқираган, тунд, кўзи қизарган. Ҳафсаласиз ҳолатда ўтириби.

Сергей машинадан тушди. Дүконлар томон юра бошлиди. Ўн беш қадамлар юриб ортига бурилиб, Ринатни имлади. Шу пайт кетма-кет чийиллаб учган ўқ овози эшитилди. Дүкондор бўйра билан тўсилган дўкон ичидан туриб Сергейни отиб ташлади. Сергей турган жойида ток ургандай силтаниб-силтаниб йиқилди.

Биз ўзимизни машина ичига урдик. Мен пушкани тўғрилаб дўконга ўт очавердим. Ринат машинани Сергеининг жасади ёнига ҳайдади. Мен ўқ отиб тўсиб турдим, командир тушиб, Сергеининг жасадини машинага олди.

Бозорни қоқ ёриб, дуч келган кишини босиб, отиб, дўконларни вайрон қилиб, полк йўлига тушиб олдик.

Қисмда Кобул йўлида бизга хужумга ўтди, деган гап тарқатдик.

Қисмдаги бошлиқлар биздан бошқа ҳеч нарса сўрашмади. Топшириқни бажариб, мардонавор жанг қилганимиз учун миннатдорчилик билдиришди. Сергей эса ўлимидан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди.

\* \* \*

Апрел ойигача жангга чиқмадик. Қисмда жуда күп бемаъни воқеалар содир бўлди. Ичкиликбозлик, олди-сотди, полкдаги нарсаларни ўғирлаб, яқин атрофдаги қишлоқларга олиб боришлар, гиёхвандлик, ҳатто полк худудида аёллар модулидаги айтишга тил бормайдиган гап-сўзлар... Буларнинг бари шунчалар зерикарли, айни дамда даҳшатли эди. Мен ақлдан озиб қолишим мумкинлигидан хавотир ола бошладим. Ҳар дақиқа хаёлимда ўз уйим, ота-онам, яқинларим гавдаланиб тураверар, соғинч ҳисси юрагимни ўртаб, азоб-уқубат ўтида қовуради.

Орада бир марта жангга чиқдик. Ўт-олов ичида яна бир неча дўстларимиздан жудо бўлдик. Такдирда бор экан, шу сўнгги жангдан ҳам омон чиқдим. Энди уйга кетишга тайёрланаман.

Ўн кун ичида менга жавоб беришлари маълум бўлди. Шу ўн куннинг ўтиши эса... нечоғлик қийин кечаетганини билсангиз эди...

**4 май 1988 йил**

\* \* \*

...Ва ниҳоят Кобул аэродромидаман. Юк ташувчи самолёт келиб кўнди. Икки юзга яқин аскарни юк ташувчи «Ил»га чиқаришди. Мен ҳарбий билетимни назоратчи кўлидан олиб, самолёт зинасига оёқ қўйгунимча уйга қайтаётганимга ишонмайман. Мана, самолётга чиқдим. Юрагим қинидан чиқиб кетай деб, гупиллаб уряпти.

Самолёт ўрнидан кўзғала қолсайди... Мана, самолёт ҳаракатга келди. Ҳозирча у ерда. Тезлашди. Э Худойим, тезроқ ҳаволасайди... Ердан кўтарилди. Ишқилиб душман «РС» снарядлари урилмаса бўлди. Самолёт учяпти. Ҳали у осмонда. Мен уруш деган жаҳаннамни тарқ этаётганимга ишонмаяпман. Э Худойим, тезроқ афғон худудидан чиқиб кетсайдик... Ҳеч ким миқ этмайди. Икки юз чоғли аскарнинг бари бир нуқтага тикилиб, сукут сақлаб

келяпти. Ҳар бири омон-эсон қўнишимиз учун Худога илтижо қилаётгани аниқ...

Самолёт бир силтанди. Жон-поним чиқиб кетди. Қисм-дагиларнинг ҳам юзида ранг йўқ. Ўпкам узилиб кетгандай бўлди.

Самолёт мотори ғириллаб овоз чиқаради. Палапон-лардай бўлиб икки юз чоғли аскар юқ самолёти ичидагиримизнинг пинжимизга тиқилиб, қўнишиб турибмиз. Шу икки юз чоғли аскар дини, миллатидан қатъи назар битта сўз, битта ном билан бир-бирига боғланган – аскар! Бир-бирига биродар, бир-бирини тушунадиган, қай бирининг айни дам ҳаёти ҳавода учәётган мана шу самолётнинг бешикаст ерга қўниши билан боғлиқ – аскар!..

...Ва ниҳоят самолёт моторининг гуриллаши ичра радиоалоқада учувчилардан бирининг ҳаяжонли овози янгради.

– Азиз жангчилар! Биродарлар! Сиз учәётган ҳаво кемаси СССР чегарасини кесиб ўтди. Табриклаймиз!!!

Мен бошқа сўзларни эшитмадим. Беихтиёр ўрнимдан сапчиб туриб бақириб юбордим. Ёнимдагилар ҳам бор овоз билан бақиришар, ўкириб-ўкириб йиғлашар, бир-бирини кучоқлаб юз-кўзларидан ўпар, худди оғир жангдан сўнг телбанамо бўлиб йиғлаган каби ўзимизни йўқотиб қўйгандик. Самолёт қўркув ва оғриқлардан сўнг шодлик қаршисида ич-ичидаги тўкилиб йиғлаётган аскарларнинг қийқириғини олиб, тинч ва осуда осмон узра учиб бораарди. Бу менинг ҳаётимнинг ҳеч бир шодиёна ва бахт билан алмаштириб бўлмайдиган энг қувончли дақиқалари эди...

Буни ўша самолётда мен билан бирга учган икки юз нафарга яқин аскар, умуман, ўз уйига урушдан қайтаётниб, ўз Ватани сарҳадини кесиб ўтган жангчилар яхши англашади...

**1988 йил 14 май, Тошкент,  
Талабалар ётоқхонаси**

### ЖОНТОМИР

Куёш оғди. Осмон аланга олди. Тоғлар уфқда чўқди. Чўққилар чўғланди. Борлиқ кузак измида. Боғларда сарик ва қизғиши ранг қоришиқ. Айрим дараҳтлар япроғи тиллотус, айримлари ол-алвон. Мезоноҳанг шамоллар оғушидаги жавониб кузак қўшиғини куйлаяпти. Мен ана шундай гўзал манзара – Яратганинг жонли суврати бағрида ҳаяжон ила қишлоқ йўлига қадам қўйдим.

Ҳазорбоғ канали кўпригидан ўтдим, ахир, бу ёғи она-қишлоғим.

Соғинган эканман. Юрагимда мунгли бир оҳанг мавжургандай бўлади.

Йўлнинг икки четида тизилган тутлар болаликда менга худди қўриқчилардай таассурот уйғотарди. Қишлоққа олиб кирадиган ҳам, олиб чиқадиган ҳам шу – тутзор эди. Ким билсин, шунинг учун ҳам мен тутларни қўриқчиларга ўхшатган бўлсан керак-да, ёпирай, орадан шунча йиллар ўтибдики, ёшим элликдан ошса-да, қишлоқ йўлига шундай тасаввур билан қадам босдим, тутлар қўриқчи, бироқ бу қўриқчилар сийраклашиб қолибди, йиллар тўфони, вақт бўрони буларни ҳам қўпориб-йиқитибди.

Туткўчадан ўтдим. Уйлар бошланди. Мен ҳар бир хонадонни, шу уйлар соҳибини яхши биламан, тўғри-да, қишлоқ кичкина бўлгандан кейин биласиз-да.

Мана, манави уй Тожи тракторчиники, буниси Ҳайдар бобоники, манави уй эса Сафар аканики, ёнидаги Нурилла акам (отамнинг укаси у киши, мен ака дейман), наригиси Тоштемир табелчи, Ғайбулло, Хуррам, Тошқин, Олламурод... ва ҳоказо.

Нурбой бобонинг уйи... Нурбой бобонинг уйи ёнидан бепарво ўтиб кетолмайман. Шу уйнинг олдидан ўтаётсам

мен үзимни бу дунёда ортиқчадай, гуноқкордай сезаман. Шу уйнинг рўпарасига келганда қадамларимни тезлаштираман, нигоҳимни қаршимдаги улкан тоғ тепасида худди пахса билан тиклангандай ажралиб турган «девортө» томон қадайман, юргилаб-югуриб ўтаман. Ҳовлидан Нурбой бобо чиқиб қолмасин, дейман, Нурбой бобонинг мунгли нигоҳи, изтиробли чеҳрасини кўрмайин, дейман, э Худо, шу бир бурдагина бўлиб қолган, ожиз бир чол қаршисида шунчалик азоб чекаман, худди гуноқкордай үзимни кўярга жой тополмай қоламан-а? Шу боис ҳам бу ҳовли қаршисида гўёки катта бир гуноҳ юкини кўтариб ўтган каби оёқларим қалтирайди, тиззаларимдан мадор қочади.

**Сабаби?**

Сабабими? Сабабининг сизга қизиги йўқ. Үзимга тегишли. Сиз барибир тушунмайсиз.

Нурбой бобонинг ёлғизгини ўғли бор эди. Исли – Жонтомир. Мендан икки ёш катта эди Жонтомир. Болаликда жуда чаққон, абжир, уришқоқ, полвон эди Жонтомир. Кийимнинг яхисини кияр эди Жонтомир. Велосипеди ҳам зўр эди Жонтомирнинг. Бизнинг «велигимиз» Урал, уники эса «Салют». Агар бизники ҳам «Салют» бўлса, уники «моторливелик», мопед бўларди. Мен отамга айтишдан кўрқардим, энамга нолирдим: «Мен шу Жонтомирча йўқманми, нима учун унинг ҳамма нарсаси зўр, менини ундеймас, менга ҳам чармли копток олиб беринглар...» Ҳовлидаги югар-югурдан тинкаси қуриган энам эса мени гап билан узиб-узиб оларди: «Жонтомирга баҳс қилганча, кўчани ҳеч кимга бермай шаталоқ отгунча ўқи, одам бўл... Жонтомирга ўхшаб етти қиздан кейин туғилган арзанда бўлганингда эди, отанг от, энанг арава бўларди, сен бизни бемалол тепкилаб миниб юраверардинг. У Нурбой муаллимнинг ёлғизи, алласидаги азизи, тўрвасидаги майизи... Эркатойлик эркакнинг ишимас, дуппа-дуруст йигит бўлиб қолдинг. Ундан кўра далага жўна, отангга ёрдамлаш... Сен етти сўқим (бизлар етти фарзанд эдик) ни боқаман деб тинкаси қуриди, бечоранинг. Қизинг қиз-

дай, ўғлинг ўғилдай бўлмадинг, ҳей-ей, ўлиб кет баринг...» Қизиқ, энамнинг ҳамма гаплари қулоғим остида жаранг уради, бир гапини эсласам бас, қолган гаплари бирдан хотирамда тикланиб, тирилиб қолаверади...

Хуллас, Жонтомир билан иккимизнинг орамиздаги тафовутни болалигимда, энамнинг дакки-пандидан сўнг англағандай бўлганман.

Жонтомир ўт-олов, қули кўкда, оёғи ерда, бўроннинг белини буқадиган бола эди. Ўнинчи синфга қўчганда, донғи Доғистонга етгудай полвон бўлди. Болалигимизда тўйлар курашсиз ўтмасди, элнинг ори – полвоннинг бори замонлар эди-да. Сурхондан Қаршигача, Қаршидан Ғузор, Бойсун, Душанбегача кураш истаб изғирдик, ўсмирикнинг билагида тоғни қайириб ургудай шиддат жўшган паллалар, денг. Барibir Жонтомирга етгулигимиз йўқ эди, унинг олдида айтгилигимиз йўқ эди – Худо берган бир нимаси бор эди унинг, эгнига тортса, «бўйинчилга» олса бас, Боботогни ҳам бўйнидан ошириб урадиган азamat эди.

Кунни тун қувди, вақт ўтди. Йигитни синайдиган яна бир палла келди – Жонтомир ҳарбий хизматга кетди, қишлоқнинг довруғи пасайиб қолгандай бўлди, ким билсин, ўша дамлар менга шундай туюлгандир, ҳар ҳолда жавониб атрофдаги қишлоқлар ёки туман марказидаги жўжахўролар хезланиб йўлимни тўssa, Жонтомир акам бўлади, десам ортга бир силтанишлари, менга ўсмириона қизиқиш билан қарашлари ҳам бор гап эди.

Нурбой муаллим тарихдан сабоқ берарди. Бир куни дарс тугаши арафасида эшик тақиллаб қолди. Кудрат почтачи синф эшигидан бош суқиб илжайди. Шошиб қолган муаллим гапини йўқотиб қўйди-да, эшик томон йўргалади.

– Кечирасиз, домла. Мактабга газета опкелувдим. Сизга полвондан хат бор эди, ташлаб кета қолай, дедим.

Муаллим хатни олиб кўзларига яқин олиб келди, мижжаларида ёш қалқди. Кудрат почтачини бағрига бошиб, эҳтиром кўрсатиб, ташаккур айтди.

Муаллим жойига қайтиб, курсига чўкди. Бу дунёдан тамом узилиб, мактабу дарси-дардини ҳам унуган кўйи хатни ўқишига киришди. Ўзича жилмайиб-жилмайиб қўяди, бош ирғайди. Биз юқори синф ўқувчилари муаллимни қизиқсиниб кузатиб турибмиз. Ўз фарзандидан ғуурланиб, етти қават фалакка бўй чўзиш онларидағи парвозий масур дамларни бошдан кечираётган муаллимнинг қалбидаги севинч уммонини ҳали оталик баҳтини татиб кўрмаган биз – гўдакўсмирлар қайдан ҳам ҳис қиласадик?!

– Муаллим, полвон акам нима деб ёзибди?

– Муаллим, Жонтомир акам армиядан янаем зўр полвон бўлиб келади.

– Полвон акам у ёқда ҳам кураш тушяптимикин?

– Акамга тенг келадигани йўқ, муаллим.

Муаллимнинг ёлғиз ўғлидан хат олиб, димоғи чоғ бўлиб турганини ҳис қилган айёргина болалар атайлаб дарсни четга суриш учун ҳам пайдар-пай савол ёғдиришарди, гапни чўзишарди. Нурбой муаллим ҳам илк дафъа сабоқдан чалғибди. Чехословакияни мақтаб, таърифиға тасанно ёғдиради.

– Полвон акаларинг ҳозир Чехословакияда хизмат қиляпти. Олти ой бўлди, бу ернинг ҳавосига ўрганиб қолдим, дебди. Сизларга ҳам салом айтибди, – дейди хушу беҳуш илжайиб.

Саҳар пайти уйғондим. Эшик очилиб отам печкага ўт қалашга уринди. Унинг ортидан энам ҳам кириб келди-да, шундоқ остонаяга чўкди. Энам нимадир деб иҳранди – овози сўниқ чиқди. Кўрпани қиялатиб отамга разм солдим. Отам олов олган печга тикилиб тош қотиб турибди. Елкалари учеб-учиб қўяди. Ташқарида қаҳратоннинг қаҳри қўзиб шамол увиллагандай бўлди, йўқ, энам йиғлаяпти, энамнинг йиғисини шамолнинг ҳуштаги босиб кетяпти. Қўрқиб кетдим. Ўрнимдан шаҳд туриб чироқни ёқдим. Қарасам, отам ҳам йиғлаб ўтирибди, энамнинг кўзида ёш, ўпкаси тўлиб, титраб қақшаяпти.

– Нима бўлди? – дейман эсанкираб. Бутун аъзойи-баданим сесканиб кетади.

Отам жим. Энам лол.

– Нима бўлди, – дейман ҳансираф, бошимда оғриқ туриб, ичимга кўркув қиринди солади. – Нима бўлди? Катта энам ўлиб қолдими?

– Полвон акангдан айрилибмиз. Жонтомир ўлиди, болам. Жонтомирнинг ўлигини олиб келишаркан.

Ўшанда илк бора бошимда чақин чақиб оғриқ турган, кўз олдим хира тортиб, ичимга ўт тушган. Айвонга чиқиб сатҳи муз қотган челакдан чўмичда муздай сув олиб ичганман... Кошки ичимдаги олов пасайса, грангифат ҳолда яна уйга чопиб кирганман. Энди энам овозини қўйиб уввос тортиб йиғларди. Акам билан опам ҳам ўзини ташқарига уришди. Укаларим бурчакда тиқилиб зирнола энамдан кўз узишмасди.

Акам шу заҳоти Нурбой муаллимнига қараб югурди. Отам билан иккимиз ҳам унинг ортидан йўлга тушдик.

– Ота, нега ўлади, шундай полвон-а, ўлаверадими? – дейман ўзимни базўр тутиб.

– Уйи куйсин, ўзи ўлсин, шу урушни бошалаганларнинг.

– Қайси урушни ота?

– Афғонни-да, афғондаги урушни айтяпман.

– Ота, нимага афғон урушини гапиряпсиз?

– Полвон акангни, Жонтомирни шу уруш ўлдирди-ку... Жойимда қотиб тураман.

– Ахир, Жонтомир акам Чехословакияда эди-ку...

– Ҳечам. Афғонда экан. Шўрлик бола, ота-онаси, ҳаммамизни ташвиш чекмасин, деб алдаб хат ёзаркан. Уф-фей, болам, шундай йигитни-я, бир бечоранинг ёлғизгина ўғлиниям афғонга юборишадими-а?

Жонтомирнинг жанозасида қишлоқ бир қалқиган, бир бора куйиб-кул бўлган ўшанда. Одамлар фарзандини ҳарбийга жўнатишга кўрқиб қолишганди, афғон деса бутун аҳли қишлоқнинг юраги зирилларди.

Қиши кетиб баҳор келди. Нурбой муаллим одамови бұлиб қолғанди. Онда-сонда дарсга кирган маҳали ҳам бир нүктага термилиб үтиради. Мактабнинг эң катта болалари, биз үнинчи синф үқувчилари муаллимнинг күнглига оғриқ солмасликка, уни тушунишга ҳаракат қылардик. Шунинг учун муаллимдан у-бу нарсаны сұраб үтирмасдик, дарс мавзуларини ҳам китоб саҳифаси бүйіча үзимиз тайёрлаб бораверадик. Бир куни мактаб ҳовлисіда аллақандай тадбир бұлаётганди. Нурбой муаллим стадионда құр тортиб турған үқувчилар сафини ёриб үтди-да, үртага чиқди. Жилмайиб турди, сұнgra қаҳ-қаҳ отиб кулди. Давра түрида сұзлаётған мактабимиз директори ҳам тош қотди. Жимлик чүкди. Нурбой муаллим юзларини буриштирган күйи, илжайиб келди-да, директорнинг құлидан микрофонни тортиб олди.

- Үртоқлар, бугун Жонтомир үғлим келди, Жонтомирим келди-и-и-и-ё-ё-в-в, келди-и-и-и-и, - деб қичқира бошлади.

Нурбой муаллим құлида микрофон тутиб даврани чарх уриб айланиб, үйнай бошлади, бошидаги телпаги ерга тушиб кетди, сұнг эгнидаги пальтосини ҳам ечиб ерга отди-да, уни тепкилаб, қичқира бошлади:

- Одам-л-а-а-р! Жонтомиримни соғинд-и-и-и-м... Жонто-о-мир-ир!!!

Муаллим ерга шилқ этиб тушди-да, юзтубан ётиб олди. Үқувчилар қий-чув күтаришди. Муаллима опала-римиз изиллаб йиғлай бошлашди. Директор ҳамда түртбеш муаллим Нурбой муаллимни күтариб олиб, күздан панага, мактаб ошхонаси ортига олиб үтишди.

Қишлоқда гап тарқалди. Нурбой муаллим ақлдан озибди. Даволанишга олиб кетишибди.

Шундан сұнг анчагача муаллимни күрмадим. Мактаб тугади. Институтга үқишига кирдим. Бириңчи курсни тугаттагач, ҳарбий комиссарлықка чақиришди. Армияга кетарканман. Очиги, юрагимни алланечук ваҳима боса бошлади, юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда бир ҳадик

бонг уради: «Афғонга кетсам-а? Мен ҳам Жонтомирдай ўлиб кетсам-а, менинг ҳам ўлигим келармикин? У ёқда қирғин-барот дейишяяпти. Маҳмуд тоғамнинг ўғли ҳам яримжон бўлиб, бир қўлини йўқотиб келди, мен у ёқса бормаслигим керак...» Хаёлингда нима воқеа чарх урса ҳаётингга ўша нарсани чақиришинг чин экан. Мени афғон урушига жўнатишиди.

Мен уйга биринчи ёзган хатимдаёқ қаерга, қайси жаҳнамга келганимни яшириб ўтирамдим, ота-онамни алдагим келмади. Агар менга бирор кор-ҳол бўлса, жигарларимни алдашимдан нима наф, деб ўйладим. Дастрабки ойларда қўрқув комидан қутулолмадим, жанг олдидан оёқ-қўлимни қалтироқ тутарди, юрагимни аллақандай куч суғуриб олаётгандай жоним ҳалқумимга келарди. Ўлиб кетсам, нима бўлади? ...Кейинчалик жангга, отишга, одам ўлдиришга ҳам кўнишиб кетдим. Ҳеч нарсани ўйласам, ёнгинамда ўлимнинг нафасини ҳис қиласдим. Мен жангда, қиёмат-қойим ичида ўзимни, ўз руҳиятимни бошқаришни ўргандим, аниқроғи, уруш шунга мажбур қилди. Бу дунёнинг сариқ чақачалик аҳамияти қолмади. Менинг ўзим қуролга айландим, қалбим, кўзим, оёқ-қўлим, вужудим қурол. Ҳа, мен одам эмас эдим, мен қурол эдим...

Тақдирнинг ёзиғи... уйимдан туз-насибам узилмаган экан, икки йилдан ошиқ вақт ўтгач баҳорнинг сўнгги кунларининг бирида қишлоқقا қайтиб келдим. Ҳовли-мизда тўй бошланиб кетди. Ота-онам ақлдан озгудай бўлиб чор-атрофга зир югуришади, ака-укаларим кўзида ёш билан мени бағрига олишади, хеш-акрабо, бутун қишлоқ аҳли йиғлади. Новвос ағдарилди, иккита улкан қозон осилди. Шўрва қайнади, ош тортилди, ўйин-кулги бошланди. Ҳовли четидаги кенг мўл супада, одамлардан холироқ жойда tengдошларим даврасида улфатчилик оғушида ўтиргандим, тўйхона томондан келаётган акамга кўзим тушди. У мени имлаб чақирди:

- Нима гап?

– Нурбой муаллим келди. Сени сұраяпти. Қүришиб қўй.  
Юрагим шиғ этди. Акамга синчиклаб қарадим.

– Муаллим, ҳалиги, кайфияти қандай? Ақли...

Акам нега саросималаниб турганимни дарҳол англа-  
ган экан:

– Хавотир олма. Даволаниб чиққан, касалмас. Ақли-ху-  
ши жойида.

Муаллим анча чўкиб қолган экан. Кўзларида ёш ғил-  
тиллаб турибди. Мени бағрига босиб из-из йиғлади.

– Ўғлим, болажоним, омон-эсон келдингми? Ўша ёқда  
Жонтомир аканг қолиб кетди-да, болам... Қолиб кетди.  
Жонтомир акангни кўрмадингми, болам...

– Йўқ, кўрмадим... Кўролмадим, – дейман титраб-қақ-  
шаб.

Уйимизга, мен билан қўришиш учун келган одамлар  
ўзларини четга олишди, кўзларини олиб қочишиди. Му-  
аллимнивойиш тагидаги даврага чорлади отам. Мен ан-  
чагача серрайиб турдим.

Йиллар учди... Вақт ўтди. Ўқиши тугатдим. Ишга  
кирдим. Қишлоққа онда-сонда борган кезларим Нурбой  
муаллим мени йўқлаб келади, ё ўзим бораман. У менга  
анча термилиб туради. Гапимиз унчалик қовушмайди,  
лекин бир-биrimизни анча соғинганимизни ҳис этамиш.

Қишлоққа боргач, муаллимни кўрмасдан шаҳарга  
қайтмайдиган бўлдим.

Мана, орадан қарийб ўттиз йилдан ошиқ вақт ўта-  
япти. Мен эллик бир ёшга тўлдим. Нурбой муаллим эса  
тўқсон ёшга яқинлашяпти. Муаллим бир бурдагина бў-  
либ қолган, лекин гаплари анча тетик. Жони қаттиқ  
экан муаллимнинг, балки Жонтомир ўз жонини отаси  
Нурбойнинг жонига улаб кетдимикин? Парвардигорим  
Жонтомирнинг умрини ҳам Нурбой бобога қўшиб бер-  
ганмикин-ё?

Билмадим, бундай мушоҳадаларга ҳаммамизнинг ҳам  
аклимиз ожизлик қиласди. Бироқ ўша пайтлардаги му-  
аллим, ҳозирги Нурбой бобонинг фақат менга, бирги-

на, биргина үзимга ишониб айтадиган гапи замиридаги күч бобога қувват беріб турибдимикин, деб ҳам үйлайман. Нурбой бобо билан ҳар гал күришганимизда менга ишонч билан айтади:

– Буни сен тушунасан, бошқаларга гапирмайман, шуннинг учун ҳам сени соғинаман, болам, шуни бил: Жонтомир аканг келади. Унинг хабарини биринчи бұлиб сен берасан, тұғрими?

– Тұғри. Тұғри, бобожон...

Бобо жилмаяди. Ҳар гал сұхбатимиз шундай якун топади.

Бугун яна қишлоққа келдим. Атроф кеч кузак оғушида. Уфқ жонталаш. Нурбой бобонинг уйи олдиdan үтаяпман. Бу гал қадамимни тезлаштирмадим. Ҳовлига кирдим. Тахтакаравотда уфққа термилиб турған бобога күзим түшди. У мен томон үгирилди. Бобо янада кичрайиб қолибди. Мен томон сийпаланибгина юрди. Бағрини очди.

– Келдингми, үғлим?

– Келдим бобо, келдим...

– Жонтомиримни күрдингми, болам.

– Күрдим, бобо, күрдим...

Бобо менга бироз тикилиб турди.

– Бор энди болам, уйингга боравер.

Мен үз уйимга йўл олдим. Мен бобони бу қадим заминда ушлаб турған қудрат, унинг Жонтомири ҳақида үйлаб борардим. Бу томир қаердан үсиб чиққанлигини ва инсон боласида умид деган жонтомир ҳеч қачон узил-маслигини мен яхши билардим.

## НИМА БҮЛДИ?

Барвақт уйғонди. Боши хум – зил-замбил. Тұшакдан күзғалаётіб гандираклаб кетди, диванга үтириб қолди, деворга елка сұяды. Күз олди хира тортди, юраги чим этди – оғриқ. Бир амаллаб үрнидан турди, деразага құл

чүзди. Тонг эпкинида дарпарда үйнади – димиққан хона-га ҳаёт кирди. У яна диванга чүкди. Ич-ичидан аллақандай құрқув, қалтироқ қалқиб чиқди.

Хеч нарсаны эслай олмади. Эслагани шу – Эрмат, Нурмат, Шермат кафеда үтиришди. Үласи бўлиб ичди. Кейин нима бўлди, нима қўйди, билмайди.

У қалтанг-султанг қилиб ошхонага юрди. Кўнгли айниб, ичи ёняпти, ботинида алланечук ваҳима. Чинни ко-сада лиммо-лим муздай сувни сипқарди.

Чиндан ҳам ҳеч нарсаны эслай олмади. Эслагани – Эрмат, Нурмат, Шермат ва майшат. Кеча соат нечада келдийкин? Хотини қаёқда? Аzonлаб қаерга кетдийкин? Ёмон бўлди-да. Ўғли билан келинининг олдида ҳам шармандалиқ... улар ҳам кўринишмайди. Буларнинг бари қаерга ғойиб бўлишди?

Ботинида яна оғриқ хуруж қилди. Юрак-жигарини қақшатиб суғуриб оладиган қурувдан ҳол-бекол бўшашиб ҳовлига чиқди. Деворга тирмашган наъматақ бутаси ортига үтди. Ечинди. Жўмракка уланган узун елими-чакни олиб бошидан шариллатиб сув қуйди.

Кўнглига қил сиғмади. Уй ичи үпқон – ютаман, дейди. Йўқ, нимадир бўлган. Кеча, нима бўлса ҳам кеча бўлган, уйга келгач айтгулик-дегулиги йўқ үйин кўрсатган. Кечаги қилғилиги учун ер ёрилгану эсу ҳушдан мосуво пиёниста эмас, уятни үлимдан қаттиқ деб билган бошқалар ерга кириб кетишган. Уятдан-да, уятдан. Худойим эс бермаса қийин эканда-а? Мана шу үйни сенга бердик, шу үйда бойўғлига үхшаб бир үзинг яшайвер, деб хотини, ўғли ва келини ҳам этак силтаб жўнаворишган. Қаёққа?

Кечаги заҳар-закқум исқотининг таъсирида ҳамон калласи кирди-чиқди бўлиб турган одамнинг хаёлига нималар келмайди, эзғинлик ва хомушлик ҳисси алнга олиб тургач хира тортган тасаввурда нечук кўтаринкилик тантана қилсин?! Тантананинг зўри ахир кеча үтиб кетди-ку... Машқим билан машриқни шошириб, мағриби-ни мағлуб этаман, деб кариллаб, даврани ўз кўйида ўй-

натиб, жомдан жасорат туйиб, ҳамдавралар мақтоворидан талтайиб турган аканг қарағайнинг ахволи гунг қарғаникнидан баттар айни чоғ. Ү-ү-ү, қани энди ўша кайфу сағо, қани энди ўша кибру димоғ?!

У шу кунларда қувончига ҳам, қайғусига ҳам шишани шерик қиласидиган бўлди. Тавозеси тоғни хижолат этадиган даврадошлар эса шулар – Эрмат, Нурмат, Шермат... ва бошқа бирорлар ҳам сандироқлаб қўшилиб қолиши мумкин. Олдинлари ойда бир-икки бор ичарди, кейинги пайтлар ҳафтада бир маротаба ўз измини базму жамшид гардобига топширишни одат қилди.

Уйдан ҳам меҳр кетди – қаҳр ютди. Мўли мулоийм хотинининг танглайига қарғиши ёпишди, эрни қарғади – илойим... Ўғил қизариб-бўзариб ўзига жой тополмай қолади – уялади. Келин кўриб-кўрмасликка олади, пилдираб ўз хонасига уриб кетади – бошқа нима қилсин?

У катта идоранинг кичкина бўлса ҳам бир ташкилотида раҳбар эди. Ҳали обрўсининг оҳори тўкилмаганди. Катта идоранинг Катта раҳбари ҳам иззатини изза қилмаганди.

Эрта тонгдан зимистон кўнгилда ваҳм ўрлади, булар қаёққа кетди? Кўлтелефонига қаради. Кеча вазирликдан бир неча бор қўнғироқ қилишибди, кимлар билан гаплашибди ҳам, ишқилиб тинчликмикан? Тинчлик бўлсин-да. Мана, кечки соат саккиздан ўтгач хотини ҳам қўнғироқ қилишибди. Гаплашибди... Айни авжига чиқсан пайти эканда-а, ўзиям. Лекин ҳеч нарса эсида йўқ. Эслолмади.

Ишхонага келди. Кўксини стол гирдига тиради, кўзи илинди, хаёлида турли манзаралар жонлангандай бўлди. Туш кўряптими, йўқ, кўзи очиқ-ку, хаёл кўзи очиқ... Давра. Эрмат, Нурмат, Шермат... Ие, анави Гўзал-ку. Ҳа шу, Гўзал! Гўзал ҳам даврага қўшилди. Ичишди. Ойнаванд зал эшиги очилди. Хотини ҳам қўриниш берди. Гўзалнинг елкасидан кўл ўтказиб, қучиб турган пайт. Кейин ўзини кўчада кўрди. Ўша каттакон ишхонасида пайдо бўлди. Катта раҳбарнинг хонасига кирди. Раҳбар унга кинояли илжайиб нималардир деди, кейин катта идора вакил-

ларидан кимдир унга дашном берди, ойнали құштабақа әшик олдидағи миршаб уни турткылаб-сурткылаб ташқарига чиқарди... Хуллас, айқаш-үйқаш манзарапар, қаҳрли, меҳрли қиёфалар гирдобида гангіб қолди... Туйқус үқ еган қүшдай бир қалқи-да, илкис бош құтариб, чала үйқу оғушыда үрнидан дик этиб турди-да, үз мувозанатини йүқотди, курсига тап этиб үтириб қолди. Туш күрдимми ё кечаги воқеалар хәёлимда жонландыми, деган үйга борди. Уни титроқ босди. Тушми, ҳаёт? Наҳот?.. То тушликкача ич-этини еди, ишхонасидагиларга ҳам миқ этмади. Назаріда қулоқлари остида шу гап жаранг отарди: «Кеча сизни күрдик хұжайин, жа-а, байрамона әдингиз...»

Хонасига кириб-чиққан айрим ходимларнинг ҳам нигохи шундай маломатлими, ё ҳавасу ҳасратлими, ишқи-либ улардан шу иддаони үқиши мүмкін эди: «Биз күрдик, кеча мазза қылдингиз-а, хұжайин? Лекин нокулай ишлар ҳам қылдингиз-да...»

Тушлик маҳали яна йиғилишди. Эрмат, Нурмат, Шермат. Бош оғриққа ҳалигиндан қиттак-қиттак уриб олишди. У юзини тескари бурди: «Күзимдан йүқотинглар, құнглым айнияпти!» Ошналар боши қызыбы, юзларыда қон үйнагач, уларнинг құнглиға құл солди.

- Кеча нималар бұлды?
- Расво бұлды? – деди Эрмат.
- Құй, шуни гапирмайлық, – деди Нурмат.
- Үтган күн үтди, бугундан сұзла, чироғим, – лутф этди Шермат.
- Кеча катта идорага ҳам бордикми?
- Биз бирга бордик, сен үзинг кириб кетдинг.
- Кейин-чи, кейин?
- Кейин биз кетдик.
- Раҳбар билан гаплашдимми?
- Раҳбар билан бирга үтирдик-ку. Сенга телефон қылди. Сен уни чақириб олдинг, қойил, – Эрмат илжайди.
- Ростданми?
- Рост, – тасдиқлади Нурмат.

- Кейин-чи? – күз олди зимиштөн тортди.
- Сен уни ҳақоратладинг. У ўрнидан туриб, аразлаб кетди.
- Кейин-чи?
- Кейин, сен уни ташқарида тұхтатиб роса пийпаладинг, сүңг қучоқлаб үпмоқчи бўлдинг, у зўрға қочиб қутилди, – ўсмоқчилади Шермат.

Унинг нафаси ичига тушиб кетди. Ботинида даҳшатли оғриқ турди. Тамом. Тамом бўлди. Демак, бу ҳам етмагандай изидан идорага ҳам бордим. Хонасига ҳам кирдим. Ҳалиги ҳолат туш эмас, хуш экан, хаёлимда жонланган. Демак, катта идорадаги бошқалар ҳам куришди, мени туртиб-силтаб дашном берган кимса кадр бўлими бошлиғи ҳам бу шармандалиқдан воқиф, йўқ, туш эмас бу, миршабнинг ғазаб отига миниб кўчага улоқтиргани ҳам чин.

– Демак, – деди у базўр ихраб, лекин алланечук илинж билан даврага қаради, – демак, Гўзал ҳам биз билан...

Унинг гапи чала қолди. Нурмат унинг бўғзидағини илиб кетди:

– Гўзал ҳам биз билан бирга ўтириди-ку. Роса валсга тушдинг. Кетворган нарса экан. Кайфчиликда нималар бўлмайди, қолганини эслашнинг ҳожати йўқ. Зўрсан, зўр, оғайнни!

- Хотиним?! Хотиним-чи? – деди ихраб.
- Хотинингми, хотининг келганда биз йўқ эдик, – илжайди Шермат.

Улфатларнинг юзида алланечук тантанаворлик зоҳир эди. У эса... у тамом бўлди. Унинг юзи қизарди, боши қизиди. Мияси лўқиллади. Қон босими ошди. Юраги сиқилиди. Кулоқ пардаларида оғриқ пайдо бўлди, борлиқ ғувиллай бошлади.

– Яна нима бўлди? Ёнимда беш юз долларим бор эди, шуям йўқ.

Улфатлар унга синовчан қаравади. Бир зум сукунат чўқди.

– Хотирангга балли-ей, – елкасига қоқиб гап отди Нурмат, – долларинг борлиги ёдинға қолибди-я...

– Хүш?! – Нурматнинг оғзини пойлади у.

Жимлик чўқди яна. Сукунат ўзанини Шермат бузди:

– Нариги столдаги бир гуруҳ актристалар орасида анчагача валақлаб ўтирдинг. Балки, ўша ерда... Лекин мен ўз кўзим билан кўрмадим.

– Бўлди, тушундим. – У ўрнидан турди. Хайр-хўшни ҳам насия этиб кўчага отилди.

Оёқ-кўли бўшашиб мувозанатини йўқотган, гандираклаган кўйи катта идора эшигига қўл узатди. Навбатчи миршаб унга бир қараб қўйди-да, хужжатини текширди. Бугун бошқа миршаб алмашибди, кечагиси бўлса росатизинглаб аччиқланар эди.

– Қайси бошқармага бормоқчисиз?

– Кадрлар бошқармасига.

– Биласиз-а, ҳовлига киргач, зина орқали кўтарилиб, иккинчи қават... Йўлак бўйлаб чапга юрасиз. Олдинги жойидан кўчган, ҳозир таъмир кетяпти.

Иккинчи қаватга кўтарилди. Бошқарма бошлиғи йўқ экан. Бир ҳисобда хурсанд бўлди. Барибир яхшиликка.

Катта раҳбарнинг қабулидан қулоғи қизиган қулдай бўлиб қаҳрли пичинг эшитиб қайтди, балки унга шундай туйилдимикин?

– Сизни қабул қилолмайди. Кейинги ҳафта келинг, – деди ёрдамчи тунд қиёфада. – У шарт бурилиб орқасига қайтди. Қабулхона эшигини тарақлатиб ёпди. – Вазир хорижда хизмат сафарида...

У бу гапни эшиитмади. Ўзича ўйлади: кеча хўжайинининг ҳузурига киришдан олдин манави мирзатўранинг ҳам томорқасини шудгорлаган бўлиши мумкин. Боши кўйи ҳолда қайтди. Энди унинг юраги тортилиб-тортиб оғрир, аллақандай темир қўл хаста юракни ғижимлаб-ғижимлаб кўкрак қафасидан суғириб олишга ҷоғланарди. У оғриққа дош беролмай ингради. Оғир-оғир нафас олди. Ҳаво етишмади.

\* \* \*

Улфатлар давраси яна авж олди.

– Бечора, ишонди, – деди Эрмат.

– Долларини нима қиласыз? – Нурмат меровланди.

– Эртага қайтарамыз, сюрприз қиласыз, – ишшайди Шермат.

– Лекин ўзиям артист бўп кетдинг-ей, – илжайди Нурмат.

– Ўзинг ҳам қолишмадинг, – Эрмат эснади.

– Шўрликни энди бир ошга туширишимиз керак, – Шермат қадаҳга қўл чўзди.

– Наҳотки эслай олмаса-я? – ажабсинди Эрмат.

– Нимани? – сўради Нурмат.

– Кеча хотини телефон қилди-ку, қишлоққа ўғлингиз билан келинингизни олиб тўйга бориб келайн, деб рухсат сўради. Бу хўп, деди. Боравер, деди. Кейин энди ёлғизман, деб роса ичди-ку...

– Ичса эсини йўқотиб қўярканда-а, – ўсмоқчилади Шермат, – раҳбар хорижда-ку. Уни шу ерда эди, роса адабини бердинг, десак ҳам чиппа-чин ишонди-я.

Улфатлар емакхонадан чиқишиди. Тушлик вақти тугашига бироз вақт бор. Ишхонага қадар яёв кетишиди.

Идора эшиги олдида, катта йўл четидаги панжара билан тўсилган йўлакда одамлар тўпланиб туришарди.

– Нима гап? – ҳовлиқди Нурмат.

Идора эшиги очилиб ходимлардан бири отилиб чиқди-да, одамлар тўдасини ёриб кирди. Шу орада тез ёрдам этиб келди. Тўпланганлар юзида ачиниш ҳисси зоҳир эди.

– Нима гап? Нима бўлди? – галма-гал ҳовлиқишиди учовлон.

– Шу идорада ишлайдиган ходимлардан бири ўлиб қолиби, – деди кимдир.

Эрматнинг ичидан нимадир чирт узилиб кетгандай бўлди. Нурмат билан Шермат ҳам эсанкираб қолишиди.

Тобора гавжум тортаётган тўдада саволлар айлана бошлади:

– Нима бўлиби? Нима бўлган экан?

- Нега ўлибди?
  - Юрагининг мазаси йўқ экан...
  - Ҳозиргина вазирликда юрувди, – деди кимдир.
  - Тушликда кўрувдим, – деди идора ходимларидан бири. Сўнг учовлонга юзланди:
  - Сизлар билан тушлик қилаётувди-я?
- Учовлон ортга тисланишди. Учовининг ҳам ранг-рўйи гезариб кетди.

### ОЛИСДАГИ ОДАМ

Ўқлай олсанг ўқлов ўқ отар. Ибод Махсумнинг гапи нишонга тўғри тегди – ўғлининг жон-жонидан ўтиб кетди: «Болам, вақтим йўқ, деб зорланаверасан. Одам истаса ҳамма нарсага вақт топади. Агар сен хоҳласанг вақт тўхтаб туради, сенинг йўриғингга юради. Фақат, фақат ўзингда ройиш йўқ-да... Майли, ўзинг биласан, бормасанг, борма...»

Махсум сўлиш олди, қовоқ уйиб бошини сарак-сарак қилди-да, уйга кириб кетди. Эшикни қарсллатиб ёпди; ўғил сезди: хайрлашгани ҳам чиқмайди, энди...

Турғун Ибодович ота ҳовлиниң қоқ ўртасида сўппайиб турди. Аламли илжайди. Бутун қишлоқнинг тўй-маърасига олдига солиб, хонадонма-хонадон юриб, таъзияга олиб боргани етмагандай, энди касалхонада ётган Норой кампирни ҳам хабар олишга ундангани малол ботди. «Ўғлимни кўриб қўйинглар», деб мақтангиси келса керак-да...

Турғун Ибодович шу хонадоннинг тўнғичи, саккиз ука-сингилнинг каттаси. Шаҳардаги нуфузли идоранинг ҳам каттакони. Таътилнинг тенг ярмини қишлоқда ўтказман, деб ўйловди. Қаёқда, беш кун ўтар-ўтмай зерикди. Кўнгил қурғур ҳам илҳақ, ўзи жонҳалак – ишқилиб идорада тинчликмикан; ҳар куни уч-тўрт бор ёрдамчиси билан боғланиб туради. Ёрдамчи ҳам оқизмай-томизмай ким қаерда, ким нима қиляпти, тепанинг қўнғироқлари нима деяпти, ахборот беради. Ука-сингиллар, хеш-акраболарнинг ҳам ота уйдан оёғи узилмайди. Ҳаммаси бир

ташвишни елкалаб келади-да, Турғунбойнинг эгнига ортади; унисига у лозим, бунисига бу лозим, ўртада ўйнар мулозим, деганларидаи, шу беш кун ичида бўларича бўлди, таътилиниң тантанаси сўнди, таъби тирриқ бўлди, ўлардай зериқди. Ва, бугун ўзи аллақачонлар олислashiб кетган, болалиги кечган шу қишлоқ, қўл чўзсанг етгудай баланд тоғ адогидаги ота уй унга негадир бегоналашиб қолганини сезгандай бўлди. Йўқ, одамлар ўша-ўша, лаҳжалар ўша-ўша, мақол-тақаллар ўша-ўша, лекин улар негадир бугун унга бегонадай туюлди. Аслида улар ўша-ўша, бироқ Турғун Ибодович уларга бегона эди. У нега шундай бўлиб қолганини англай олмасди. Қўшқанот темир дарвоза олдида машина юхонасига ул-бул нарсаларни имиллаб жойлаётган ҳайдовчига ўқрайиб қаради. Ҳўжайнининг қоши учеб қовоғи тортишишидан қувифи бўшашиб кетадиган ҳайдовчи бола қўрққанидан қаҳр устида қоврилмаслик учун юхонани тарсиллатиб ёпиб, шоша-пиша ўзини уловга урди; машинани ўт олдирди. Турғун Ибодович оёғига зил-замбил боғланган кўйи оғир қадамлар билан айвон томон юрди. Ички ихроқ оғушида эшикка қўл чўзди. Ичкарида ёстиққа суяниб, яримбел бўлиб ўтирган аҳволда аллақандай китобни вараклаётган маҳсум қўзойнагини олиб, ўғлига маъноли тикилди.

– Ота, мен кетяпман.

– Биляпман, кетаётганингни ... Энангни эслаб эртага бир ис-пис чиқарамизми, девдим. Ука-сингилларингни ҳам айтувдим.

– Ота, қабристонга, энамнинг бошига бирга бориб келдик-ку... Шу десангиз...

– Вақтинг йўқ, ишинг кўп. Кетишинг керак, – деди чол унинг гапини чўрт кесиб.

– Ҳа. Майли, ота, эсон-омон ўтиринг.

Махсум ўғлининг юзига тик қарамади, нигоҳини осто-нага тикди. Ўғли бундан енгил тортди. Эшикни секин ёпди, машина томон йўл солди. Елкасини босиб турган юдан халос бўлгандай енгил қадамлар билан машина

томон югургилаб кетди. Орқа үриндиққа үтирди-да, ҳайдовчига амр этди:

– Ҳайда, туман марказига ҳайда. Ох-оҳ...

Атроф-жавониб мунча гүзәл. Осмонга чүкқи санчиб, булуңдан чопон кийган Воҳатоғнинг виқорини күринг. Хур-хурлаган шамолни айтинг-а. Э-э-эй, манави кўпиреб-тошиб, чаппар уриб гуллаган боғларни дeng, оқпушти гул оғушида чайқалган боғларнинг пойи-поёни йўқ, оламдан гул бўйи уфуради. Табиат инъом этган баҳор атридан бошинг гангиб қўзинг тинади. Турғун Ибодович машина ойнасини ярим тушириб бораркан, баҳорнинг буюк мўъжизаси – Яратганнинг улуғ инъоми қаршисида юраги тўлқин уриб серу сармаст, дилхуш ҳолда парвоз этаётгандай эди.

Туман марказидан четда, қийғос гуллаган ўрикзор адогидаги шарқироқ сой бўйида жой қилинган эди. Тумандаги бойтўралардан бири Турғун Ибодовичнинг шарафига зиёфат беришга иштиёқманд бўлиб турарди. Туман ҳокими етовида келган Турғун Ибодовични кўрган бойтўра ва бир-икки мулозим ўрниларидан дик этиб туриб, четгинага чиқиб, кўксига қўл босиб таъзим қилиб туришди. Нуфуздор меҳмон ва туман каттаси қаршисига чиқиб қўл узатиб ҳол-аҳвол сўрамакка ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Ҳолингни билганинг яхши-да. Шундай мартабали инсонларнинг рўпарасига дингиллаб чиқиб, қўл узатишга йўл бўлсин. Нима, улар сенинг акангмиди, отангмиди ёки қишлоқчасига айтганда, бир уриб икки чиқарганингмиди. Мувозанату мадорини сақламоқ керак-да. Ахир уларнинг ўzlари мойиллик билдириб қўл узатсалар бошқа гап. Эмаклаб бўлса-да, бориб қўлини ол.

Зиёфат зўр ўтди. Куй-қушиқнинг ҳам пардаси йиртилди – шу атрофнинг қушиқчиси борки, қўшиғини айтди, ўйинчиси борки ўйинини, ўйин баҳонасида ҳамма жойини кўрсатди.

Меъёрни билмаган миёвлайди, деганларидек, мезбон бўлмиш меровларнинг оғзидан боди кириб-шоди чиқ-

ди. Ҳалиги гумгурс гўрсўхта бўлиб ўтирган ташкилотчи бойтўрага ҳам жон кириб, ўзини аждарҳонинг элчисидай тута бошлади. Шайтон сув шамол шаштига шапалоқ жойлайди-да, лаби бурчига фасонний қилиб тамаки қистирган кўйи Турғун Ибодовичнинг гапини бўлиб, унга нималардир деб вайсаб-вайсаб қўяверди ҳам. Бир-икки бор унинг елкасига гурс-гурс қоқиб ҳам кўйди. Жимгина музу-мулзам бўлиб ўтирган бойтўра музи эриб, манави шошқинсойдай шаталоқ отиб қолди. Турғун Ибодович бундай жўжахўроздарнинг кўпини кўрган, ўн грамм ичиб, минг грамм кайф бўладиган енгилтаъбларга тоби-тоқати йўқ. Лекин ўзи меъёрини билади. Боши сал қизидими, та мом, тата-тахт тўхтатади... Алжираб-силжирайдиган давра дастурхонда дами қисилади, ҳайё-хуйт, деб ўрнидан туради-да, жўнаворади. Бугун ҳам шундай қилди.

– Иззатингиз учун раҳмат, оғайни. Тепадан топшириқлар бор. Таътилни ҳам белига тепяпти иш. Иш кўп-да, иш кўп, – деди туманбошига зўраки илжайиб. Тепадан гап кетганидан кейин туманбоши ҳам бешиктебратардай тебраниб кўйди:

– Садағангиз кетай, Турғун Ибодович, ишнинг кўплиги яхши. Майли, яхши боринг, – деди унга жавдираб боқиб, – кеп туринг, эсингиздан чиқариб юборманг.

Машина жилди.

– Қаёқقا ҳайдай, касалхонагами? – деди шофёр олдойнага кўз қирини солиб.

Олд ойнадан бошлиқнинг тунд қиёфаси заҳар сочди:

– Касалхонада пишириб қўйибдими? Тоғтуман йўлига ҳайда. Тошкентга қайтамиз.

Машина сўлга бурилди.

Баҳорнинг куни омонат бўлади; бирпасда борлиқнинг астари ағдарилади. Қаердан келди, Худо билади, зумда осмонни қора булат маҳв этди. Шабада тиниб, сукунат чўқди. Ҳаво дим тортди. Туйкус осмоннинг бир бурчи қарсиллаб, ўпирилиб кетгандай бўлди – момақалдироқ гумбурлади, курсоғи ёрилган кўк оний лаҳзада ялтираб

кетди, чақмоқ чақди. Челаклаб қуйғандай ёмғир ёғди. Машина тұхтаб қолди, олдга юришнинг имкони йүқ, йүл күрінмайды. Үйдім-чиқдімда четга сурилиб кетса жарликка учиши мумкинлигини ҳис қылған ҳайдовчи уловни тұхтатди. Чақмоқ забтига олиб ҳар чақин урганда атроф бир ёришиб ларзага келиб, Турғун Ибодовичнинг юраги үйнаб кетади, осмоннинг қарса-баданг гумбурлашидан, қарсыллашидан ер ларзага келади, даҳшатли қалдироқ зарби уни мошин-пошинига құшиб тилка-пора қилиб юборадигандай даҳшатли ваҳмни туяди. Үзини құярга жой тополмай, юраги ёрілгудай бұлып турган Турғун Ибодович беихтиёр құл телефонини очиб, ҳардамхаёл ҳолатда қаергадир құнғироқ қылмоқчи бұлади.

– Телефонни үчириң, хұжайин, – дейди ҳайдовчи бұғриқиб.

– Нега? – дейди у ихраниб.

– Яшин уради. Яшин тилкалаб ташлаши мумкин.

Турғун Ибодович құзларини чирт юміб олади. Ҳайдовчининг хаёлидан үтгани шу бұлади: «Шу бугун йўлга чиқишимиз шартмиди? Отасининг гапига ҳам қулоқ солмади. Оғринтирди. Мана, оқибати...»

Баҳор ҳавоси омонатлиги рост, лекин баҳор ҳавоси беор ҳам бұлади. Ярим соат үтар-үтмас тұс-тұполон тугаб, бетизгін булат тоғ ортига чүқди, осмон тинчили, гумбур-гумбур олислардан эшитила бошлади, тиниқ жавонибда намгин шабада әсди. Машина олдга интилди. Турғун Ибодович нимадир деб түнғиллади-да, құлтелефонини очди.

– Алло, сенмисан? Нима гап, ишхонада тинчликми? Ҳа, үчириб қўйғандим. Ким? Үзи қўнғироқ қылдими? Айтмадингми, таътилда деб? Қачон?

Турғун Ибодович үтирган жойида кетини у ён-бу ён ташлаб, типирчилаб қолди:

– Тезроқ ҳайда. Дұстимиз Собир Тұраевичнинг онаси қазо қилибди. Аzonда чиқаришаркан.

Машина янаям жадаллашди. Нишабликдан тушгач, тақатақ тұхтади. Турғун Ибодович сапчиб тушди.

- Яна нима бұлди? – зардаси тошди.
- Ана, йүл йүк. Құпrik сел остида қолиб кетибди. Бошқа машиналар ҳам ортга қайтаяпти.
- Падарингга лаънат...
- Ҳайдовчи хұжайинга илкис қаради:
- Мен нима қылдым? – деди қовоқ уйиб.
- Бундай күпrikнинг падарига минг лаънат, – деди хұжайин гапини андавалаб.
- Сел тұхтагунча кутиб турамиз.
- Қачон тугайди?
- Худо билади.
- Ҳайда, сен ҳам изингга қайт. Аэропортта ҳайда. Кечки рейсда учыб кетаман. Сен үзинг әрталаб йүлга тушасан.

Турғун Ибодович йүл-йүлакай хаёлга изн берди. Үзини жанозада күрди. Собир Тұраевичнинг ёнида турибди. Фам ва қайғы гирдобида келди-кетдига бош ирғаб қўйяпти. Кимсан Тұра Асилбековичдай мамлакатга довруқли кимсанинг тұнғичи, вазир мақомидаги Собир Тұраевичга қўл остидаги бир ходим эмас, яхши дўст сифатида ҳамдарду қайғудош бўлиб ҳассакашлик қиласди. Казо-казоларнинг назарида бўлади, айрим ғаламислар унинг Собир Тұраевичнинг яқини эканлигини кўриб, ич-ичидан куйиб кетишади. Айниқса, биринчи муовини Жўра қирғийнинг посонгиси пас бўлади. Ана, бир тұда үзига үхшаган алмойи-жалмойилар билан у ҳам жанозага келяпти. Шу тобда Жўра қирғий яқинлашгач, Собир Тұраевичнинг кулоғига ниманидир шипшийди, Собир Тұраевич бош ирғиди. Жўра қирғий ҳам буни кўради, ичидан қиринди үтади. Йўқ, биргина Жўра қирғийнинг эмас, бошқа ғанимлари ҳам куйиб кетади, баттар бўлишсин... Шу ўринда Собир Тұраевичнинг ҳам меҳри янада товланса не ажаб. Ҳар ҳолда манаман деган табақадаги зотлар билан бир қаторда курсдоши Собир Тұраевичнинг биқинида туришга ҳаққи борку. Жанозада нега сен бунга тирғалиб қолдинг, дейдиган топилмаса керак. Собиржоннинг үзи ҳам илгари нега бу одамга унчалик эътибор қаратмадим экан, деган хижолатли үйга борса ажабмас. Тўй-томошасида қатнаш-

ган кезда жойи доим пойгакда бўларди, тўрга ўрмалашга юраги дов бермасди; мана энди мавриди келди. Турғун Ибодович қош учирив жилмайиб қўйди, ич-ичидан сүюнди. Ҳайдовчи илжайиб кетаётган хўжайнинг олдойна орқали лолу ҳайрон қараб-қараб қўйди.

Аэропортда уни ишхонанинг навбатчи машинаси кутиб туради. Кеч кириб, қоронғи тушиб қолганинг қарамай тўғри Собир Тўраевичнинг уйига йўл олди. Юзига эзғинди тус берди, лекин юраги ҳаприқиб-ҳаприқиб кетарди. Муюлишга етганда қўлига дастрўмолини олди. Машинани ёп-ёруғ тор кўча бошида қолдириб, ҳовли томон пиёда юрди. Бошини эгиб бораркан, атрофга кўз солиб олма теришни ўзига эп билмади; уят бўлади, тўйга бораётгани йўқку... ва ниҳоят, чор-атрофида қалпоқчироқлар ёғду сочган қасрмонанд уйнинг данғиллама дарвозаси олдидиа тўхтади. Дарвозанинг кичик эшиги олдиди қия очик, кенг-мўл, ҳашаматли ҳовлида жим-житлик. Ӯлик бор уйда ўйин бўлармиди? Турғун Ибодович девордаги тиллатус тугмачани босди, ҳовлини жаранг тутди, ичкаридан овоз келди: «Ҳоз-и-ир!» «Адашдим, шекилли, нариги кўчадан боришим керак экан, – деган ўй ўтди хаёлидан. Дарвоза олдиди ўн беш ёшлар чамасидаги қиз пайдо бўлди.

– Келинг, амакижон, уйга киринг.

Турғун Ибодович бир зум ҳардамхаёл бўлиб, эсанкираб туриб қолди.

– Мен адашибман, шекилли...

– Сизга ким керак? Дадам ишдалар. Кеч қайтадилар...

– Менга Собир Тўраевич керак эдилар, нариги кўчага бораман, шекилли, – деди қиздан кўз узмай.

– Ҳа, тўғри келдингиз. Мен у кишининг қизлариман.

Турғун Ибодович бир қалқиб тушди. Эти жунжикиб кетди.

– Нега, нега ишда бўладилар? Бувингиз...

– Бувим уйдалар. Чақирайми? – қизча бурилиб кичик эшикдан оёқ ҳатлаган ҳам эдики, Турғун Ибодович иҳраб юборди:

– И-е-ей, шартмас... Бошқа сафар келарман, – деди оёқ-құли бұшашиб.

Қиз унга ажабсинаң бир қараб қўйди-да, данғиллама дарвозанинг кичик-бола эшигини ёпиб, ичкарига кириб кетди.

Турғун Ибодович бошидан гурзи еган каби гандираклади, ички бир оғриқдан ихраб юборди – ич-ичидан қиринди үтди. Нима қиласынни билмай, шалвирабгина атрофга аланглаб қаради, оғир-оғир нафас олди, юзи ловуллаб қизиди, бошида оғриқ турди. Кўз олди хира тортди; жойида анчагача туриб қолди, олис-олисларда нимадир жиринг-жиринг қилди, беихтиёр чўнтағига қўл солди. Телефони... телефони жиринглайпти.

– Эшитаман, – саси ихроқли, синик чиқди. Отасининг овози гарангсиган қулоқларига ўқдай қадалди:

– Болам, эрталаб касалхонага бориб Норой момонгни кўриб яхши қилибсан, шопиринг айтди. Пешиндан сўнг Норой момонг ҳам омонатини топширди. Аzonда чиқарамиз.

– А-а-а?

– Ҳа, шундай бўлди, болам. Шу момонг энанг раҳматли билан бўйинса – тенгдош эди. Далада бола-боғча бўлиб юрган кезлар сени ҳам кўп эмизган. Ўзингни ишга чакиришса ҳам шопирингни қолдириб яхши қипсан. Бозор-ўчарга бориб хизмат қип турибди. Момонг сенга берган оқ сутига рози бўлиб кетди. Умринг узоқ бўлсин, болам, келинга, болаларингга салом айт.

Турғун Ибодович куча бошида турган машина ўринидигига оғир чўкди. Кўзларини юмди: болалигини хотирлади. Синфдоши Собир билан Жинариқда чўмилган кезлар, Ҳазорбоғ каналида оёқ томири тортилиб чўкиб кетишига бир баҳя қолганида Собир уни кутқариб қолгани, Полвонтепада бирга қўй боқиб, курашга тушган лаҳзаларини эслади. Ва, яна, синфдоши, жонжұраси, эмчакдош дүсти Собир Түйчиевни анча йиллардан бери кўрмагани ҳам ёдига тушди... Оғир хўрсинди.

– Қаёққа юрай, уйгами? – деди ҳайдовчи чорраҳадан үтгач.

Турғун Ибодович бosh чайқади.

– Тұхта...

Хайдовчи машинани йүл четига олди. Хұжайин айни дам қаерга бosh уришини билмасди. Фақат, аллақаерларга, олис-олисларга кетгиси келарди. Лекин үша олис-олисларға қайси йүлдан, қайси күчадан бориш лозимлигини билмай, караҳт бўлиб турарди. Бу йүлни ким билади?

Балки сиз биларсиз, қадрдон ўқувчим?

Каминами? Камина ҳам билмаяпти-да...

## ЯНГИ ЙИЛ ДРАМАСИ

Янги йилнинг дастлабки тонги. Қодирбек барвақт уйғонди. Рухияти тетик, кайфияти чоғ. Раҳбар ёрдамчиси-нинг таклифини яна эслади: «Туғилган кун эсдан чиқмасин...» Тилдан чиққан гап батьзиде чирик бўлади, лекин дилдан чиққан гап ҳамиша тирик бўлади. Ёрдамчи чин кўнгилдан, бироқ раҳбарга хос үша сирли ва иддаонома оҳангда (бунга ҳам юқибди-да) айтди. Қодирбек шунга хурсанд.

Одатига кўра бадантарбия қилди. Ювениб-тарангач, кеча қайнатиб термосга солинган ўрик шарбатини симирди. Бир ҳафтадан буён бошида тугун бўлиб турган режани амалга оширадиган кун бугун – биринчи январь! Хұжайнинг туғилган куни. Ўзингни тут, Қодирбек, дадил бўл, Қодирбек. Йил бошида шахдам қадам босмасанг, йил сўнгигача судралиб юраверасан...

Нонуштадан сўнг ҳовлида у-бу нарсага уринган бўлди. Қани, вақт ўтса. Юрагида ҳаяжон ўти гур-гур ёниб, авж оляпти, хаёlinи ҳам туманми, тутунми эгаллаб, кўнглида ҳадик-хавотир туйғуси жимиirlай бошлади. «Иккилангандан кўра икки букилган авло, тамом, ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўламан, юраманми итнинг орқанги оёғи бўлиб?...»

Уйга кирди. Меҳмонхонадаги доимо берк, калити ўзида турадиган сервантни очиб, пахта гулли чойнак ичидан бир боғлам доллар олди-да, чўнтағига урди. Сер-

вантнинг ойнаванд қаватини ёпаётган эди ҳамки, эшик очилиб хотини сас берди:

– Нима қиляпсиз?

Қодирбек бир сапчиб тушди. Хотинига ўқрайиб қаради:

– Нима қиляпман? Нимани нима қиляпман? – деди бехосдан. – Сигаретимни кўрмадингми?

– Чўнталингизни...

– Чўнталигим, нима чўнталигим? Қайси чўнталигим?

– Чўнталингизни қаранг. Айвондаги пальтонинг чўнталигини.

– Ҳа-я, тополмадим-ку. Яхшилаб қарай-чи?

Пешонасини тер босди. Меҳмонхонадан бўларича бўлиб, ичидан бир тўкилиб чиқди. Илгакдаги пальто чўнталигини кавлаштирди. «Оббо, бу ёқда экан-ку, а!»

– Дадаси, сизда бир гапим бор эди... – хотинининг овози синиққан чиқди.

– Нима гап?

– Кайфиятингизни бузманг, фақат, лекин нима қилай, биздан бошқа кими ҳам бор, дейсиз...

– Гапни бурамай, мақсадга кўч.

– Шу, укам Собиржон тунов куни пул сўровди. Эртага яна шифохонага кетяпти. Уйидагилар байрам кечаси ёнимизда бўлсин, деб олиб келишувди. Қийналиб кетди, бечора. Мол-ҳолини сотиб қизининг ўқишига контракт пули тўлади. Ўзини энди индинга операция қилишаркан.

– Қанча пул керак?

– Шу, минг долларча керак экан. Март ойида қайтараман, деяпти.

– Бунча пулни қаёқдан оламиз? – мужмалланди Қодирбек, – менда йўқ-ку, ўзинг биласан. Топганимни сенга олиб келиб беряпман.

– Шу, таниш-билишлардан сўраб-нетиб турсангиз-чи? Минг қилса ҳам укам – жигарим. Биласиз-ку, биздан жонини ҳам аямайди. Шу уйни тиклаётганимизда...

– Оббо-оо, ўтган гал ҳам шуни юзимга солувдинг-а, – тутақди Қодирбек. – Мен укангдан ўшандада пул сўров-

димми, үзи сенга олиб келиб берган. Уй курса мен ҳам қайтараман, девдим-ку... Энди шу арзимас уч минг долларни умр бўйи гапирасанлар-а?!

Хотини бир қалқди, беҳоли-бежон бўлиб курсига чўкди, ёноқлари дир-дир учди, ихранди:

- Яна опамдан сўрарканман-да-а?
- Ўзинг биласан.

- Сиз ҳозир туғилган қунга бормоқчимисиз? Шофёрингиз келганига ярим соатдан ошди. Мени ҳам укамникига ташлаб ўтинг.

Хотинининг бир нуқтага тикилиб, ҳардамхаёл бўлиб ўкинч билан гапириши Қодирбекни қаҳридан туширди:

- Бўлақол. Ҳалиги, мен Лондондан олиб келган кўйлаклар қани? Об туш. Бирини укангга олиб борасан.

Хотини тухфабоп, қорқиз ва қорбобо суврати урилган иккита ялтироқ елим пакет олиб чиқиб, Қодирбекка тутди-да, кийиниш учун нариги хонага кириб кетди. Қодирбек тортмадан иккита конверт олди. Бирига юз доллар, бирига икки минг доллар солди.

Машина йўлга тушди. Пакетларни олд ўриндиқقا қўйишиди. Орқа ўриндиқда ўтирган эр-хотин үз хаёллари билан банд. Хотин табиийки, оғир дардга чалинган укасининг тақдирига қайғуради. Эрнинг хаёлида бошқа ўй: «Худо хоҳласа, хўжайн уни, албатта, юқорига кўтариди. Ҳаммаси яхши бўлади. Шундай катта идоранинг депсинган майда бир бўлагида шунчаки раҳбарча бўлиб юришга чек қўйилади. Ана, қанча ҳамкаслари буни тепиб-тепкилаб юқори лавозимга чиқиб олишди. Оғзини очиб юраверса оёқ остида қолиб кетаверади. Қандингни ур, Қодирбек, қандингни ур. Яшасин, туғилган қун... Берган Худога ёқибди... Икки минг кўки ҳам чакки эмас...»

- Конвертга юз доллардан жойлаб, иккала пакетга ҳам солиб қўйдим. Майли-да, Янги йил совғаси, – шивирлади хотинига.

Хотини эрига ажабсиниб қаради, юзини ойнага бурди.

Қодирбек хұжайини, катта идоранинг раҳбари Нозим Тұраевичнинг шаҳар четидаги дала-богини, кенг-мұл қасрни күз олдига келтириб, ич-ичидан ғуурланиб қўйди. Айниқса, бугун казо-казолар келиб-кетиб турадиган дабдабали зиёфатга Қодирбекни шахсан раҳбарнинг ўзи таклиф қилгани ҳайратли ҳол эди. Ҳафта бурун раҳбарнинг ёрдамчиси қўнғироқ қилиб: «Туғилган кун эсдан чиқмасин, сиз ҳам рўйхатда борсиз», дея сердимоғлик или сирлинамо гапиргани Қодирбекни эсанкиратиб қўйди. Бутун халқ ўттиз биринчи декабрнинг қоқ тунида Янги йил кириб келишини куттган маҳалда у шу бугунни – биринчи январнинг айни шу дамини кутди. Байрамни ҳам бир құлтумгина шампан виноси ичиб қарши олди; әртасыга довдираб-совдираб юрсинми, хұжайнининг туғилган кунига хумкалла бўлиб борсинми?

– Тўхта, дўконга кириб чиқаман, – деди ҳайдовчига ажиб бир жилмайиш олиб.

– Дўконда нима қиласиз? – тўнғиллади хотини.

– Хўжайнинга битта, укангга битта «Виски» олиб чиқаман. Байрам байрамдай бўлсин. Ҳа, айтгандай, – олд ўриндиқقا қўл чузиб пакетларни олди, уларнинг ичини очиб қарагандай бўлди, – ма, мановиниси укангга, – иккинчи пакетни олд ўриндиқقا қўйиб машинадан тушди. Зум ўтмай, иккита «Виски» кўтариб келди. Уларни ҳам пакетларга жойлади.

– Ҳайда, Юнусободга ҳайда. Олдин янгангни қолдирамиз. Кейин хўжайниникига борамиз.

Шаҳар четидаги дала-ҳовлининг улкан дарвозаси ёнида алламбало уловлар қаторлашиб турибди. Қодирбек қўлида ҳалиги қорқиз ва қорбобо расми зохир байрам-пакетни кўтарган кўйи эшик олдида ҳаяжонини зўрға босиб, бирпас довдираб турди. Қўрқиб-писиб қўнғироқ тұгмасига қўл чўзди. Эшик очилиб, мулозимлардан бири чиқди. Қодирбекни эргаштириб, ҳовлига олиб кирди. Дарвозадан то қасргача бўлган йўлак четида ранго-ранг шарлар осилган, ялтир-юлтур ёниб турган жилвачироқчалар тортилган, рўпарадаги улкан арча шундай нимар-

салар билан безатилганки, асти қүяверасиз... Улкан залга киришди. Узун стол атрофидаги кимсаларни күриб әс-хуши учди; соясига салом берсанг арзийдиган одамлар бари. Четроқда әл таниган санъаткорлар жамулжам. Бири қўйиб бир олишяпти, куй-қўшиқ авжида.

Қодирбек пойгаккинадаги курсига ўтирди. Шотирлардан бири қўлидаги пакетни олиб тўрга – Нозим Тўраевич томон йўл олди. Қодирбек қўз қири билан кузатиб турди. Нозим Тўраевич унга қараб жилмайиб, бош ирғаб қўйди. Қодирбекнинг юраги ўйнаб кетди. Ич-ичида нимадир тўлқин урди, энтиқди... хизматдаги чаққон йигитилардан бири унга қадаҳ узатди. «Хўжайнин тортиннин масин, деяптилар. Бемалол олавераркансиз», – деди шипшиб. Нозим Тўраевич унга қараб яна бир жилмайиб қўйгандай бўлди. Қодирбек худди туш кўраётгандай эсанкираб қадаҳни бўшатди. Казо-казолардан бири нутқ ирод этди. Шундай зотнинг сўзи шарафланди, қадаҳ кўтарилиди. Қодирбек ўзини эркин ҳис қила бошлади. Кетма-кет узатилган қўллар ҳавода қолмади – қадаҳлар жаранглаб турди. Қахрамонимиз ҳам ўзини дадил тута бошлади. Давранинг нуфузи кўтардими ё қадаҳнинг кучидан қудрат туйдими, анча ҳаволанди. Ўзини хўжайиннинг яқин одамларидан биридай ҳис қилиб қолди. Даврага энди қўшилиб ёнидан жой олган хўжайниннинг ўринбосари елкасига гурсиллатиб уриб қўйди:

– Қани, олинг. Биттадан урайлик-чи, хўжайниннинг соғлиги учун, – ўринбосар ҳам мўмин-қобил Қодирбекнинг шаштига қулиб қўйди.

– Мен... Мен бугун хурсандман. Тушунаяпсизми, хурсандман. Шу... шундай одам билан узоқ йиллар бирга ишлайлик, олинг. Нега анграясиз? Қовоғингизни очинг... Ё сиз узоқ йиллар бирга ишлашимизга қаршимисиз? – деди ўринбосарнинг елкасига қўл ошириб.

– Мен, биз хўжайнин билан бирга ишлашни хоҳлаймиз. Лекин у киши хоҳламаяптилар-ку, – деди ўринбосар унга синчков тикилиб.

– Нега?

– Ўзлари ариза ёзиб пенсияга чиқяптилар. Бугундан бошлаб пенсия энди.

– Нима?! Ким пенсия? Пенсия нега? – Қодирбекнинг ҳаяжон оловида сармаст вужудига кимдир бир челак сув қуиб юборгандай бўлди; у бир сапчиб тушди, ҳаво етишмаётгандай бўлди; кўксидами, кўнглидами оғриқ турганини ҳис этиб, ўрнидан қўзғалди, гандираклаган кўйи ташқарига чиқди, кўз ўнгида Нозим Тўраевичнинг сирли жилмайган сиймоси гавдаланди. Алам заҳмида қўллари билан юзини тўсди. Чуқур-чуқур нафас олди. Ортга қаради, ойнаванд қасрнинг биринчи қаватидаги улкан залда қаҳ-қаҳа янграрди, йўқ, ўша залнинг ўзи қаҳ-қаҳ уриб кулаётгандай бўлди. Қодирбек изтироб исканжасида пайдар-пай қадам билан ҳовли дарвозасидан кўчага чиқди. Каражт ҳолда сўррайиб турди. Ёнига ўзининг хизмат машинаси келиб тўхтади. Ҳамон тош қотган Қодирбек жойидан жилмади. Ҳайдовчи машинадан тушиб орқа эшикни очиб Қодирбекни ўриндиқقا ўтиргизди:

– Тобингиз қочдими, хўжайин?

Орқа ўриндиқдан сас-садо чиқмади. Ҳайдовчи машинани юргизди.

...Яхшиям вақт тўхтаб қолмайди. Эртасига иккинчи январь тонги отди – Янги йилнинг иккинчи куни бошланди. Қодирбек беҳузур бўлиб уйғонди. Боши танасига оғирлик қиляпти – мияси тирқираб отилиб чиқиб кетгудай... Базўр диванга суюниб ўтирди. Аллақаердадир қўл телефони жиринглади. Хотини илгакдаги пальто чўнта-гидан қўл телефонини олиб келди. Қодирбек унинг юзига қаролмади. Афсус-надомат чўккан сўлғин нигоҳи ер чизарди:

– Эшитаман, ким бу? – деди ихраб.

– Ассалому алайкум, почча! Бу мен, Собиржонман. Сизга катта раҳмат, қилган яхшилигингиз Худодан қайтсин. Сиздан бир умр миннатдорман.

Қодирбек ҳеч нарсани англолмади...

– Нима гап? Тинчмисиз, Собиржон?

– Почча, кечаги совға-салом учун ҳам раҳмат. Икки минг доллар бериб юборибсиз опамдан. Албатта, қайтaraman, почча, – Собиржоннинг титроқли овозида миннатдорлик туйғуси жүш уради.

– А-а? Шундайми?

Қодирбек эсанкираган күйи хотинига қаради. Хотини ҳам эрига сирли қараш қилди-да, ошхона томон юргурилаб бориб, шокосада «аччиқ ош» келтириб дастурхонга күйди:

– Боринг, ювиниб келиб, ичиб олинг, кейин ўраниб ухлайсиз, – деди.

Хотини бу гал жуда сокин, беозоргина оқангда гапириди.

### «ШАРҚ ЙОЛДУЗИ» БОРМИ?

Қобил бовонинг қадами оғирлик қилди; ер күтаролмади. Тұқсон ёшнинг товоғини елкалаган полвончол шу кунгача давра-ю қурни ҳеч кимга бермай келди. Ҳа, бово оёғида тик туриб бу омонат дунёни бизга қолдириб кетди. Күрпа-тұшак қилиб ётмадиям, денг.

У тонг маҳали гурсо-гурс қадам ташлаб келди-да, Ғұчи чолнинг қиёматдан қолган ғийқиллоқ ёғоч эшигини тарсиллатиб урди. Ҳовлидан Потма момомиз югуриб чиқди. Ҳол-аҳвол сұрашган бўлди.

Момо пойи-патақкина бўлиб Қобил бовони ичкарига чорлади.

– Чолинг сўпи сув топмасдан чайласига кетгандир-а, Потмаой? – дейди бово эсонлик-омонлиқдан сўнг.

– Биласизку, ака... Мол-ҳол деб тиними йўқ.

– Тиним билмагани яхши. Тиним билмасин сира, югуриб юрсин, илойим. Бу дунё оёғингдан олади, ўлим дегани аввал оёғингга ёпишиб кўради.

Остонада аллатовур бўлиб турган бовонинг овози хаста ва синиқ чиқди. Момо сесканиб кетди. Зеҳн солди, кенг пешонасидан тер сизяпти, ранг-рўйи оқаринқираган.

- Мазангиз йўқми, ака?

Бово ғўччи чол ўтган-кетганни кузатиб, жиғига тегиш учун гап сермаб ўтирадиган шу майдагина ёғоч ўриндиққа қараб жилмайиб қўйди: «Шугинани ҳам каттароқ қиласа нима бўларкан, муштдеккина жуссасига мослаган-да, қирриқ – қурумсоқ...» Бово кенг-мўл беқасам чопонини тортиб турган белбоғига қистириқ журнални олиб кампирга узатди.

- Шоир неваранг ухляяптими, Потмаой? Шуни шу тирмизагингга бериб қўй.

- Ҳозир уйғотиб келаман, бовоси. Ҳозир.

- Тўхта, Потмаой, тўхта. Ма, ол. «Шарқ юлдузи» журнали бу. Неваранг ҳар доим мендан журнал-газет олишини биласан. Олдинги китоб, журналларим ҳам унда қолаверсин. Кеча почтадагиларга айтдим, менинг номимга келадиган ҳамма газет-журналларни энди неварангга олиб келишади. Уқдингми, Потмаой? Яна бир гап, чолингга айт, шу болани ҳадеб қора ишнинг тагида қовуравермасин. Үқийдиган бола у. Уйимдаги китобларимнинг ҳаммасини олиб келаверсин. Меникилар китобнинг қадрига етмайди, барибир.

Момо оstonада ҳангу манг турди:

- Ака, сизникига бориб ўқийверади, – деди зўрға қимтиниб. Бироқ юраги шув этиб кетди. Чолга яна разм солди. Елкасидан нафас олаяпти гўё.

Чол базўр жилмайди:

- Энди боравер. Бор. Агар яхна чойинг бўлса бир пиёлагина олиб чик.

Кампир ҳовлига югуриб кирди. Қобил бова ғўччи чолга мос омонат ўриндиққа яримтан бўлиб ўтирида, елкасини деворга тираб бош ирғади; омонатини топширишга ризолик билдириди.

...Эшик ортида момомнинг иззиллаб йиглаётганини эшитиб, гангиб қолдим, ўрнимдан турдим-да, ташқарига отилиб чиқдим. Момом мени қўрқмасин, дедими, ярим очиқ ҳовли эшигидан йўлимни тўсди.

– Нариги девордан ошиб ўт, тез чоп, бовонгни айтиб кел. Тез бор, кимни күрсанг, айтавер, болам, полвон бовонгдан айрилдик.

Момом энди бор овозда «акамлаб» йиғлар, мен ҳардамхаёл ҳолда Гүччи бовомнинг чайласи томон үқдай учиб борардим...

Сездингизми; ўша шамолдай учиб бораётган болакай менман. Ота-онам укаларимни олиб чўлга кўчиб кетишгач бовом билан момомнинг қаровида қишлоқда қолгандим. Қулоғи тош қотган бовомнинг озгина хасислиги ҳам бор эди. Момом доимо: «Бовонгдан хафа бўлма, қийин-қистовли кунларда, ғирт етимлиқда катта бўлган», дерди.

Мен нафасим бўғзимга тиқилиб, жон уҳмида чайлага етиб келганимда, бовом полиз ичида палак бостираётган эди. Совуқ хабарни эшишиб, мазмун-моҳиятини англаб-англамай ғулдиради:

– Ўлди? Ўлиб қолди? Нима учун ўлади?.. – Бовом олдимга тушиб йўргалади. Нималардир деб ғўнғилларди.

– Бо-во-о, бов-о-о-о, – дейман бақириб, – Қобил бовомнинг уйида китаплари кў-ўп. Менга журнал олиб келган экан. Энди китаплари нима бўлади?

Бовом менга ўқрайиб қарайди:

– Шу маҳалдаям китапди (китобни демоқчи) гапирансан-а? Шунчалар ҳам аҳмоқ бўласанми-а? – ингранади бовом лаблари пирпираб. Кўзларидан ёш сизяпти.

– Ахир Қобил бово ўлди-ку. Китапларини ким олади? – дейман жиғибийроним чиқиб.

Бовом таққа тўхтайди. Ўпкаси тўлиб, ҳансираиди. Юзимга анграйиб қарайди:

– Момонг, момонг тирикма? Момонг...

– Момом уйда. Қобил бово ўлди, деяпман-кууу, – чинқираман.

Бовом йўл четида харсанг устига ўтириб қолади.

– Шундай де. Сен бола охири мени ўлдириб қутуласан.

– (Бироз жимликдан сўнг) – Мен ўлсам-чи, мен ўлсам, нима қиласардинг-а, тирранча?!

Қобил бовонинг ўлимидан сўнг почтачи уйимизга журнални ҳар ойда олиб кела бошлади. Кейинги йил бобомнинг ажинаси отланса-да, момом бир қош-қовоқ уюб жеркиб берувди, бовом ризолик берди. Велосипед ҳам олдим, «Шарқ юлдузи»га обуна ҳам бўлдим. (Чол қурмағур шарт қўйган эди: ё велосипедни де, ё «Шарқ юлдузи»ни!)

...Мана орадан қирқ йил ўтибди. Қобил бовонинг китблари ҳамон қишлоқдаги уйимда сақланади. Ўшандан бери қирқ йилдирки, «Шарқ юлдузи»га обуна бўламан.

...Мен бу воқеаларни нега эсладим? Умуман, бу ҳикоянинг ёзилишига нима сабаб бўлди? Шу ҳақда гаплашайлик энди.

Хуллас, қишлоққа келганимга бир ҳафта бўлди. Очифи, бугун илк бор, ўзимдан, болалагимдан олислашиб кетганимни, ҳатто мана шу қишлоқ ҳам ўз-ӯзидан узоқлашиб кетгандай, қишлоқдан қишлоқ кетиб қолгандай туюлди. Катта шоиримиз айтган-ку: «Кетиб қопти Бойсундан Бойсун...» Гап уйимизга туташ дала-ю узумзорлар ўрнини томорқалар ишғол қилгани-ю, мен қўй боққан жарлик ва адирликларнинг текисланиб, кенг чорбоғдаги бесаноқ улкан тутларнинг кесилиб кетганида эмасдир, эҳтимол. (Болалиқда ҳатто тутларнинг ҳам номи бўларди; Лайлак тут, Капа тут, Шаҳид бово тут, Эркак тут, Урғочи тут...) Майли, тараққиёт-да, тараққиёт... Нима ҳам дердик. Янги уйлар, қурилишлар, албатта, томорқалар ерни ишғол қилиши табиий ҳол, бугун. Бироқ ер устини қанчалар ишғол қилмасин, ер ости барибир одамзодни маҳв этишини тушуниб етишимиз эса мутлақо бошқа масала. Агар биз шу нарсани чуқур англасак, ер усти бир мунча сокин тортармиди, ер устидаги урушлар тўхтармиди, инсон боласининг ерга ўчлиги, очқўзлиги босилармиди, нафс ўпқони қопқаси ёпилармиди...

Бу менинг гапиммас; неча-нечча жаҳонгиру соҳибқи-ронлардан қолган ҳақиқат, қолаверса, менга болалигимда Қобил бовом қолдирган, бугун ҳам юрагимга нур

бериб, күнглимини равшан этаётган китоблардан мерос ақида бу...

Нима дейсиз, энди... Баҳонада шу гапларни ҳам айтib олдим-да. Хуллас, әрталаб құл телефон жириングла-ди. Тошкентдан машхур адіб дүстім құнғироқ қилди. «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилған иккала ҳикоям ҳам унга ёқиби. Таъсирланғани чин; ҳаяжону ҳавас ила тұлиб-тошиб гапирди.

Хурсанд бұлдым. Ҳимосидан Ҳимолай титраб, иддаосидан ит үладиган, довруқли улкан адібнинг каминага құнғироқ қилиши, албатта, кутилмаган ҳодиса. Тубканинг туви, тоғнинг тағидаги кичик бир қишлоқни (кatta адіб тимсолида) Тошканду азим олқишлиб турса. (Чунки, иккала ҳикоям ҳам болалигим, шу қишлоқ одамлари ҳақида зди.) Очифи, мен нимага эришган, нима ёзған бұлсам, болалигимдан олдим, беғуборликнинг оташ түйғуларидан куч ва тафт түйиб ёздим. Ұзим билған сода, самимий қишлоқ одамларининг дунёning мана мен деган китобларига юқ бұладиган, жаҳон адабиётининг тит-питини чиқариб юборадиган буюк инсоний ақидалар сингдирилған жайдари фалсафасидан кур олиб ёздим. Мени болалик ёзувлары қилди, шу қишлоқ одамлари ёзувлары қилди, гүринг нурға тұлғур Қобил бовомнинг бебаҳо китоблари ёзувлары қилди. Мен бундан миннатдорман, болалигим, мен сендан миннатдорман!

Кайфиятим баланд зди. Құлым чўзсам Вахшивор тоғларининг қорли чўққиларини силагудай зди. Укамнинг үғли (бизда невара дейишади)ни мактаб кутубхонасига юбордим.

– Бор, неварам, «Шарқ юлдузи»нинг еттинчи сонини опке.

Невара бурнини тортиб, құлтелефондан бош күтармай сүрайди:

– Нима у? Шарқ... Шарқ, дегани?

– Журнал, «Шарқ юлдузи». Еттинчи сон де. Кутубхоначига мени айт, қайтаради, де. Бор энди, зинғилла.

Неварам ўрнидан оғриниб қўзғалади. Менга ғалати қараш қилиб жўнаб қолади. Келинимиз энамни чақириб қулоғига нимадир деб шипшийди. Мен даҳлиздан чиқиб боғ томонга ўтаётуб, энамнинг қарғаганини эшитаман.

– Қирилиб кетгурнинг қилиғини кўр энди, элни кулдириб, эшакни ҳангратиб ука ўз акасига қўшиб отасини ҳам судга бергани нимаси? Оқибатнинг ори тўкилган, яхшилик етти букилган, айтгилиги йўқ замонлар бошлиниб кетди. Сен хабарчи буни қаердан билдинг? Қулоғинг тарелка, кўзинг дурбин сенинг ҳам.

– Эна-ей, мана қаранг. Манавини қўринг. Ҳамид калнинг боласи телепонда тарқатиб юборибди. Мана, Рўзи бовонинг суд залида ўтирганини ҳам кўрсатишибди.

– Бечора бовога қийин бўпти. Бутун қишлоқقا эрмак, эл-эломонга элак бўпти-да...

– Қишлоқ дейсиз-а? Ҳамид калнинг ўша боласи буни энди бутун дунёга тарқатиб юборади. Блогер у. Блогер бўп қолган.

– Билонғир дейсанми? Бундай билонғирнинг боридан йўғи яхши. Элни эл билмаса, юртни юрт билмаса, жаройнага жар солиб ўзининг кетини ўзи очса...

Мен энамнинг дарди-фиғони қаъридаги ҳақиқат, жайдари фалсафа замиридаги элчилик эъзозини англагандай бўламан. Кўнглимда бир совуқ эпкин қўзғалади: «Биз қаёққа қараб кетяпмиз?! Олдинлари бу қишлоқда суд, млиса деган нарсалар, умуман, куйди-чиқди, уруш-жанжални эшитмаганмиз. Суд деса, орган деса, бутун бошли қишлоқ бир қалқиб тушарди. Бир-бирини судга судраш ўлимдан қаттиқ туюларди, уят саналарди, номуссизлик деб қараларди».

– Кеча қўрдингиз-ку, анави Нусрат бовонинг келини Ойтувдининг кўрсатган от ўйинини. Бово бечора билан қайнонаси Моҳи момони уриб кўчага ҳайдабди. Буям тиллонга чиқиб кетди. Сиз ҳам Сулув момога ўхшаб тиллон олволинг, ҳамма нарсадан хабардор бўласиз.

Энамнинг қарғиши қайроқтошни қайрайди. Ва охирида шундай дейди: «Одамзодда бет қолмади, без тошди...»

Супа четига бориб чўкаман. Шу тобда укамнинг ўғли, неварам Файратжон кўриниш беради. Менга уялинқираб қарайди, бироз норизо оҳангда тўнғиллайди:

– Бундайчакин журналлар ҳали ҳам борми? Бизга келмай қўйганига анча бўлди, деди китопчи опа. Кейин Сизга салом айтди.

Неварам супада чалқанча ётиб қўлтелефонини ўйнай бошлади: «Уҳ... уҳ... эҳ-ҳ-еъ, ҳаҳ... мана бўлмасам... мана... От... От... ўлдир...»

– Нима қиляпсан? – дейман ажабсиниб.

– Ўйнаяпман. Очко йиғяпман.

– Китоб-питоб ўқисанг бўлмайдими?

– Ҳозир каникул-ку, мактаб очилсин, кўрамиз.

Мен жим қотаман. Ҳовлидан ташқари чиқаман. Ҳасан муаллим, Ҳасан синфдошимникига йўл оламан. У адабиётдан дарс беради.

– Келинг ака, – дейди оstonада қимтиниб Руқия келин. – Уйга киринг, чой ичинг. Ошнангиз маҳалла раиси билан Ғани тоғаникига кетди.

– Тез қайтадими? – нимадандир умидвор бўламан, – Ғани тоғаникида бирор маърака борми?

– Ҳозир кетди. Ўғли Ғани тоғани уйидан қувиб ҳайдабди. Шуни инсофга чақирайлик, деб... Келсалар бирор нарса деб қўяйми?

– Ўзим шунчаки... Сизларда «Шарқ юлдузи» журнали йўқми, мабодо? – дейман. Дилемдагининг тилимга кўчганидан ўзимни бироз нокулай сезаман.

Руқия келин қизаринқирайди. Ўзини гуноҳкордай ҳис қиласади.

– Йўғ-а, йўқ. Анча бўлди, газет, журнал келмай қўйган.

Мен ўзимни осмондан тушгандай ҳис қила бошладим. «Ё тавба, чиндан ҳам бу жойдан шунчалик узилиб кетганимидим?»

Ўша куни бутун бошли қишлоқни кездим, ҳа, энига ҳам, бўйига ҳам ўсиб, кенгайиб кетган, одамлари кўпайган, данғиллама уйлар ҳам қад ростлаган қишлоқдаги ўқимишлиман, ана боринг, адабиётдан хабаримиз бор, деган хонадонларга худди бирор бўйнимга ип боғлаб судрагандай, ички қайсарлигим ўт олиб бир-бир бориб чиқдим. Ҳа, менинг қайсарлигим ихтиёrimдан холи, қасдма-қасдига менга бегоналашган эшиклар томон бошлаган экан.

– Тожиқул-ов, Тожиқу-уул, – овоз бераман синфдошим эшиги ортида. Ҳовлидан овоз келади:

– Тожиқулма, Тожиқул ўлган, – ҳовли адоғида юнғичқа ўраётган отамнинг ошнаси Махсум бовомга кўзим тушади. – Тожиқул уйдан чиқмайди, ана клипатурани жеб жотибди. – Бовонининг жиғи-бийрони чиқади. Мени кўрмайди.

Шу маҳал кўчага бетма-бет қурилган уй деразаси очилиб Тожиқулнинг боши пайдо бўлади:

– Э-еей, жоним ошнам, буюгим, қандай шамол учирди? Кел, кел... ҳовлига кир.

– Бошқа сафар ошна, мен шунчаки уйинг олдидан ўтаётган эдим. Уйдамикансан, дедим...

Отамизнинг жўраси Махсум бовом, юзини қуёшдан тўсиш учун қўлини пешонасига кафтсоя қилиб биз томонга қарайди-да, яна ишга киришади. Мени танимади, танигандা эди, ҳол-аҳвол сўрагани келарди, деб ўйлайман, ўзимча.

Тожиқул дарвозадан чиқиб келиб менга сирли қараш қиласди:

– Ошна, кир, қаққайиб турма, тинчликми?

– Сен ҳам мактабда дарс берасан, бирорта журнал-пурналга обуна бўлганмисан?

Ошнам томдан тараша тушгандай қилиб берган саволимдан анграйиб қолади. Юзимга сирли тикилади:

– Нимайди?

– Сўраяпман-да...

– Йүқ. Журнал-пурналларнинг қишлоқ тугул, туманга келмай қолганига анча бўлди. Сен билан бизнинг давримиз ўтди. Ошна, кир, уйга кир. Телевизорда Клеопатра хақида яхши кино бўляпти. Келининг ош дамлайди, юзюз қиласиз. Сендай ёзувчи бизнинг фахримиз.

Мен хижолат тортаман, ошнам худди мени мазах қилаётгандай бўлади. Отамиз тенги қария, янайм айтсам, биримизнинг отамиз қаршимизда инқиллаб ўроқ сермаса-ю, биз элликка кирган гўрсўхталар ичкарида Клеопатрани кўриб, дунёнинг энг гўзал жувонини бово айтмоқчи «еб-ютсак», бу қандай бедодлик? Хайр-маъзур ҳам ҳаминқадар бўлди – мен ортга қайтдим.

Жавзо офтоби бошимдан ланғиллаган чўғ ағдаряпти. Кўзим тиниб, ҳолсизланаман, қаёққа кетаётганимни ўзим билмайман. Аъзойи-баданим жиққа тер бўлади. Оғир-оғир нафас оламан, энди мен ҳеч нарсани кўрмайман, йўл четидаги сояга ўтиб, ёнбошбел аҳволда зардоли танасига суюнаман. Юрагим санчади. Уйқу элитади.

Ғўччи бовомнинг пахса девор билан ўралган эски ҳовлисида юрибман. Потма момом шалағи чиққан тоғорада кирюяпти. Омонатгина ўрнатилган эски, ғийқилдоқ дарвозани кимдир тақиллатади. Югурив бориб очаман. Остонада Қобил бовом жилмайиб турибди. Беқасам тўнига боғланган белбоғига тиркалган журнални менга узатади.

– Опкелдингизми, боважон? – дейман энтикиб.

– Опкелдим. Сен ўқи, болам, ўқигин. Опкелдим.

Бово ортига қайтади. Мен унга эргашаман, бово йўлнинг қоқ ўртасида тўхтаб менга орқангга қайт, ишорасини қилиб қўл силкийди. Атрофни туман қоплайди. Йиғидан юрагим зўриқади.

Атроф туман. Оғриқдан юрагим зўриқади. Кимдир мени силкилагандай бўлади.

– Бово, бовожон, туринг. Сизга нима бўлди, бово?

Базўр кўз очаман. Лабларим қуруқшаб қолибди. Қаршимда укамнинг ўғли – неварам титраб-қақшаб турибди, ранг-рўйи оппоқ, кўрқиб кетган чоғи, дағ-дағ қалтирайди.

– Келдингми?... Ҳозир, бироз менга тегма, ҳозир ўтиб кетади...

– Бово, мана, отам топиб келди. Туман марказида биттагина бор экан, қишлоқни қидириб юрмасин, деди, отам. – Укамнинг ўғли, менинг неварагинам «Шарқ юлдузи»ни узатади. У шу тобда қаҳрамонлик кўрсатган баҳодир янглиғ менга мағрут қараб туради. Жилмаяман.

– Ана энди ўтиб кетди. Қани туришимга ёрдамлаш. Қўлингни чўз.

Биз йўлга тушамиз. Қишлоқ четидаги овлоқ кўча, болалигимда ажинакўча деб атаганимиз бу жойга қандай келиб қолганимга ҳайрон бўламан. Ёнимдаги тирмизаккина эса зўр ишни қойиллатган каби ирғишлаб қўяди-да, йиритиқ тиззаиштони чўнтағидан алламбало қўлтелефон олиб экранга термилади. Нималарнидир томоша қилиб, «ух-ух-ух-хей», деб қўяди...

## МЕНИ ТЎРА БОВА УРДИ

Эсингиздами, ўтган йилги иссиқ – 2018 йилнинг ёзи ни айтаяпман: умримиз бино бўлиб сиз ҳам, мен ҳам бундай жазирамани кўрмаган бўлсак керак. Тошкентда ҳароратўлчам нақ 62ни кўрсатувди. Энди, Тошкентдаки шундай бўлгач, бизнинг жануб томон, Сурхон тарафларни бир тасаввур қилинг, олам оташ ичиди эди, десам, ишонаверинг. Ишонасиз-да, чунки айни ўша дам мен қишлоқда, аниқроғи, ернинг усти тугул остида ҳам ўт ўрлаб, тошкӯласи тандирдек қизиган қишлоқнинг қоқ марказида эдим, бўйнинг узилгур ҳайдовчи Ғани найнов «Ака, ўлдирсангиз ҳам кўчангизга кирмайман, Норқўл тентак кўриб қолса теримни шилиб олади...», – деб оёқтираб тайсаллади-да, ярим йўлда қолдириб кетди.

Мана, кетаяпман ҳансира, ҳаво ўрнига олов ютиб. Ланғиллаган кўчага пойабзал ҳам писанд эмас, оёғим куяди. Қилт этган шамол қарғишга йўлиқкан. Офтоб гўё менинг бошимда қотиб қолган. Вақт тўхтаган. Кўчада

Норқул тентак тугул, қимир этган қумурсқа йүқ. Одам қаёқда, даррандау дурранда ҳам ин-инига кириб кет-ған. Күзларим тиниб-тиниб одимлайман. Киприкларим зил-замбил – ҳолсизликда жон сабил. Каллам құмғон, ичим тандир – ёняпман. Жизғанак, ҳа, жавонибдан жа-воб йүқ – жизғанак. Жавзонинг жини улай-булай құзи-маган. Тани-суробим жиққа тер, әгнимдаги оқ күйлак баданимга чиппа ёпишган. Бир нафаслик әпкинни деб әсдан оғишиңг турған гап.

Ана шундай ақволда ярим чақирим йұлни босиб үти-шим керак, уйимиз ҳам тубканинг туғи бўлиб туюла-ди. Ҳайдовчи Ғани найновни янийман: «Мана, күчада ҳеч ким йүқ әкан-ку, үлиб қолармидинг, эшигимгача олиб бориб қўйсанг...» Шу тобда унинг овози янграйди қулоғим остида: «Кеча тўйда ғижиллашиб қолдик. Қу-ложкашлаб соламан девди, чап бериб, темир чойнакни чой-пойи билан қўтариб бошига солдим-да, қочдим...» Норқул тентакнинг калласига темир чойнак учиб келиб тушишини тасаввур қилиб беҳолгина ҳириналайман. Үл-гандир, Норқул үзиям. Чойнакнинг зарби, бунинг устига ичида қайноқ чой, бўларича бўлгандир. Юз томирларим ёйилиб, энди ростакамига қаҳ-қаҳ ураман.

Норқулни ҳам таништириб үтайин-да; Норқул – қиши-лоқнинг қора қашқаси. Үттизга кириб ҳам үти үчмаган, үтини чарс, қаердаки тўй-томоша бўлса илвасинига иш-кал илашадиган, тўполони тўп оғзини йиртадиган бола. Бирор билан қасдлашмасин, кеки кекирдаккача етади. Лекин шундай хунфеъл бўлгани билан ор-номуси үзи-ники. Гурури ғўрра, ҳалигиси чурра бўлмаган бола. Нима деймиз, буям энди феъл-да, феъл. Айримлар Норқулни отаси Тўра терсга тортган, дейишади, чолларнинг айти-шича, Тўра бова ҳам ёшлигига ўрни ўриб, қирни қирган, оёғи ерга тегмаган, уришқоқ бўлган. Хуллас, гапни шу ерда тўхтатамиз.

Бу ҳикоямизнинг мавзуси бошқа томонга қараб кета-ди. Зинҳор Норқул тарафга тош отиш ниятимиз ҳам йўқ.

Чапанию чапгап Тұра терс бова билан камина үртасида бўлиб үтган гап-гаштакни эса қоғозга туширишни эп билдим, ҳикояни осмондан қидириб нима қилдим, ҳикоя одамлар орасида, халқ ичидаги бўлади-ку...

Хуллас, ҳар нарсага бир нарса сабабчи деганларидаи, бу ҳаётда ҳеч бир воқеа бехудага содир бўлмаскан. Недир ниманидир пайдо қиласди.

Жазира ма. Гани найновнинг ғингшиб мени ярим йўлда қолдириб кетишию, Норқулнинг бошига темир чойнак келиб тегишини кўз олдимга келтириб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборганим...

Хуллас, қаҳ-қаҳ уриб кулдим. Ёзниң иссиғига исён қилиб, бошимда қумғон қайнаётган қуёшга қасдма-қасд қаҳ-қаҳ урдим.

Симтўр девор билан үралган ҳовлининг ғийқилдоқ ёғоч эшиги очилиб қип яланғоч, бадани офтобда қора-йиб пўст ташлаган бир тирмизак отилиб чиқади:

– Ақа, сизди бовом чақияяпти... Уя кийинг.

Симдевор ортидаги ҳовлига разм соламан. Не бир замонларни қўрмаган капабош қайрағочнинг қуюқ сояси тагида, кенг-мўл супада ёнбошлаб ётган Тұра бовага, Тұра терсга кўзим тушади. Юрагим шиф этади. Боваси тушмагур оч яшил яктагининг этагини кутариб олган (иштоннинг липпасидан кўкраккача очик) кўйи ёнбошлаб мени кузатиб турибди. Кўксига тушиб турган қалин оппоқ соқолини тутамлаб мендан кўз узмайди. Ҳамманинг ҳовлиси девор, буники симтўр (бизда «сетка» дейишади) үтган-кетганни кўриб туради. Мени кузатиб ўтирган.

Бошқа ҳеч кимнида қайрағоч қўрмаганман, бованикида бор. Шу қайрағочни босмачи бовамнинг отаси эккан деб ғурурланиб юриши бутун қишлоқ одамига равшан. Мен ҳам бованинг ўз оғзидан кўп эшитганман. У пайтлар мактаб ўқувчиси эдим. Ўқувчиларнинг республика газетига «Бобомнинг қайрағочи» деган мақола ёзиб жўнатганман. Лекин мақоладаги жумла «босмачининг отаси» эмас, «қизил аскарнинг отаси» деб ўзгартирилиб

чиққан. Үшанды Тұра бовадан оладиганимни олғанман, мактабга кетаётганимда ушлаб олиб қулоқ чаккамга қўйиб юборган: «Мана сенга қизил аскар, тирранча. Ўргилдим сендай ёзувчидан!» Шу-шу, бованинг кўчасидан бир йил ўтмаганман. Узоқ бўлса ҳам мактабга жар кўча томондан қатнаганман. Кейин йиллар ўтди. Бова билан анча иноқлашиб кетдик. Менга у кишининг чапаниларча айтган тагли-тугли гаплари хуш ёқарди. Орадан уч йиллар ўтди-ёв, бова билан юз кўришганим йўқ. Баъзи бир ҳикояларимга бованинг образини киритдим. Адабиётчилар буни «прототип» дейишади-ку. «Прототип»ми бошқами, билмадиму, лекин мен ўша ҳикояларни ёзганимда бовани кўриб турардим, ҳа, бова менга тепамда қараётгандай туюларди.

Ҳалиги болакай эшик қиррасига суюнган кўйи офтоб оташи забтидан кўзларини қисиб бурнини тортади. Мени ўзи билан етаклаб кириш чути бор.

– Қалайсан, Тарзаннинг укаси. Биз томонларга қаердан келиб қолдинг? Э-э-эй, ана бўлмасам, чумбулингни ҳам иссиқ уриб кетганга ўхшайди-ку, йўқолиб қолибди.

Болакай илжайиб қўяди, шарт бурилиб олдимга тушиб супа томон пилдираб қолади. Мен унинг ортидан эргашаман. Кўз қирим билан бовани кузатаман. Юзимга супа ёнидаги кенгсатҳ ҳовуз сувининг салқини урилади. Кўнглимда алланечук ҳадик ҳисси ғимирлайди. Отам Тұра бовадан хафа бўлаверма, унинг ўнг томони йўқ, ҳамма томони терс, терс ётиб терс уйғонади, дейди. Шу маҳалда шу гап калламга қаёқдан келди, билмайман. Бова билан одобни қуюқ қилиб қўшқуллаб кўришиш учун иккала қўлимни ҳам узатдим.

– Ассалому алайкум, терс боважон... Э-эй, Тұра бова. Соғлиғингиз яхшими, димоғингиз чоғми?

Бованинг важоҳати бир ўт олди-ю, ўзини босди, сездим, кайфиятига зил кетиб қўл чўзди. Чўзгандаям, бир қўлини омонатгина чўзди.

– Ке, ўтири.

Шу тобда анави невара, африкалик тарзангбола гирдига нам дока ўралган күза келтириб, қўйди. Кўзим ўйнаб кетди. Уҳ-ҳ, шарт кўзани олиб нимкосага тўлдириб сув қуйиб, даст кўтардим, уҳ-ух, жоним кирди, ҳовузнинг салқини, қайрағочнинг қуюқ сояси, очиқ кўчага қараб ястанган супа... Эй, қудратингдан, салқин эпкин ҳам эсгандай бўлдими, э-эй, борлиқ оташ, чолнинг салтанати эса хузурбахш. Амир Олимхон бўп кетинг-ей, терс бова.

– Раҳмат боважон, қишлоқдаги энг доно бова ўзингиз-да... Қаранг, ҳеч жойда йўқ салқинлик, ҳатто роҳатижон эпкин бир сизницида бор... Ойдин момом яхшими? Ўғлингиз Норқул полвон-чи? Момом кўринмаяпти?

Бова менга синчков термилиб туради.

Ўлдим. Энди ўлдим. Гапнинг тагида қоламан, чолнинг авзойи бузук. Ҳозир бирор бир гапни юзингда кўзинг борми, демай сермаб отади. Мени тилёғламалик қилаяпти, деб ўйлаяпти.

– Майли, боважон. Мен борай бўлмасам... Эртага уйга ўтинг, – дейман ўрнимдан кўзғалиб.

Бова қирғий қараш қиласди. Яна юрагим шиф этади.

– Ўтири. Борасан! Отангнинг тўйини қиляпсизларми?

– Ҳа, боважон шундай. Саксонга киряпти, отамиз. Қишлоқнинг кексаларини чақириб, бу ёғи невара-чевара дегандай, одмигина маросимда буям.

Биламан, бова мени кўнглига яқин тортарди. Қишлоққа келсан бованикига, албатта, кириб ўтардим, ана-мана билан гурунгимиз кўр олиб кетарди. Отам баъзида: «Шу чапани, қўрс билан нимани гаплашасан, сен бола?» деб иддао ҳам қилгич эди. Отам билан бова ошна, лекин кунора суви лойқаланиб турарди, улар ҳамиша бир-бирига тепа-терс эдилар, шундай бўлса ҳам иноқлик ипини ҳеч нарса узолмасди – буям бир қизиқ-да...

Айтдим-ку, кейинги уч йилдан бери бовани кўрганим йўқ. Қишлоққа икки бор келиб кетдим, лекин бовага «бормисиз...» деб қўйишга ярамадим. Ярамадимми, демак, бова: «Ярамассан...» дейишга ҳақли. Билмадим, арzon

мақтovларнинг тойчоғи устида талтайиб кетдимми, оёқ ердан күтарилидими, ё дийдорнинг нархи қимматлашдими, вақтнинг қулига айланиб қолдимми, билмадим. Үтган гал келганимда бова үғли Норқулни юбориби: «Отам Сизни кечкурун маҳмонга айтди. Гуччи бовам билан бирга бораркансиз?» Хұп дедим, қаёқда, вақт үлгур шунга келганды нотантилик қилди. Шом пайти туман марказига кетдим, туманнинг каттаси чақирған экан, қай бир ҳашамли жойда «бир пиёла чой» ичдик... Ярим тунга қадар қолиб кетдим. Бованинг үзи келибди уйимизга: «Үғлинг қани?» дебди отамга. «Туманга кетди, катта чақирған экан». Тұра бова отамга нима деса деган. Мен шу гапларнинг айримларинигина сизга ҳам айтаман, эшитган қулоқ узилиб тушмайдиган, силлиқроқ, дакки-дашномдан илинганимиз шу, эшитасизми? Хуллас, Тұра бова отамга шундай-шундай деб узиб-узиб оляпти: «Катта чақирған экан, деб илжаясан-а? Аввало, сенинг калланға қорт тушган. Элдан айрилган элакка ёлчимайди. Қуш беги билан шавла емабди. Үргилдим сендан. Құйнинг күмөлөғи құтон меники, деб даъво қиларкан. Туманга кетдимиш... Босарини билмаган тусарини билибди-да-а? Сенларни одам деб, қүй сүйиб уйимга чақириб үтирибман-а... Э-эй, сатқайи...» Шу тобда отамизники ҳам тутиб қолиб, гулхани гуриллайди: «Мен-га қара, олашақшақ (құшнинг номи) мунча шақиллайсан. Мен сеникида нима қиласман? Сенинг гурунгингга зорманма? Үзинг ғұрда, гурунгинг жер бўлармиди... Сенга үғлим керакма, ана, үғлимни топиб гаплашавер...» Икки чапани чол үртасида томошанинг зўри авж олган кез энамиз бу ёқдан чиқиб отамизни ҳай-ҳайлаб, судраб, тортқиллайди, уйга олиб киради, нарёқдан бованинг кампири Ойдин момом билан үғли Норқул келишиб чарсиллаб чўғ бўлиб турган чолни амал-тақал қилиб олиб кетишади.

Мен бу даҳанаки, лекин даҳанни қайирадиган «муҳораба» ҳақида эрталаб энамдан эшитдим. Кечаги базмдан сўнг гарангсиб турган бошимга: «Тұра бовага қўрин-масдан жуфтакни ростлашим керак... Йўқса бовадан ола-

диганимни оламан», деган хавотирли ўй келди. Ими-жимида Тошкентга қайтдим.

Бова ҳамон менга синчковлик билан назар қадаб турибди. Юзида лаҳзалик жилмайиш зоҳир бўлди, сўнг қиёфа яна тундлашди:

– Отанг мендан уч ёш кичкина. Саксонга киргани чин. Лекин ҳаддини билмай сенсирайди. Менга қара, сен Ғуччи калнинг Ҳусанимисан? – дейди томоқ қириб.

Туйқус миямда чақин чаққандай бўлади. Оний ҳолатда қўнглим ёришади.

- Ҳа, мен Ҳусанман. Ҳусанман, бова.
- Термизда ишлайдигани сенсан, шундайми?
- Шундай. Термиздаги ули менман. Термиздаги...
- Анави, ёзувчи аканг қаерларда юрибди?
- Уми? Уям келади эртага.

– Келса яхши, – дейди бова, яна менга ўқрайиб қарайди. Қуюқ қошлар остидаги ўткир нигоҳдан кўзимни олиб қочаман. – Келса яхши, шу болада гапим бор эди.

- Нима гапингиз бор эди, бова?

Бова бир қимиirlаб, ёстиққа белини тирайди, ўнғай ўтиради.

– Шуни ёзганлари, кейинги ёзганлари кўпам менга хуш келмаяпти... Аллақаердаги бўлмағир воқеаларни ёзиб юради.

– Мен унинг ишига аралашмасам, билмасам бова... Энди мен борай, бова, менга рухсат беринг. Уйда ҳам иш кўп. Отам кутиб ўтиргандир... Кечқурун уйга гуруч-муруч, оқ мой ҳам олиб боришим керак...

Бова менга ялт этиб қарайди. Турқи-таровати тош босадиган, қовоқ уюлади. Мен оқ мой ҳақида (биз томонда пахта ёғини оқ мой дейишади) bemavrid гапириб қўйганимни ҳис этиб қилтираб кетаман. Чол бир тўлғаниб қўяди. Ўқибди, ўқиган-да, ўқиган. «Оқ мой» деган бир ҳикоя ҳам ёзувдим, шу китобимга кирган. Қисқаси, бир замонлар, Брежнев бобо пайтида дўконлардаги ёғ қўптоналик сиғимларда сақланарди. Кимга ёғ керак бўлса

сиғим устига чиқиб сим боғлаган ярим килолик чүмич билан үзига керакли ёғни идишига олиб пулині тұлаб кетаверарди. Ҳикоя қаҳрамони Тоғай тажанг юз грамм отиб олиб сиғим устига чиқиб ёғ оламан деб улкан «төмир ҳовуз»нинг ичига тушиб кетганини воқеа сифатида қистириб үтувдим. Шу-шу, Тоғай тажангнинг лақаби «оқ мой» бўлиб кетгани-ю, кейинчалик бир ўғли бизнинг замонларда «мойзовуд» қургани ҳақидағи бир жүн ҳикоя эди бу. Аслида бу кечмишнинг «мойсигим» билан боғлиқ жойи рӯпарамдаги Тўра бовамизга тегишли эди. Боваси тушмагур шу нарсани гина чўпи билан қўзғаб турибди. Хайрият, мени айнан шу ҳикоянинг «эгаси» эканлигими ни билмаяпти айни дам. Йўқса...

Бова зардаси тошибгина шундай дейди:

– Отангнинг-ку оғзи йиртиқ. Оғзида сув турса ҳам гап турмайды. Аканг ҳам отангдан эшигтан эски гапларни ёзиб ташлайверади-да.

– Акамнинг китоблари чиқиб турибди, одамлар ўқишаётгандир, – дейман каловланиб, бошқа гап тилимга келмайды.

– Одамларди билмадим-у, қишлоқ ўқийди. Акангди китоби чиқса отангга Худо беради. Уйма-уй тарқатиб чиқади. Ўқинг, бизди улди (ўғлимни демоқчи) китоби чиқибди. Ўқимаганингга ҳам қўймайди. Тунов куни маҷитдаги чолларга ҳам тарқатди.

– Сиз ҳам олдингизми, бова? – дейман ўзимни базур тутиб.

– Менга биринчи бўлиб олиб келиб беради. Бир сүзини ҳам қолдирмайман, – чол бироз юмшайди. – Яхши. Лекин, кейинги ёзганлари одамлардан анча узоқ, анча олисда.

– Нима деганингиз бу, бова?

– Деганим шу, чин ҳаётдан узоқлашгандай бола...

– Нега?

– Олдинлари содда, тушунарли, кўнгилга яқин қилиб ёзарди. Кейин, шу ўзининг юргига, тупроғига нима дей-

ди, ҳалиги, қишлоқ одамларига жуда яқин, томирдош бўлиб ёзарди.

– Хозир-чи? – дейман бўғилиб.

– Аллақердаги Москва-ю Париж-Марижлардаги воқеаларни ёзадими-ей, ўрис-мўрис аёллар ҳақида гапирадими-ей...

Бирдан ҳовуз сувининг салқини ҳам, қайрағочнинг қуюқ соясию, фақат шу супа устида эсган эпкин ҳам жазира машина комида қолади, қуёш ўтида қоврилиб ҳансирай бошлайман, ҳаво етишмагандай бўлади. Ўзимни базур кўлга оламан.

– Бова, менимча, акам дунё адабиёти билан тенглashingиб ёзишга уринса керак-да, яна ким билади, дейсиз...

– Дунё, қанақа дунё? Дунё мана шу уй, мана қишлоқ, манави одамлар билан, манави ҳовуз, манави қайрағоч билан бўйлашсин («ҳа, бўйлашсин», деди чоли курмағур). Дунёга шулар қизиқ. Ҳар кимнинг дунёси ўз-ўзи, ўлан-тўшаги билан, болам. Сен москваликмидингки, Москва ҳақида ёзасан, дейдиган одам йўқ.

Бова юзини ҳовуз томон бурди.

– Бова энди ҳар кимнинг ёзиш йўли бўлади дейишади-ку, услуб дейишадими-ей...

– Услуб ҳамма нарсада бор. Сенда йўқми?..

– Мен... Менда, бизда, бор, бошқачароқ. Биласизку, математика адабиётдан фарқ қилади.

– Бўлса бордир. Лекин, мана, бойсунлик Шукур Холмирзаев... Шу одам менинг жўрам эди. Умр бўйи шу тупроқ, шу одамлар ҳақида ёзди.

– Бова, энди ҳар кимнинг ўз йўли бўларкан-да.

– Йўли бўлгани яхши. Лекин бу йўл одам ўзи қайтиб келадиган жойдан узилиб қолмаслиги керак. Дунёга чиқасанми, ойга борасанми, ундан наригами, гапим шу! Мана, манави қайрағочга қара. Икки юз йилдан кўп вақт ўтди. Қилт этмайди. Шохлари осмонни кўтараман, дейди. Буни ушлаб турган, куч берган шу – илдизи! Қайси йўлдан юрсанг ҳам одамларнинг кўнглига бориб тушадиган

йүлни танлаганинг маъқул. Хуллас, Ҳусанбой, акангнинг охирги китоби менга унча маъқул келмади. Үтган кеча, ошна-пошнаси бўлса керак-да, бир олим телевизорда чиқиб шу китобни роса мақтади ҳам. Бир уялдим, бир уялдим. Ёлғон-яшиқ энди китоб ишига ҳам аралашибди-да, деб оғриндим.

Мен бўларимча бўлдим. Барибир юзга айтилган гапнинг ҳам заҳри бўларкан.

– Бова, энди мен борай.

Чол пешайвон томон юз буриб, овоз қўйди:

– Шукуржон, ҳо-ой, Шукуржон...

Ҳалиги қоп-қора тарзанбола чопиб келди.

– Бор, токчадаги китобни опке. Кечада опанг ўқиётган китобни.

Зум ўтмай бола бундан анча йиллар илгари чоп этилган, муқоваси уринган аввалги китобимни олиб келади.

– Мана шу китобни невараларим ҳам ўқияпти. Кейингилари бундан ҳам зўр бўлсин дейман-да... Ҳа, дарвоқе, шаҳарга борганда аканг ёзган испектаклни ҳам томоша қилдим. Яхши. Ўзи билган одамларни ёзибди. Бу яхши.

...Қоратойлоқ яланғоч болакай мени кўча эшиккача кузатиб келади.

– Яхши бойинг.

Үйимизга ҳансираб-ҳансираб етиб келдим. Энам юргилаб пешвоз чиқади. Салқин меҳмонхонага кириб узала тушаман. Энам бечора қўли етти, оёғи олти бўлиб дастурхон ёзади, емак ташийди. Менинг эса елкам жиззиллаб оғрийди. Йўлда келаётганимда Тура бованинг икки кўзи таъқиб этиб елкамга қадалиб қолганини ҳис қилгандим, шу, елкам куйиб оғрияпти.

– Эна, отам қаерда? – дейман синиқ овозда.

– Сенга нима бўлди? Иссик ўтганга ўхшайди, – энам порти-пийрон бўлиб бошимни ушлайди. – Отанг ҳамсояники-да. Катта самоварини сўрагани чиқувди. Сингилла-ринг кечқурун келишади.

– Ҳусаним-чи? Ҳусаним келмадими? Телефон қилгандим, уйда бўламан, девди.

– Ҳусанинг уйда эди. Бир соатлар бурун Тўра бованг келувди. Келини Ойгулнинг кўзи ёрибди. Шунга Ҳусанбойингиз машинасида кампирим Ойдин момони роддомга олиб бориб келсин, деб отангга ойда-жилда бир илтимос қилиб келган экан. Отанг ҳам пайт пойлаб урадиганлар хилидан: «Анави калласи куйган Норқулинг олиб борсин...», деса бўладими? Бова аразлаб кетди. Иккови ҳам бир-биридан қолишмайди, ёш бола дейсан... Ҳусанини изидан юбордим. Бовани ҳовуридан туширибди. Ойдин момосини роддомга олиб кетди.

Ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Кўз олдим қоронғилашди.

– Ҳусаним уйдамиди? Тўра бова билан гаплашдими? – дейман бўғилиб.

– Уйда бўлмай қаерда бўларди. Икки кун бўлди, Термиздан келганига. Сен олисда бўлсанг. Кунимизга шу бола яраяпти-да, жон болам. Бозор-ӯчар, майда-чуйда шугинанинг бўйнида-ку...

– Тўра... Тўра бова билан Ҳусаним бугун кўришган экан-да-а?

– Бу нима деганинг? Кўришса нима қипти? Тўра бованг ҳам зерикиб ўтиради-да, болам. Пешонасиға битган бир ўғил, анави Норқул гўрсўхтанинг аҳволи элга аён. Кўчани ҳеч кимга бермайди. Уям калласи куйиб касалхонага тушиб қолибди.

Ичимдан бир қиринди ўтади. Овозим синиқ ва сўник, bemажол гапираман:

– Демак, Ҳусаним Тўра бова билан... кўришган...

– Ҳа, болам, бунча сўраб қолдинг? Тинчликми? Кеча ҳам Тўра бовангниги борувди. Алламаҳалгача гаплашиб ўтиришибди. Эрталаб Тўра бованг билан Обшир қишлоққа фотиҳага бориб келишди. Бованг сени қачон келади, деб сўрабди.

– Шундай денг, эна, шундай денг... Уф-ф-ф.

Күзим тиниб гандираклаб мук тушаман. Энам пилди-раб келиб яна манглайимга кафтини теккизади. Энам-нинг құллари, бутун вужудига қалтироқ кирганини ҳис қиласман.

– Вой болажоним-а... Ёт бирпас, ётиб тур, ҳозир муздай чалоб (айрон демоқчи) қилиб бераман. Иссикнинг жони-ни олади. Сени иссиқ урибди, болам, – дейди энам хаво-тиру ҳадик ичра титраб.

Энам шошиб-пишиб эшикдан чиқиб кетади. Күз үн-гимда синчковлик билан назар солиб турган Тұра бова-нинг муғомбираona жилмайған сиймоси гавдаланади.

– Мени иссиқ урмади, эна! Тұра бова урди, Тұра бова урди, – дейман ожиз ва хаста оқангда...

## ҲАМЁН

– Чеховнинг «Ҳамён» ҳикоясини ўқиганмисиз?

– Ўқиганман, нимайди? – дейди диванда ёнбошлаб ол-ган Олим обзей.

– Шарқда айнан шунга үхашаш ҳикоят бор.

– Чехов шундан олиб күчириб құя қолган демоқчимисиз?

Олим обзей құлтиғи остидаги ёстиқни бошига олиб чалқанча ётиб шифтга тикилиб қолади.

– Йүқ. Ундай фикрдамасман.

– Баракалла. Чеховнинг күплаб ҳикояларыда инсон қалтис бир вазиятда қолганда ёки ҳаяжонли ҳолатда унинг ботинида бир тушункисиз ҳаракат пайдо бұлади, буни ҳеч ким изохтай олмайди, на танқидчи, на ёзуви. Чеховнинг зұрлиги шунда. Ўқиши жараёнида ана шу ички ҳаракатни сезиб қолсанғиз, э-э-эй, менда ҳам шундай бўлувди, бу менман-ку, десанғиз Чехов сизни үзига яқинлаштиради. Унинг зұрлиги шунда. Буни унча-мунча ёзуви эплолмайди, айниқса, ҳикояларда, – обзей тұшак-да чўзилган кўйи икки қулини қанот қиласми.

Обзей таг-томирли гапиради. Дунё адабиётининг бу ёғидан кириб нариёғидан чиқишга уринган одам. Буни тан олмай иложим йўқ.

– Сиз унинг «Суддан олдинги тун» деган бир күринишли пьесасини үқиганмисиз? – дейман дабдурустдан.

– Нимайди?

Үқимаган. Ушладим. Жон-жойидан ушладим. Бир ҳафтадирки менга Чеховдан сабоқ берган Олимбойнинг посонгисини пасайтириб қўйиш мавриди ҳозир. (Шу асар адабнинг аввал чоп этилган китобларида берилмагани, олий санъат даргоҳларида ҳам тилга олинмаслиги, чеховшунослар назаридан четда қолганини-ю, ўзбек тилига эса таржима ҳам қилинмаганини яхши билардим.)

Обзей ўрнидан қўзғалди, диванга ўтирди. Менга синчиклаб қараб турди.

– Хуш... Фикрингизни билмоқчийдим.

Обзей хомуш тортди, қовоғидан ёққан қор томингни босиб қолгудай... «Э-ей, унинг шундай асари ҳам бормиди?» – деган саволини кутиб ғолибона жилмайиб қўйдим. Курсидан туриб музлаткични очдим. Минерал сув олдим. У ҳамон менга синчков тикилиб туриби:

– Кетадими, муздеккина...

Обзей чўнтағидан сигарет олди, балконга чиқди. (Шу ўлгурни кўп тутатаркан.) Босиб-босиб чекди. Бироз ўнғайсизландим. Хонага қайтиб диванга чўккач, сўровим устига андава урдим:

– Хуллас, Чехов шуни бир күринишли майда пьеса қилгандан кўра ҳикояга айлантиrsa соз бўларди. Аслида бу таппа-тайёр таъсирчан ҳикоя, пьеса эмас. Ҳикоя ёзишга эринганми, сюжетни пьесага ёпиштириб қўя қолган.

Олим обзей қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди. Бош чайқади.

– Тўхтанг, азизим. Тўхтанг! – у яна икки қўлини қанот қилди. – Биринчидан, ўша асарнинг сюжетига эътибор беринг. Унга ҳеч қанақа кечинма-ю изоҳнинг ҳожати йўқ. Кераксиз изоҳ бошга тушган калтак билан баробар. Иккинчидан, ёзувчи воқелик хатти-ҳаракат билан янаем таъсирчан бўлишини ҳис қилган. Чунки у – Чехов! Чехов бир пайтда икки қайиқда – прозада ҳам, драмада ҳам суза билган ёзувчи. Учинчидан, пьеса бир күринишли эмас.

Тарвузим құлтиғимдан тарсиллаб тушади. Мен Олим обзейга ҳайрат билан қарайман. Қулоқидищдаги муздек маъданли сувни бир күтаришда сипқараман.

– Унинг ўзи ёзиб қўйибди-ку, бир қўринишли деб!

Обзей илжаяди. Тўшакда ёнбош чўзилади, ўнг қўлини бурчак қилиб, кафтига бошини қўяди.

– Ёзса ёзибди-да. Сизга бир савол бераман.

– Қани, эшитайлик-чи.

– Шу асарда тугун қаерда ташланган?

– Ҳалиги, товламачининг хонасига қўшни хонадаги аёлнинг кириб келиши-ю, муттаҳам ҳам ўзини унга дўхтирман, деб таништиришидан.

– Тўғри. Тугун қаерда, қачон ечиляпти?

– Судда. Эртасига судда, – дейман.

– Бўлди. Гап тамом. Ўз-ўзидан аёнки, асар икки қўринишли экан. Чехов кутилмаган воқеа – суддаги ҳолатни томошабиннинг ўзига қолдирган. Буни англамаган режисser пъесани бир қўринишли қилиб саҳналаштиради. Бор гап шу... Энди ухлайлик, эртага гаплашамиз... Индинга бозорга борамиз. Любага шуба оламиз.

Зеҳни зўр заминни зувала қиласи. Татар ҳамхонамга яна тан бераман. Йўқ, бу шунчаки ўқимаган, коса тагидаги нимкосада қатиқ ивитадиганлар хилидан.

Мен анчагача ухлай олмайман. Обзей хуррак ота бошлайди. Ҳ-е-ей, уккағар татар. У саҳналаштирган спектакллар ҳам даҳшат бўлса керак. Ҳудо хоҳласа, Қозонга бораман. Албатта, унинг спектаклларини томоша қиласман...

...Барвақт уйғондим.

– Олим обзей, туриңг. Тонг отди. Онали олти тўйди, отали етти тўйди. Ётаверманг, шалпайиб.

– Онаси билан отаси борлар саҳар тураверсин, мен етимман. Етимга етмиш бор емак берсанг ҳам тўймайди, – тескари ағдарилиб тўшакни бошига тортади.

Мен унинг устидаги ёпинчиқни шарт сидириб бурчакка ирғитаман. У оғриниб-соғриниб ўрнидан туради.

Ювиниб-чайиниб жомадонини титкилаган бүлди. Стол устига у-бу нарсаларни құяды, тағин жомадонга солади. Менинг тоқатим тоқ, тезроқ ташқари чиқиб, тик йұлак бүйлаб тоққа күтарилсак, деб ошиқаман. Эгнимга спорт кийимларимни илиб, эшикка құл чұзаман.

– Ташқарыда уч дақиқа кутиб туриңг, ортингиздан ғи-зиллаб чиқаман. Дарвоқе, әртага аzonлаб бозорга бора-миз-а, Любага шуба оламиз, әсингиздами? – дейди обзей.

– Эсимда... эсимда, – дейман йұлакка отилиб.

Осмон тунд. Борлық таранг. Саҳаррозды сукутида булут-лар ишғолида қолған тоғлар титроғини туйиш мүмкін. Атроф-жавонибда күкка санчилған чүққилар құриқчи-лик қилаёттган сиҳатгоҳнинг катта әшиги олдиде обзей-ни кута бошладим. Ҳавонинг авзойидан обзейнинг орқа-си тутиб тайсаллашини ҳис қилдім. Айтганимдай бүлди.

– Осмоннинг курсоғига қурт тушиб турибди-ку, айла-най молойим, ёмғирда чүмилгингиз келдими?.. – обзей норози ғұнғиллади.

– Ҳечқиси йүқ, қаны югурдик, обзей.

Қизғиши шағалқум түшалған, күкка бүйдош ел ва қа-рағайзорни тарс ёриб үтганды тикийұлак узра тепалик сари равона бүлдік. Биз юргилаб күтариляпмиз. Обзей ҳан-сирайди.

– Любага шуба оламиз. Әртага мен билан бозорга чиқасиз-а?

– Чиқамиз. Жим югуриңг. Нафасингиз қайтади.

– Шуба құмматдир-а?

– ...

Обзей ортда қолади. Мен унга «жадалланг» маъно-сида бош ирғайман. Қаёқда... Обзейда ҳафсала йүқ. От йүрге қилиб жойимда депсинаман. Обзей таққа тұхтаб әнкайиб олади, иккі құли билан тиззаларини ушлайди.

– Сиз югураверинг. Шу ерда кутиб тураман. Мен учун ҳам чиқиб қайтинг, – дейди у базұр.

Кисловодскнинг табиати шунақа, мослашиб олсанг бас, бутун аъзойи баданинг нафас олади, ҳавонинг үзи

сени құтариб кетади, чарчамайсан, тоғ тугул осмоннинг тоқига ҳам чиқиб бораверасан. Шу синоат измини олган одамларнинг эса обзейга үхшаб ярим йўлда тили осилиб қолмайди: ана қанча кишилар чикяпти, тушяпти.

Баландликни «забт этдим». Бу ерда ҳамма ўз билганича машқ бажаряпти. Ер юзининг турли бурчига сочилиб кетган, турли-туман забонли қавмни айни шу ерда – тоғда тонгни тетик қаршилаш туйғуси бирлаштириб турганга үхшайди. Ҳамма бир-бирига қавми-қадрдон, ҳамма бир-бирига табассум ҳадя этади, ҳамма бир-бирига хайрли тонг тилайди – тонгни очиқ юз билан қарши олади. Менга шуниси гаштли, шуниси лаззатли. Бошқаларга ҳам шундай бўлса керак.

Үпкани ҳарир этган тонг сабоси тиниб ёмғир томчилай бошлади. Мен тоғ йўлакдан пастга эндим, сиҳатгоҳга қайтдим. Нишобликда оёқларинг эмас, йўлнинг ўзи югради, чарчамайсан. Ёмғир кучайди. Осмон бир қалқиб момақалдироқ гумбурлади – чақин чақди. Ярим йўлда қолган Олим обзейнинг қораси кўринмайди, үшандаёқ жуфтакни ростлаган. Ҳозир ғужала тушиб уйқуни ураётгандир. Ана бўлмасам, ёмғир забтига олди, енгил уст-бошим шови-шаллаббо бўлди. Тоққа құтарилаётгандар ҳам, пастга тушаётгандар ҳам ўзини дарахтлар тагига урган, нинабаргли ғуж бутоқларни бошпана тутишган. Нега шундай, билмайман, ёмғирда ивиш менга ҳамиша завқли кечади, мароқли бўлади. Болалигимда ҳам ёмғир ёғса уйда ўтиrolмасдим. Кўчага отилардим. Ким билсин, балки ёмғир ёғаётган маҳал туғилгандирман. Ахир бешинчи мартда дунёга келганман-ку, баҳорнинг бардам палласида. Хуллас, уст-бошимнинг айтгилиги йўқ. Чоки сўқилган осмон остида завқу шавқ оташида йўлакнинг ёлғиз девонаси бўлиб чопиб боряпман. Йўқ, йўлакда ёлғиз эмас эканман, ана мовий шамсия остида адл қаддига ҳарир оқ кофта илиб, тиззадан баланд оқ тиззаштон кийиб олган, кўз-кўз қилгудай хушбоқим оппоқ узун оёқларига оқ кроссовка ярашиқли жувонга кўзим

тушади. У тик йўлакдан мен томон қушдай енгил ҳолатда охиста қўтарилиб келяпти, мовий осмон остидаги оп-поқ атиргул дейсиз.

– Хайрли тонг, хоним, – дейман ҳансирааб. Аёл шамсия остида бош ирғаб жилмаяди, сутга чайилгандаи тиниқ чехрасига табассум ёйлади, елкасига тушиб-тушмаган олтингус соchlари тўлқин уради. Худойим таровату қоматдан қисмаган бу хилқатнинг таърифига сўз ночор, биродарлар. Ортимга бурилиб қарайман деб йўлакдан чиқиб сўл томонимдаги зовликдан қулаб ўлишимга бир баҳя қолди. Гўзалликнинг жодуси бор-да, қурмағур, до-мига тушсанг қурбонлик талаб қиласди. Шундай экан, ҳолингни билиб, жимгина йўлингда кетаверсанг-чи...

Муюлишдан сўнг янада тик нишабликка тушганимда ёмғир сув тўла ликопчалар ясаган йўлакдаги кичик ҳалқоб четида ётган сиёҳранг ҳамёнга қўзим тушди. Ивиган юпқа чарм ҳамённинг оғзи берк эди. Темир боғични тортгандим, шиқиллаб «тишларини» қўйиб юборди – ҳамён очилди. Ичида қип-қизил бир тахлам, бели букилмаган беш минг рубль. Пулни олиб санадим, эллик минг рубль. Билмайман, чап елкамга шайтон қамчи урдими, хаёлимдан «Олд-ортингга қарамай чоп, эртага бозорга борсанг сен ҳам хотинингга шуба оласан», деган ўй кечди. Туйқус, ботинимда: «Бу пул сеники эмас-ку, унинг эгаси бор...», деган таъкид янграгандай, тепамда бир назар мени кузатиб тургандай бўлди. «Пулни эгаси анави аёл», деган фикр ўтди хаёлимдан. Ортимга бурилиб югурдим. Эҳ-ҳей, аёл йўлакнинг нариги бурилишдан ҳам ўтиб кетибди. Илдамроқ югурдим, қани энди йўлим унса, тепаликка қараб чопишнинг ўзи бўлмайди, бунинг устига осмоннинг таги тешилиб зардаси қайнаган, ёмғир юзимга уриляпти, кўз очирмайди. Тиззамдан мадорим тўкиляпти, ҳансирааб югураман. Оёғим тойиб йиқилиб ҳам тушдим. Аёл ўша саллона юришда кетиб боряпти, тўхтаб ортга ўгирилиб қарай демайди, орамизда масофа ўттиз қадамнинг нари-бериси.

– Ҳой, хоним, Тұхтанг... Тұхтасанғиз-чи!

Овозимни эшитди, лекин қайрилиб қарамади. Зардам қайнади. Мен унга яқынлашиб қолдим.

– Хоним, бир лаҳзага тұхтасанғиз-чи!.. (Қулоғингиз том битганми, гарангмисиз, дейишдан үзимни зұрға тийдим.)

Аёл тұхтади. Менга ажабсина, ёвқараң қилди. Юзида қаҳрми, нимадир зохирланди.

– Мендан нима истайсиз, үзи? – деди кесатиқли оханды аччиқланиб.

– Ҳеч нарса истамайман. Мана олинг. Тушириб қолди-рибсиз.

Жувон бир зум узатилған кафтимдаги сиёхранг юпқа чарм ҳамёнга анграйиб қараб турди. Шамсиясини сүл күлига олиб, үнг құли билан оппоқ тиззаиштонининг иккала чүнтагини ҳам шошиб пайпаслади.

– Ҳа, ҳа, меники, меники, – деди овози титраб.

– Мана, олинг. Сизники бұлса, – дедим.

Аёл ҳавода құзилған очиқ кафтимдаги ҳамённи шахд ила олиб, ғайриихтиёрий ҳолатда унинг «тишқулф»ини очди-да, ичидаги пулға разм солди, менга ялт этиб қарди-да, дув қизариб, чөхрасига йиғи нұқси урган синик табассум инди. Сүнг жиққа ҳұл бошимга шамсия тутди, әгнимдаги ёмғирда шалаббоси чиққаны етмагандай, лойға қоришган илвасинимга азият чеккан каби ачиниб қаради.

– Раҳмат сизга, – деди лаблари пирпираб.

– Сизга етиб оламан деб йиқилиб ҳам тушдим, – дедим ҳоли-абгоримдан хижолат тортиб.

Аёл шамсия дастини менга тутди. Иккимизнинг бошимизга бир «осмон» бошпана бўлди. У титраган кўллари билан ҳамён оғзини очиб ичидан уч дона беш минг рублни олиб узатди.

– Буни сиз олинг. Мен розиман.

Ғалати бўлиб кетдим. Үзимни ҳақоратланғандай сездим. Айни дам аёл ҳам менга яхшилик қилиш учун чора излаётганини ҳис қилдим.

– Э-э-эй, қүйсанғиз-чи. Менга пулингиз керак эмас. Агар пулингиз керак бұлғанда мен уни топған заҳотим сиҳатгоҳға қараб равона бўлардим, – дедим.

Аёл қулди.

– Сиз қайси сиҳатгоҳда дам олаяпсиз?

– «Крепость»да.

– Мен эса «Атиргуллар водийси»да. Бугун тушдан сұнг уйға кетаман. Ёмғир бўлишига қарамай охирги кун ҳам тоққа бир чиқиб тушай дегандим.

«Бир осмон» остида суҳбатлашиш мароқли эди, бироқ унинг ёнида узоқ алжирағ туришим эса кўрсатган одамгарчилигимга путур етказиши, «қаҳрамонлик»ка дарз кетиши мумкинлигини ҳам сезиб турадим. Сабабики, аёлнинг зоҳиран қанчалик гўзал бўлмасин, боти-нан ҳам шунчалик мукаммал ахлоқ соҳибаси эканлигини ҳам пайқаб улгургандим. Зоро, хонадошим Олим обзей айтгани каби чинакам ёзувчининг қоши остида дўлайиб турган икки қўзидан ташқари қалбида ҳам минг-минглаб (ҳа, минг-минглаб, оббо, обзейи тушмагур) очиқ қўзи бўларкан. Лекин мен қалбимда қўзим борми йўқми, билмадиму, шу Худо берган икки очиқ қўзим билан ҳам аёлнинг кимлигини кўриб турадим, оёғи енгил эмаслиги-ни англаған эдим.

– Бўпти, мен борай.

– Яна бир бор ташаккур, яхши одам, – деди аёл ва тиз-заиштонининг орт чўнтағига қўл юборди. Уяли телефонни олиб, унинг ғилоф чўнтағидан ташриф қофоз олиб узатди. – Мана, менинг манзилим. Москвага йўлингиз тушса, албатта, қўнғироқ қилинг. Хоҳласангиз ёзиб туринг. Электрон манзилим ҳам бор.

...Сиҳатгоҳ ҳовлисига кирганимда бино қаватидан шундай ёмғирда сандирақлаб юрган каминага ҳайратомуз қараб турган ҳўппа семиз амакига қўзим тушди. Унга шоду хуррам қўл силкиб қўяман. У деразани шарт ёпиб ўзини ичкари олади. Мени ҳалигиндақароқ, бир тоши кам деб ўйлади, чоғи. Қах-қах уриб кулиб юбораман.

Обзей тұшакда ёстиққа суяниб олган күйи яримбел ҳолатда газет үқириди. Мени күриши ҳамоно газетни ёнига күйиб үрнидан турди. Юзимга күз солди. Ботинимда тошған алланечук қувонч тафтини яширолмай илжаяман.

– Уәх-хув, бұларингизча бұлибсиз-ку, оғайни, яна үлмайиннинг қунидан тиржаясиз-а. Қани, тез бұлинг, эгнингизни алмаштириң...

– Обзей, сизга қызық бир гап айтаймы? – дейман шкафта суяниб.

– Ҳеч нарса айтманг! Бирпас үраниб ётинг. Сүнг нонуштага тушамиз.

Хузурбахш тұшак оғушида танамга илиқлик югуради. Обзей қулоқлы идишда лимонли чой узатади.

– Обзей, мен ошхонага тушмайман. Муолажа-пуолажага ҳам бормайман. Тушликкача бу дунёдан узилиб донг қотиб ухламоқчиман.

– Шундай қылсангиз жуда яхши бұларди, – менинг баҳсу мунозараларимдан безиб қолган обзейнинг дилидаги тилига күчди.

Тушлик маҳали Олим обзей тағин танғиллатиб томдан тараша ташлади:

– Эртага бозорга борамиз. Любага шуба оламиз.

– Борамиз, обзей. Оламиз, обзей, оламиз.

Емакдан сүнг Олим обзей хонага чиқди. Мен у-бу нарса харид қилиш учун сиҳатгоҳ ёнидаги дүконга кирдим. Бир мунча вақт үтгандан сүнг қайтдим.

Обзей хона үртасида, гилам тортилган полда мук тушған күйи диққати ошиб лаш-лушга лиқ тұла жомадонини титкиләяпти. Кийимлари ерда сочилиб ётиби. Жомадондаги нарсаларни олади, қүяди, құллари титраб, уф тортади. У менга жавдирағ қарайди.

– Йүқ. Тополмаяпман, – дейди ихраниб, караҳт ҳолда.

– Нима йүқ?

– Ҳамён. Ҳамён йүқ. Эрталаб құлымга олувдим. Сүнг манави стол устига күйдим, кейин яна олдим, яна күй-

диммикин ёки тонгда сиз билан айлангани чиққанимизда чүнтагимга солдиммикин?

Мен қалқыб, сесканиб кетаман.

– Қанақа ҳамён? Ҳамёningиз қанақа эди, – дейман ичимдан қиринді үтиб.

– Шунчаки, оддий ҳамён. Ичиде пули бор ҳамён. Түқ яшил, йүқ, сиёхранг.

Мен тош қотаман. У үрнидан туриб курсига үтиради, күксини столга тираб менга маңноли қарайди.

– Нега рангингиз оқариб кетди?

– Мен... Мен биламан... Ҳамён, – пойинтар-сойинтар сұзлаб, дудуқланаман.

Обзей үрнидан шахд туриб кетади, менга анграйиб қараб туради. Мен тортмадаги ташриф қоғозини оламан. Жон ҳолатда эшикни очиб ташқарига югураман.

Йўлнинг нариги четидаги «Атиргуллар водийси» сихатгоҳига ўпкам бўғзимга тиқилган алпозда, пишнаб-улиб етиб келаман. Эшикбон аёлга ташриф қоғозини тутаман.

– Шу аёл керак. Ҳа, Ольга Васильевна Иванова! Қайси хонада туради?

– У кетди. Аэропортга кетди. Хонасини топширди. Дўстлари келиб олиб кетишиди.

– Қачон кетди? Нима учун кетади? – дейман чинқириб.

Эшикбон аёлнинг ҳам зардаси қайнайди:

– Ҳозиргина кетди. Даволаниб бўлди. Кетади-да!

Шалвираган кўйи катта кўчага чиқаман. Такси тўхтатаман, аэропортга йўл оламан.

«Ҳа-я, бугун кетаман деб ўзи ҳам айтувди-ку», – деган ўй кечади хаёлимдан. Ҳайдовчига тезроқ ҳайдасанг-чи, деб ўдағайлайман, ялиниб ёлвораман. Қўлимдаги ташриф қоғозида битилган телефон рақамини бот-бот тераман, кошки жавоб берса, ўчирилган: йўлда ўша лаънати аёл, Ольгани нима бўлсаям топайин, деб Яратганга илтижо қилиб боряпман.

Такси сон-саноқсиз машиналар тизилган аэропорт уловжойига келиб тўхтади. Машинадан тушиб чор-та-

рафга аланглайман. Ҳаллослаб аэропорт әшигига югураман. Назорат әшигидан мени ичкарига киритишмайды, минг лаънат, паспортим ҳам қолиб кетган экан. Турган жойимда оёғи куйган товуқдай типирчилаб, атрофга аланг-жаланг боқаман. Аламимдан йиғлаб юборай, деб турибман. Шу маҳал... шу маҳал... уловжой тарафдан иккита барзанги қуршовида мен томон солланиб-солланиб келаётган Ольгани, үша эрталабки қадди қиёмат Ольгани күраман, күзим тиниб, оёқ-құлим увишади, далли-гаранг ҳолда Ольга томон гандираклаб йўл соламан. У мени кўриб жилмаяди. Ўзимни қўлга олишга уринаман.

– Ҳамён... Ҳамённи, – дейман қаршимда ҳамон жилмайиб турган Ольгага.

Лаҳзада Ольганинг юзидан табассум сұнади. Лаблари пирпирайди, шарт юзини терс буриб жұнаб қолади. Ҳалиги барзангилардан бири, соқолли йигит йулимни тұсади.

– Ольга бизнинг меҳмонимиз. Үнда нима ишинг бор? – дейди кавказликларга хос дўриллаган талаффузда.

– Ҳеч қандай ишим йўқ, – дейман шалвираб.

Ольга кетди. Обзейнинг ҳамёни ҳам кетди. Мен дарди дунём зими斯顿 тортиб уловжойга қайтаман.

– Ишингиз битдими? – дейди ҳали мени олиб келган ҳайдовчи.

– Битди, – дейман.

Биз йўлга тушамиз. Ҳайдовчи тезликни оширади.

– Энди секинроқ ҳайдайверинг. Шошадиган жойимиз йўқ. Шошиб қаерга ҳам бораман.

Сиҳатгоҳ ҳовлисига гандираклаб кираман. Эрталабки ҳўппа семиз амаки энди менга қўл силкиб қўяди. Мен уни кўрмасликка олдим. Хонага киришга оёғим тортмайды. Эшик қарисида анча туриб қолдим. Ичкарида обзейнинг ғамгин оҳангда татарча қўшиқ айтаётганини эшитаман. Не бир хижолату ҳасрат билан эшикни очаман. Обзей жим бўлиб қолади:

– Қаерларда юрибсиз?

Обзейнинг юзига боқишига ботинолмайман:

- Кечириңг. Ҳамёнингиз кетди, – дейман тутилиб.
- Қаёққа кетади? Ҳамённи топдим. Диваннынг орқасига тушган экан ярамас...

Турган жойимда чайқалиб кетдим. Обзей суюб қолди. Манглайимга кафтини босди.

– Үх-хуу, иссиғингиз бор-ку. Қани, юринг, – у мени түшаккача суюб келди. – Бироз дам олинг.

Бошимга күрпани тортдим. Бүғзимга тиқилган үкирикни зүрға тутиб турардим. Күзларимдан тирқираб ёш сизди. Бироздан сүнг үзимни енгил сездим. Кейин күзим илинибди.

...Эртасига бозорга бордик. Олим обзейнинг хотини Любага шуба олдик.

Хикоя сүнгидаги гап:

Мен кеча бўлиб ўтган воқеа, на ҳамён, на Ольга ҳақида Олим обзейга лом-мим демадим. Бозордан келгач мана шу ҳикояни ёзиб тугатдим. Худо хоҳласа, Тошкентга қайтгач ҳикоямни рус тилига таржима қилдираман... кейин уни Ольгага, «Фемида» адвокатлик бюроси раҳбари Ольга Ивановага ҳам жўнатаман.

## ЧАККИ БЎЛДИ, АДАШДИ

Қўлтелефонимга хат келди. Сарви деган ходимамиз ёзяпти. Қизиқ, у менга телефонхат ёзишга қандай журъат этдийкин? Нигоҳини узса замин зириллайдигандай, залварли боши эгик, шу чоққача ҳеч кимга тик боқмайдиган аёлгинанинг хат битиши ғалати эди-да, чиндан. Ҳе-е-ей, замонгинангизга зормонда бўлай, ажабтовур кунларда яшаяпмиз-да.

Ишга қўмилиб ўтирган пайтим, қўлтелефоннинг чинғиллаб, компьютер экранида Сарвининг шиқрайиб табассум ҳадя этган гулгун суврати порлаб қолиши кутилмаган ҳол. Қўлтелефонни компьютерга «боғлаб» қўйиб яхши қилган эканман, унинг чақалоқнинг кафтидек ойнасига термилиб, кўз нурини ҳайф этгандан кўра,

кенг-мұл экранга нигоҳ урган яхши-да.

Экранда ёзув пайдо бүлди:

– Қалайсиз? (Ё, тавбангдан, умримда менга тик боқмаган ходиманинг шахди-шиддатини күринг. Электрон хат хиссиёт-писсиёт деб үтиrmайди-да.)

Сарви жавоб кутаяпти. Ёзишим керак.

– Яхшиман. (Қани энди нима деб ёзаркин?)

– Яхшига үхшамаяпти-ку. (Оббо, тирилиб қолибдими, жувонгулгина?)

– Нега?

– Совуқ. Совуқ қотмаяпсизми? Хоналар совуқ-ку.

– Ҳм-м, эрта-индин иссиқлик ҳам бериб қолишар. Ҳа... чиндан ҳам совуқ. Чидаймиз-да. (Шароит расво бүлгач тошга ҳам забон битади. Бу ахир одамови бүлса ҳам одам-ку.)

– Мен чидай олмайман. Бас. Жонга тегди.

– Эрта-индин иссиқликни қүшишади, қувурларга ҳовур инади.

– Гап совуқ ёки иссиқда эмас...

– Нимада унда?

– Анавинда.

– Анави ким у?

– Үзингизни ғулликка олманг. Гап бошда. Анави, адашингизда.

– Қайси бошда? Қайси адашимда?

– Сизнинг бошингизда. (Мен ҳеч нарса тушунмайман. Қўнглим ғалати бўлиб кетади. Чиндан ҳам шуни Сарви ёзяптими? Ҳа, Сарви ёзяпти. Ана, экранда ишшайиб турган суврати).

– Ҳамма нарсага шу «бош» туфайли йўлдан адашамиз. Ҳаммамизни шайтоннинг йўриғига йўртанглатади, бу?

– Үлманг. Гапни ҳам топасиз. Анавингга яқин бўлиб қолибсиз-да-а? Гапларингиз бошона гаплар. Шоирона!

– А-а-а? Нима деганингиз бу?

– Нима деганим? Шу деганим, бошни энди шартиллатиб кесиш пайти келди. Кеча менга хужум қилиб қолса,

денг. Бу ифлосни тийиб қўйиш керак. Сиз тийиб қўймасангиз, мен тийиб қўяман...

– Қандай қилиб. (Оббо, Сарви ўлгурни жин чалдимикин?)

– Бош-бош, дейверманг. Одамнинг хаёлини остинустин қилиб ташладингиз-ку...

– Нима дей бўлмаса... Шу қирилиб кетгур бошлиқни айтяпман. Ўзингиз ҳам бош деб айтасиз-ку, сизга мумкину, менга мумкинмасми, хуллас, менга қўшиласизми? Шу бошни, э-э-эй, бошлиқни ағдариш керак, вассалом. Ишламайсан, ҳа, деб касал бўлдим деб қоғоз олиб кела-вериб жонга тегдинглар, пешин оқмай думингни деворга уриб жўнаб қоласанлар, деди ҳаммага эшиттириб. Точна, менга теккизиб айтди.

– А-а-а? (Мен гангиг қоламан. Ахир, бу идорада менман-ку, бошлиқ. Кеча йўлақда думингни ўйнатиб, ишдан барвақт кетасанлар деб чиндан ҳам ходимларни яниган эдим.)

Бошимга гурзи тушгандай, оний ҳолатда хаёлимда чақмоқ чаққандай бўлади.

– Хуллас, Тоҳиржон, сиз уни юқорига ёзиб тўғри қилгансиз. Биз, хонадошлар сиз томон. Қўрқманг, гарчанд, сиз ноҳақ бўлсангиз ҳам биз сизни қўллаб-қувватлаймиз. Бутун ишхонада тарафдорларингизни кўпайтирамиз. Буни кеткизмасак, кўз очирмайди. Мен ҳам юқори идорага битта хат ташлаб қўйдим.

– Қандай хат? (Титроққа тушаман, пешонамни тер босади.)

– Ишга ичиб келади, деб. Хонадошлар ҳам қўл қўйишиди. Жамоанинг номидан хат ёзувдингиз, ҳисобхонадан ишхона муҳрини ўғирлаб олиб чиқиб берувдим, муҳр босилган шу умумхатни текширишмади-я?

– А-а-а, ҳалиги... (Эсанкираб қоламан) энди текширишади.

– Қўрқманг, ходимларнинг исми-шарифи қўйилмагани билан, зато, муҳр бор. Бош прокуратура анойи эмас, текширади.

– Тасдиғини топмаса-чи. (Менинг оғзим қуруқшаб, бoshim ғувуллайди.)

– Топадими, йүқми, бир силкитиб олади. Ҳеч кимнинг имзоси йўқ, ёзган одам ҳам йўқ, лекин аноним ҳам қилишолмайди, ахир, ишхонанинг муҳри турибди. «Жамоа аъзолари номидан...» деб ёзиб қўйилган, вассалом. Текширишади.

– Тўғри. Текширишади. Зўр бўлади. (Мен энди ўзимни қўлга оламан.) Сиз сафимизни кенгайтириш учун тарафкашларимизни кўпроқ тўпламоқчимисиз?

– Бу нима деганингиз? Ахир кеча ўзингиз шундай девдингиз-ку.

– Ҳа. Айтувдим. (Энди мен ўзимни мутлақ ўнглаб олдим.)

– Уни ичиб келади, дебсиз, исботлай олмасак-чи?

– Ахир саккизинчи март куни байрамда, ишхонада ўзининг ўйнашлари шарафига икки-уч қадаҳ шампан ичди-ку. Ичаётган пайтини алоҳида расмга олганман-ку... Сизга ҳам берувдим-ку.

– Ҳа-я, Шундай.

– Хуллас, бошни «кесишимиз» керак. Биз сиз билан. Нима қил десангиз, тайёрмиз. Яна икки-уч бор юқорига ёзсан, ким булишидан қатъи назар ўзи кетиб қолади, ишни ташлаб кетади, ариза ёзишга мажбур бўлади... Сиз янайм хоналарга кириб манави овсар ходимларга уни ёмонлаб тураверинг. Айримлар сизга ишонишяпти, иккиланиб турғанлар ҳам бор.

– Айтганингиздай бўлади. Бутун жамоани қўзғайман, заҳарлайман, ҳа, бутун дунёга ўт қўяман, ғийбат қиламан, олам муҳитини бузаман, сен каби чаёнлар ҳам бу дунёда хурсанд бўлишга ҳақлисизлар-ку-а? Уят керак одамга, нонқўрлик ҳам эви билан. (Мен ўзимни тутолмадим... Кўз олдимда ҳасадгўй ва ғурбатвоз Тоҳир ҳамда Сарвининг тиржайган башараси намоён бўлди, нигоҳим хира тортиб юрагимда оғриқ турди.)

— ...

— ...

Сарвидан жавоб йўқ. Мен қабулхона эшигини очиб қўйдим, йўлакда тасур-тусур қилиб кимдир ҳаллослаб ўтганини пайқадим – Сарви, Сарви ўқ еган илондай ўзини Тоҳирнинг хонасига урди, нимадир шарақлаб кетди. Лаҳзада яна эшик забт билан очилганини эшитдим, гурса-гурс қадам товушлари энди зинапояларда садо берарди.

Хона деразасидан пастга қарадим, йўл четида бошини эгиб, пилдираб кетаётган Сарвини кўрдим, унинг оёқлари чалкаш-чулкаш, иш вақти тугашига эса анча бор эди.

Очиғи, Сарвига раҳмим келди, ўзимни ич-ичимдан койидим, биронни, айниқса, аёл кишини мазах қилиш яхши эмас. Исмим Тоҳир бўлгани учун хафа ҳам бўлдим, келиб-келиб анавингга адашман-а... Эртага нима бўлади? Сарви энди нима қиласи? Адашим Тоҳир-чи?

Мен энди қандай йўл тутаман? Дунё қўзимга жуда кичрайиб бораяпти, ўзим ҳам майдалашиб, уваланиб бораётгандекман.

## КИМ КИМНИ АЛДАДИ?

Қишлоқда тонгни болакай, аниқроғи, Ғайби чиноқнинг набираси Ҳаби қора олдига солиб ҳайдаб бораётган бир тўда қўй уйғотди. Каллайи саҳарлаб эгаси урган маймун кўйига тушган бу яримяланғоч қоракесов, тақирбош, мишиқининг қишлоқ тепаси – тоғ этагига қараб сурган суруви маъраши хира-шира қаъридаги сирли сукунатни чилпарчин этди. Шабада шивиридан қулоғи динг тортгувчи Нурмат калнинг ити ҳуриб ўрнидан сапчиб турди-да, кўча томон отилди, ҳовлини тўсиб турган симдеворга ўзини урди. Болакай бир тисландию, юраги сесканиб қўлига илинган тошни девкалла итга қаратади. Қўйлар олдга шаталоқ отди. Бола сўкинди.

– Энағар кал эчки, итини боғлаб қўйса ўлармикин?

Болакай ови қақраган тиззаиштонини белигача бир кўтариб қўйлар ортидан чопиб кетди. Ана шу ғимир-симири безовталиқ касри тонгни уйғотди, сўпи сув изла-

масдан туриб Ҳаби қоранинг қылтаноқдайгина бўлиб тирикчилик измидаги тошбедорлигига иштиёқ ва рағбат сири унинг увада тиззаиштони чўнтагини куйдириб турган шапалоқдеккина матоҳ – шу қўлтелефон ўлгурда эди, десам мени майда детал излаган ёзувчи экан, деб айбситмайсиз, ўқувчим.

Ҳа, ҳикоямизнинг «жони» мана шу майда деталда бўлиб турибди.

Хуллас, ўн уч-ўн тўрт ёш оралиғида лангар ушлаган, еру кўкка сиғмас ўт-олов, бўрон келса бош уриб, сурон келса тош сурадиган боламиз тушмагур қишлоқ четидаги тепаликка қўйларини ҳайдаб чиқди-да, ўзи бир харсангга чўкиб, отаси Россиядан мардикорлик қилиб жўнатган оиладаги ноёб матоҳ – бутун бошли қишлоқдаги (бунақаси йўқ) антиқа, сўнгги русумдаги қўлтелефон ойнасига термилди. Телефон дунёсига кириб кетди.

...Юртга довруқли адаб уч кундирки, қишлоқ тепасида, отаси Ҳайдар бобонинг даласида қўққайган чайлада ҳордиқ чиқаряпти. Шундай эл билар ёзувчи-я? Шаҳарни ташлаб-а? Ҳа, шундай. Тоғ тагида. Отасининг ярми узумзор, ярмида йўнғичқа авж урган даласида. Энасининг эса ёзғиргани елда елвизак бўлди: «У ёқда нима қиласан-а, жин-пин чалиб кетмасин, болам? Сенам отангни ўхшаб одамёвойи бўлма, отангни-ку умри шу ёқда ўтади, шу даласи билан туғди-битди бўлиб қолган, ёздақу майли-я, элни кулдириб эшакни ҳангратиб қотти-қоронғи қишида ҳам шу ёққа гумдон бўлади. Совуқ-повуқ уриб кетмаганини буни. Жони тош экан-ей, уҳ Худо урди кишини... Энди сен буйтиб турибсан, отпускангда қишлоқда, эл-эломон ичиди юрабер, айланай. Сиз нимага илжаясиз, шуни қулоғини сиз қизитгансиз асли, ҳикоя-пикоясини данғиллаган мана шу уйда ҳам ёзаверади...» Ота илжайди: «Сен нимани ҳам тушунасан. Жолғизликда гап кўп». Эна жеркиди: «Ўчиринг овозингизни...» Адаб ич-ичидан тўлиқиб кулди: «Эна, тўрт-беш кун туриб қайтаман. Отамнинг мол-ҳолига ҳам ўзим қарайман». «Ош-овқа-

ting нима бўлади? Манави, чол-ку қоқсуяк бўб қолган, қилтанглашини кўр. Бунга охирида мана шу дала-дашти, мол-ҳоли, қўй-қўзиси эга чиқади...» Чол қўл силтаганча сўрига бориб узала тушди. Ўз-ўзига минғирлаб қўйди: «Вайсақи, калласи йўқ...» Адив ота-онаси орасидаги даҳанаки дийдиёдан кўнгли яйраб кулди. «Буям ўзига хос муҳаббат. Соф севги шу аслида...»

...Нимадир шатур-шитир қилди. Дунёниг барча ташвишларидан узилган адив ёлғизликнинг учинчи тонгини қарши олди. Борлик сут тусда. Чайла устунига ўрнатилган қўлювғичнинг чумбулига кафт уриб ювинди. Садағанг кетай, бунчалар кенглик, сокинлик, ҳавонинг соғлиги-чи. Дала адогидаги тепаликка кўз солди. Нимагадир термилган кўйи чўнқайиб ўтирган болага нигоҳи тушди. Э-эй, китоб ўқияптими? Китоб ўқияпти. Китоб. Қўлида китоб. Адив ҳаяжонланди, ич-ичидан алланечук бир тўлқин авж уриб, бўғзига нимадир тиқилгандай бўлди.

Болалиги ёдига тушди. Ўзи ҳам тепаликда чалқанча ётиб мутолаа қилган паллалар, ой нурлари шувулланган ойдин сукунат бағрида вужудини аланга этган завқ учқунлари юлдузларга бориб урилган чоғларни эслади. Тўғри, у пайтлар бу тепалик бағри мутолаага ўч тенгкурларига тўлиб кетарди. Энди, нима дейсиз, замони экан, бугунги ўсмирлар кўнглида бундай туйғулар куртак уряптими йўқ, бандасига қоронғи, лекин бир ақида аниқ – бугунгилар китобдан анча олис кетди, бурунгиларнинг ҳисларига тафт берган илиқ эпкинлар тараққиёт тўфони-ю суронида тўқилиб бўлгандай, омон қолганинни ҳам чаппар уриб гулга кириши даргумон. Адив айни тобда «фронтовик» Саттор бобони ёдга олди. Ху-ув анави жойда, қайрағоч соясида китобга берилган чоғида қўйлари полизга кириб кетган экан, бобо, бир қўлини чархпалакдай айлантириб (ўқ еган-да, урушда) келиб, роса адабини бермоқчи бўлган-у, зумда шаштидан тушган: «Агар китоб ўқимаётганингда эди, терингни шилиб олардим. Ўқи. Кўп ўқи. Дунё китобнинг қўлида. Агар сен

китобни қўлингга олсанг, бутун дунёни қўлга оласан. Бор энди, қўйларингни ҳайдаб чиқ...»

Адид ўзича жилмайди: «У замонлар боболар ҳам бошқача эканда-а?»

Чайла ортида нимадир шатир-шутур қилди. Бир тўда қўй бол бойлаб товланган узумларни қарсиллатиб еб битирмоқда. У қўйларни узумзордан олиб чиқди. Тепалик томон ҳайдаб борди. Боладан кўз узмай қадам босди. Бола ҳайкалдай қотиб ҳамон бир нуқтадан кўз узмасди. Китоб қаърига шўнғибди, деган ўй кечди хаёлидан. Ортга қайтди, чайла ичидағи кутидан ўзининг яқинда чоп этилган китобини олди. Боланинг нақадар қувонишини кўз ўнгига келтириб, қақраган ниҳолга сув қуйиб турган боғбон каби ўз ишидан қониқиш туйди. Бола, албатта, хурсанд бўлади.

У ҳамон тепалиқдан нигохини узмасди. Болакай ҳузурига тезроқ етиб бориш учун қўйларни ҳам зингитиб ҳайдар, айни дам мана мен ёзувчиман, бу менинг китобим, деб уни ҳайратга солиши, мутолаани жони-дилим деб билган шу ўсмирнинг олдида болаларча мақтанишни жуда-жуда истарди. Тош қотиб, чўнқайиб турган «ҳайкал»га жон кирди, у тепалик адогига қаради. Ўрнидан даст туриб, яна тош қотди. Кейин пастга, очофат қўйларини ҳайдаб келаётган адид томон бўшашиб, қалтанг-султанг юриб кела бошлади. «Девдай нарса экан, энди уриб ўлдиради. Тилпонимди ҳам олиб қўйса керак...», деган ўй миясини тиғлаб ўтди. Қўркувдан дағ-дағ титради. Ортига қараб қочмоқчи бўлди. «Қўйларимни бермайди. Ундан кўра бир-икки шаппати еганим яхши...»

Бола оёқ-қўли қалтираб, бош эгиб ўз жазосини кутди.

– Нега келавермайсан? Чўнтагингдан қўлингни чиқар. Қани, бир кўришайлик.

«Тилпонимди билиб қолди, энди опқўяди...» Боланинг қўли чўнтаgidаги телефонга ёпишиб қолган, агар шу тобда қўлини узиб оламан десангиз ҳам қўл чўнтақдан

чиқмаслиги аниқ эди, лекин адібнинг кафт чўзиб турганини кўриб, ноилож қўл узатди.

– Мен.... мен билмай қолибман. Кўйларим...

– Ҳечқиси йўқ. Китобга маҳлиё бўлиб қолибсан-да-а? Китоб ўқишни яхши кўрасанми?

Бола яна ўнг қўлини чўнтақка урди. Тиззаиштон пой-часи бироз пастга сирилди. Адіб унинг офтобда жизғанак бўлиб куйган занжитоб танаси, тап-тақир боши, тажжуб ҳисси билан жавдираган кўзларига боқиб кулиб юборди.

Болага жон кирди. Энди урмайди. Урса шу пайтгача уради. Лекин нима учун бунча синчилаб термилгани-термилган, қизиқ одам экан, э-эй, бўлди, бўлди, бу анави Сайпи курранинг амакиси-ку. Ёзувчи амакиси. Тунов куни телевизордаям чикувди. Чапани бованинг ули, девди отам. Ҳа, шу... Бовонинг богини энди бу қурияптийкан-да...

– Мен сизни танидим, – деди бола энди шумғиялик билан.

Адіб илжайди. Бош ирғади. Боланинг елкасига қўл ташлади. Сўл қўлидаги китобни болага узатди.

– Ма, ол. Бу сенга. Ўқи. Менинг китобим.

Бола китобни олди. Адібга эсканкираб қаради. Адіб бу ҳолни ўзича тушунди.

– Майли, борақол энди. Мен чайлада бир ҳафта бўламан. Китоб керак бўлса айтавер.

Адіб ортга қайтди.

Бола ишшайди, ўзига ўзи ғудранди:

– Тентак экан...

## ОФИР ЮКНИНГ ОФРИГИ

Кулмат бовонинг бир ўзи қолди. Уруш кўрган боловларнинг ҳаммаси бу дунёнинг азобини ернинг устига қолдириб, оёқ узатишиди, кетишиди. Ана энди ёлғиз Кулмат бово урушнинг жонли-жонсиз тарихи бўлиб сўппа-

йиб қолган. Тирик экспонат. Айниңса, мактаб үқувчила-ри май ойи яқынлашаверса, унинг наридан бери чоғироқ кулбаси эшигини дүқиллатиб уравериб тешиб юборгудай бўлишади. Ўшал дамлар Кулмат бово эси йўқнинг ҳам эсига тушади.

– Анави, Кулмат бово қолган, шу тирик. Совға-салом шунга бўлади энди, – дейди Ҳожи муаллимнинг маъра-касида бошқалардан ёш бўлса-да, тўрнинг тентаги бўлиб ўтирган Нурмат найнов худди бир нарсадан қуруқ қолган каби. Ичини ҳасад чўфи куйдиради.

– Жони қаттиқ экан, бовонинг. Юзга қараб ўрмалаб боряпти. Шу чол менинг отам бўлганда эди, кўп ишлар қиласдим. Буларнинг замони келди ҳозир, – чийиллайди Долли ғўра. Аллақачон ўлиб кетган отасининг урушга ҳам бормаганидан ичидан надомат чекади.

– Ҳозир ҳам қозикдай. Тушган жойини ўйиб кириб кетади, уккағарнинг бовоси, – Ҳотам кал бош чайқайди, тойхардай тосирдаб юради-я.

– Нима бўлса ҳам анави Эшмат дудуқнинг Собир биланғирини боплабди-да, бовоси тушмагур, – гапга қўшилади Нусрат бово.

– Биланғиринг нимаси, унинг нимаси биланғир? Соч-соқолини ўстириб, тор шимда худди Тўти танноздагина бўлиб думбасини ўйнатиб юргилайди-ку, – хихилайди Қурбон қоровул, – ўқиши ҳам ташлаб кетган экан. Ўғлим ёзувчи бўлади, Ойбек,Faфур Ғулом бўлади, деб кериларди Эшмат дудук.

Айни тобда Нусрат бовони остоңада кимдир имлаб чақиради. Тошкентда яшайдиган қизи ва куёви меҳмонга қидириб келишибди. Бово ўрнидан қўзғалди. Шундай даврани ташлаб кетаётганига оғринди ҳам, лекин ноилож; куёвига пойи-патак бўлгувчи кампири Турсун момонинг: «Болаларга одамдагина муомулнада бўлинг, безлигингиздан шулар ҳам безиллаб қолган...» деган доимий танбеҳи яна қулоқлари остида қайта жарангланадай бўлди. « Тезроқ бормасам, еб- ютиб қўяди...»

– Бово биланғир, биланғир дейведиларинг. Биланғир-мас, блогер. Блогер у. Ҳозир шундайчикин иш бор, – дейди маъракага бовоси билан бирга келган кенжә невара Алижон. Ҳамма жойни кавлаб тилпонга олади, тилпонга тушириб одамларга күрсатиб күлги қыладиган касб, тушундингизми, энди?

– Ҳм... Мен сени оғзимни пойлаб, хатомни юзимга урасан деб, маъракага олиб келганмидим? – норизо бўлади бово.

– Ўзингизда бово, шу ошналарингиз билан фақат, қаердаги гапларни қўзғаб ўтирасизлар.

– Бўлди, жим тирмизак...

Улар диму дарс бўлиб, миқ этмай йўлда давом этишади. Барибир набиранинг ичи қизийди:

– Бово, анови блогерни Кулмат қандай боплабди? Нима депти?

– Ўша биланғиринг, тунов кун бориб бово тўққизинчи майгача соғ-омон туринг. Мен сиз ҳақингизда бир зўр хушхабар тайёрлайман. Бутун дунёга тарқатаман, дунёга танитаман. Тўққизинчи май куни эрталаб келаман. Ўшангача.. омон-соғ туринг, дебди. Бефаросатнинг гапини қара, шундай ҳам дейдими? Биланғир дейсан, бунинг ақли айиқнинг тезагича йўқ-ку...

– Майли-да, бово. Кейин-чи кейин нима бўпти?

– Бовонинг кўнглига пича малол кепти. Энди Худо билади, болам, Худонинг айтгани-да, деса, ҳалиги биланғиринг: «Ахир мен интервью олишим керак, керак бўлса, айрим жойларга айтиб қўйибман, таҳририятлар билан ҳам келишиб қўйганман, деб жириллаб қопти».

– Кейин-чи?

– Кейин бово айтибди, хўп. Яхши. Унда менинг бир шартим бор, дебди.

– Қанақа шарт? – сўрабди биланғиринг.

– Менга қара, сен менга Азоилдан бугун тилхат олиб келиб беролмайсан-ку, Кулмат бовоникига тўққизинчи майгача бормай турасан деб, шундайми? – дея биланғирни гап билан ўйиб олибди.

- Кейин-чи?

- Кейинми, кейин, биланғириңг жим бүptи. Хафа бүptи. Хәёлида боводан ажралиб қоладигандай тайсаллаб қолибди. Буни сезган бовонинг шүхлиги келибди-да, шундай дебди: «Болам, сен анави Эшмат дудуқнинг кенжатойисан-а?»

- Ҳа шундай.

- Унда мени эшиit. Отангнинг энаси Тошгул кампир ҳам саксонга кириб қолди-а? Бовонг Райимқул ҳам уни айни гуллаган пайти ташлаб кетди-да.

- Бунинг менга нима дахли бор?

- Бор дахли. Иккимизнинг келишувимизга дахли бор.

- Қанақасига?

- Түққизинчи майга ҳали икки ойча вақт бор. Шунгача, менга шу момонгни бериб турасан. Ана, Холли маҳсумга уч-түрт сүм «чой-чақа» берсам, никоҳимизни ўқийди. Хоҳласант, момонг билан «закис»дан ҳам ўтамиз.

- Бово, эсингиз жойидами? - деб жириллайди, биланғир.

- Жойида. Зора, булар энди бир-бирига етишди, деб ўлим ҳам инсофга кирса... Балки, икки ой әмас, балки икки-уч йил яна мен билан ана шунда байрамларда чин неварам бўлиб суҳбатлашиб юрарсан...

...Чол билан невара қаҳ-қаҳ уриб кулишади.

- Боплабди-ку, - дейди невара.

Чол бош ирғийди.

- Бово шу Қулмат бово ҳам ғалати-да... Уруш тугашига икки йил қолганда фронтга жўнаган экан. Шу икки йилда Белорусни қутқардим, Польшани озод этдим, Берлинга бориб байроқ урдим, дейди. Кўксидаги медалларни шаҳарларни номини айтиб атайди. Бу Минск, бу Варшава, бу Берлин. Буларга қўшиб ер юзининг ярмини кўтариб юрибман, деб қўяди.

- Болам Қулмат бовонг чин айтади. Урушда бўлган одам урушни нафақат кўксида медал қилиб, балки ўша урушни бор бўйича, барча азоблари, танклару самолётла-

ри, бомбалари, ярадору тирик, ўликлари билан кўтариб юриди. Урушда бўлган одамга осонмас. Уруш одамнинг кўксидаги оғир юк. Бу юк ерга оғирликка қиласди. Шунинг учун у кўксидаги оғирликни ернинг устига ташлаб қўймайди. «Уруш боволари»нинг барчаси щундай оғир юк билан яшаб ўтишади. Улар бутун ер юзини кўтариб юрадилар, десанг ҳам чин.

– Сиз буни қаердан биласиз, бово?

– Менга буни отам, сенинг Раҳмон бовонг айтган. Худо раҳматли отам ўлаётиб, уруш бир оёғимни юлқиб олди. Оёғим Берлинда қолиб кетувди. Ҳозир оёғим Берлинга оғирлик қилмаяптимикин, деганди.

...Бола анчагача жим кетади. Бармоқларини санайди. Ўзича ниманидир ҳисоблайди. Тўққизинчи майгача ҳали эллик бир кун вақт борлигини чамалайди. Хаёлида Қулмат бовонинг кўкси жуда катталашиб боради ва унда акаси глобусда кўрсатган шаҳарлар намоён бўла бошлади. Минск, Варшава, Берлин... ва ҳоказолар... Кўчалар, одамлар, улкан иморатлар, бари-барини Қулмат бово кўтариб тургандай бўлади.

«Қулмат бово ростдан ҳам азамат, полвон бово», – деб гудранади ўзича. Ва, туйқус, ёдига эчки соқол, сочини қизларникидай ўстириб, тор шим кийиб юрадиган Собир биланғир тушади ва бовонинг кўксидаги медаллар ичидан унинг тиржайиб турган ангори пайдо бўлади. «Блонғир бўлсанг, ўзингга, лекин Қулмат бовонинг кўксига сен киролмайсан, сенга унинг кўксига жой йўқ», деб кўяди ўзича.

## БЮОК БОБОЛАРНИНГ ГЎЗАЛ ЁЛГОНЛАРИ

Ғалаба байрами куни тадбир тугаши ҳамоно жангчи боболарни ўзимизча «бўлишиб» олардик.

– Йўлдош бово бизники.

– Бир қўл бова, анави, Саттор бова бизга.

– Чўтбой бовони биз оламиз.

– Тали бово 9-А га...

Синфма-синф бүлиниб, мактаб боғида фахрли «фронтовик»ларнинг жон саргузаштларини тинглардик.

Орадан қирқ йил үтди. Содда ва беғубор болалик ҳам үша боболарим ортидан биз билан хайру хүш этиб кетди. Қишлоқда бугун уруш иштирокчилари қолмади. Улар юрагида чўкиб ётган уруш оғриқларини ҳам үзлари билан бирга олиб кетишиди. Бугун бир ёзувчи, уруш кўрган адаб сифатида менга азоб бераётган саволларнинг жавоблари ҳам уларнинг қалб қўрида қолиб кетганини ҳис қиляпман.

Эҳ, менинг беғуборгина болалагимнинг боладил боллари! Инсон умрини азиятга айлантирган минг бир оғриғу азобни ортмалаб кетдингиз, индамайгина, бирорвга оғирингиз тушмай, заминга оғирлик қиласиган юрагингиз оғрифини ҳам ҳатто биз болалар, жасоратпарвар ўқувчиларга билдирамай кетибсиз. Биз, шумтака болаларга ҳар бирингизнинг уруш ҳақидаги ҳикояларингиз ёд бўлиб кетган эди. Ўзимизча устингиздан кулиб қўярдик: «У уккағардинг боваси, созлаб алдади-я...» Лекин, шундай бўлса-да, сизлар тўқиган маталларни жон қулоғимиз билан тинглардик. Мароқли эди-да, мароқли. Бугун... бугун эса... ёшим элликдан ўтиб англаб қолдим, сизлар биз болаларнинг қалбимизни, шууримизни аяб-авайлаган экансиз. Шунинг учун бизни алдаган экансиз...

Эндиғина гулдан ариган мактаб олмазорида гуруҳ-гурӯҳ бўлиб давра қурган ўқувчилар уруш боболарининг ҳикоясини тинглашади.

– Бово, Исталинград ҳақида кино берди. Битта солдат айнан сизга ўхшади. Шу сиз эмасмиkinsиз-а, а, бово? – сўрайди қитмиргина Нурқўзи.

– Исталинград бўлса, менда үша, – дейди Саттор бово жилмайиб.

– Човиб (югуриб демоқчи) кетаётган экансиз?

– Қаёққа қараб човаётган эканман? – хушёр тортади Саттор бово.

– Олға-да, олға қараб! – дейди Нуркүзиси тушмагир муғомбирлик билан.

– Олға қараб бўлса, мен-да ўша! – дейди Саттор бово астойдил завқланиб.

– Бово, қўлингиз Исталинградда узилиб тушган-а? – сўрайди Ўқтам синфдош.

Бизга бовонинг нима деб жавоб бериши аввалдан маълум бўлса-да, яна унга жон қулогимизни тутамиз. Бово шу саволга жавоб берәётиб ҳамиша бир нуқтага тикилади, сўнг бир қўли билан ён чўнтагини кавлаб носқовоғини олади-да, тиши билан тиқинини очиб, носқовоқни тўқиллатиб тили тагига нос ташлайди, бизга шу жойи ҳам қизиқ. Кейин яна жилмаяди. Бизни боплаб қалака қилаётганидан юзига табассум ёйлади:

– Хуллас, шу десанглар, жанг бошланиб кетди. Сўқасўқда билмай қопман. Ўзиям пашистни чиқсан жайига тиқиб қайтдик, камондир сўраб қолди:

– Расулов, қўл қани, қўлинг қани, деб. Қарасам, қўлни иснаряд узиб кетган экан.

(Болалар бир-бирига маъноли қараб кулишади. Ўқтам ўзича кўз қисиб қўяди.)

– Бова, оласиз-а, қўл узилиб тушади-ю, оғримайдими? – ўсмоқчилайди Шукур ошнамиз.

– Ҳа-я, менга қара, сен Тошқул калнинг невараси, айт-япман-ку, жанг кучайганда, сезмай қолибман деб. Ўша пайтда қўл эсга келадими, эси йўқ... Бўлди энди, қани тарқалинглар! Ҳаммаларинг яхши ўқинглар.

Нариги даврада Йўлдош бово бир оёғини Берлинга ташлаб келгани, лаънати душманга: «Ма, шу оёқни сен олсанг олгин, фақат энди урушни тўхтат, таслим бўл», – деб хушидан кетгани, кейин уруш тугагани-ю, ғалаба бўлганини госпиталда эшитганини сўзлаётган бўлади. Аниқ шундай, ана ғалаба шавқида бовога қўшилиб болалар «урра-а-а-а!!!» деб қичқирияпти. Яхиси, ана, Чўтбой бовонинг даврасига борганим маъқул. Бовонинг ҳикояси ҳам авж нуқтасига етиб қайтаётган пайти эди:

– Кейин-чи, кейин нима бұлди?

– Кейин шундай құзимни очиб қарасам, тепамда лаънати Гитлер турибди. Айтдим-ку, хандақда тупроқ остида қолган эканман деб.

– Кейин-чи, кейин?

– Автомат ҳам тупроқ тагида қолиб кетган. Шу пайти итдан тарқаган Гитлер құзимга құлини тиқиб олса денглар.

Чүтбой бова атайлаб қора резина билан түсилған күркүзини очиб құрсатмоқчи бұлади.

– Э-э-эй, шартмас, очманг, бовожон, очманг. Құзингизни олдин күрганмиз, – дейди тайсалланиб Тоштемир, – бу ёғини давом этаверинг, бово.

– Бор гап шу, – дейди бово ҳам қовоғини уюб, күр күзини болалар күришни истамаганидан гүёки ранжигандай.

– Сиз Гитлерга индамадингизми? – ижикилайди Шафоат.

– Нега индамайман?! Ҳаромининг чўзилған құлини шартта кесиб ташладим.

– Ууккарди ули, – дейди Нурмат.

– Гитлер үлдими?

– Үлади-да, тирик қоладими, йўқасам?..

– Ууккарди ули...

– Бово, Гитлерни үлдирған бўлсангиз сизга герой-пेरойлик беришмадими?

– Беришмоқчи бўлди. Гитлерни үлдирасану, беришмайдими?

– Ахир берса тақардингиз-да, йўқ-ку, – дейди Шафоат энди очиқчасига бовонинг жиғига тегиб.

– Ўртоқ Исталин хапа бўпти-да.

– Ууккағарди ули.

– Ҳой, тирмизак. Кимни сўкяпсан? Сўкма. Исталинни сўкма...

– Хўп, бовожон, хўп, ўлолмаяпманни Исталинни сўкиб, – дейди Нурмат – Исталин нега хапа бўпти? Үлдирсангиз яхши-ку Гитлерни... – яна қитмирлиги тутади Нурматнинг.

– Ҳ-е-ей, Чори бовонгнинг ўзгинасисан-а, эзмасан. Ахир Исталин менга у лаънати Гитлернинг тириги керак эди. У иблисга икки оғизгина гапим бор эди, дебди. Шерматов уни бекор ўлдирибди-да. Тирик қолдириши керак эди дебди. Шунинг учун геройликни эмас, манави «Қизил юлдуз»ни бериб юборибди. – Бово чап кўксидаги чўғдай порлаб турган орденни кўрсатади.

Бугун тонг саҳарда ўша болалик чоғларимни хотирладим. Кўз ўнгимда жангчи боболарим гавдаланди. Фалаба байрамида улар мактабимиз ҳовлисида тўпланишарди. Улар жуда кўп эди. Кўксига осилган орден-медаллар урушнинг энг оғир жароҳатлари, аччиқ аламли кунларидан сўзларди. Улар кўксига титраган юракларида уруш оғриқлари зарби сезилиб турса-да, ўзларини дадил ва тетик тутишга уринишаётганини биз болакайлар эҳтимол англаамагандирмиз. Бироқ, бироқ, улар лаънати урушнинг даҳшатли фожиалари ҳақидаги ҳақиқатларни атайлаб бизга сўзлаб бермаётгани, гўзал ёлғонлар билан бизнинг беғубор қалбимизни аяётганини ҳис қиласардик. Биз ҳам уларнинг уруш ҳақидаги ҳазил-хузул маталларига гўёки ишонаётган каби жон қулоғимиз билаң тинглардик. Ҳа, биз болалар ҳам уларни аярдик. Айтинг, бошқача бўлиши мумкинмиди?

## ЕТИМ БОБО

*Фалабанинг 75 йиллигига*

- Момо, мен келдим.
- Бунча кеч қолдинг? Мактабинг ҳам бор бўлсин.
- Момо, биз Етим бовоникига бордик. Касал экан. Уй ишларига қарашдик.
- Айланайин сендан, савоб иш қилибсизлар.
- Момо...
- Нима?
- Етим бово энди ўладими?
- Бу нима деганинг, эси йўқ?

– Бово муаллимимизга «Мен үлсам манави жужуқла-  
ринг билан «Етим бовомлаб» йиғланглар», – деди-ку.

– Эх-ей, Худойим-а, бечоранинг тағинам жони тош экан.

– Момо, нега у кишини ҳамма Етим бова дейди?

– Уни уруш етим қилган.

– Катталар ҳам етим бўладими?

– Ҳа.

– Момо, Етим бова зўрға, инқиллаб-синқиллаб гапир-  
ди: «Мен урушни енгдим. Уни ўзим билан ернинг остига  
олиб кетаман», деди.

– Тўғри айтибди бовонг. Гўдаклигига отаси урушда  
ўлиб кетган. Етим ўсан. Пешонасига офтоб тегиб тинч  
замонда элнинг қадди, юртнинг қадри бўлган маҳалда  
ёлғизгина ўғли Нурбой ҳам афғон урушига кетди. Ўлиги  
қайтди. Бундай одамнинг сояси ҳам ерга оғирлик қила-  
ди, болам. Лекин бовонг урушни енгди, шунча дарду ҳасрат би-  
лан тўқсонга киряпти. Умри узоқ бўлсин, илоҳим... Бо-  
вонгнинг юки оғир, болам.

– Момо, урушнинг дарди шунчалик оғирми?

– Оғир, болам, оғир.

– Бизлар бовомга ёрдамлашсак, ўша оғир юкни биз  
ҳам...

– Жим!!! Жим, болам, ундей дема! Бу юкни бовонг  
бошқаларга бермайди, бошқалар кўтармасин, дейди-да.  
Урушнинг уйи куйсин.

– Момо, сиз урушни ёмон кўрасизми, қарғайсизми?

– Ҳамма ёмон кўради.

– Мен ҳам ёмон кўраман. Мен боламан-ку, болалар ҳам  
урушни қарғаса бўлаверади-а?

– Бўлади. Ҳеч кимни, ҳеч нимани қарғамасанг ҳам  
урушни қарғайвер, болам.

...Болакай бир нуқтага тикилиб қолди. Қилтаноқдай-  
гина қариянинг шундай оғир юкни қандай кўтара оли-  
ши ҳақида ўйларди. У айни дам болалик билан ҳам хайр-  
лашаётганди.

P.S.: Орадан йиллар ўтди. Дунёning нуфузли адабий

давралари «Урушнинг оғир юки» деган китоб ҳақида бонг ура бошлади. Китоб муқовасига ўзбек адабининг дастхати урилганди: «Мен бу китобимни Етим бобомга бағишиладим...»

## ЧИНГАЧГУК БОБО

Энди келувдим. Чарчоғим чорпояга малол келиб турган пайтда энам амр этди:

- Чингачгук бобонгни кўриб кел!
- Ҳали отам билан ҳам кўришмадим-ку...
- Отанг туппа-тузук. Тойдай тосирдаб, боғни бошида кўтариб бақириб-чақириб юрибди.

Толнинг тим қуюқ соясида чорпояга чўзилиб то кечгача уйқуни ураман, деб ўйлагандим. Шунча йўлдан озиб-ёзиб йилда бир-икки келаман, ҳали елкам ер иска маёқ, энам эшикка равона қилиб турибди.

- Эна шу... Кечроқ.
- Шу-шулама, болам, бор! Бобонг пишибгина турибди. Тўқсондан ошиб қўйган гўдак-да, энди. Йўл қаратма. Отангга тайинлабди! Ўғлингиз келса, кўришсам деб, алағда бўляяптикан. Тунов кун отанг кўргани борувди, яна сени сўрабди. Отангнинг ҳам оғзида гап ётмайди, келишингдан бурун эл-эломонга жар солиб, маънилатиб чиқади: бизнинг ўғил келяпти, бизнинг ўғил отпуск опти, бизнинг ўғил чет элга кетяптийкан, бизни бир кўриб келай, деб йўлга чиқди... Э-эй, хуллас, отангнинг феъли менга маълум, бобо бечорага ҳам бугун келишингни айтган, бирор сўрамасаям айтгич одати бор, отангнинг. Шу билан мақтанадими-ей, ишқилиб феъли-рўйда, феъли-рўй!

Энам лаҳзада шунча гапни тўкиб солди. Бирпас тайсалласам бу гаплар дийдиёга айланишини ҳам биламан, шаҳд ўрнимдан турдим:

- Бўпти, мен кетдим!

Чингачгук бобо, Чингачгук. Үтган йили күрганимда анча бақувват эди. Текиси тепаликни тұздырадиган, шаппати шамолни эсдан оғдирадиган чолнинг тор хонадонни кенг қилиб үтирганини күриб қувонган эдим. Бесұнақай узун құлини чўзиб, кафтини экскаваторнинг чўмичидай қилиб носвойга тұлдырганда роса завқландым: «Бобо, дев-певнинг авлодимасмисиз?» – дегандым ҳазиллашиб. Бобо тушмагур ҳам гум-гурсдай бўлиб елка учиреб ғулдираб-ғулдираб кулган эди. «Ҳа, сен бола-я, яхшиям жин-пиннинг авлодимисан?..», демадинг.

Бобо чиндан ҳам бақувват, басавлат, бошқаларнинг күрпасидан оёғи чиқиб қолади. Икки елка икки қоп кунжарани күрдим демай құтаради. Құз тегмасин, құз ҳам қирғийнинг күзидай үткир. Қулоқ жонивор том устидаги тарелка – шалпонглиги майли, минг чақиримлик гапни илиб олади. Узун жағ, дүңг пешона, қирра бурун. Олтмишга кириб-кирмай чолликка даъво қилиб соқол үстирадиган айрим қишлоқ кишиларидан фарқли ұлароқ бобомизнинг буғдойранг силлиқ юзида шу ёшда ҳам бир мүй күрмайсиз, кунора покида қириб-қиртишлайди. Узун қошлари остида ёниб турган нигоҳида симбати-сиёхига ножоиз бир меҳрибончилик қалқыйди. Маъқул келсангиз қалин лабининг бир бурчидә табассум учган кез, құzlари қисилиб кетади. Қисқаси, бу девсифат бобомиз билан мен яхши чиқишаман. Гули гулига түғри келгандарданмиз.

Болалигимда бобо ҳақида республикадаги болалар нашрлари, үзимизнинг туман газетаминда ҳам «фронтовик бобо» деб күп мақолалар эълон қылғанман. Бир гал бобо қулоғимни бураб узиб олаёзган: «Ёлғон-яшиқні құшма, немисни ундей қийратди, бундай қийратди дейверма!»

Қишлоқ аҳли бободан баджаҳл деб чўчирди. Олдини кесиб үтадиган бир марду мардак топилмасди.

Топилди. Элчиликда, топилди. Кесиб үтаман, деб құшниси Мамат жағ-жағ нима бўлди, сал қолди, орқасидан

ўроқ еб ўлиб кетишига. Шу тиррақи ҳолига денг ичиб келиб кунора хотинини калтаклайди. Аллақаерга прорабми, баломи бўлиб ишга жойлашган Мамат жағ-жағ тез қутурди, чўнтағига кирган бир сўм бия, икки сўм тия бўлиб кўринди. Кўрмаганинг кўргани қурсин-да. Бобо бир икки дакки берувди, хўп бўлади, дегандай қилувди, яна нима бўлиб, сархуш-сармаст ҳолда яримяланғоч бўлиб хотинига мушт ўқталиб ҳовлини гир айлантириб қувиб юрган эди, бобо чидай олмай томорқа адодидаги симтўсиқни суғуриб олиб ирғитди-да, жағ-жағнинг қаршисида пайдо бўлди:

– Ҳой, тўхта, нима қиляпсан? Уят-э!

Жағ-жағнинг ажинаси отланиб, шайтони бонг урган эди!

– Сиз аралашманг!!!

– Мана бўлмаса, мана! – Бобо гурзидай қўли билан жағ-жағнинг тос манглайига туширди. Жағ-жағ тиззанлаб қолади, сўнг кетига чақир теккан бузоқдай шаталоқ урди. «Вой ўлдим-м! Во-ой, ўлдим!» Бобо бунга ҳам қаноат қилмай бир боғ бедага қадалган ўроқни олиб жағ-жағнинг ортидан ирғитди. Шувиллаб учган ўроқ тегса, жағ-жағнинг тирик қолиши даргумон эди. У жон уҳмида чап берди, ўроқ жағ-жағ паналаган тут танасига тегиб қадалиб қолди. Томошаталаб болалар бараварига бақирвoriшади: «Ў-ҳ-ҳ-ей! Ууккағайди, бобоси, Чингачгук экан. Чингачгук!», – чинқирди болалардан бири. Шу-шу, гап тарқаб лақаби Чингачгук бўп кетди. Кичиклар тугул катталар ҳам уни Чингачгук деб чақирадиган бўлишди. Ҳа, ўша машхур фильмдаги оқ танли ва қизил танлилар жанг-жадалидаги жасур, ҳиндулар қаҳрамони – Чингачгукка менгзалди бобо. Бу гапларга ўттиз йиллардан ошди-ёв...

Тол-туш. Жавзонинг жинғиртоб офтоби тиғида бoshim қайнаб қишлоқнинг тепасидаги Хўжаипок дарёсига қараб йўл солдим.

Бобонинг кулбаси қишлоқ тепасида, Хўжаипок ота дарёси бўйида. Кампири ўтгандан кейин бола-бақраси-

нинг бақир-чақирига ҳам қарамай шу ерга – тубканинг тубига келиб олганига ҳам үн йилдан ошяпти. Одам иси ёқмай қолди, бобога.

Отамнинг айтишича, тенг-тушлари чолни үртага олиб: «Буйтиб элдан чиқиб кетма, түй-маъракага құшил, бола-чақанг ҳам ер чизиб қоляпти, кампири үлган бир сенми?..», – деб аччиқ-тизиқ гаплар қылсаям парвойига олмабди. Қайси бир йили хабар олгани борса, бобомиз биргина отамга ёрилиб қопти: «Раҳматбой, эркак киши бургут бұладими, лочин бұладими, қирғий бұладими, осмону фалак бұладими, гүр бұладими, аёли үзидан олдин кетмасин экан, иним! Эр нима бұлса бұлаверсин, лекин хотин шүрлик тоғ бұларкан... Бургутниям, қирғийниям, осмонни ҳам күтараадиган тоғ бұларкан, мени тушун-япсизми, иним?» «Тушундим, тоға, тушундим...» Тушунган бұлсангиз шу гап-да, иним!..» Мана – бобонинг топган гапи! Буни ҳеч бир иддаога, тангу тажангликка йүйиш керак әмас. Мұрт жойини метин, кемтигини бутун қыладиган инсон йүқ – бобо ёлғиз, вассалом.

«Мени нега чақыртирдийкин?...»

Ховли бош-адоқ йұнғичқазор. Кетмон сатқидайгина жойга үроқ теккан. Эндиғина үрилган беда ҳиди димоққа гупиллаб урилади. Қишлоқни қишлоқ қилиб турған жиҳат ҳам аслида шулар; тонғда қайнаган сут иси, үрилган беда, үт-үлан ҳиди, тандирдан тараплан нон бўйи, юлдузлар тўклилай-тўклилай деб турған ёз кечалари дала-боғлар ичра эсган сархуш бир эпкиннинг дил-дилингни, руҳиятингни тозартиб үтиши.

Бобо телпак тут тагидаги супада қурдан қайтган қўрбошига үхшаб, үтирибди. Вой бу-я, бунчалар озодалигиги ни қўринг: эгнида қордай оппоқ яхтак-иштон, бошда оқ сурп гириллак дўппи. Эй-эй, бу йил соқол қўйибдими, ҳа, соқол қўйибди, қўйғандаям кузабгина, теп-текисгина қилиб қўйибди. Чол үтган йилгига қараганда бирозгина чўккандай, озгандай туюлди менга.

Айтдим-ку, бобо мен билан чиқишиади, опоқ-чапоқ. Гурунгимиз гулхани гуриллади. У ёқ-бу ёққа от солиб, гап-гаштакнинг ҳам чангини чиқардик: бобо ҳам анчадан бери түлиб үтирган экан дилидагини дастурхон, тилидагини кенг жаҳон қилди. Йигитлигидан сўзлади: кўпкари, кураш, оғир-оғир меҳнату заҳматдан оғиз очди, бугунги замонларни алқади, нон мўл, ризқ сероб шу кунларни алқади, юрт раҳбарини алқади, чолнинг офтобга чайинган чехрасида шукроналик нури балқибгина турибди.

Мени нимага чақирдийкин? Шу гапларни айтиш учун чақиритирдимикин?

Орага сукут тушди. Бобо ўсиқ қошларининг орасида йилтиллаган ўткир кўзларини менга тикди. Аъзойи-баданим жимиirlаб, юрагим орқага тортиб кетди. Чолнинг тиззасига белкуракдай бўлиб тушиб турган қўллари титраётганини пайқадим. Шундай бобо-я?

– Хўш, (томуқ қирди) хўш. Сени гапга етадиган бола деб биламан. Бу қишлоқда бу гапни сендан бошқага айтмайман. Тушунгичдан кўра, кулгич кўп, нима дейсан? Болам, мени шу ҳаёт билан боғлаб турган ришта таранглашиб қолди, эрта-индин узилиб ҳам кетиши мумкин.

– Ундей деманг, бобо...

– Менга қара, сен китоб ўқийсан, китоб ёзасан... Одамнинг кўнглига бир замонлар чўккан бир ажойиб меҳр сира-сира чиқиб кетмас экан-а! Одамнинг ичидан ана портлайман, мана портлайман деб юравераркан-а? Шу нарсани босиб, шу нарсага чидаб яшашни ўзи азоб экан-а. Нима дейсан?

– Нима ҳақда гапиряпсиз, бобо!

– Нима ҳақда гапираётганимни ўзинг бил, болам, ўзинг бил! Етмиш йилдан ошди бу ҳақда лом-мим демадим. Бирорвга оғиз очиб тиш ёрмадим. Дардим ичимда бўлди, гардим сиртимда бўлди. Лекин ҳар куни хаёлимда турди. Мен уни ҳар куни ўйладим. Етмиш йилдан бери.

– Нима турди, бобо?!

Бобо жимиб қолди. Юзидан реза-реза тер оқди. Оғир хүрсінди:

- Уф-ей! Кейинги икки ойдан бериб тунора тушимга ҳам кирадиган бұлды.

Бобо күрпачаниң дүмпайиб турған жойини сидириб аллақайси замондан қолиб кетған ёстиқдай келадиган жигарранг жомадонни олди. Күхна матоҳнинг ичини очди. Күллари қалтираб, қофоз-қуғозларни титкилаб, эски бир сувратни олиб менга узатди. Сувратнинг четлари синиб, сатқига сарғыш қуйинди ранг үнгиган эди. Мен сувратда ҳарбий уст-бошдаги келишган, дароз, қади-қоматидан күч-қувват ёғилиб турған йигитни ҳамда унинг күксига бош қўйган навниҳол, кўзлари юлдуздай порлоқ, қўнғир соchlари pilotкаси остидан чиқиб, гўзал чеҳрасининг бир қисмини тўсиб турған, жуда-жуда чиройли қизни кўрдим. Сувратдаги йигит қаршимдаги Амир бобонинг навқирон, қирчиллама пайти ва бу суврат уруш йилларидан эсдалик эканлигини англадим.

Мен сувратни жомадонга солиб қўйдим.

- Болалигингда сенга кўп айтганман. Ёшимга етиб, ўн еттига тўлганимда қирқ учинчи йил урушга кетдим. Қаерларни босиб ўтдим, қайси шаҳарларда бўлдим эшигансан. Бугун сенга эшифтмаганингни айтаман. Мен бу гапни ўзим билан олиб кетмайин, болам.. Одамнинг юрагида гап кўп экан. Сен сувратда кўрган пошкаста (Сурхондарёда қиз-жувонни шундай дейишади) Белоруссиядан. Минскни озод қилган пайтим дуч келганман. Оғир ярадор эдим. Госпиталда тўрт ой мени даволади. Сўнг яна икки ой то тамом тузалиб кетгунимча мендан ажралмади, мени боқиб-бовлиди ҳисоб. Ўзи емай, топганини менга ташиди. Шугинага мен ҳам қўнгил бериб эдим, болам. Госпиталдан чиқаётганимда изиллаб-изиллаб йиғлади. Куйиб-куйиб йиғлади. Вокзалгача титраб-қақшаб келди. Поездга чиқаётсам бўйнимга маҳкам ёпишиб, «Мен сени унутмайман. Сен ҳам мени унутма! Сен жуда узоқ яшайсан», деб чинқирди. Ўзим ҳам бўларимча

бүлдим, ич-ичимдан түкилиб кетдим. «Унутмайман, сира унутмайман...», дедим... Унинг исми Марта эди. Марта... Марта айтганидай бүлди. Мен уни мана шу бугунга қадар унутмадим, деярли ҳар кун бир марта эсга оламан, ишонасанми болам, деярли ҳар куни! Марта айтгандай бүлди – узоқ яшадим, Худога шукр, түқсондан ошдим. Марта айтгандай бүлди – ичимда, қўксимда яшади у... Мени болам, түқсонга кириб эсини еб қўйибди, демагин, сен ундей демайсан, сен мени тушунасан, шунинг учун ҳам мен эртага омонатимни топширсам, оёқ узатсам мен билан, Амир бобонг билан бирга Марта деган жуда яхши бир инсон, жудаям чиройли бир аёл ҳам қўмилаётганини дунё билиб қўйсин дейман-да, болам... Инсоннинг қалбида гап кўп экан, болам... Гап кўп экан.

Мен нима деяримни билмай ҳангур манг бўлиб ўтирибман, айни кўз ўнгимда ҳозиргина сувратда кўрганим жудаям гўзал, жилмайиб турган Марта гавдаланди. Кўнглим алланечук бўлиб, худди мен ҳам Мартани узоқ йиллардан бери биладигандайман. Марта, менинг назаримда, муҳаббат тимсоли, севги рамзи бўлиб туюлади.

– Муҳаббат бу, бобо! Муҳаббатнинг мангу қўшиғи бу, бобо, – дейман...

– Ким билсин болам, ким билсин!

Бобонинг нам қўзларидан нигоҳимни олиб қочаман. Қаршимдаги полвон, чавандозу чапани чол бир зумда кичрайиб қолгандай эди.

– Манавини кўр, ўғлим. – Бобо бош бармоқдаги тирнокдек келадиган ялтироқ темирни кўрсатди. – Буни икки курагимнинг ўртасини кавлаб олишган. Операциядан сўнг Марта берувди. Шуни сен олиб қўй. Йўқотма, болам, ҳозир айтдинг-ку, муҳаббат бор деб, мангу дединг-ку, болам. Шунинг учун ҳам узоқ яшадиммикин деб ўйлайман. Ол, олиб қўй! Сенда турсин, йўқотма. Вақти-соати келиб, китоб-питоб ёзарсан...

Бобо жилмайди. Оқарган чехрасида синиқ табассумни илғадим. Унинг қархисидан гурзи еган гулахдай бўлиб қайтдим – авзойи баданим қизиб борарди.

– Ҳа, болам, бобонг тузукма...

– Тузук, эна, тузук.

Кун бүйи бобони, Мартани үйлаб юрдим. Үйларимни тасвиrlасам адоғи йүқ. На бир нарса үқиёлдим, на бирор юмушга машғул бўлдим. Шу алпозда кеч кирди.

Тонгга яқин туш кўрибман. Ям-яшил майса қопланган ҳад-худудсиз кенглик бағридаги адирликда бош-оёқ ҳарир оқ лиbosга бурканган Марта менга қўл чўзиб им-ляяпти. Шу пайт ўртада Амир бобо пайдо бўлди. Эгнида буғунги уст-бош оқ яктақ, оқ иштон. Бобо менинг қўкрагимдан итарди-да, ўзи шаҳд бурилиб адирлик томон – Марта сари вазнсиз бир ҳолатда сузиб кетди.

Кўз очдим. Пешайвон эшиги олдида қўшнимиз Раҳмон амакининг синиқ ва маҳзун овози бутун борлиғимга титроқ солди:

– Қўшни, одам боласиники шу эканда-а, эшитдингизми... Чингачгук бобо ҳам кетиб қолибди.

– Пешинда-да...

– Қачон чиқаришар экан?

– Бобо яхши одам эди. Кечагина ўғлим бориб гаплашиб келувди. Энасига бобом яхши деган экан...

Мен тўшакни юзимга босиб ўкириб йиғлаб юбордим...

\* \* \*

P.S.: Орадан олти ой ўтди. Мен Минск шаҳар ҳарбий комиссариатидан хат олдим. Хатдаги ёзув: «...Кичик лейтенант Марта Повловна Поддолская. 1925 йил 6 марта Минск шахрида туғилган. 1944 йил 17 июня ҳалок бўлган...»

Ҳар гал қишлоққа борганимда Амир ота қабрини зиёрат қиласман. Қабр тошидаги ёзувга кўзим тушади: «Амир ота Мурод ўғли 1925 йил 6 марта туғилган – 2015 йил 17 июня вафот этган». Қабр тепасида туриб тирноқдеккина темир парчаси кафтимни чўдек қизди-раётганини ҳис қиласман.

## УМР ШОМИДАГИ НУР

Хотирада қарзим, қадрға таъзимим күп.

Хотира ва қадрлаш байрамида, албатта, қишлоққа – уйимга бораман.

Ярим тунда йўлга чиқувдим, эрталаб етиб келдим. Ҳовлида серрайиб турганимни кўрган энам бечорагина атрофимда айланиб гиргиттон бўлди. Дунё дунё бўлгандан бери бундай дуоларни эшитмаган-ов! Қаердан топаркан, айниқса, ойда йилда мен ғўддайма хонадонда пайдо бўлиб қолишим ҳамоно, икки қўл дуога очилиб, энам шундай тўкиладики (ҳа, энам сўзламайди, тўкилади) билмайман, гап булоғини қамаб турган юраги очилиб кетадио, шу юрак қаъридаги фаришталар энамни сайратиб юборади.

Бугун ҳам шундай бўлди, энам дуони оляпти, кафтими очиб серрайиб турибман.

– Эна, отам кўринмайди, – дейман аланглаб.

– Кулмат бовонгнинг боши болишга (ёстиққа демоқчи) тегибди. Мазаси қочибди, кўриб келай, деб кетди.

– Қайси Кулмат бовам?

– Анави тарих малиминг бор-ку, отангнинг ошнаси...

Кулмат калта...

– Шундай демайсизми?

– Ўша малимингникига кетди. Ўзиям, попирос ўлгур оғзидан тушмайди, бургадайгина бўлиб қолган, бунинг қилтанглашини кўр, оғиз қурғурда доимо папирос ўлгур, паравоз-а, паравоз! Шу исқотини ташла, нима қиласан, жонингга азоб бериб, ўпкасиям тутундан тўкилиб кул бўлиб кетгандир, тағинам шунча яшади, муштдайгина ҳолига. Одамнинг умри Эгасининг қўлида эканда-а...

Озғин, киройи-кўргилиги қўримсиз, сариқдан келган татарангор, ингичка бўйнига қовун боғлаб қўйгандай, чувак бошидаги соchlариям сап-сариқ, (соч сариқ бўлгач қош нима бўларди...) шилпиққўз, пакана ҳолига ғўддайибгина

турадиган Қулмат муаллим күз үнгимда бүй күрсатди. Муаллимни күрмаганимга ҳам үттиз йиллардан ошибди.

– Сенам бор. Қуриб қўйганинг яхши-да. Ганиматликаға ғаним ҳам азиз, болам. Отангни ҳам эргаштириб келасан. Йўлда тимирскиланиб туртиниб-суртиниб, йиқилиб-нетиб юрмасин тағин. Уйда ўтиринг деганимга ҳам қарамай кетди.

Энам «Ганиматликаға ғаним» деб бекорга айтмади. Қулмат муаллим билан сувимиз лойқаланганига ишора бу!

Оёғим тортмаса-да, оғир бўлдим – муаллимникига йўл олдим, борсам борай, ўсал бўлиб ётибди. Гина гуноҳга гумашта. Балки эсидан чиққандир. Ҳамма нарса ўзгариб кетди-ку... Муаллимда нима айб...

Энам айтмоқчи, «Кампири қўпга қўшилгач, хувилланган уйда сўли қуриб сўппайиб қолган, ёлғиз-арзандаси, Худо бехабаргина ўғил эса ўрисгами-чулчитгами уйланниб, қайси бир гўрларда сарсон-саргардон бўлиб юргач, ҳаробаю хуробо ҳовлида бойўғлига ўхшаб ёлғиз қолган муаллимнинг кулбасига яқинлашганимда, ёғоч эшик очилиб ичкаридан отам билан қўшнимиз Ҳайдар бобо чиқиб келишди. Отам мени қўриб эсанкираб қолди.

– Энам сизни олиб кел деб жўнатди, – дедим ҳол-аҳвол сўрагач.

– Ўзимиз бораверамиз. Бовангни қўриб чиқ, – деди отам ичкари ҳовлига бош ишора этиб.

Нимқоронғи тор хона тўридаги ёғоч каравотга ташланган тўшакда ўзга сайёрадан келган гумонойддай бир бурдагина бўлиб ётган сап-сариқ кимсага қўзим тушди. Ўлай агар, муаллимни таний олмадим. На соч қолган, на қош. Узилган ҳандалакдайгина тап-тақир бош, милтиллаб турган бир жуфт кўз, ёрилган пуфакчадек шалвираган бурун, кичкина оғзини юмиб турган қони қочган лабларидаги изтиробли ихроқ, юрагимга оғриқ солди. Одам боласи шунчалар ўзгариб кетарканда-а...

Муаллимнинг тепасига бордим. У менга ҳайратомуз термилди, қўзлари милт ёниб ўчгандай бўлди.

- Муаллим, ассалому алайкүм, мен келдим... Яхшимисиз?.. (Бошқа нима дейин.)

Муаллим бosh ирғади. Сүнг илжайди.

- Мени танидингизми?

Муаллим бosh ирғади.

- Сатторов!

Бир қалқиб түшдім. Овози ўтлилигини күринг... Худди ўша өндеңдегидай, болалик баҳоримни остин-устин қилиб, парча-парчалаб портлаб садо бергандай бўлди унинг овози.

\* \* \*

- Сатторов!

- Мен.

- Сен бўлсанг доскага чиқ, - дейди пакана, кўзлари ёниб тургувчи сариқ муаллим. - Хўш, айт-чи, урушлар неча хил бўларкан?

- Икки хил! Адолатли, адолатсиз, - деб чувиллашади синфда ўтирган билағонлар.

Мен жим тураман. Негадир адолатли, адолатсиз деган нисбат менга эриш туюлади. Чунки юз ёшга яқинлашган катта момом икки ўғли – энамнинг акалари йўлига қарайвериб кўр бўлиб қолган эди. Ҳар тонг Жонқобил, Норқобил деб фарзандлари номини айтиб чиқираверарди. Катта момом ўғилларини номини айтиб чақириши ҳамоно кўчага чиқиб кетардим, момомнинг овози эши-тилмайдиган жойга – қишлоқ этагидаги сой бўйига кетиб қолаверардим.

Хуллас, мен синфда жимман. Олтинчи синфда мендан бошқа ўқувчилар бийрон эдилар! «Адолатли, адолатсиз...» уруш...

- Нима экан, Сатторов!

- Ҳеч нима? Уруш ёмон. Ҳамма уруш ёмон, – дейман.

- Немис, фашистлар босиб келди. Бу адолатсиз уруш. Биз Ватанимизни ҳимоя қилдик, бу адолатли уруш! Шуниям тушунмайсан-а, аҳмоқ, ўтири.

Изза бүлдим. Икки баҳо олдим. Бир ой аввал Салим отанинг Собир деган ўғли афғон урушидан ўлиб келувди, темир тобути қайтувди. Чидай олмадим. Болалигимда ҳам қизиққон эдим. Ўрнимдан даст туриб муаллимга са-вол отдим:

– Афғон уруши-чи? Афғон уруши. Адолатлими шу уруш?! Бизниkilар у ерга бостириб боришиди-ку?

Муаллим шолғомдай қизарди-я! У ёқдан бу ёққа юра бошлади, сўнг менга қараб чинқирди.

– Йўқол! Йўқол! Чиқиб кет! – у менинг ёнимга келиб кулоқ-чаккамга шапалоқ тортди.

– Босмачининг набирасисанда-а?! Қонинг бузук сенинг. Аждод-авлодинг чаён бўлиб ўтганда, гала босмачи!!!

Мен синхонадан чиқиб кетдим. Ташқари қор-бўрон эди, қаҳратон эди. Қормидир, оппоқ музқуммидир – ни-мадир юз-кўзимга чирсиллаб урилар, мен совуқни сез-масдим. Уйга келиб бор гапни энамга айтдим. Энам тин-май жавради – Кулмат муаллимнинг гўрига ғишт қалаб, ўт қўйди, тентакдан олиб тентакка солди.

Мен беш чақирим наридаги қўшни қишлоқдаги мак-табга қатнай бошладим. Сабаби Кулмат муаллимнинг ўзига дуч келиш у ёқда турсин, эсласам ҳам ич-ичимдан титроқ туриб, тасавурим чилпарчин бўлиб, номини эшитсан сесканиб кетардим.

Бир кун Гафур полвоннинг тўйида курашдан олдин отам давра четида турган Кулмат муаллимнинг олдига борди. Кўнглим совуқ бир нимани сезиб мен ҳам отамга эргашдим.

– Ўғлим мактабингдан кетгандан бери кўнглинг кен-гайиб қолдими, муродингга етдингми? – деди отам му-аллимга.

Мен «қўйинг шунга гапирманг» деган маънода отам-нинг чопонини этагидан тортқилай бошладим.

– Ота, уйга кетамиз.

– Қўрқма, болам, қўрқма!

Кулмат муаллим турган жойида тушовланган тойхардай тайсаллаб қолди. Юзи қаҳрли тус олди.

– Ўғлинг ҳам сенга ўхшаш бузуқи бош. Мияси айниганд, – деди тиржайиб.

Отам уни силтаб тортди-да, ёнига қаратиб итарди. Кулматнинг нима жони бор, учеб кетди, боши тўйхонани ёритиш учун ўрнатилган симтўсинга бориб урилди. Ўрнидан тура солиб кафти билан юзини тўсган кўйи чинқириб тўйхонадан чопиб чиқиб кетди.

Эртасига уйимизга милиса келди. Отамни икки йилга қамашди...

Томорқамиз тепасидан ўтган сой бўйидаги бобомни қизиллар отган жойни отам девор билан ўраб оқ ялов қадаб қўйган эди. Қишлоқда ана шундай уч-тўртта шаҳид жой – боболаримиз қони тўкилган муқаддас маскан бор эди. Кулмат калта улар босмачилар отилган жой, деб юқорига ёзвориб, охири шаҳид жойларни ҳам текислатиб ташлади. Кўп ўтмай бульдозерчи кўр бўлиб қолди. Кулмат муаллимга жин ҳам урмади.

Отам уйга қайтгунча анча қийналдик.

Мен қўшни қишлоқда уч йил ўқиб мактабни тугатдим. Ўқишга кетдим...

Ёшим қирқдан ўтиб бугун болаликнинг синиқ хотираларини тиклаяпман.

– ...Сатторов! Сатторов, – дейди ихроқли овозда муаллим.

– Менман, муаллим...

– Келдингми?

– Келдим.

– Сен ҳам урушда бўлдинг-а?.. Афғонда бўлдинг-а?

– Ҳа, муаллим, – дейман унинг юзига қарашга ботинолмай. Бу ердан тезроқ чиқиб кетгим келади.

– Мен сени урушдан омон қайтишингни Худодан сўраб ялиндим. Кейинги йиллар сени кўп ўйладим. Ҳар гал телевизорда чиққанингда ўзимни қўярга жой тополмадим. Сенинг олдингда гуноҳим кўп. Кўча-кўйда ака-укаларинг, ота-онангни кўрсам, ялиниб-ёлвордим: «Рустамга айтинг-

лар, менга бир учрашсин, зарур гапим бор...» – дедим. Улар мендан үзини опқочиши. Тұғриям қилишди, қайси юз билан уларга арзи ҳол қилаётганимни үзим ҳам тушунмасдим. Отанг иккимизни яраштириш учун қишлоқнинг ҳамма оқсоқолларини ишга солдим, уйларингга үзим ҳам боравериб, бетимнинг суви беш түкилди...

– Бово, қўйинг энди шу гапларни.

– Ҳар гал Хотира куни қишлоққа келсанг уйингга сени сўраб одам юбордим... Нега излардим, биласанми?

– Йўқ...

– Мен ўрганган илм мени туфлаб ташлади. Мен ишонган тарих ҳам мени алдаганини англаған куним, бу дунёда қуп-қуруқ, ҳеч ким бўлиб қолганлигимни ҳис қилдим.

Муаллим хир-хирлаб, оғир-оғир нафас оляпти.

– Ўша даврнинг шоири, ғояси шундай эди-да, бово, – дейман.

У юзлари бурқсиб менга қарайди...

– Сен мени кечира оласанми – дейди туйқус.

– Кечирғанман, бова, кечирғанман. Эсимдан ҳам чиқиб кетган экан, қаранг-а, – дейман уни тинчлантириш учун.

– Кечирған бўлсанг, шу ҳовлини сенга топшираман, – дейди у дабдурустдан.

Мен ҳанг манг бўлиб қарайман.

– Йўғ-е, керакмас.

– Биламан, сен олмайсан, буни. Лекин уй-жойим, томорқам йигирма беш сотихдан кам эмас. Үзинг бошқош бўлиб, расм-русумини қилиб, шу жойнинг ярмини одамлар келиб дам оладиган гузар, ярмини кутубхона қилсанг, ёш-ялангларнинг оёғи узилмасди. Гузарга кираверишда менинг тарихим, «босмачи» деб қоралаган боволарингнинг хотирасига катта бир мармар тош қўйиб, уларнинг номини ёзиб қўй. Кутубхонанинг бир хонасини қишлоғимиздан урушга кетиб қайтиб-қайтмаган боболарнинг хотирасига музей қил, афғон урушига борган сафдошларинг тарихи ва тақдирини ҳам унутма.

Шу хонанинг эшиги тепасига «Бу дунёда ҳеч қачон адoлатли уруш бўлмаган» деган гапни ёзиб қўйсанг, бас!

Кекса муаллим жим қолди. У оғир-оғир нафас олиб ҳансирайди. Мен унинг пойинтар-сойинтар гапидан ҳайратланаман.

– Бу иш осон кўчади. Маҳалла ҳам, ҳокимият ҳам рози. Эртага нотариусни чақиртираман, – дейди у.

Мен унга яна ажабсиниб қарайман.

– Илтимос, йўқ дема... Эртага бир келиб кет, – дейди муаллим. – Сўнгги илтимосим шу, мени хотиржам ўлсин, десанг, шундай қил!

Мен хонада серрайиб тураман. Ҳаво етишмайди. Муаллимга розиман маъносида бош иргаб ҳовлига чиқаман.

Борлиқ чароғон. Осмон тип-тиниқ. Рӯпарамдаги тоғ кўл чўзсам етгудай яп-яқин. Юзимга баҳорий ҳузурбахш шаббода урилади. Мен қаерларгадир, олис-олисларга кетгим келади. Қаршимдаги тоғлар ўз бағрига чорлаётгандай бўлади. «Бу рўйи заминда яхшиям тоғлар бор, улар жуда баланд...», деган ўй ўтади хаёлимдан.

## ПАЛЬТО

Зайнаб опанинг қаҳри қаҳратонни қалтиратади.

Дераза ойнасига чарсиллаб-чарсиллаб қор учкуни урилади. Қормас, тузми, музми ишқилиб, бир бало ёғяпти. Шундай изғиринда кўчани кўзлаб жуфтакни ростлашга шай турган Холдоровнинг дами ичиди, пилдир-пис. Қовоқ уюб оstonага тикилиб туради, эгнига яп-янги пальтосини илиб, бўйнига шарф ташлаб олган, оёғида ёрти этик. Нима қилсин, бор-э деб эшикни очиб, бошига суртелпакни бостириб кўчага чиқиб кетсинми? Ёки зардаси зоғора пишираётган манави хотиннинг унини учирсинми? Қандай қилиб учиради? Кўнглигами, кўйнигами қўл солибми, йўқ, унча-мунчага унинг ўти пасаймайди. Ўзиям аёлининг оғзидан ялла кириб алла чиқмаганига анча бўлди. Қарийб қирқ йилдан бери бир-

га яшайди-я. Холдоровнинг эшитгани шу: «Бүш-баёвсиз. Оғзингизни очиб, ошиңгизни олдириб юрасиз... Худога шукрки, үғилларингиз сизга үхшамайды. Яратган бир томонидан қисса, бир томондан бераркан. Яхшиямки, шугина икки үғлим бор... Бўлмаса... «Хуллас, хотинининг жаҳли чиқса дамида жавдар пиширади, Холдоровни ўпокдан олиб сўпоққа уради. Ўзиям шу-да, Холдоров ҳам кўнглини кенг майдон қилганлар хилидан – хоҳласа Хитойни сиғдиради. Парвойи фалак, энсаси элак.

– Нима қил дейсан, бўлмаса? Сенга термилиб ўтиравераманми? Бугун якшанба бўлса... Айтдим-ку, зарур иш бор... Холмат найнов билан «катта»никига ўтиб келамиз.

– Ҳеч қандай катта-патта сизни чақирмаган. Чақирмайди ҳам. Пойи-пatak бўлганингиз билан остоноада эсдан чиқиб қолаверасиз. Қирқ йилки шу кемтик курсингиздан қимир этмайсиз. Баҳоргача бир амалланг, пенсияга чиқинг, тамом. Сиз ҳам эл-эломонга үхшаб қуда-анданикига, қариндош-уруғникига боришни ўрганинг. Иш-кўча, иш-кўча. Уйингиздан илон чиқсанми? Олтмишгacha осмонни олиб бермадингиз, бу ёғи гўр бўлармиди энди.

Хотинининг дийдиёсидан довча тўкилишига кўнишиб қолган Холдоровнинг шу тобда кенг кўнгли торайгандай бўлди – бу ёғига гўр бўлармидингиз, деди уккағарди қизи. Шу жойи алам қилди.

– Кўрасан, ҳали! Мени кўтаришмоқчи. Калтафаҳмсан!!! Учир овозингни!!!

Илк бор Холдоровнинг гапи гумбурлаб чиқди. Хотин ҳам бир қалқиб тушди. Ёзувчи акамиз айтганидай, оғир тош кўчди. Тепса тебранмаснинг кети тепкини сезди. Хотин анграйиб қолди (шу ҳолинг бор экан-ку, дейдиган одам йўқ).

– Нима-а-а-а? – Овози синиқ ва сўниқ чиқди.

– Эшитганинг!

Нима бўлса бўлди. Хаёлига бу гап қаердан ҳам келди, ўзи ҳам ҳайрон. Энди орқага қайтиш йўқ – айтилган гап, отилган ўқ.

Ховли эшиги тарақладаб очилди. Холмат найнов күри-ниш берди. Эгнидаги отам замонидан қолган эски пұстин ёқасини күтариб, кувачадай бошига киррати, усти чарм телпагининг қулоқчинларини тушириб кийиб ол-ған найнов изғириң қаҳрига дош беролмай турған жойи-да айлана бошлади.

– Ана келди. Шугина сизни каттанинг уйига олиб борарканми? – деди хотини ўсмоқчилаб ва хаёлидан: «Ен-гининг ямоғига бурун артадиган ношуд меҳрибонингдан ўргилдим...» деган гап үтди.

– Бунга нима қипти? – ихранди Холдоров.

– Ҳеч нима қимапти... Чақирмайсизми уйга. Шүрлик-ни совуқ уриб кетди-ку, қылтанглашини қаранг.

– Уйда нима қиласы? Шошиб турибмиз...

Холдоров ҳовлиға чиқыш учун хона эшигига құл узатған ҳам әдики, хотинининг қатъиятли буйруғи жааранглади:

– Чақириң! Уйга кирсін, олдин чой-пой ичиб олсин. Кейин кетасизлар. Остона ҳатлаган одамни тузу намак-сиз чиқарманг.

Холдоров хотинига ҳайрон бокди.

«Баъзида меҳрибон бўлиб кетади...» Ноилож, истар-истамай Холматни уйга бошлаб кирди. Даҳлизифат залдаги илгакка кийимларини осишиди. Голланди печ гуриллаб турған меҳмонхонага бошлади, ўлмайиннинг кунидан курсига чорлаб, дастурхон-столга манзират қилди. Эрнинг янада ҳайратини ошириб, хотин столга мева-чева, қанд-қурс келтириб қўйиб чиқиб кетди. Холдоров ёнида юзига қон югуриб, кўзгинаси ёниб турған кичик жусса, қотма найновнинг шалпанг қулоғига нимадир деб шипшиди, меҳмон бўлмиш кичкина бошгинасини тасдиғу тасаддуқ маъносида ликиллатиб қўйди, илжайди.

Холмат найнов деганимиз бирор билиб, бирор бил-майдиган кичик идоранинг бошлиғи Холдоровнинг қўл остида ишлайди – муовин. Ўзи қўшни туманда яшайди. Икки йил бўляпти, шу ерга юборишган. Ҳар қандай

майда идоранинг гапи катта бўлади – миш-миш тарқалди, Холмат вилоятдаги раҳбарнинг жонжўраси, иккови бирга ўқишиганми, армияда бирга хизмат қилишиганми, бир бало... Холдоров дастлаб ундан ҳайиқиброқ юрди: «Қайси гўрдан кеп қолди бу. Чинданам ҳўжайниннинг оғайнисимикин?» Элга илакиshawermайдиган, одамови Холматнинг ўзини тутиш-туриши бошлиқнинг шубҳасини ўт олдириб борди, баъзида ишдан бошини кўтармайди, соҳанинг сирига сиртмоқ солган, баъзида шундай таклифлар айтадики, ходимлар ҳам тан беришади, кўза калласининг ичида ғуж-ғуж олтин фикр. Баъзида эса довдир-совдир гаплар айтиб, сандирақлаб юраверади, шиша ўлгурга суюги йўқ, отамлашиб ўтирамиз, десанг, отасини ҳам унутворади.

Кунларнинг бирида Холдоров уни зиёфатга таклиф қилди. Шубҳа-гумон тарқамаса имон омон қолмайди, де-йишади. Ке, шунинг кўнглига бир қўл урай, деб ўйлади.

Кафеда ўтиришди. Холматвой икки қўл олар олмас, чулдираб қолди, жони мўрт экан, сузилиб майнавозчилик қила бошлади. Тоқати тоқ Холдоров унинг гапини оғзига ургандай қилиб тақатақ тўхтади:

– Менга қаранг, Холматжон, сиз чиндан ҳам вилоятда-ги катта билан яқинмисиз? – деди ҳадиксираб.

– Эмасам-чи?..

– Бирга ўқиганмисиз?

– Йўқ.

– Ҳарбийда бирга хизмат...

– Йў-ўқ, – деди кўрсаткич бармоғини бигиз қилган ҳолда ҳаволатиб.

– Қариндошмисиз?

– Йўқ... Ҳи-ик. Ҳи-ик

– Кимсиз бўлмаса? – асаби чатнади бошлиқнинг.

– Ҳеч ким... Ҳеч ким! – Яна кўрсаткич бармоқ ҳавони кесди, – одамлар гапираверишади. Найновлар! Вилоятдаги катта қаерда-ю, мен қаерда? Ҳи-ик. Ҳи-ик. Қуйинг, ҳўжайнин, отайлик!

Хұжайниннинг кайфи тирриқ бўлди, лекин ичидә қувонди ҳам. «Э-эй, бунинг ўзи найнов экан-ку...» Унга шушу «найнов» деб лақаб қўйди. Буни фақат ичидә айтиб юрди, ишхонадагиларга овоза қилгиси келмади, нима бўлган тақдирда ҳам үринбосари, ўзгалар олдида ерга ургиси келмади. Шу-шу, қўнгли тортганда хилвату холи жойда Холмат билан «байрам» қиласиган бўлди.

Бугун ҳам бу изғирин тўс-тўполонли кунда уйда хотининг қош-қовоғига қараб ўтириш азобидан қутулиш илинжида Холмат найновга қўнғироқ қилувди. Хотини жавраб жаҳонга жар солган кезда, жин урсин, ўзи ҳам билмай қолди, ҳалиги гап оғзидан чиқиб кетди: «Холмат найнов билан каттаникига ўтиб келамиз...»

Зайнаб опа дастурхонга қайнатма шўрва қўйган маҳалда шишаси яримлаб қолган икки қадрдон бир-бираға меҳр кўзи ила боқиб, лаб-лунжини ишириб газак уришарди. Зийрак хотини ҳозири нозирлигига Холдоров найновга маъноли қаради.

– Шундай қилиб хўжайнин йўқладиларми? Аммо об-ҳаво ҳам аксига олди, – деди бошлиқ деразага бош ирғаб, – қандай бўларкин?

– Катта айтдилар, Қодир Холдоровични олиб келинг, у кишини яхши одам, дейишади, яқиндан танишиб қўйсан ёмон бўлмайди, дедилар, – Холмат ҳам юзингда кўзинг борми демай жавоб қайтарди-да, бошлиққа безрайиб қараб тураверди.

– Энди келаси сафар олиб борасиз, иним, – деди Холдоров ҳам ички бир орзу тўлқинидан масур ҳолда.

Зайнаб опа косани қўйиб кета қолай демади, дастурхондаги у-бу нарсаларни тузатиб-тозалаган бўлиб тимирскиланиб тураверди. Холдоровнинг эти жунжикди, кўзини чақчайтириб найновни ўйиб олди:

– Катта билан дўстман, денг? Оббо, Холматжон-ей.

Найнов ингичка бўйини чўзиб, кўрсаткич бармоғини ҳавога ўқталди. Холдоровнинг жон-пони чиқиб кет-

ди, ўлди, ҳаммаси тамом бўлди. Узилиб тушгур кўрсат-  
кич бармоқдан кўз узмай қотиб турди.

– Ҳа. Дўстмиз. Иккимиз афғонда бирга жанг қилганмиз.  
Бир хандақда ёрти нонни баҳам кўриб, не бир ўлимлардан  
омон қолганмиз. Бир гал Собиржонни ўқ ёмғири ичидан  
ўзим кўтариб чиқканман. Ўнг елкасидан ўқ тегувди. У ме-  
нинг қиёматли дўстим, ҳа, ким бўлишидан қатъи назар,  
дўстим, вилоятда унга биргина отаси билан мен «сенси-  
раб» гапира оламиз. Хоҳласангиз, ҳозироқ телефон қила-  
ман, тез етиб кел дейман, – Холмат хўроздай хезланиб ўр-  
нидан туриб ён чўнтағидан кўл телефонини олди.

Эс-хушидан айрилган Холдоров ўрнидан дик этиб ту-  
риб кетди-да, найновнинг елкасидан босди. Ҳансираб,  
капалаги учиб, оғир-оғир нафас олди. Зайнаб опа қўли-  
даги ликопчани тушириб юборди. Холматнинг авзойига  
боқиб бир сесканди-да, ошхонага пилдириб қолди. Най-  
новни бир амаллаб жойига ўтириғизган Холдоров аросат  
ўтида тўлғаниб ихранди:

– Гапларингиз чинми, Холматжон?..

– Нима, ишонмаяпсизми?! – деди куйдирги ҳам тир-  
жайиб.

– Иш. Ишондим...

– Келинг, гаров ўйнаймиз. Собиржон чин ўғил бола.  
Мард. Шу туманга келганимдан бери биринчи марта  
сизга айтяпман. Сиз яхши одамсиз, хўжайин. Алдаб нима  
қилдим?

– Со-обиржон, э-эй, Холматжон, у киши мени чиндан  
ҳам...

– Қуйинг, яна биттадан олайлик. Шўрва даҳшат бў-  
лиди, олинг. – Холмат пиёлани даст кўтаргач, шўрвага  
кўл чўзди.

Холдоровни титроқ босди. Гиппа бўғилди – томоғидан  
қил ўтмайди, боши гарангсиди. Қархисидаги жиккак  
жусса Холмат туйкус салобатга тўлиб, улканлашиб кет-  
ди. Холдоров унга қараб илжайгани-илжайган. Зайнаб  
опа хонага учиб кириб, учиб чиқади. Ийиб кетганидан

хотини тушмагурнинг ўзи сервантдан иккита «Қоратов» ароғини олиб, столга диккайтириб қўйди. Дастурхонда хонадоннинг бор бисоти эъзоз топди. Даҳлизда қўшни Ҳусан калнинг чийиллаган овози эшилди.

– Чақиртирган экансиз, янгажон, нима юмуш бор эди?

Холдоров меҳмонхонада туриб Ҳусан калнинг овозини эшилса-да, унга эътибор ҳам бермади, Ҳусан калсиз қолибдими, келса келгандир-да...

– Ака, ана, қўрадаги улоқнинг бирини ушланг. Укан-гизнинг меҳмони бор. Фақат тезлаштиришимиз керак. Кунам кеч бўп қолаяпти, – шанғилади Зайнаб опа.

Орадан бироз ўтгач, дастурхонга улоқ гўштидан қовурдоқ тортилди. Меҳмону мезбон гоҳ ўринларидан туриб, гоҳ ўтирган кўйи қадаҳбозлик шавқини туйишарди.

Киши куни бир тутам. Кеч кирди. Холдоровнинг туман марказидаги ўғли ардоқли меҳмонни уйига элтиб қўйиш учун ўз машинасида етиб келди. Холматжонни кузатиш маросими қизиқ бўлди, калла кетгандан кейин оёқда мадор қоладими; уни даҳлизгача суяб чиқиши. Холматжон алтанг-султанг қилиб юриб келди-да, илгакда турган ўзининг куя еган эски пустини қолиб, Холдоровнинг яп-янги пальтосига кўл узатди. Холдоров «ий-й-ий»лаб юборди. Бу орада азиз меҳмон пальтони кийиб улгурди. «И-й-ий». Хол... Холматжон...», – Холдоров бошқа гапиролмади. Зайнаб опа унинг тирсагидан ўйиб чимдилаб олди. Холмат яп-янги пальтода, бошида эрталабки эски, киррати телпакда ҳовлига чиқди. Эр-хотин уни катта эшиккача кузатиб чиқиши. Ўғил машинани юргизди...

Меҳмон кетди. Эртаси душанба эди. Ишхонада бошига гурзи тушгандай гандираклаб ўтирган Холдоров муовини Холматни чақиртирди. Келмабди. Тушга яқин ходимлардан сўраб-суриштирди, йўқ, дом-дарак йўқ. Кўл телефони ҳам ўчирилган. Бошлиқ безовта бўла бошлади. Ўлиб-пўлиб қолмадимикин? Йўғ-е, Худо арасин.

Кун пешиндан оғди. Ҳар бир ишхонада бўлгани каби шу идоранинг ҳам жарчиси бошлиқнинг хузурига чопиб кирди:

- Келди. Анави келди.
- Ким келди?
- Анави, Холмат...
- Э-э-эй, чақир.

Холмат ҳеч нарса билмагандай хұжайниннинг хонасида үзини овсарликка солиб турди. Бошлиқ унинг эгнидаги эски костюмиға назар ташлаб, хаёлидан үтгани шубўлди: «Пальтони нима қилдийкин?»

- Ҳуш, Холматжон, - деди жилмайишга уриниб, - кечака... кечаки гап.

- Э-э-эй, хұжайнин, кеча зўр үтирдик, раҳмат.

- Кечаки гап ҳалиги, - энди овози қалтиради, - нима бўлди, каттани айтувдингиз-ку?

- Э-э-эй, хұжайнин, кеча роса ролга кирибмиз-да... Шудесангиз гапирган мен эмас, жин урсин, «Қоратов» гапирди, ароқ гапирди, деб қўяверинг.

- Ним-а-а-а-а?! Чик, йўқол! - Холдоровнинг қўли кулдонга етмади. Эшик қарс этди, Холматнинг қораси ўчди.

Холдоров қўксини чанглаб курсига ҳолсиз үтириб қолди. Пешонасидан реза-реза тер оқди. Эшик оҳиста очилиб, хонага ҳалиги жарчи - югурдак кирди, қўлида яп-янги пальто.

- Мана, Холмат берди. Пальтонгиз унинг хонасида қолиб кетган экан...

Холдоров беҳолу беҳаловат алпозда сўл қўли билан хона бурчидаги илгакка ишора қилди. Югурдак уни илгакка осиб, сассиз, шарпа янглиғ чиқиб кетди. Холдоров юмшоқ курсига елка тиради. Ич-ичидан олов ўрлади. Ҳаётida илк бор ўз ҳолига ўзи ачиниб, кўзларида ёш ғилтиллади. Нигоҳини юмди. Нафаси сиқилди. Хона сукунати уни ўз домига тортиб бораётганга ўхшади. Туйкус столдаги телефон ваҳимали жиринглаб қолди. У сапчиб тушди. Гўшакка қўл чўзди. Оғриниб тўнғиллади:

- Эшитаман, ҳуш, хизмат... Ҳа... Менман.

- ...

- А-а? Ҳа! Худди шундай, Собиржон Нарзиевич! Ҳуп булади. Шу ерда... Шу ердалар... Ҳозир, - Холдоров ўрнидан қан-

дай сапчиб туриб кетганини билмади. Илгақдаги пальтоны олиб Холматнинг хонасига ҳарсиллаб юргилади.

– Холматжон, Холматвой! Дўстингиз Собир Назирович, катта келяптиканлар. Сизни сўрадилар, – у пальтони ўриндиқда хардамхаёл қийшайиб ўтирган Холматнинг елкасига ташлади.

Холмат унга илажайиб қаради-да, бир кўзини қисиб қўйди:

– Келса келибди-да...

## ЧОЛ ХАФА БЎЛДИ

Оташ-а, оташ. Кун ёняпти. Жавзонинг жазаваси қўзиган. Қилтонглаган дунёга қилт этган шамол малол, дов-дараҳт гунг-соқов.

Шундай иссиқда уйгинангда ўтирсанг бўлмайдими, тепандан офтоб уриб ярим каллангнинг қолган-кутган қатифини чиқариб ташласа қай гўрга борасан, дейдиган одам йўқ. Кимга бўларди – Ғулом чолга-да...

Бовоси тушмагур эрталабдан туртиниб-суртиниб ҳали унинг эшигига борди улов сўраб, ҳали бунинг эшигига борди, неварасини вилоят марказига олиб бориб қўлини ҳалоллаб келайн деб. Э-эй-эй, қўлини ҳалоллаб деган гапниям тушунмайсизми? Мусулмон қилиб келади, ана, боринг-ей, чукини кестириб келади. Эрта-индин мактабга чиқадиган боланинг бу аҳволда юриши... а-айи, энди муҳокама қилмайлик шуни: борса борсин бово, тўғри ўйлаган. Кап-катта болани на эл, на эр томонда турмаслиги ҳам чакки ишда.

Кап-катта бола бу – Эломон. Ота-онаси Эльбрус деб исм қўйишган. Тоғ чўққиси шундай аталармиш. Улар аллақаерга курортга бориб ўша тоғнинг тепасига чиқишиган йили шу бола туғилган. Ўша ёқда ният қилишган экан, ўғил туғилса исми Эльбрус бўлади деб. Лекин бовоси учун Эломон. Бу исмни бово қўйган. Акасининг иззат-хурматига. Не бир урушларга бориб, таёқдай бўлиб

қайтиб келган, алпсавлат акаси, Эломоннинг шарафига (акасининг ўзидан изн сўраб) исмини Эломон деб қўйган. Катта Элмон бурноғи йили юз ёшнинг эшиги кесакасига қўли етишига бир баҳя қолганда бу дунёга терс қаради, кетди. Оллоҳимдан қарзини қутулди.

Бовога аканинг кетиши оғир бўлди. Жонтомир-қонтомир экан, денг, ортидаги тоғи қулагандай довдиради.

Хуллас, гапдан чалғимайлик, қисқаси, қишлоқда машинасиз ҳовлиниңг ўзи йўқ ҳисоб. Битта, яримта қари-қартанг яшайдиган уйдан бошқа ҳамма хонадонларнинг эшиги олдини бир мошин банд этади. Лекин шу бугунга қолганда ҳеч ким рўйхушлик бермади. Алининг ёқилғиси йўқ, Валининг вақти, Эшматнинг улови бузук, Тошматники ундей, Нурматники бундай... хуллас, ҳеч кимнинг шаҳарга боргиси йўқ.

Охири Кулматни кўндиради. У ҳам тайсаллади, бово бўш келмади яп-янги ўнталик пулдан бир дастасини олдига ташлади: «Бўлди, гапни калта қил, мижиллама... Туш олдимга...»

Уйдан набирани олишди. Кампирининг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамай гунгу кар бўлиб уловга ўтиради, ёнида набира. Айтган гапи шу бўлди: «Катта ўғлингга тилпон қил. Бир соатда қайтамиз. Келиб қўйни сўйсин... Қуни-қўшни, мачитда йифилган чолларни пешиндан сўнг чақирсан. Гап бор!»

Чол гапни қисқа қилди. Кампири оғзини очди-қолди, машина жилди.

Чол анчагача жим кетди. Қулмат найнов ҳам димдирс. Хаёлида «Чол шошиб мингталик ўрнига ўн мингталикни отиб юборди. Шаҳарга аталган ҳамённи кира пули билан адаштириди-ёв», деган ташвишли ўй. Охири чидай олмади.

– Бово, шу, йўл пулини сал кўпроқ бериб юбордингиз-ов. Қанчасини қайтарай...

Чол найновнинг олд ойнакдан мўлтирабгина турган қўзларига ўқрайиб бокди:

- Бовонгди гапидан қайтгувчи палағда деб ўйла-япсанми? Бовонгда бундай ўнталиклардан икки хўқиз-нинг пули бор, - деди димоғ билан. Сўнг набирага қараб жилмайди: - Бугун Эломонимни бир айлантириб келай, девдим, сендан бошқаси рўйхуш бермади, ноз қилди, уловингга улоқ ортармидим уккағарди уллари, ҳе-ей, савобнинг саволи, хурматнинг уволи оёқ ости бўлма-син-да, болам...

Кулмат найнов бир сапчиб тушди. Орқа чўнтағидаги бир даста ўнталик думбасини чўғ бўлиб куйдирди, кети ёниб шимиға ўт кетадигандай бўлди-да, бир тўлғаниб кўйди, шартта киссадаги пулни олиб чолга узатди.

- Мана, бово, олинг, чин кўнглимдан айтяпман. Боя бир каллам кетди, шайтон ол деб ёзғирди, энағар...

Найнов машинани тўхтатди. Бу гал унинг ҳам кўзлари бовога дадил боқди. Кўзлари ичидаги имон ўтидан чўғ олиб порлаб туради. Чол бош ирғади.

- Пулни олмасангиз ҳеч қаерга бормайман. Шу ерда тушинг, сиз ҳам, набирангиз ҳам...

Чол жилмайди:

- Ҳеч бўлмаса ёқилғи пулингни ол. Йўқса биз ҳам сен билан бормаймиз.

- Бу бошқа гап, бово...

Машина жилди. Бово бу икки ғалати одамнинг торти-шувига қизиқсиниб, қараб қолган набирага бош ирғади:

- Эломоним, шаҳарга борайлик, сенга велосипед олиб бераман, ўзинг танлайсан.

- Зўридан. Кейин мультимедия ҳам. Меники эскириб қолган. Ростакам дурбин ҳам олиб беринг...

Чол болага меҳри ийиб, ўқтомири ўйнаб, қонтомири қайнаб қаради. Изим менинг, юзим менинг, деган ўй ўтди. Худойимдан айланайин, одамзодни наслдор, асл-дор қилиб яратган-да, деб кўйди ичидা.

Набира чолнинг ёнида талтайибгина, энди унинг пинжига тиқилиб олди. Чол ич-ичидан тўлиқиб, кулгиси

келди. Бу кулгини беозор жилмайиш билан юзида зохир этди: «Шугинаға ҳам нимадир берсанг... ёқасан...»

- Бово, той болага бу нарсаларни ҳалиги ишдан олдин олиб берганингиз маъқул. Шунинг шавқида... енгил кечади. Бўлмаса...

Бово бош ирғиган бўлди. Найнов тушунди. «Гапни калта қил!...»

- Бово, той бола нечи ёшда?

- Бешдан ўтаяпти, - чол набирага қараб қўшиб қўйди. - Беш ёшдан ўтган ўғилни диккайтириб юришлари яхшимас-да.

Кимни, нимани диккайтиради, Қулмат найнов унча илғамади.

- Бово, нимани гапирайпсиз?

- Олим ошнангни айтаман-да. Шу пайтгача шугининг қўлини ҳалоллаб қўйиш хаёлига ҳам келмаганини кўр... Ахир қишлоққа келиб эл-эломонни чақириб, ўғлини эрга қўшилганини билдириб тўй берса, қовурғаси қийшайиб қолармikan, дейман-да. Қачон қарасам вақти йўқ, қачон қарасанг иши кўп. Қишлоққа келиб уйга боши кириши ҳамоно кети қайтаманга тушади... Охир айтдим, ўзинг фир этиб келиб, пир этиб кетгунча, болангни ҳам олиб келиб бирон ҳафтага ташлаб кет, деб туриб олдим. «Мен билан ойиси соғиниб қоламиз», деб тихирлик қилаверувди, сермаб ташладим! Ўлмайсанлар соғиниб. Болада мен билан кампирнинг ҳам ҳақимиз бор дедим. Сенлардан оти дунё сўрамаяпман-ку, дедим... Иzza бўлишди. Тунов кун келиб ташлаб кетишди.

- Уларга айтмадингизми?

- Нимани?

- Шу қилаётган ишингизни?

- Йўқ. Индамадим. Бир сурприз қилай, дедим.

Бово набирага қўз остидан қараб қўйди. Отасининг ўзи - қўйиб-қўйгандай. Ўғли Олимжоннинг болалиги. Куни кеча эди. Ўғли Олимжон ҳам шунинг ёшида эди.

Қишлоқ күчаларида «айтувчи»лар жар солиб ўтишди. «Ҳамма Ғулом аканикига тўйга-а-а-а!!!»

Ховлида қишлоқнинг бош адогидан одам йиғилди. Қозон осилди. Самовар қайнади. Уйдаги катта бир хона ўртасига уч қават қилиб кўрпа ташланди. Олимжонни ётқизиши. Оғзига битта нонни тишлатиб қўйиши. Уста Рўзи қисма чўплар билан ўғлининг чумбилини қисиб, қўлига покисини олиши ҳамоно отанинг юраги дош бермай, ҳовлига отилди, ичкаридан боланинг дод-войи эшитилиб қолди. «Нонни тишла. Тишла нонни. Узиб ол! Е, билинмайди...», деб дўриллади Ҳусан бово. Ўғлининг тепасида турган тумонат кўни-кўшни, қишлоқдагилар гуррос-гуррос овоз бериши. «Хуйдуйду, хуйдуйду!!! Кўли ҳалол бўлди, қўли ҳалол бўлди-и-и!!!»

Ота ичкарига уриб кириб, ўғли бошидан бир сўмми, ярим сўмми ташлаётган одамларни ва тўшакда «мен йиғламаяпман... Мен кучли боламан...» деган маънода талтайиб ётган ўғлини курди... Ҳа-ей, ўша пайтлар одамлар ҳам сал бошқачароқмиди-ей! Ҳар қандай маросим-мавлуд кўпчилик билан, ахли-иноқликда ўтиб кетаверарди-да...

– Бова, Олимжон ошнамнинг вақти бўлмаслиги чин... Катта одам. Иш кўп. Яхши қиляпсиз...

Чолнинг хаёли-хуши жойига қайтди. Одд ойнакка боқди.

– Ҳе-ей болам. Иш, иш дейсан, иш биздан қолган. Ишнинг кичигиниям, каттасиниям кўрдим. Эллик йил оёғим узангига, лекин қўлим кўксимда бўлди.

– Отам раҳматли айтгич эди. Ғулом раиснинг дамига довучча пишарди, деб.

Чол талтайиб илжайди.

– Шивиришим шамолни тўхтатган пайтлар бўлди, лекин элнинг пойи патаги эдик... Элдан узилиб кетмадик, болам.

Бово шу гапни зорлангандай бўлиб айтди. Қулмат найнов ниманидир сезди, ўзича гапни бошқа ёқса бурмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаб эди, ўхшамади, ўзи билмаган ҳолда чолнинг маддасига тегиб қўйди.

– Катталик ҳам ҳаммага насиб құлмайди. Олимжон ошнам сизнинг изингиздан кетди, бово. Кимсан, олис шаҳардаги катта идоранинг эгаси.

Чолнинг күнглидан ўтгани шу бўлди: «Изимдан кетса кетгандир... Лекин от устида турганингда бир ҳақиқатни билиш ҳаммага насиб құлмайди. Чунки отнинг деви, мансабнинг даъвоси баланд бўлади... Йўрғанг йўртганглаб турса йўлдошинг йўлбарс бўлар, тойчоғинг тойринганда қумурсқа ҳам қасд қилас. Бу гапни ўргатиб бўлмайди, от устидагилар буни ўзлари ҳис қилишлари лозим...»

– Қизик, шу гапни ким айтувди-я... Шу гап аҳён-аҳёнда хаёлимда жаранглаб қолади.

– Қайси гап, бово?

Чол бир сапчиб қўйди.

– Қўявер, ўзимга ўзим гапирдим.

Машина шаҳар марказидаги кўп қаватли дўкон олдида тўхтади. Улар алламбало айланадиган эшиқдан дўкон ичига киришди. Қулмат найновнинг тавсиясига кўра, чиқими чақсаям чидамли велосипедни танлашди. Катта елим халта набиранинг хоҳиш-истаги билан турли-туман ўйинчоқларга тўлди. Чўнтағига шамол кирса-да, чол ўз ишидан хушнуд эди. Набирани айтмайсиз, иргишлийди, агар оёғи остидаги ер қўйворса осмонга учиб кетгудай, сапчиб-ўйноклайди, Қулмат найновнинг ҳам оғзи қулоғида.

Машинага ўтиришди.

– Катта балниса (шифохона демоқчи)га ҳайда, – деди чол секингина.

Тумандаги энг катта шифохонага келишди. Панжара билан ўралган беадоқ, кенг ҳовлининг бош эшигидан набирани етаклаб ичкариларкан, чол Қулмат найновга юзланди:

– Сен қолавер. Шаҳарни айланиб келсанг ҳам майли. Бир соатлардан сўнг уловингни ичкарига олиб кирсанг бас... Бор, боравер, болам.

– Шу ерда кутиб ўтираман. Шаҳарнинг нимасини кўраман.

– Майлинг, болам, майлинг...

Кулмат найнов машина олд ўриндиғини ортга тушириб ухламоққа чоғланды. Құп үтмай машина эшиги шаҳд очилди-ю, Ғулом чол ўзини орқа ўриндиққа урди. Арзи-ҳоли Холиққа мълум. Ҳеч нарсадан бехабар набира беайбина айбдор бўлиб қийшайибгина машина эшигига суяниб турибди. Кулмат найнов чолнинг кайфияти тирриқ бўлганини қизариб кетган юзининг тундлиги-ю, пешонасидан реза-реза тер симиллаб оқаётганидан билди. Чол ҳансирарди. Шу тобда ташқаридаги набира га ўдағайлади:

– Кирмайсанми энди, тирмизак. Ҳаҳ, сенинг отангди...

Кулмат найнов, чолга илкис қаради:

– Нима бўлди, бово? Дўхтир йўқмикан?

– Гўр бўлди! Кириб кетишинингизга очиқ мозор йўқмикан, демайсанми, ундан кўра?!

– Үлай агар ҳеч нарсага тушунмадим, бово. Нима гап?!

– Нима бўларди. Изза бўлдим. Ер ёрилса-да, ерга кириб кетсам эди... Дўхтирнинг олдидаям, оқ халатли қизлар олдидаям шарманда бўлдим...

Кулмат анграйиб бир бовога, бир набира га қаради. Набира илжайиб қўйди. Чол тутақди:

– Илжайма. Илжайма, хумпар. Эй-эй, Худойим-а, бу нима деган гап бўлди-а?!

– Бово, нима бўлди? – яна ўсмоқчилади найнов.

– Ҳайда мошинангни. Уйга ҳайда... Манави тирмизак чипрон қилинган экан... Дўхтирнинг олдида дикрайтиб мени гўрга тиқди, бу бола.

Найнов ўзини тутолмади, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Чол секингина, бирор эшитиб қолишидан чўчигандай ўзига ўзи пичирлаб қўйди:

– Ҳамма нарса ими-жимида қилинадиган бўп қоптида. Ҳатто шу нарса-ям... Бу нима деган гап-а, бу нима деган гап?!?

Найнов ўзини ҳамон кулгидан тўхтатолмасди. Чол набира га яна бир ўқрайди:

– Ҳали отанг келсин. Отнинг қамчиси билан орқаси-дан ариқ очаман.

Бола яна илжайди.

Қулмат найнов ҳиқиллаб-сиқиллаб кулгидан ёшлан-ган қўзини енги билан артиб чолга гап қотди.

– Уйдаги бугунги тўй нима бўлди энди, бово?

– Тўй бўлади, тўй тўхтамайди. Эломоннинг олдиндан эркак бўлганини элга билдириб қўямиз.

Чолнинг чиройи энди бироз ёришди. Сўнг бош чайқа-ди ва... ўзи ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Болам – деди найновга, – сен бу гапларни бировларга айтиб юрма. Шунчаки шаҳарга тушиб, манави тирми-закка у-бу нарса олиб бердик, хўпми?!

– Айтмайман, бово, айтмайман!

Чол яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

– Ҳа боласи тушмагур-а, боласи тушмагур, – набираға илкис қаради – сендан ҳам, отангдан ҳам хафа бўлдим, тирранчалар...

## ОЛИС КЎНГИЛ СОЯСИ

Қаттиқ бет қатронни қотирап, юмшоқ юз эпкинда қалтирап. Мўмин изза бўлди. Ҳовлининг қоқ ўртасида сўппайиб турди, кетарини ҳам билмади; оёқлари зил-замбил.

– Оласан-да шуни. Мен ўлиб кетаётганим йўқ-ку? Уҳ, Худо урди кишини... Бир сўм ириган, икки сўм чириган пайтда сен ҳам қисталанг қип турибсан-а? – Мўмин бир қалқиб тушди. Ҳошим йўрганинг иддаоси жон-жонидан ўтиб кетди.

Уялди, Ҳошимдан эмас, Гулсумдан уялди. Ошхонадан тоғора кўтариб чиққан Гулсум атайлаб ҳовли этаги бўй-лаб молхона томон йўл олди. Унга яқин юрмади. Мўминнинг кўнгли алланечук бўлди. Шарт бурилиб ҳовлидан чиқиб кетди. Берганнинг қарзини олганнинг арзи урди.

Мўмин мулзам тортди. Эҳ, Гулсум-а, Гулсум?! Кўнгил қурмағурда ниш урган муҳаббат туйғуси кун ўтса-ю ой

келса, йил битса-ю умр кетса-да, мавж уриб тураверар-канда-а. Бу дунёда абадий нарса шу бўлса керак, ўзинг ўлсанг ҳам муҳаббатинг яшайверади. Шу ҳиссиёт оловида ёнмаган одамлар бу дунёга нега келиб, нега кетаётганини ҳам билишмаса керак. «Қайтага шундай кишилар баҳтлидир?..» деган ўй кечди Мўминнинг хаёлидан. Айни тоб юраги бир ўртаниш берди, ёшликни эслади – мактаб даври, синфдоши Гулсум ишқида куйган бўзболалик маҳали. Ёз тунлари, Боғариқ бўйидаги висол чоғлари. Юлдузлардан нур, ойдан қўр, офтобдан олов олиб битган мактублар (ҳа, у пайтлар мактуб деган нарса бор эди, мактубларда инсон қалбининг тафтини туюрдинг, тилга кўчмаган сирли шивирларни тинглардинг, набираги-нам)... Лекин тақдир экан, қизнинг ваъдаси мурт чиқди, ўзидаи ожиз бўлди. Мўмин ҳарбийга, ҳарбийнинг ҳам қарғиш урган жойи – Афғон урушига кетгач, етти-сак-киз ой хат-хабарнинг «оёғи» тортилди. Қишлоқда шубҳа фирмirlади: «Тинчликмикан, нега дом-дарак йўқ. Ё го-спитал-поспиталдамикин? Ярадор-марадор деганлари-дай...» «Эй-эй, оғзингиз оғилхона эшигидай очилиб қо-лаверади-я, нафасингиз қурсин. Туф, денг-ей, туф-туф, денг...» Хуллас, илгаги иринг илган бундай гапларни эшитган ота-онанинг кўнгли така-пука, юрагида қўркув эпкини эсади, ёлғиз қизининг келиш-қайтиши номаъ-лум ўғлоннинг йўлига кўз тикишини нодонлик деб ўй-лашади. Қиз кўнгил ёргач энанинг эси кетади: «Ўчир овозингни! Севги-певгингминан қирилиб кетгур, бас қил! Ана Тўхли парткомнинг ўғлидан одам кеп турибди. Ҳошимга сўрашяпти сени. Шунга тегасан!!!»

Шу-шу, Гулсум Ҳошимга боғланди, тўй бўлди. Кимсан Тўхли парткомнинг сазасини ўлдириб бўлармикин, бундан кўра сазойи бўл-ей, дейдиганлар ҳам топилди. Шунгаям мана ўттиз беш йилдан ортиқ вақт ўтибди. Мўминнинг кўнглида эса шу қурмағур Гулсумнинг ўти ўчмаган.

Ҳошимнинг ҳовлисини ўлиб қолса ҳам ҳатламасди. Аслида-ку, шу пулни Гулсум туфайли берувди. Ҳошим ке-

либ: «Оғайни, икки минг топиб бермасаң бүлмайды. Түй қиляпман. Харажат ҳансиратиб қўйди...», деганда кўз олдига Гулсумнинг мунгли қиёфаси келди. Ўйлаб-нетиб ўтирумади. Шахт уйга кириб, икки минг доллар олиб чиқди. «Ма, бори шу. Боқقا ишлатаман, деб йиғиб қўювдим. Сеники зарил экан, ол», – деди. «Рахмат, биродар. Тўйдан сўнг қайтараман». Шундай гап. «Тўйдан сўнг»ги муддат ҳам уч йилга чўзилди.

Икки йилдирки, Мўминнинг ўн гектар гилосзори эрта баҳорда тошиб-кўпириб, қишлоқ одамлари таъбирича «бошини еб», қийғоз гулга киради. Рўйи-замин шу боғнинг ҳосили тагида қолади-ёв, деб ўйлайсиз. Қаёқда?! Кўз тегадими, гирдинбало бўладими, ишқилиб, айни чангланиш ҷоғлари, қаердан келади, бандасига ноаён, бир совуқ-изғирин гилосзорга қирғин солиб кетади. Икки йилдан бери иқлим номардлик қиласи, гилосзорни аёз уради...

Топганини тагига бостирумай шу боқقا сарфлаган Мўминнинг эса алами ичида бўлади, унинг ботинини аёз уради. Бугун ҳамёнида шамол ўйнаётганининг боиси ҳам шу.

Орадан бир ҳафта ўтди. Мўмин ҳовлида ўз кўйига андармон бўлиб, нимадир қилиб, куйманглаб юрарди. Катта темир дарбоза тарақлади, ичкарида қадди-бастига пўримлик мосу хос, Яратган давлатдан қисмаган Илҳом бой савлат тўқди. Мўмин ҳайрон бўлди. Нега келдийкин?

– Ассалому алайкум, полвон ака. Сизни анчадан бери кўрмовдим, соғиндим, бироз суҳбатингизни олай, дедим, – бой ўзини дилхушу дилдош этиб, Мўминга кучоқ очди.

Ҳорманг-бор бўлингдан сўнг улар чорпояда чордана куришди. Суҳбатнинг равиши ён-атроф, об-ҳаво, нарх-наводан нарига ўтмади. Мўмин эса ич-этини еб ўтиреди – нега келдийкин? Бекорга бу ерга бош сукмаган бўлса керак.

Илҳом сергагу сезгир йигит, суҳбатдоши кўнглида қўзғалган безовталик мавжини ҳис қиласи. Гапни чуваштириб ўтирумасдан муддаога ўтди:

— Полвон ака, сизни яхши кўраман. Мард, ҳалол инсониз. Одамларга кўп яхшиликлар қилгансиз. Бу энди ҳаёт-да, ҳар хил ҳолатлар содир бўлади. Эшлишимча, бироз кўлингиз юпқа тортиби, маблағга муҳтож бўлибсиз. Бирор тўй-маърака, мавлуд ташвиши борми? Сиқилманг, ака, биз қараб турмаймиз.

Мўмин нима деярини билмай қолди. Боши қизиб, пешонасида тер кўпчиди. Дабдурустдан Илҳомнинг хотамтойлик қилишга чоғлангани ҳайратини тоширди. Нима деярини билмай энди оғиз очиб ҳам эдики, Илҳом мадорага чек қўйди, Мўминнинг оғзига қулф урди:

— Ака, қўйинг энди. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, кўнглингизда туғилган ўй-ниятларингиз амалга ошсин. Манавини олинг, икки минг, — у қўйнидан хатжилд олиб дастурхон четига қўйди.

— Э-эй-эй, керакмас, укажон. Керакмас. Сизга буни... қизиқ бўлди-ку, — Мўмин эсанкиради.

— Ака, бўлди. Гап битта. Худо хоҳласа, яхши бўлади. Энди... — бироз ўнғайсизланди Илҳом, — шу у-бу нарсага муҳтожлик сезилса, тортинманг, поччамга эмас, менга айтаверинг, ака. Опам айтдилар, поччамдан қарз сўрабсиз, уларда ҳам ҳозир шу нарса танқисроқ экан. Биласиз, боғдан барака кетди — қишининг қаҳри қаттиқ келди.

Мўмин ўзини ўнглаб-ўнгламай, Илҳом ўрнидан кўзғалди, кўча эшикка қараб йўл олди. Хайру хўшни қисқа қилиб, ҳовлидан ташқарига чиқиб, машинага ўтирди.

Бироздан сўнг, гандираклаб чорпоя ёнидаги ўриндиқча мук тушди.

Мўмин ўзини қўярга жой тополмади. Шу тобда Ҳошим йўрғанинг уйига бостириб бориб унинг ёқасидан тутмоқчи, тавбасига таянтиromoқчи бўлди. Ўрнидан яна шаҳд билан турди... Лекин кўз олдида Гулсумнинг чеҳраси намоён бўлди ва гандираклаб жойига ўтириб қолди...

## ЖАҲОЛАТДАГИ ЖОНҲОЛАТ

Эртанги кун ҳикояси

Ердан меҳр қутарилиди. Одамлар бир-биридан олис-лашди. Кечанинг күрпаси бугунга торлик қилди.

Эзгулик фариштаси самовий күшкіда заминга хавотир билан тикилди. Сұнг чақмоқдан қанот, шамолдан шаҳд олиб ер сари учмоққа шайланди; одамларни күтқарыш керак. Уларнинг қалби музлаб боряпти.

Эзгулик фариштаси қошида Иблис пайдо бўлди.

– Энди сен уларга ёрдам беролмаслигинг мумкин.

– Нима учун? – деди Эзгулик.

Иблис мағрурона тиржайди:

– Улар сени кўрмайдилар, сени эшитмайдилар. Мен уларнинг қалбидаги ёруғликни кўра оладиган кўзларини ўйиб олдим...

– Бас, бас қил! – деди Эзгулик, – сен бундай қилолмайсан, уларни бир бора маҳв этганинг етади, энди бас қил!

Фаришта фарёд чекди.

Иблис унга яқин келди.

– Ана қара, яхшилаб қара...

Фаришта тубсизликда ерни кўрди: болакай ва қизалоқ мактабдан келишяпти. Иблис уларнинг йўлини тўсди. Болакайнинг қўлидаги китобни юлқиб олди-да, унга нимадир тутди. Қизалоқ ҳам қўл чўзди. «Аввал қўлингдаги китобингни менга бер», – деди иблис. Қизалоқ китобни берди. Иблис унга ҳам нимадир узатди. Болакай ва қизалоқ севинганидан қичқириб юборишиди.

– Ур-ре-ей!!!

Болалар иргишлаб-ирғишлаб, шодликдан дунёни бошларига қутаришиди.

Фаришта титраб кетди. У болаларнинг кўксисида зимистонлик ва музликни кўрди. Иблисга юзланди:

– Сен уларнинг қалбини ҳам суғуриб олдингми? – деди титраб-қақшаб.

– Бўлмасам-чи? Кўлидаги китобга қўшиб қалбини ҳам узиб олдим.

– Уларга нима бердинг?

– Шунчаки бир ойна. Энди улар умр бўйи шунга тикилиб яшашади. Бошларига ёғиладиган фалокатни, ҳатто осмон қулаб тушишини ҳам сезишмай қолишади.

Фаришта дод солди:

– Одамларнинг шу нарсага тикилиб яшашидан сенга нима наф?

Иблис қаҳ-қаҳ урди, у ўзида йўқ шод эди.

– Энди улар бир-бирини шу ойнадан топишади, шу орқали гаплашадилар, бир-бирини шу орқали кўришади, ҳақоратлашади, бир-бирининг устига мағзава ағдаришади, иғвою-ғавғо қилишади. Ҳасадгўйлар, ичи қоралар, ёвузлар, ноқислар, фаҳшлар, беҳаёлар, худбинлар... бари-бари – менинг измимдагилар «ойнамайдон»да сенинг тарафкашларинг – эзгудил ва дона, иймонли (қаҳ-қаҳ уриб кулади) ва ҳоказоларинг томон тантанали юриш қилишади.

Фаришта бир қалқиди:

– Одамларнинг қўлига сен тутган қуролнинг номи нима?

– Иблисойна. Улар буни қўлтелефон дейишади.

Фаришта ғазабланди.

– Самовотда изинг ўчиб, кўринмай қолувдинг. Ерда шу иш билан шуғулланибсан-да-а? Сен қанча одамнинг қўлига ойна тутдинг?

– Ўзинг кўрдинг-ку, – деди иблис чексиз самовот қаъридан ерга ишора қилиб, – бор-йўғи, шу икки нафар норасида қолувди, шуларга ҳам бериб улгурдим. Энди бутун бир халқ менинг ихтиёrimda. Энди улар шусиз яшай олишмайди. Шунга турмушга чиқишиади, шунга уйланишади.

Фаришта чинқириб юборди. Бир силтаниб тубсизлик сари қанот ёзди. У қўлтелефон ойнасига тикилиб, унинг қаърига чиқолмайдиган бўлиб кириб кетган шурлик одамларнинг тош қотиб бораётган юрагига ёруғлик олиб

кириш, уларни үйғотиши учун нур шиддатида учеб борарди. Одамлар эса... құлларидағи шайтонматоғдан сира бош күтаришмасди. Жонсарак фариштанинг илтижоси туғайли шамолу ёмғир, осмону булатлар, тоғу тош, үт-ўлан, дарёлар, дов-даражатлар, фалақда чарх ураётган қушларга забон битди – борлиқни бир нола зир титратди: «Бошин-гизни күтаринг, одамлар. Үйғонинг одамлар!!!»

Одамлар... Одамлар эса...

Самовотда мағрур турған иблис илжайды:

– Үйғотиб бўпсан...

## МУНОФИҚ

Ғайрат ака туман марказидан маҳалламизга ўтган йили күчиб келди. Данғиллама уй солди. Тадбирли-да, тадбирли. Ишнинг қўзини билади.

Мактабдан келишим ҳамоно девор ортидан унинг овози янгради:

– Муаллимжон, ҳ-о-о-ов, муаллимжон, тезда бу ёқقا чиқинг!

Ҳовлиларимизни иккига бўлиб турған деворнинг қоқ ўртасига ўрнатилган «бола эшик»ни очиб, «чегарадан нарига ҳатладим».

Қўшним уддабурро. Улфат ҳам. Ёқаси борга эп, игнаси борга ип бўлади; ўтинг ўчса кулингни олов этади – киришимли. Таниш-билишдан ҳам Худо берган. Туманда тўхтамай вилоятга ўтаверинг, каттаман деганинг бари Ғайрат бойнинг таниши. Бу ҳақда Ғайрат бойнинг ўзига қўйиб бераверинг; дейлик, туманнинг катта-паттасидан гап очсангиз бас: «Э-э-эй, уними, таниймиз. Бирга чой ичдик. Ким? Ҳа-я, милисанинг бошлиғими, дўстимиз-ку! Солиқчи Ғанини айтмаяпсизми, хоҳласангиз шу ерга чақираман...» Унинг қаршисида оғзингиз очилиб ўтираверасиз. Худо бергандা, Худо берган. Шундай одам сиз билан сұхбатдош бўлиб ўтирганига Худойимга шукр дейсиз, агар, озгина дилингиз суст кетса, оғзингизнинг

бир бурчи қийшайиб ялтоқиланиб ҳам құясиз; «Ха, энди бизнинг үғилчани ҳам назарингиздан қочирманг, туртиворинг, иши юришиб кетса...»

Шундай одам бизга үхшаган оддий бир үқитувчини құшничилик хұрмати «бери кел», деб турса, тайсаллаб нима қылдим. Үша заҳотиёқ бордим. Бораман-да. Бормай нима қиласман?

Бой девор ортидаги ўрик соясида стол тузабди денг. Ҳовли адөғидаги данғиллама очиқ ошхона үchoғида олов гуриллаяпти.

– Бола-бақра шаҳарга кетди. Муаллимжон, иккови-миз би-и-ир ош дамласак. Байрам-байрамдай бұлсин, – у чиннигулли чойнакдан пиёлага мусаллас қуяди. – Қани, биттадан олайлик. Бундан үша замонларнинг даҳолари-ю, шоҳлари ҳам татиб туришган.

Мен беихтиёр пиёлага құл узатаман. Нима қиласай? Узатаман-да. Шундай одамнинг құлини қайтариб бұладими? У кишига мосу хос тарзда мусалласни сипқардим.

– Чиндан яхши экан, – на тик туришимни, на ўтиришимни биламан, бойга мұлтираб қарайман.

У илжаяди:

– Э-э-эй, ўтиринг. Хуллас, бугунги байрам билан табрик-лайман. Айниқса, бу байрам сизларнинг байрамингиз.

Мен бироз каловланаман.

– Шу... шу.

– Аслида сиз пойтахтда бұлганингизда ҳалигача үн-лаб китап чиқаарднингиз, катта шаҳарнинг йүриғи бошқа-да, барибир. Майли, мактабларимизга ҳам ижодкор муаллимлар керак. Бир ҳисобда түғри қиласиз. Сиз бизнинг фахримизсиз. Кимсан, фалончи муаллим – ёзувчи!

– Раҳмат. Энди шароит. Үй-жой.

– Мен тушунаман. Бугун марказда сизни күрмадим. Бу... ҳокимга, бизнинг ёзувчи-муаллимни қақирмаганмидинглар, дедим. У киши ёнидагиларни уриша кетди.

Бой ҳеч нарсани англамай турганимни ҳис қилди, шекилли изоҳ берди:

– Э-э-эй, саломат бўлинг, бугун Навоийнинг туғилган куни-ку. Янги очилган кутубхонада китап байрами, концерт бўлди.

– Биз мактабда ўтказдик, – дейман шундай катта тадбирда иштирок этмаганимдан ичим ғимирлаб.

– Гапни эшитинг. Қишлоқ ўртасидаги чоррача устида майда-чуйда дўлтахоналарни теп-текис қилиб суреб ташлаб, ўрнига данғиллаган кутубхона қурадиган бўлдим. Ҳоким рухсат берди. Эртага қарорини оламан.

– Э-э-эй, зўр бўлибди-ку, – ҳайратга тушаман.

– Зўр-да, ёшларни китапга қайтармасак бўмайди. Ҳаммаси тилпонга ёпишиб ўлган, шундан калла кўтартмайди. Китап бу миллатни, мамлакатни асрайди. Катта куч. Болтадан ҳам, анави атомдан ҳам кучли. Бутун дунё китапга қайтаяптийкан. Биз эса...

– Умрингиздан барака топинг, – мен ич-ичимдан тўлқинланаман. Қаршимда келажакнинг буюк ҳимоячиси тургандай бўлади.

– Мана, сизнинг ҳикоя-пикояларингизни ҳам китап қиласмиш. Китубхонани энг зўр асарлар билан тўлғизамиз. Мен айтганимни қиласман. Мана, қишлоқ адогидаги Оқтепа устида винзавод қурдим, адирда майиз цехи очдим. Кейинги йил Навоийни туғилган кунини эса янги кутубхонада нишонлаймиз. Ҳоким, келаман, деди. Тошкентдан ҳам зўр-зўр меҳмонларни чақирамиз.

– Зўр, ажойиб! – ютинаман. – Барака топинг.

Чиннигулли чойнакнинг чумаги яна бир бор пиёлалар билан «чўқишиади».

– Қани олдик, муаллимжон. Навоий учун!

Бой курси четига осилган оппоқ сочиқни олиб, бўйнига ташлайди.

Алламбало шиша товоқда (бойларнинг тоғораси ҳам гаройиб бўлади)ги гуручни титкилаб тозалаган бўлади.

– Хуллас, китап улуғ нарса. Ёзаверинг, муаллимжон. Вилоятимизнинг каттаси ҳам биз ишбилармонларни, раҳбарларни чақириб маънавият, айниқса, китап, ки-

тап ўқиши эсинглардан чиқмасин, деди. Бир-иккитасини турғизиб Қодирийдан савол берувди, Абдулла Қодирий билан Абдулла (ҳалиги...)ни, ким эди... борку, яна бир ёзувчи, Абдулла...

– Қаҳҳор.

– Ҳа, Қаҳҳор. Шу икковини адаштирворса, денг. Ўша довдирни обориб-опкелди. Чатоқ қилди. Кейин Навойидан ким қандай ғазал билади, девди, ҳамма жим. Мен шарт ўрнимдан турдим. Шахд билан турсанг, ҳар қандай одам сенга ишонади. «Мен дедим. Мен биламан!» Ҳоким: «Ўти-ринг, раҳмат сизга», – деди. Кейин қофозга нимадир деб ёзиб кўйди. Шу-шу, вилоятда менга «зелённий дорога»!

– Яхши қипсиз. Навоййининг ғазалларини билмаслик, бу дунёдан кўнгил ва ҳайрат кўзи очилмай кетиш, демакдир.

– Ҳа, баракалла, ўлманг, муаллимжон! Навоййининг шу тўрт қаторгина «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» ғазалини билмаслик уят-да ўзиям.

Мен бир қалқийман. Бой акамнинг юзига мусаллас шавқ ургани, ғазал билан рубойини мусаллас ўлгур адаштириб юборганини ҳис қиласман.

Ғайрат бой ошхона томон қарайди:

– Гап билан бўлиб, ўчоқнинг шашти сўнганини ҳам билмай қолибмиз-ку.

Мен ўчоқ бошига зинфиллайман. Ланғиллаб турган чўқقا қуруқ ўтин ташлайман. Ўчоқ ёнида уюлган шоҳшаббалар ёнида эса... Кўзларим тиниб кетади. Ич-ичимдан иҳроқ туюман. Атроф қоронғилашади. Уятдан ўзимни қаерга қўйиши билмайман. Қанийди, анави одам билан менинг ўртамда ҳозир еру осмонни туташтиргувчи баланд девор тушса-ю, мен уни кўрмасам ёки ер ёрилса-ю шу тобда ерга кириб кетсан ҳам майли, ишқилиб анавини кўрмасам...

Мен шарт ўрнимдан тураман, шоҳ-шаббага илашган эски фартукни ерга тўшаб, ўтин ёнида тахланиб турган, тутантириққа маҳқум этилган китобларни олиб жойлай бошлайман. Э-э-эй, улар орасида улуғ ҳазратимиз

Навоийнинг «Топмадим» радифли ғазали сарлавҳа қилиб урилган жигарранг муқовали машхур қуллиёт ҳам бор эди. Яна... кўп ажойиб китоблар... Каминанинг ҳам ўтган ойда ўз дастхатим билан совға қилган ҳикоялар китобим...

Мен ғазабу нафрат билан Ғайратга юзландим. Тишларимни ғижирлатдим. У жойида тош қотиб, менга бақра-йиб қараб турарди.

## КУРСИЛАР ҲАСРАТИ

Бу воқеа майдагина бир корхонада бўлиб ўтмоқда.

Энг кичкина курси нолиб қолди:

– Кечаси соат ўн бирдан ошди. Белим белангиги бўлиб ўлаёздим. Хайрият-э, кетди, ярамас, уйига кетди. Ярим тунда уйига бориб хотин, бола-чақасининг ҳам қонини ичиб, асабига ўйнаса керак, энди...

Ўртанча курси аламли илжайди:

– Шунча ғўрмисан? Мени миниб олган алвости, говкалла кетмасдан, сенинг устингдаги жинқарча уйига қандай кетсин, юраги ёрилиб ўлади-ю, бечоранинг.

Энг кичик курси тағин ўртанча курсига нолиди:

– Булар нега шундай экан-а?

Ўртанча курси тутакди:

– Курси қуллари булар. Менини ҳам эртароқ кетмоқчи эди, хотини шўрлик манти қилиб кутиб ўтирган экан. Уйига ота-онаси келишибди, ҳеч бўлмаса, шу бугун барваqt келинг, деб ялинди жувон шўрлик телефонда. Бу хумпар: «Эсинг жойидами, ҳали хўжайн шу ерда-ку...» деб нариги хонадаги жингалак сочга ишора қилди.

Шу тобда нариги хонадан ихроқли овоз келди:

– Биргина менинг жингалаккўзимда нима айб? Анави муовиннинг курсисидан сўранглар, бор ҳақиқатни айтади. Ўша силжисагина, менини чироқни ўчириб эшикка кўл чўзади.

Энди бу дийдиёларга чироқлар, компьютерлару телевизорлар, телефонлар ҳам құшилиб шовқин сола бошлашди:

– Энди күйдим, энди үлдим, деб чүф бўлиб қизиб, куман-куяман, деганимда учиради, ярамас, – деди чироқ.

– Иши тугагач интернет титади. Кейин картами, биллярдми, билмадим, шуни ўйнайди, калласи дам олармиш, – деди кичик хонадаги компьютер.

– Меники ҳалигиндақа киноларни ҳам күради, ярамас, – деди бошқа хонадагиси.

– Менинг эса унинг алмойи-жалмойи гапларидан жоним бўғзимга келиб қолади, – ғудранди стол устидаги телефон, – «жоним-жоним», «хоним-хоним»лаб асабни қақшатади даюс. Нима бало, иили отмикин-а?

Барча хоналарни бирлаштириб турган кабел дарғазаб бўлди:

– Булар кунни шундай ўтказишга ўрганиб қолишган. Менинг бағримдан ток эмас, давлатнинг қанчалаб маблағи беҳуда сувдай оқиб ўтаётганини билишмайди.

– Билишса нима? Булар биз бўлмасак ҳаёт тўхтаб қолади, деб ўйлашса керак... Ёки чиндан ҳам шундаймиккин? – қалтиради энг кичкина курси катта шерилари-га, – ҳар ҳолда сизларга баланд, мансаби баландлар кет ташлайди, тағинам сизлар биласизлар?

Ўртанча курси қаҳ-қаҳ урди. Ўзидан бир поғона баланд курсига юзланди:

– Сен тушунтириб қўя қол, кичкинамизга.

Жингалак сочнинг ўринидиги кичкина курсига беписанд боқди:

– Эй-э-эй, ғўржиян, ҳаёт тўхтайдими йўқми, билмадим-у, агар биздан айрилиб қолишиша, буларга ҳеч нарсанинг, ҳатто ҳаётнинг ҳам қизиғи қолмайди. Шунинг учун гапингга қисман құшиламан. Буларнинг курсиқуллик варажаси караҳт этган калласида гўё мана шу идорасидан ташқарида ҳаёт йўқ. Улар биздан учиб кетмасликлари

учун ҳам кети билангина эмас, тиши-тирноғи билан біз-га ёпишиб олишади. Ҳали күп нарсаларни билиб оласан, оғайни.

– Мен бир нарсадан ҳадиксираб турибман. Менинг ҳо-жам телефонда нуқул кимгәдир, «лойим» камлық қила-япти. Агар лойим етарли бұлғанда, анавининг жойи ме-ники бұларди, – деб ёзғиради. – Нима, энди у ишхонага лой күтариб келадими?

Бошқа үриндиқлар кичкинанинг довдирлигидан қаҳ-қаҳ уриб кулишади. Шифту пол зириллаб кетади. Ҳат-то телевизору компьютерлар, стол-стуллар ҳам хандон уришади. Биргина каттакон пұлат сейф рақам билан кодланған оғзини очмади, лекин оғир хұрсина, йұта-либ қўйди ва «кичкина»га гап қотди:

– Сен лойга арзимайсан. Сенинг учун лой беришмаса ҳам бўлади.

Кичкина ҳеч нарсани тушунмади, худди шериклари уни калака қилаётгани каби чинқириб юборди:

– Нега мени мазах қиляпсанлар? Сенларни ҳам, ус-tingдагиларни ҳам вақти – соати етса лой билан уриб йиқи-таман, ҳали лойни билмабди булар, деди «хұжайиним». Сенларга лой отаман, деб турибди-ку, яна иржаясанлар.

– Лойнинг нима эканлигини биласанми, ўзи?

– Й-ү-ү-үқ...

– Пул. Ақча. Аниқ айтсак, пора. Булар шуни «лой» де-йишиади.

– А-а-а?

– Ҳ-а-а-а!!! – ўртанча үриндиқ атрофга олазирак, аланг-лаб қараб қўяди. Бошқа үриндиқлар ҳам хушёр тортишади.

– Бизнинг лойимиз анча қиммат, болакай, – деб қўяди ўртанча курси шипшиб.

– Менга барибир унинг лойи етмайди, – кулади ўр-танчадан анча каттароқ курси.

– Лой отишни билса яхши, ўсади болакай, – деб қўйди жингалак сочнинг курсиси.

«Кичкина» энди ниманидир түшунгандай бўлди.

- Сизлар шунчалар қиммат турасизми?

- Айримлар бизни деб ҳаловат билишмайди.

- Баъзи дўстлар бизни деб бир-бирини сотишади.

- Бизни деб ор-номусни пуллашади.

- Бизни деб севгилисидан ҳам воз кечишади.

- Бизни деб энг баланд туйғуларни тупроққа қоришади.

- Ҳамма шундайми?

- Бошқаларни билмадим-у, менинг устимдаги гўрсўхта худди шундай. Ҳозир у нариги хонадаги курсига, яъни сенга кўз олайтириб юрибди, – деди ўртанча ўзидан каттароғига.

– Ухлайлик энди, тарқалинглар, уҳ-ху, тонг ёришай деб қолибди. Эрталабдан яна қовоқ-боши шишиб эгалиримиз кириб келишади.

– Келгани билан тушликкача боши гаранг, иши юришмай ўтиришади, шундок, компьютерда кўриниб турган ҳисоб-китобга ечиш тополмай гарангсийди, – ижирғанади ўртанча курси.

– Гўр бўладими, ишхонада яrim кечагача ўтиргач, фикри қандай тиник бўлсин, – дейди булардан баобрўлироқ курси.

Шу пайт йўлак охиридаги энг катта хонадан энг катта курсининг дўриллаган овози келди:

– Эртага ҳаммангга енгиллик тегади. Маза қиласанлар.

Барча курси-ю, ишхона жиҳозлари жонланиб кетишди. Бари ҳайратда: «Нега, нима учун?»

– Менинг «қулим» ишдан бўшади. Яrim соат олдин қўнғироқ бўлди.

Ҳамма курси довдираб қолди.

– Замон ўзгаряпти, замон, – деди буларнинг гап-сўзи гувоҳ бўлиб, титраб турган дераза, – яхиси, мен қанотларимни очиб кўяй, сизларнинг бағрингизга ҳам ҳам тоза ҳаво кирсин...

Катта-кичик курсилар қия очиқ деразага бир мунча мұлтираб қараб туришди. Улар хоналарда ҳузурбахш шабада әсганинини ва ташқарида бошқача ҳаёт борлигини ҳис қилишди.

**2019 йыл**

## ТОШГУЛНИ ЖИН ЧАЛДИ

Тоштепа – тоғ тағидаги қишлоқ. Тубканинг тубида.

Хайри холаникіда тадбиру тавозе – «Бўмишгул» бўла-япти. Эскидан қолган, аёлларнинг маросими бу. Динимизга алоқаси борми-йўқми, бунисини билмайман. (Хуллас, Сурхон томонларда «Бўмишгул», водий ва Тошкент тарафларда «Биби сешанба», «Мушкулкушод» дейишади...)

Хайри хола кўз қири билан разм солди, этаги бутуннинг бари шу ерда. Ойнали айвонда майнадай чуғур урган аҳли аёл бири қўйиб, бири олиб гап сотади. Хуллас, маҳалла-қўйнинг хотин-халажи жам, фақат биргина Тошгул кам. Хола пойгакда патак калишини эндиғина ечаётган келини Қирмизгулга сўроқ отди:

- Тошгулни айтмаганмидинг?
- Айтувдим, эна, айтувдим. – Келин бешик тебратардай тебраниб турди. – Келмабди-да...
- Бор, яна бориб айт. Энам чақирияпти, де. Тавба, күш беги билан шавла емабди... Сондан чиқса ҳам элдан чиқмасин. Бу гапимни ҳам айт!

Қари-куридан иборат «момодавра»да пирпирак пилкдек нур таратиб турган Қирмизгулнинг қораси ўчди – чиқиб кетди.

– Дугон, сазайингни созойи қип нима қиласан! Барибир кемайди. – Ҳамиша фитнанинг уясига олов урадиган Турди момонинг туршак-тиришқоқ юзида киноя ўти гуриллади. Момонинг алами ичида эди; сабабки, ўтган куни невара-сига «чилла чиқди» қилиб таниш-билишни чорлаб худойи қилишувди. Қаттиқроқ йуталсанг девори зириллайдиган

жон ҳамсоя бўлиб шугина Тошгул чиқмади, ҳамма келди, яқин-йироқ, хешу бегона дегандай. Фақат Тошгул ўлгур...

- Холчучук момонинг, ундан сўнг Нормурод бованинг жанозасида ҳам кўринмади, – деди Раҳима хола.

- Ҳалима қиз узатди. Шуникига ҳам келмади. Тўғрими, Ҳалима? – ўсмоқчилади кимдир.

- Ойсоат опанинг қудачақирдисига ҳам келмади. Томир-помири сувга теккан-ов шунинг, – кесатди Норой опа.

- Томирини билмадим-ов, боши осмонга теккани чин, – ўдағайлайди Раҳима хола.

- Нима мундай деяпсиз, овсин? – ижикилайди Норой опа.

- Бир боласи Англиями, Панглиями шу ёқларга оиласи билан кўчиб кетибди. Бизнесчи-ми, бир бало. Ҳа, анави Тошкентдаги бой парзанди (фарзанди демоқчи) бор эди-ку, Нурматми, Қулматми, шунисини айтаяпман. Яна бирори, индамасгина бўлиб юрадигани бориди, шунисининг оти...

- Ҳа, шунисини оти Нурмат. Аnavи Англияга кетгани Қулмат у, Қулмат, – гапга суқилади хотинлардан бири.

- Ҳа, – ишқилиб, шу Нурмати Оқтепа томонда узум завод қураман, деяптимиш, – Раҳима хола ичидаги куйиндини босиш учун сопол косадаги ўрик шарбатини даст кўтарди.

- Ҳей, замонингдан айланай? Чет эл дегани ҳам катта ариқнинг нариги бетидай, яқин бўп қолди. Харрак кўприкнинг нарёғи чет эл, хулласи гапи... – Ойдин момо билағонлик қилди.

Аммо... аммо... уй соҳибаси Хайри холанинг алами ичida захм еб, ҳовури ҳамон босилмаганди. Шу пайтгача сухани соядаги қолмаган эди-я. Ўқласа ўқлови ҳам ўқ отарди. Даврага қараб:

- Нима бало, бу Тошгулнинг элдан бети куйганмикан? Элга эт бўлмаган шайтонга кет бўлади, дегувчийди энам раҳматли, – деб юборди.

- Икки-уч ойдан бери кўчага чиқмай қўйган, – деди тўрдаги Замира хола.

- Нима бало, чиллага кирганми? – кесатди ёнидаги аёл.

Энди давранинг шамоли Тошгулнинг аъмолига қараб эсди.

– Эри ўлгандан бери одамови бўп қолди-ёв.

– Эри ўлганига бир йилдан ошди, келиб-келиб энди одамови бўладими, ўйнаб-кулиб юрувди-ку? Сиз ҳам қизиқ гапирасиз-а?

– Мен қаердан билай? Буни эри ўлганлардан сўранг, сизга қизиқчи бўлиб қолдимма-а?

– Мунча тизилламанг. Келмаса-келмабди, Тошгулсиз қолдикма? Қўйинг. Сиз оғзимиз сенга бормасин...

Давранинг ўт олган ўчоfiga Замира хола мой урди:

– Тошгул ҳамсоям ўзини ўқитиб-мўқитиб ташламаса бўлмайди. Ҳовлиси пешонамиизда-ку, кўзим тушади: чорпояда уззукун нимагадир тикилиб ўтиргани-ўтирган. Тунов куни борувдим, мени кўриши билан шахт ўрнидан туриб қорасини ўчирди. Қўлида шапалоқдеккина бир ойнами, билмайман, шунга қараб-қараб қўйди-да, уйига кирди-кетди. Итмисан, эшакмисан, нимасан, демади-я...

– Иб-е-ей, Тошгулни жин чалибди, эмасам, – деди Хайри хола, – қўлидаги шайтоннинг ойнасидир-да. Одам бундай пайти нима кўтариб юрганини билмайди.

Шу тобда, хотинларнинг маърака-мажлиси авжига минаётган пайтда пешайвонда Қирмизгул келин қимтиниб бўй кўрсатди. Давра дими-дирс тортди. Ҳамманинг нигоҳи Қирмизгулда, ҳаммасининг қулоғи динг.

– Нима деди? – Хайри хола келинига кўз қадади.

– Боролмайман, деди...

– Энам чақирияпти демадингми? Бир уй аёл сизга муштоқ, кўзи учиб турибди, демадингми?

– Дедим.

– Ҳўш...

– Бетоб эканлар, – келин ийманиб бош эгди.

Шу маҳал айвонга ўн-ўн бир ёшдаги зумраша, кампирнинг эрка набираси Кенжавой учиб кирди-да, бурнини торта-торта, бада-банг арзи-хол этди:

– Момо, чечам алдаяпти. Тошгул хола бормайман, қишлоқнинг хотинларидаи, сенинг момонгдай бекорчи-

масман, деди. Йиғин-пиғинингдан ўргилдим, дунёбеха-барлар, деб кулди. Чиндан ҳам Тошгул хола бошқача-да.

Давра муз ургандай бўлди. Кимdir ихраб юборди.

– Чиниминан уни жин урган.

– И-бей, ана бўлмасам.

– Сени еб-ютайин-да, ўзинг гўрда, сенинг дунёдан хабардорлигинг ер бўлармиди?!

– Бу бир нарсага йўлиққан.

Хотинлар гапининг калаваси чувалди.

Тошгулнинг «томорқаси» тошга тўлди:

– Яна нима деди? – кампир неварасига ўдағайлади.

– Ҳеч нарса демади. Менга... Менга... Айтаверайми?

– Нега каловланасан? Гапир.

– Менга қўлтилпонини кўрсатди. Айпон. Зўр. Ўғли Лондондан жўнатибди. Антенаси ҳам ўзи билан. Тилпонига кампьютер улабди. Худди телевизор дейсиз. Дунёни қўриб ётибди. Кимлар биландир гаплашяпти ҳам. Ўзим кўрдим, чачи сори (сочи сариқ демоқчи) ўрис, тағин қоп-қора негр аёллар билан ҳам тилпонда гаплашаркан. Шулар билан дугона бўлдим, деяпти Тошгул холам.

– Ҳой тирмизак, нима деб жавраяпсан? – Хайри хола набирасига анграйиб қараб қолди.

Набира ҳам дилидагини тили билан отди:

– Момо, мен жаврамайман. Сиз жавраяпсиз. Сиз, манави дугона-пугоналарингиз жаврашади. Сизлар тушунмайсизлар. Мен Тошгул холаникига ҳар куни бораман, холанинг қўлтилпонида ажойиб-ажойиб, зўр нарсалар бор. Менга ҳам кўрсатади. Хола айтади, мен бутун дунёни қўриб тураман, булар эса мана шу Тоштепа қишлоғидан нарини кўрмайди, бечоралар деб сизларга раҳми келади. Тушундингизми? Менга ҳам шундайчакин тиллон опберинглар...

Уй ичи бир қалқиб тушди-ёв. Аҳли ожиза издиҳоми ғимирлаб қолди. Қош қоққан ким, қўз учирган ким, бош чайқаган ким, лаб бурган ким... Хуллас, тирмизак набиранинг вайсаши тагидаги иддаони ҳеч ким тўлиқ ҳис этмаган бўлса-да, болакай тарафдан этни жунжиктирадиган совуқ бир эпкин эсгандай бўлди. Ҳа, куппа-кундуз куни,

ёзниң айни чилласида шундай бўлди. Буни деярли ҳамма ҳис қилди. Хайри холанинг эти жунжикди:

– Тошгулга қўшиб менинг неварамни ҳам жин чалганга ўхшайди...

...Қишлоқда ҳаёт давом этаверди. Тоштепада тонг отиб, кун ботаверди.

Кулмат бобонинг кампири Норой хола бандачилик қилди. Тошгул хола эшифтади. Бормади.

Ойдин момо омонатини топширди. Тошгул хола бехабар қолди.

Сайфи тоға ҳам бу дунёни бизга ташлаб кетди. Тошгул хола уйидан чиқмади...

\*\*\*  
Тошгул хола...

\*\*\*  
Тошгул хола...

## ЙЎЛОВЧИЛАР

Чол вагон деразасидан вокзалга ўйчан термилиб турарди, манзилга ошиқсан одамлар тўлқинидаги бесаранжомлик унга шиддатли ҳаёт дарёсини эслатди. «Ҳамиша шундай, одамзод аллақаерга шошгани шошган. Лекин, шовуллаб оқаётган умр дарёси ҳаммамизни қўшиб оқизиб кетаётганини англамаймиз...»

Вагонлар шарақа-шуруқ қилиб бир силтаниб олди-ю, поезд юра бошлади. Шу маҳал купе эшиги қарсиллаб очилди. Ичкарига олдинма-кетин икки йўловчи кириб келишди. Уларнинг иккови ҳам ҳансирамоқда, ҳаллослаб югуришган, поездга базур улгуришган чоғи.

Чол разм солди. Икковлон чолнинг бор-йўқлигига ҳам эътибор қилишмади. Улардан бири қотма, дароз. Бири ўрта бўй, миқти. Иккисининг ҳам салобатида саломингни синдирадиган сир бор, иккиси ҳам эгнидаги қордай оппоқ қўйлакнинг кескир пичокдай бўлиб тортилган сип-силлиқ

ёқасига бүйинбоf тақиб олган, иккиси ҳам үзига мосу хос тим қора костюм-шым кийиб олишган.

Чол қизиқсинаиб қаради: «Во-е-ей, валломат кишилар экан-а?»

– Айтим-ку, келмайди деб. У жуда айёр! Бекорга кутиб үтирик, поезддан ҳам қолиб кетаёздик, – деди дароз ҳансираb.

– Мен қаердан билай. Мана, шофёрим унга ҳам билет олиб келувди. Ахир үзи айтувди-ку, – деди миқти ён чүнтагидан чипта чиқариб.

– Б-е-ей, Тұлқин Расулович! Күрасиз ҳали, у бир нарсаны билади. Телефонни ҳам құтармади. Соткасини ҳам үчириб қўйибди.

– Құтарди-ку. Котибаси құтарди. Шифохонада, деди-ку.

– Атайлаб ётиб олган. Аттестациядан жон сақлаб қолиши учун. Бюллетень қиласы. У катта билан яқин бўлиб олган. Менимча, узатган ҳам чиқар, – чийиллади дароз.

Миқти томоқ қириб, чолга бош ирғаб қўйди. Дарознинг уни ўчди.

Дароз чолнинг рўпарасидаги пасттўшакни қўтириб, унинг сандигига қўлидаги бежирим портфелни тапиллатиб ташлади, сўнг шериги миқтипўримнинг сумкасини олиб, унга қараб қолди, миқтипўрим қўзи билан чолга «ишора» қилган бўлди, дароз чолга илкис назар ташлаб илжайди:

– Ассалому алайкум, отам. Яхшимисиз?

Чол алик олди.

– Айбга буюрмайсиз, шу... энди бу ёғига у-бу нарса та-мадди қилиб кетамизда-а?

Дароз портфелни пасттўшакка қўйди. Миқти үтирид. Дароз сумкани очиб купенинг емакстолига ялтироқ, тиллоқоғозга ўралган товуқ гўшти, шўрбодринг солинган тўртбурчак елим идишни олиб қўйди. Бу туз насиба изидан эса емакстолга диккайтириб битта шишани ҳам қўйди. Чол эътибор бермаганга олиб, секингина юз бурди – вагон ойнасидан поезд ортга улоқтириб қолдириб кетаётган катта-кичик уйлар, темирийул четида қатор

қад тутган тутларни, адирликка үйноқлаб чиққан «оқ илон» сўқмоқларни, бедазорда тўп сураётган болакайларни, яшил яйдоқ ортидаги қишлоқни томоша қила бошлади. Қишлоқ шувиллаб учиб кетаётган поезд теграсида гўёки оҳиста айланиб туриб, сўнг ортда қолиб кўздан йўқолгандай таассурот қолдириди.

Чол шерикларига кўз солди. Иккови ҳам унга қимтиниб қараб туришибди. Тушунгандай бўлди, жакети киссасига қўл солди, носқовоғини олди, нос отди. Яна ташқарига кўз юргутирди... Уфқа туташ чўли биёбонни кўрди. «Қизиқ, инсоннинг кўнгли баъзида шунчалар ториқадики, унга ҳатто қил ҳам сиғмайди. Гоҳида шу даражада тўлиқадики, инсон юрагига мана шу чўли биёбон ҳам bemalol сиға олади. Гуржи адиб Думбадзе тўғри айтган: «Инсоннинг юраги бутун ер шарини кўтариб туради», деб...

Чол сезди. Кўнглига айни чоғ қил сиғмай турган икки йўлдошни холи қолдириши лозимлигини ҳис этди. Нега ҳис этмасин, мактабда қирқ йил ўқитувчилик қилган, асосан адабиётдан сабоқ берган кекса муаллимнинг ўз ҳамроҳлари кўнглида нима кечачётганини англамаслик мумкинми, албатта, мумкинмасди.

Чол оғзидағи носни бир ёқлик қилиш баҳонасида йўлакка чиқди. Танбурга бориб анча пайт туриб қолди. Ташқаридан шом чодир ёйиб, кеч кира бошлаган пайт эди.

– Вагон назоратчиси чолни ўз хонасига, бир пиёла чойга таклиф қилди. Улар анча пайтгача у ёқ-бу ёқдан сухбатлашиб ўтиришди, назоратчи бип-бинойидаккина, шоирдил, адабиётга ошно йигит экан. Адабиётимизнинг оқсоқол адибларидан тортиб, ҳозирги дами баланд замондош ёзувчи-шоирларнинг деярли ҳамма китоблари ни ўқиган, уларнинг кўпчилиги шахсан таниши чиқиб қолди. Тепа токчадан бир тахлам китоб олиб чолнинг ёнига қўйди.

– Булар янги китоблар. Мана, қаранг, Ўткир Ҳошимов, Одил Ёқубов, Эркин Аъзамнинг китоби. Йўлда доимо ки-

тоб үқишиңға үрганиб қолғанман. Тошкентта бориб қайт-гунча биттасини үқиб чиқишиңға улгураман, улар менинг шерикларим, – астойдил деди назоратчи.

– Барака топинг. Китобда, адабиётда гап күп. Китоб үқиган одамнинг күнгли тиник бўлади. Күнгли тиник одам эса сира ҳам қаримайди, – деди чол жилмайиб.

Чол купега кирди. Шериклар купе чироғини үчиришибди. Фақат чоннинг тұшаги тепасидаги тиркама чироқ хирагина ёниб турибди. Вагон деразаси орти – ташқарига зулмат чўккан. Олис-олисларда самоват қаъридаги юлдузлар каби элас-элас нур сочган чироқлар кўриниб қоларди. Поезд шу рўйи-заминнинг юкини кўтариб чинқириб олдга интилади, тўғри-да, ҳар бир одамнинг қалбидаги дарду ҳасрат, аламу қайғу, орзу-армон юки ҳазилакам гапми? Ҳар бир йўловчининг қалбида ер шаридан оғирроқ юк бўлиши мумкин. Хаёлига шу тобда шундай фикр келганига чоннинг ўзи ҳам ҳайрон қолди. «Э-е-ей, анави вагон назоратчиси, китобдўст йигитнинг таъсири ҳам кўнглимни кўтариб турибди, чоғи. Садағанг кетай, адабиёт яхши нарса, үқишиң жудаям яхши юмуш-да!» Чол ўз кунидан қаноат ҳосил этиб, олдинги раис боболар киядиган кенг-мўл кител костюм-шимга ўхшаш, замонавий чолларга мос уст либосини ечиб тўшакка чўзилди. Шериклари миқ этмайди. Ухлаб қолишдимикин? Чол анчагача хаёл суриб ётди. Ҳадеганда уйқу ҳам келавермади. Ёнидаги тўшакда чўзилган миқти шерик чуқур хўрсинди, уҳ тортди, ёнбошига ағдарилди, ни-мадандир безовта бўлди чоғи, ўзича тўнғиллаб қўйди.

– Кўрқяпсизми? – туйқус тепа тўшакдаги дарознинг овози эшитилди.

– Нима деганингиз бу? – ихранди миқти.

Тепадаги: – Кўрқаяпсиз! Ичмадингиз ҳам. Ухлай олмаяпсиз.

Пастдаги: – Нимадан кўрқаман?

Тепадаги: – Ишдан ҳайдалишдан.

Пастдаги (хўрсиниб): – Сиз ҳали ёшсиз. Менга нафақа-га чиқишим учун бир йилгина қолди.

Тепадаги: – Ўша ярамас икковимизни ҳам аттестациядан ўтказмайди, кўрасиз.

Пастдаги: – Сиз қаердан биласиз?

Тепадаги: – Текширувчилар дабдала қилиб кетишди-ку... Ёки сиз...

Пастдаги: – Нима демоқчисиз? Мени кимга ўхшата-япсиз?

Тепадаги (кулиб): – Ўхшатсам, ўхшатмасам, йўлини тополмагансиз. Ҳаммамиз йўлини тополмаяпмиз. Бу ка-софат қаерда сабоқ олган экан-а? Ўзиям тубканинг тубидаги бир вилоятда туғилиб ўсган. Отасиям оддий одам экан, ўқитувчими-мўқитувчими, шундай...

Пастдаги: – Э-е-ей, кўйинг-е, шу гапларни. Ухланг.

Тепадаги: – Мен ухлайвераман, сиз ухлай олмайсиз. Ундан кўра, юз грамм отиб олинг.

Пастдаги: – Секинроқ гапиринг. Чол уйғониб кетади...

Тепадаги: – Чол ухляяпти. Тошдай қотиб қолганга ўхшайди.

Чолнинг кўзи юмуқ, қулоқлари очик эди. Чол уйғоқ эди. Чол нима қиласини билмас ҳолда, хижолатда эди. Буларнинг гапини эшиитмасликнинг иложи йўқ, эшитиш эса нокулай, ўрнидан туриб ташқари чиқишининг эса эви эмасди, чол гўё ловуллаган чўғ устида ётгандай эди. Нима қилсан? Қулоқ ўлгур ҳам том битмайди шу тобда.

Пастдаги: – Аввал Аъзам Жабборовични гага фотиҳага кириб чиқайлик. Кейин вазирликка ўтамиш.

Тепадаги: – Кўнглингизга фотиҳа сиғадими ҳозир? Хотини ўлганига ўн кундан ошди. Аввал ишни ҳал қилайлик.

Пастдаги (хириллади): – Ҳар ҳолда бирга ишлаймиз у киши билан. Унинг ўрнида бошлиқ ё мовун-повун бўлганда бу гапларни айтмасдингиз.

Тепадаги: – Аъзам Жабборовични анавининг қариндоши дейишади.

Пастдаги: – Кимнинг?

Тепадаги: – Ҳужайниннинг. Лекин унинг ҳам гапига қулоқ осмаскан, ярамас. Ёш бўлса ҳам чўрткесар, қайсар экан.

Пастдаги: – Мен ухляяпман, ухланг энди сиз ҳам.

Тепадаги: – Анави вилоятга келганды уч нафар ходимни ишдан бүшатувди. Уларни қайраб, ўқлаб қўйдим. Тайёр туришибди.

Пастдаги (оҳиста): – Бу нима деганингиз?

Тападаги (секингина): – Ёзишади. Тепага ёзишади. Интернетга ҳам ёзишади. Хориж радиоларига ҳам чиқишади. Нима қилиб бўлса ҳам анавини ўрнидан жилдиришимиз керак. Тўрт-бешта аноним хатлар ҳам бор. Айрим норизо ходимлар ҳам биз томонда.

Пастдаги: – Нега буларни менга гапиряпсиз? Ахир у одам биздан бор-йўғи иш талаб қиляпти, яхши ишла, деяпти. Кўйинг, менга тинчлик керак.

Тепадаги: – Уни тинчитсак, тинчиймиз. Йўқса, тинчмаймиз. Йўқса, бизга тинчлик йўқ. Сизни билмадим, мен осонгина таслим бўлишни истамайман. Яна бир йўлини ўйлаб қўйдим.

Пастдаги (ижирғаниб): – Бошқа йўлингиз йўқ. Энди ухланг.

Тепадаги (чийиллаб): – Бор. Бор. Менда ишлайдиган бир аёл хўжайнинг хотини билан таниш экан. Хотинларнинг кўзи оч бўлади, биласиз, ўтган ойда у-бу нарса, совға-салом қилиб жўнатвордим. Олибди-ку... Олади. Ўзи олмаса хотини олади.

Чолнинг қулоқлари ловуллаб қизиди, қулоқларини чўғ куйдирди. Оғриқдан қулоқлари шанғиллаб кетди. Чол ўрнидан турди, вагонга суюниб ўтирди. Шериклар жим бўлиб қолишиди. Вагон йўлагига чиқди, ичидаги оташ ёнарди. Вагоннинг очиқ деразаси ёнига бориб, юзини шамолга тутди. Чол негадир ножуя иш устида қўлга тушган одамдай ҳис этди ўзини. Чолнинг купега киришга юраги чидамади, вагон биқинига ёпишган ўриндиқни туширди, ўтирди. Поезд зимиstonлик ичра олдга интиляпти. Чол тонгга қадар шундай ўтиришга қарор қилди, купенинг ичи ҳам зимиston, у ердаги шерикларининг қўнгли каби қоронғи эди-да...

Айни тоб купеда шундай гап-сўз бўлиб ўтияпти:

- Ухламаган экан, энағар. Гапимизни эшитса-эшит-гандир, ниманиям тушунарди бу...
- Ётсангиз-чи, одамни қийнавордингиз.
- Хү-ү-үп, ухлаганим бұлсин. Чол энди қайси гүрга кетдийкин? Қариганда қувигинг ҳам бұшаб қолади-да, хе-хе-хек!

Тонг саҳар поезд катта шаҳарга етиб келди. Чолнинг ўрни бүш эди.

- Э-е-ей, отамиз хайру хүшни ҳам насия қилибдилар-да, - ижирғанди дароз.
- Тезроқ бўлинг. Биздан бошқа ҳамма тушиб кетибди,
- ҳорғин минғирлади миқти.

Катта идорада нима гап-сўз бўлди, бизга қоронғи, бу ҳаётда кутилмаган ҳодисалар ҳам юз беради, бу аниқ – тасодифми, ё Худо кўнглига инсоф бердими, ишқилиб «Анави» буларнинг «ковушкини тўғирлаб» кўймади, имкон берди. Олти ой муддат қўйди. Болта тушгунча кунда дам олибди; миқти пенсия ёшини ўйлади, яхши бўлди-ёв, бир амаллаб етиб олсам гўрга эди, ўзим ҳам тортолмаяпман-да. Дарознинг хаёлидан кечгани эса шу бўлди: «Ҳаракатларим зое кетмади чоғи, янгамуллода гап кўпга ўхшайди...»

Пешин пайти ҳамкасби Аъзам Жабборовичдан кўнгил сўрагани фотиҳага боришли. Дароз азадорга сабр-бардош тилади, дардига шерик бўлди, кўзига ёш ҳам олди.

– Хўжайн ҳам хабарлашиб турибдиларми? – деди дароз гўёки сукунатни бузмоқчи бўлгандай.

– Ҳа. Тунов куни ҳам шу ерда эдилар. Бугун амаким билан бирга келишса керак, – деди азадор.

Миқти бош эгиб ерга қараб жим ўтирди. Меҳмонлар кетишга изн сўрашди. Улар энди ўрнидан қўзғалишган ҳам эдики, ҳовли қўнғироғи жиринглаб қолди. Мезбон булардан илдамроқ юриб эшикни очди. Остонада пайдо бўлган кимсани азадор гавдаси билан тўсиб турибди. Улар бағирлашиб кўришли. Сунг очиқ эшиқдан бўйдору

пойдор, бақувват, вуждудидан күч ёғилиб, күзларидан үт чақнаб турган, шиддатли, ёш, норғул йигит – хұжайин, (дарознинг таъбири билан айтганда Анови) күриниш берди. Бизнинг йұловчиларимиз уни күриши ҳамоно иккови ҳам иккала құлини құксига қўйиб, таъзим этиб, турган жойида тош қотиши. Дарознинг хаёлидан «Яхши бўлди келганимиз. Бизни ҳам кўрди...» деган ўй ўтди. Бошлиққа қараб илжайди, сўнг азадорнинг ёнидаги чолни, ҳа ўша йўлдош-йўловчи чолни кўриб юз томирларига чимиллаб оғриқ кирди, юзи жимиirlаб, оғзининг бир бурчи қийшайиб, аъзойи бадани титраб кетди, миқти бир қимиirlаб ичидан ихроқли товуш чиқарди. Чол буларга қараб кинояли жилмайди. Бошлиқ ҳам уларга разм солиб бироз хижолат тортди, кап-катта одамларнинг бунчалик сертавозе бўлиб туриши малол келди.

– Отажон, бу кишилар мен билан бирга ишлашади, – деди бошлиқ чолга йўл бошланг, ишорасини қилиб.

Чол яна уларга нигоҳ қадади. Дароз сўроқ белгисидайгина бўлиб букчаймоқчи бўлди, миқти турган жойида тайсаллади, қанийди, оёғидаги тушов ечилса-ю, узоқ-узоқларга қочиб кетса, қанийди, оёғи остидаги ер ўйилиблар кетса-ю, ернинг тагига кириб кетса...

Чол уларнинг ёнига келиб ўйчан назар солди, сўнг жилмайди.

– Энди яхшимисизлар, ўғилларим?..

Дароз довдиради, тили айланмади.

– Ях... Ях... Ях...!

– Шу йигит менинг ўғлим бўлади, – деди чол секингина, эштилар-эштилмас.

Йўловчилар музу мулзам бўлиб ҳовлидан чиқишиди. Энди нима қилишади, Худо билади.

## УРУШ ТУГАСА, АЙТИНГ, ҚАЙТИБ КЕЛАМАН...

(Кинохикоя)

*Режессёр укам Сұхроб ҲАСАНОВга  
бағишилайман*

### 1

Украинанинг ғарбий ҳудуди. 1941 йил. Тонг пайти. Ёзниң дастлабки кунлари. Оддий бир ҳовли. Турфа дов-даражатлар барг ёзиб, ғұра урган. Ёруғ ва ёниқ ҳаёттинг сокин ва осойиш күриниши. Күзга иссиқ шу ҳовли орқали оддийгина бир кулбага нигоҳ ташлаймиз. Тонг пайти. Кулба деразалари ланг очиқ. Пардалар тонг сабосида оқиста титраб-тебранади. Ҳолатга мосу хос мусиқа.

### 2

Кулба ичига үтамиз. Дераза қанотлари ланг очиқ хона үртасидаги столда одмигина тузалган дастурхон. Стол атрофида хонадон эгалари нонушта қилишяпти. Уй соҳиблари – тұрт нафар. Ота – 35 – 40 ёшларда, куч-қувватга тұлық, алпқомат. Она – 30 ёшларда, жуда келишган, қадди камоли адл, гұзал аәл. Тилларанг соchlари елкасида шовиллаб турибди, чехраси тиниқ ва ёниқ, мовий күзлари ёлқин, оппоқ чехрасида ёйиқ табассум. У үз бахтидан масруру мағрур ҳолда қаршисидаги эридан күз узмайды, ёнида үтирган беғубор ва маъсум қизчаларидан күз узмайды. Қызлар ҳали норасида. Уларнинг бири – 7 ёшда. Бири – 6 ёшда. Иккисининг ҳам соchlари худди ойисиники каби олтинтус, нигоҳлари мовий. Хуллас, улар шоду хуррамлик билан нонуштага ийғилишган. Жувон үрнидан туриб стол четидаги күзачани олиб дастурхондаги косачаларға сут қўйиб, үз жигарларига улашади. Қизчаларининг бошини силаб-сийпаб, уларнинг юзидан үпиб эркалайды, эрига янада хушқол бўлиб табассум ҳадя этади. Эркак апил-тапил овқатланиб үрнидан туради. Қиз-

ларини суйиб-эркалас, хотинининг ҳам чехрасидан ўлиб қўяди-да, остона томон йўл олади. Ишга кетяпти. Жувон уни ҳовли остонасигача кузатиб чиқади, хайрлашган бўлади. Қизчалар очиқ дераза раҳига суюнганча отасини кузатиб, ортидан қўл силтаб қолишади. Ишга кетаётган эркакнинг ортидан унинг елкаларини кўриб турамиз.

### 3

Кичкина қиз (6 ёшдагиси) деразадан ҳовлига қараб турибди. Отасининг йўлига кўз тикиб турибди. Оқшом. Қизча ҳамон дераза ёнидан жилмай, отасининг келишини кутиб ўтирибди. Қорангилик чўкади.

### 4

Кулба ичига ўтамиз. Кулбани хира шуъла ёритади – шифт ёки девордаги, балки столчироқ ожиз нур таратиб турибди. Она деразадан ташқарига боқиб турган қизалоқни оҳиста кўтариб олиб келиб, опасининг ёнига ётқизади. Уларнинг устига енгил ёпинчиқ ташлаб қўяди. Осмонда юлдузлар ғужғон. Олис самовот қадар тинчлик ва осойишталик ҳоким. Ташқарида ёз симфонияси авжиди: чигирткалар чириллаши, қурбақалар қур-қури, тунги кушлар сайроғи.

### 5

Ота ишдан кеч қайтади. Остонада уни кутиб олган аёли юзига нечундир хавотир билан қараб тураверди. Аёл ҳам эрининг кўзларига мунгли термилади. Улар дастурхон атрофида бир-бирига ғамгин боқиб тураверишади. Аёлнинг кўзларидан ёш сизади. Ухлаётган қизчаларига мунг ва қўркув билан қараб қўяди, сўнг нигоҳини эрига қадайди. Лаблари парпирайди. Ёнига ўтариб эрининг кўксига бош қўяди. Эри унинг олтинтус соchlарини силайди.

## 6

Тонг пайти. Эрталабки нонушта. Бу гал эр ҳам, хотин ҳам қувноқ әмас. Уларнинг чеҳрасида алланечук хавотир ҳамда изтироб ҳоким. Қизчаларга улар ўз ахволи руҳиятини сездиргиси келмайди. Жувон косачаларга қўзадан қўллари қалтираб сут қўяди. Ўриндиққа минг бир азоб иҳроғида ўтириб, иягини икки кафти орасига олиб тирсагини столга қўяди, эрига яна мунгли қараб тураверади. Эркак ўртада ғамгинликни юмшатиш учун базур жилмайиб, дастурхондан чақмоққанд олиб қизчаларига узатади. Сўнг нимадир эсига тушгандай ўрнидан даст туриб кеча айвонда қолдирган юхалтасини очади. Унинг ичидан мактаб портфели олиб катта қизига узатади. Қиз ўрнидан туриб сумкачани шоду шодмон ҳолда олиб ўзи ни отасининг бағрига отади. Уни эркалаб ўпа бошлайди. Кичик қиз ўтирган жойида отасига «Менга ҳеч нарса олиб келмадингми...», деган каби қовоқ уюб қарайди. Ота катта қизини бағридан бўшатиб ерга қўяди-да, юхалтадан катта расм дафтар ва рангли қаламлар тахламини олиб кичик қизига узатади. У ҳам хурсанд бўлиб совғани олади. Отаси уни суйиб-эркалайди. Юхалтадан икки жуфт этикча олади. Қизил ранглисини катта қизчасига, кўк рангли этикчани эса кичигига беради.

## 7

Тасвир алмашади. Осмонини қоп-қора булутлар тўсиб келаётганини кўрамиз. Шунга мосу хос мусиқа янграйди.

## 8

Кичкина қиз дераза раҳига суюниб расм дафтарга қўёшли, тоғлар ва дарёларнинг сувратини чизиш билан банд. Катта қиз ўз тўшаги устида дадаси олиб келган мактаб портфелини кўксига босиб ўтирибди, бир қўлида қип-қизил этикчалари.

9

Айвонда тик турган эрини қучган аёл изиллаб йиғла-моқда. Эркак минг бир азоб билан эшикка – ичкарига қараб күяди. У бу ҳолатни, бу эзғинди манзарани қизчалари күришини асло истамаётганини, хотинига ўзингни қўлга ол, деган маънода илтижоли боқаётганини ҳис қиласиз.

10

Қишлоқ адодидаги черков гумбази. Черков қўнғи-роқлари вақтни белгилаб занг уради.

11

Ота кулба ичига отилиб киради-да, иккала қизини ҳам кўтариб олади. Уларни юз-кўзидан ўпади. Аёл эса ташқаридан деворга мажолсиз суюниб йиғлай бошлайди. Осмонда самолётлар овози эшитилади.

12

Ота кетяпти. Унинг ортидан кўриб турамиз. Унинг елкаларига кўзимиз тушади. Энди иккала қиз кулба дे-разасидан унинг ортидан мунгли кузатиб туришади. Эркак кетяпти. Рамзий тарзда тўғри у зимистонлик, уруш ўпқони ичига кириб боради, кадрда энди чинакам уруш манзаралари, отишма, портлаш, ваҳимали чинқириқлар, снарядларнинг чийиллаб учишларини эшитиб, кўриб турамиз. Эркак кетиб бормоқда, уруш зулматини тилкалаб кетиб бораётган одамнинг ортидан биз ҳам кузатиб турамиз. Уруш бошланди.

13

Рамзий тасвир (Символика)

Йўл. Бош-адоғи кўринмайдиган йўл. Йўл борган сайн қоронғилашиб бораверади, яъни зимистонликка бориб

тақалади, сингиб кетади. Тасвирда йўл ушлаб турилади. Сўнг туйкус автоматнинг тариллагани эши билади. Йўлнинг қоқ ўртасига болалар тақадиган кўзойнак тушади. Тушган кўзойнакни этик кийган оёқ топтаб эзғилайди. Яна автоматнинг тариллаши эши билади. Йўл ўртасида болалар ўйинчоғи, қўғирчиқми, айиқчами келиб тушади. Этикли оёқ уни ҳам топтаб-эзғилаб, йўл четига тепиб юборади. Яна автомат овози эши билади. Йўл ўртасига бу гал болакайнинг уч ғилдиракли велосипеди келиб тушади. Этикли оёқ уни ҳам тепиб-тепкилайди ва йўл четига чиқариб ташлайди. Шундан сўнг йўл устига ёш болакайларнинг сон-саноқсиз сувратлари хазон япроғидек тўкила бошлайди – автоматнинг эса тариллаши сира тинмайди. Фашистлар болаларни қирмоқдалар. Аянчли мусиқа янграб йўл тақалган даҳшатли манзара – Киев шаҳридаги Баби-Ярь майдони кўринади. (Фашистлар у ерда одамларни отиб, ғорга қўмиб ташлаган.) Урушнинг даҳшати Баби-Ярь осмонини тутган йифи ва чинқириқ, даҳшатли дод солиш ва автоматларнинг тариллаши билан қўшилиб кетади. Тасвир Баби Ярдан осмонга кўчади, даҳшатли мусиқа остида биз қонталаш осмонни кўрамиз.

## 14

Қаҳрамонларимизнинг ҳовлиси. Ҳамма томон тўзғиб ётибди. Кичкина қизалоқ деразадан ҳовлига қарайди. Ҳовлида портлаш содир бўлади. Ташқарида ўқ овозлари эши билади. Қизалоқ пардани ёпиб ўзини стол тагига олади. Хонанинг бир бурчида онаси ва катта қизалоқ қўрқувдан дағ-дағ титрайди. Ҳовлида яна портлаш содир бўлади. Этикларнинг гурсо-гурс топташ овози эши тилиб туради. Аёл нима қиласини билмай, караҳт аҳволда кулбадан ташқарига чиқади. Кулба ичиди, бурчақда дағ-дағ титраб ўтирган катта қизалоқ ҳам эшик томон йўл олади. Стол тагидаги кичик қизалоқ эса уларнинг

ташқарига чиққанини пайқамайды. Үқ овозлари ва портлаш, аёлнинг чинқириғи әшиналади.

## 15

Яна ўша йүл. Йўлнинг қоқ ўртасига катта қизалоқнинг ху-ув ўша – дадаси олиб берган мактаб портфели ҳамда қип-қизил этикчалари келиб тушади. Этикларнинг ёнига дадасининг суврати ҳам келиб қўшилади. Этикли оёқ уларни тепкилаб-топтайди. (Биз қизалоқ ва унинг отаси ҳалок бўлганлигини ҳис қиласиз.)

## 16

Кулба. Кулба эшиги шарақлаб очилади. Кўксига ўққа учган қизалоқнинг ўлигини кўтариб олган она кириб келади. У остоңада дағ-дағ титрайди ва дод солиб йиғлаб юборади. Стол тагидан отилиб чиқсан кичик қизалоқ ҳам онаси томон югуради-да, унинг оёқларидан қучади. Аёл қўлида катта қизалоғининг ўлиги, энди бир нуқтага тикилиб туради. Лаҳзада унинг юзларига ажин тушиб, соchlари оқариб кетганини кўрамиз. Аёл телбанома бўлиб илжаяди. Қизалоқнинг мурдасини ерга қўяди, у ёқбу ёққа аланглайди, сўнг илжаяди.

## 17

Осмон. Тиниқ осмон. Оқ булутлар орасидан катта қизалоқнинг, дадасининг сиймоларини, уларнинг руҳини кўрамиз. Улар уруш қурбонига айланганини ҳис қиласиз. Шу лаҳзада фалакда бесаноқ фаришталар – уруш ўлдирган ёш норасида болаларнинг руҳини ҳам кўрамиз.

## 18

Кулба. Тонг пайти. Қоп-қора кийинган аёл, столга кўксини тираб ўтирибди. Унинг рўпарасида кичик қизалоқ. Уларнинг иккиси кўзида ҳам мунг. Аёл ўрнидан

туради. Токчадаги этикчалар, үққа учган ўша катта қизалоғининг эгасиз қолган қип-қизил этикчаларини столнинг бир четига қўяди. Дастурхондан қора ноннинг бир ушоғини олиб этикчага тутади. «Ма, ол, еб ол», маъносида нон бурдасини унинг ёнига қўяди. Сўнг этикчаларга жилмайиб қараб турди.

Сут солингган стаканни ҳам этикчанинг олдига қўяди: «Ол, сут ич», қабилида бош ирғайди. Яна этикчиларга қараб илжаяди. Қизалоқ эса дағ-дағ титраб ўрнидан туриб, дераза ёнига бориб, ташқарини кузатади. Унинг кўзидан дувиллаб ёш отилади. Аёл ўрнидан туриб гўёки этикчаларга шаппати ургандай бўлади, нон бурдасини этикчаларга теккизади-да ва бирдан уларга қараб ранги оқаради, уларни бағрига босиб чинқириб юборади.

## 19

Кулба ичига фашистлар – этикли оёқлар кириб олишган. Уларнинг фақат этикли оёқлари кўринади. Қизалоқ ўша столнинг тагига кириб бекиниб, юзини саватми ёхуд бирор нарса, латта-путта билан бекитиб олган. Этикли оёқлар хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди. Қизалоқ титраб-қақшаб бекиниб турибди.

## 20

Кулба ичи. Аёл столдаги ош пичоқни олади. Унга қараб турган қизини бағрига босади-да, унинг юз-кўзидан ўпид хонадан шаҳд билан чиқиб кетади.

## 21

Яна ўша йўл. Автомат тариллайди. Йўлакнинг қоқ ўртасига қонга ботган ош пичоқ келиб тушади.

## 22

Осмон. Олис осмон бурчида аёлнинг руҳи тип-тиниқ сиймоси кўринади. У аввалгидай гўзал. Юзида ёниқ та-

бассум ёйилган. Биз уни фашистлар отиб үлдирганини англаймиз.

23

Кулба. Қизалоқ дераза ёнида ташқарига қараб турибди. Қаҳратон нам этган дераза ойналаридан ташқарини кузатмоқда.

24

Тасвир, уруш даҳшатлари, портлашлар кўринади.

25

Қизалоқ ҳамон деразадан ташқарига қарайди. Қиши аёзи нам этган деразага бармоқлари билан (қалам ёки бўёқ билан) ажи-бужи қилиб ёзади: Деразада «Мен кетдим. Уруш тугаса хабар беринглар. Қайтиб келаман!» деган ёзув пайдо бўлади. У токчадан суратни олди. Суратда: отаси, онаси, опаси ва ўзи...

26

Йўл. Қизалоқнинг уруш даҳшати, ўқ бўронлари ичидан кетиб бораётганини кўрамиз. Уни ортидан кузатиб қоламиз. Титраб-қақшаб кетаётган қизалоқнинг нозик елкаларини кўрамиз.

27

Вокзал ёки поезд. Поезд вагонларида эвакуация қилинаётган ёш болалар тасвири. (Хроника ёки архивдан топиш мумкин.)

28

Қизалоқ ҳамон кетиб бормоқда. Энди унинг улғайиб бораётганини, бўйи етаётганини, танаси куч-куватли бўлиб, бўй чўзиб бораётганини кўрамиз.

29

Ўзбекистон. Фронт ортида ишлаётган ўзбек халқи тасвири. (Хроника.)

30

«Сен етим эмассан» фильмидан лавҳа. Шомақмудовлар хонадони. Дастанхон олдида йиғилган, турли миллат вакилларининг уруш бўлаётган ҳудудларидан Тошкентга эвакуация қилинган болалари. Биз қаҳрамонимиз – қизалоқни ҳам шу ерда эканлигини ҳис қиласиз.

31

Ўзбекистонда фронт орти мاشаққатлари. Аёллар буфдой ўрмоқда ёки шунга ўхшаш оғир меҳнатлар акс этган уруш даври ҳаёти (хроника).

32

Ўзбекистон. Йўлдан бир қизалоқ келяпти. Ҳаракат давомида у улғайиб бораверади. Ҳаёлида эса уруш манзаралари, Ўзбекистонда кечган фронт ортидаги меҳнат манзаралари лип -лип ўтаверади.

33

Йўл туташган ҳовли. Ҳовли этагидаги энди соchlари оппоқ, юзини оғир йиллар даҳшати ажин этган кампирни кўрамиз. У ҳовли эшигини очиб, ичкари ҳидлайди. Ҳовли четидаги файзли бир уйнинг эшигини очади. Хонага киради. Юзидан нур таралиб тургани, оқ-сариқ чеҳрасида қат-қат ажинлар, мунгли кўзларидағи мислсиз изтиробни кўрамиз. Кампир айвонга чиқиб кўрпача устида ўтиради.

Оғир хаёлларга толади.

34

Кампирнинг хаёли: кампир ўша болалиги – энг қувноқ дамлар – отаси, онаси, опаси билан биргаликдаги хуш ёқимли палладарни әслайды.

Мижжаларидан ёш оқади.

35

Кампир яна уй ичига киради. Ичкаридан кийимларини олиб жомадонга тахлайды. Кийимлар тахланиб турған шкаф ичидан ўша болалиқдаги сувратни олади. Сувратда дадаси, ойиси, опаси ва ўзи. Сувратни бағрига босади. Жомадонга жойлады.

36

Үтирган жойдан деразага қарайди.

37

Дераза орқали Ўзбекистоннинг бугунги қўриниши, мевалар ғарқ пишган боғлар, сўлим тоғлар, сойлар, сой бўйида бўйи етган қиз ва йигитларнинг баҳтдан суурорли ҳолатда ўйин-кулги билан чўмилишлари, кенг узумзорлардан узум узаётган баҳтиёр жувонлар, полизларда сувтаратиб юрган деҳқонларни кўрамиз. Тинч ва осойишталик тимсолидаги ёруғ манзаралар, шовуллаган буғдорзорлар намоён бўлади. Кампир суур билан жилмаяди. Кўзларидан ёш сизади.

38

Кампир нигоҳини деразадан олади. Бир нуқтага тикилиб туради.

## 39

Кампир үрнидан туради. Беихтиёр телевизорни қўяди. Экранда Украина даги бугунги ҳолат намоён бўлади. Данбас, Луганск... Снарядлар портлаши. Вайронага айланган уйлар орасида юз-бошидан қон оқаётган, чинқириб йиғлаётган болаларни кўрамиз. Кампир ва жоҳатли тарзда экранга термилиб қолади. Унинг кўзлари даги сўнгсиз кўркув ва азоб юрагимизни ларзага келтиради.

## 40

Кампир телевизорни ўчиради. Бир нуқтага тикилиб қолади. Сўнг кийимларини жомадондан олиб яна шкафга ўз жойига тахтай бошлайди. Сувратни олиб яна шкафга қўяди.

## 41

Эшик очилади. Ўз иши билан андармон кампир эшик томон қарайди. Қия очиқ эшикда олти-етти ёшлардаги, факат турсик кийиб олган, ярим яланғоч болакайни кўрамиз. Болакайнинг бир қўлида тандирдан узилган иссиқ нон, бир қўлида эса косада овқат. Кампир болакайнинг қўлидан у келтирган емакларни олиб стол устига қўяди. Болакайни бағрига босиб, унинг юз-кўзларидан ўпади. Биз қўшнилар кампирни йўқлагани, қўшни бола унга у-бу нарса олиб келганини англаймиз. Кампир токчани тортади. Ундан қанд-курс ёки бирор ширинлик олиб болага узатади. Бола чиқиб кетади.

## 42

Кампир яна дераза олдига боради. Олис тоғлар сари нигоҳ ташлайди.

**43**

Кампир ўз уйидан чиқади. Ѕілғиз сұқмоқдан ёлғиз кетіб боради. Биз унинг ортидан, елкаларини күриб туралыз. Сұқмоқ қабристонга бориб туташади.

**44**

Қабристон. Қабр. Қабр тош. Қабр тошда эса бундан узоқ йиллар олдин кампирнинг болалиги ўша – қизалоқ Ѽзган ўша ажи-бужи ёзувни ўқиймиз: «Мен кетдим. Уруш тугаса хабар беринглар. Қайтиб келаман!»

**45**

Қабр тошдаги ёзувдан сұнг тасвир оппоқ осмон билан алмашади.

*TAMOM*

## МУНДАРИЖА

### ҚИССАЛАР

«Азизам, табассум қил!» .....	3
Күшни ким уйғотади? .....	100

### ХИКОЯЛАР

Жонтомир.....	173
Нима бұлди? .....	181
Олисдаги одам.....	188
Янги йил драмаси .....	196
«Шарқ юлдузи» борми? .....	202
Мени Тұра бова урди .....	211
Хамён.....	222
Чакки бұлди, адашди.....	233
Ким кимни алдади? .....	237
Оғир юкнинг оғриғи .....	241
Буюк боболарнинг гүзәл ёлғонлари .....	245
Етим бобо .....	249
Чингачгүк бобо .....	251
Умр шомидаги нур .....	259
Пальто .....	265
Чол хафа бұлди .....	273
Олис күнгил сояси .....	280
Жаҳолатдаги жонҳолат .....	284
Муноғиқ .....	286
Курсилар ҳасрати .....	290
Тошгулни жин чалди .....	294
Йұловчилар .....	298
Уруш тугаса, айтинг, қайтиб келаман... ( <i>Киноҳикоя</i> ) .....	306

*Адабий-бадиий нашр*

**ҚҰЧҚОР НОРҚОБИЛ**

**УРУШ ТУГАСА, АЙТИНГ,**

**ҚАЙТИБ КЕЛАМАН**

*Қиссалар, ҳикоялар*

Мұхаррір

Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий мұхаррір

Зилола ТҮЛАГАНОВА

Компьютерда сақыфаловчи

Дилдора ЖҰРАБЕКОВА

Техник мұхаррір

Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 20.01.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табоби 10,0. Шартлаи босма табоби 16,8.

Гарнитура «Century Schoolbook». Офсет қоғоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 7.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43.

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru

24.1500



Құчкор НОРҚОБИЛ

## ҮРУШ ТУГАСА, АЙТИНГ, ҚАЙТИБ КЕЛАМАН

Үғлон урушдан қайтди. У зериқди... Ота уй деворида осиғлик милтиқни олиб, тоғ сары йүлгә тушди – овга! Тик сүқмоқтанобини тортди – баландга чиқди. Үлжаны пойлаб пусиб ётди. Зовгум гирдида боласини әмизиб турган она кийикни күрди. Үғлон ётган жойида қимир этмай, чуқур нафас олиб, мулжалдан адашмаслик учун тош қотди. У она кийикнинг қоң манглайнини нишонга олди. Үнг құлининг күрсаткич бармогини милтиқ тепкисига олиб борди.

Бир... икки... уч... У теккига құл теккизді, бутун вужуди нигоҳга айланаб, нишонда турган она кийикка қадалди. Бола кийикнинг эса оғзидан сут күпіриб тошар, бу дунёи дундан бехабар, үйноқлаб-үйноқлаб, онаси елиніңа ёпишарди.

Бир... икки... уч... Бироқ тепкига тегиб турган бармоқлар қимир этмади, жиққа тер бұлды, титради. Үғлон күзларини юмди. Лаңза зими斯顿лиги узо-о-оқ чүзилғандай бўлди. Күзини очди. Рӯпарасида ҳеч нарса йўқ, кўзга элас чалинаётган, тошқумлоқдан кўтарилигана юпқагина қум чангини, тик сүқмоқдан пастга қараб елдай учайтган она кийик ва кийикчани кўрди. Үғлон енгил тортди – елкасидан нафас олди. Сўнг жилмайди, сўнг... қаҳ-қаҳ урди, култиси тогни титратди. Кейин ҳозиргина жониворлар шамолни ортда қолдириб учиб утган тоғ сүқмоқдан пастга қараб туша бошлади.

Үғлон овдан куруқ қайтмоқда... Уруш комида унинг мўлжалига тушган ҳеч бир “нишон” кулагасдан қолмаганди. Ахир у жангчи эди... Бугун эса унинг куроли илк бор ўз нишонини йиқитмади – илк бор отилмади. У қайтаётib тоғ гулларидан бирини узиб, милтиқ нилига тикиб қўйди.

Жангчининг елкасидаги курол худди гул отиб, гуллаганга ўхшарди. Үғлон қишлоққа куп-куруқ, бироқ елкасида гуллаган курол, кўксисида эса тирилган, ҳа, тирик юрак билан қайтмоқда эди.

Бу ҳам чинакам ғалаба эди. Чунки у уруш комида инсонийлик туйғусини қолдириб келмаганини, кўксисида меҳр илдизлари уйғона бошлаганини ҳис қилди. У йўл-йўлакай жилмаяр, бироқ кўзларидан ёш сизарди... Йигларди... Нега?..

Шу жумлаларни ёзайтганим маҳали менинг ҳам кўзларимдан ёш күйилиб келмоқда... Нега, дейсизми? Билмаймач



[www.book.uz](http://www.book.uz)

Уруш тугаса айтинг

29 000,00



9 789943 207967